

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Махбуба ХАМИДОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ
ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент-2004

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий Кенгашининг 2004 йил 23 декабрдаги 4-сонли қарорига кўра нашрга тавсия этилган

М.Хамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи/ Масъул муҳаррир: Ҳ.Б.Бобоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2004. – 194 бет.

Масъул муҳаррир: Ҳ.Б.Бобоев
юридик фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: М.М.Файзиев
юридик фанлари доктори, профессор
Ф.А.Мухитдинова
юридик фанлари номзоди

Ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикасида давлатчилик ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишининг бой тарихини яъни қадимги Турон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, энг қадимги ҳуқуқий манбалар “Авесто”, “Суғд” ҳужжатлари ҳақида, Ўрта асрларда Мовароуннаҳр давлати ва ҳуқуқи тарихи, мусулмон ҳуқуқининг асосий хусусиятлари, аҳамияти ва манбалари, Темур ва теурийлар империяси давлати ва ҳуқуқи тарихи, Шайбонийлар династияси ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ ҳақида, янги даврда Туркистон ўлкаси давлати ва ҳуқуқининг ривожланиши, Қўқон мухторияти, Туркистон, Хоразм ва Бухоро республикалари, уларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ва ҳуқуқи, шунингдек XX асрнинг 20-80 йилларидаги Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тадрижий кетма-кетликда баён қилинган.

Қўлланма юриспруденция йўналиши бакалавр босқичи талабалари, давлат ва ҳуқуқ тарихи билан шуғулланувчилар учун мўлжалланган.

Мукқадима

XX асрнинг энг муҳим тарихий жаҳоншумул воқеаларидан бири бу мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топишидир. Бу янги мустақил Ўзбекистон давлати фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришдек олий мақсад сари интиломоқда. Бу борада Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани қадимги Турон заминиди давлатчилик ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши бой тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш ва давлатчилик-ҳуқуқий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

“Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимиз танқидий баҳолаб, давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маънавиятимиз томирларига, қадимий меросига қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак¹” – деб таъкидлайди юрт бошимиз И.А.Каримов.

Қўлланманинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида давлатчилик ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши бой тарихини, яъни қадимги Турон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ўрта асрларда Мовароуннаҳр давлати ва ҳуқуқи тарихи, янги даврда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш тарихни илмий билиш, миллий давлатчили-гимиз илдизлари, халқимизнинг қадимги анъана ҳамда урф одатларига, менталитетига таянган ҳолда чуқур ўрганиш, илмий – назарий ва амалий умумлаштириш, эркин миллат ҳамда обод мамлакат истиқбол йўлида хизмат қилишдан иборат.

Зеро, Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий тарихий давлатчилик тажрибасига, халқимизнинг азалий бой маънавий ахлоқий, руҳий анъаналарига, сиёсий-ҳуқуқий ғояларига таянишимиз лозим²".

Қўлланмада қадимги Турон давлат ва ҳуқуқининг пайдо бўли-ши ва ривожланиш тарихи, энг қадимги ҳуқуқ манбалари "Авесто", "Сўғд", ўрта асрларда Мовароуннаҳр давлат ва ҳуқуқ (XIII асргача), мусулмон ҳуқуқининг асосий хусусиятлари, аҳамияти ва манбалари, Темур ва темурийлар империясида давлат ва ҳуқуқ (XIV-XV асрлар), Шайбонийлар династияси ҳукмронлиги даврида Моворауннаҳр ва Хуросон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ, хонликларнинг ташкил топиши (XV-XIX асрнинг 1-ярми), Чор Россияси ҳукмронлиги даврида давлат ва ҳуқуқ, Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимиятини ўрнатили-ши, Ўзбекистоннинг 1920-1980 йиллардаги давлати ва ҳуқуқи, Мустақил Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи таджирий тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида ёритилган.

Қўлланмани ёзишда республикамиз ҳуқуқшунос, тарихчи олимлари томонидан тайёрланган дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётлардан кенг фойдаланилди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва истисодий истисеболининг асосий тамойиллари. Т.: "Ўзбекистон". 1995. – 9-б.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўе. Т.: "Ўзбекистон". 1998. – 31-б.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи тарихий-ҳуқуқий фан

Режа:

- 1. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг предмети, вазифаси ва аҳамияти**
- 2. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг ижтимоий-ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни**
- 3. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг ўрганиш услублари**
- 4. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг даврийлиги муаммолари ва манбалари**

Ҳар бир миллатни, ҳар бир давлатни ўз тарихи бор, Жумладан Ўзбекистон ҳам ўзининг қўхна ва бой тарихига эга бўлган мустақил давлатдир.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади...” тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш, ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”.

Шундай экан Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини билиш аввало ҳозирги мустақил давлатчилигимиз ва ҳуқуқимиз ривожланиши учун асосий восита, куч ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқини пайдо бўлиши ва ривожланишида Ўзбекистон давлати ҳуқуқи тарихини, уларнинг қандай келиб чиққанлиги, ўз ривожланишида қандай босқичларни босиб ўтганлиги, уларнинг пайдо бўлишига, ташкил топишига ва ривожланишига қандай сабаблар таъсир кўрсатганлигини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу фаннинг асосий вазифаси Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатлардан то ҳозирги кунгача мавжуд бўлган давлат ва уларнинг ҳуқуқлари ривожланишининг умумий қонуниятларини алоҳида давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини олишдан иборат.

Тарихшунос олим А.Иброхимовнинг фикрича “Ўзбек халқи жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб, ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат”...

Ҳақиқатдан ҳам туркий халқлар, уларнинг ўзагини ташкил қилган ўзбек халқи ўзининг бой маданий-маънавий меросига эга. Бу халқ орасидан етишиб чиққан аллома, мутафаккирларнинг бой илмий меросида миллий давлатчилигимиз тарихий асослари, ғоялари ёзилган.

Ушбу фан Ватанимиз ҳудудида ташкил топган барча давлатларнинг давлати ва ҳуқуқи тарихи, шунингдек алоҳида ўзига хос бўлган давлатларнинг давлати ва ҳуқуқини ўргатади.

Мазкур фан умумий тарих фанидан фарқли ўлароқ, жамиятни тўла бутунлигича ўрганмайди, балки давлат ва юридик муассасаларнинг мураккаб тизимининг тарихий ривожланиш жараёнини ҳамда ҳуқуқи, уларнинг алоҳида

соҳалари ва институтларининг келиб чиқиши, тараққий этиш жараёнини ўрганади.

Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихи фани Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлат ва ҳуқуқ масалаларини, уларнинг маълум ривожланиш босқичидаги кўринишлари, шакллари ва ривожланишини ўрганар экан, кўплаб далилларга, давлатлар, табақалар ва бошқа воситаларга таянади, илмий-тарихий, назарий жиҳатдан асосланади. Шу билан бирга давлат ва ҳуқуқнинг тарихий ривожланиш қонуниятларини аниқлашни асосий вазифа қилиб қўяди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани барча тарихий жараёнларни ўзида мужассам этган фан бўлиб, жамият тарихи билан узвий боғлиқ. Жамиятдан ташқари давлат ва ҳуқуқ бўлмаганидек, давлат ва ҳуқуқнинг ундан алоҳида, ажратилган, ҳолда тарихнинг бўлиши мумкин эмас, чунки давлат ва ҳуқуқ жамиятнинг ўз маҳсули ўз кашф этган сиёсий ташкилоти ҳамда унга хизмат қилувчи қоидалар тўпламидир.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани жамият тараққиёти билан узвий равишда мамлакатимиз ҳудудида қадимдан то шу кунгача бўлган турли давлатларнинг ҳуқуқий тизимларининг пайдо бўлиши, ривожланиши қонуниятларини ўрганади.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг вазифаси ҳозирги Ўзбекистон кўҳна Турон доирасида ташкил топган қадим давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ҳамда ҳуқуқий масалалари ҳақида билим бериш, (Хоразм, қадимги Бактрия, Сўғд) қадимги давлатлар (мил.авв. IV аср миллодий IV аср) Хоразм, қанғ, Фарғона (Давань); илк (V-VIII аср) ва ривожланган (VIII-XIII аср бошлари) Ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги, Темур ва темурийлар даври (XIV аср ўрталари XV аср) давлати ва ҳуқуқи; XVI-XIX аср бошларидаги давлатчилик; Чор Россияси даврдаги давлатчилигимиз тарихи ва ҳуқуқи ҳақида билимлар бериш; ўзбек давлатчилиги ва қонунчилиги тарихига оид манбалар :“Авесто”, “Қуръони карим”, “Зафарнома”, Геродот, Ктесий, Рим, Хитой, Юнон тарихчиларининг маълумотлари асосида назарий билимлар беришдан иборат.

Шунингдек, ушбу фан бугунги кунда Ўзбекистон давлати ва унинг амалда бўлган ҳуқуқ тизимларининг ўзига хос хусусиятларини янги ҳуқуқ институтлари фаолиятини англаш, улар ҳақидаги назарий билимлар бериш билан бирга бўлажак ҳуқуқшуносларда давлат ва ҳуқуқ тарихини янгича таҳлил қилишга, уларнинг энг қадимги даврдан то шу кунгача бўлган тараққиёти тарихий яхлит узвийликда тушунтира бера олиш малакасини шакллантиришни асосий вазифа қилиб олади.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани ижтимоий фан бўлиб, давлатчилик тарихини ва ҳуқуқини ўрганади , шунинг учун ҳам бу фан юридик фанлар қатори тарихий-ҳуқуқий фан ҳисобланади. Бу фан давлат ва ҳуқуқ тарихини кенг, тарихий ва далилий манбаларга асосланиб, таҳлил қилиб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишини; бирин-кетин ривожланишини, уларнинг сабабларини, моҳиятини, мазмун ва шаклларини турли ривожланиш босқичида давлат ва ҳуқуқ соҳаларининг моҳиятини очиб беради. Мазкур фан юридик ва ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқ ва алоқадор. Ўзбекистон давлати ва

ҳуқуқи тарихи фани Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фани билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг ҳар иккиси ҳам тарихий-ҳуқуқий фан олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ўзаро қиёслаш, таққослаш билан бирга ҳал қилади, лекин ўрганадиган масалалари доирасида бир-биридан фарқ қилади.

Шунингдек Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани давлат ва ҳуқуқ назарияси фани билан ҳам узвий боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат ва ҳуқуқни ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Давлат ва ҳуқуқ тушунчалари тоифаларини тизимини ишлаб чиқади, бу тушунчалар эса мазкур фанда кенг ўрганилади.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани билан ҳам ўзаро алоқадор. Зеро, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялар тараққиётини ўрганар экан, бунда давлат ва ҳуқуқий таълимотларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, ижтимоий самарадорлигини тарихий ва хронологик тарзда ўрганади.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани бошқа ижтимоий фанлар умумий тарих, фалсафа, иқтисод назарияси, мантиқ каби фанлар билан узвий боғланган.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанини ҳам ўзига хос ўрганиш усулларига эга. Ушбу усуллар орқали муайян-тарихий давлатнинг ҳуқуқий ҳодисаларини, кенг маънода тарихий-ҳуқуқий фаннинг пойдевори ҳисобланган тарихий фактларни билиш воситалари, усуллари қўллаб чиқилади.

Фанлар учун умумий илмий бўлган анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, мантиқийлик ва тарихийлик, мавҳумликдан аниқликка бориш ва бошқалар умумий усуллар ушбу фан учун тааллуқлидир.

Юқоридаги усуллар бевосита диалектик усул билан боғланган. Диалектик усул реал оламни илмий билишнинг энг умумий усули бўлиб, барча фанлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат ва ҳуқуқ ривожланади, ўзгаради бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади бу диалектик усулдир.

Диалектика ҳодисаларни ривожланишида, бошқа ҳодисалар билан алоқадорликда, бир-бири билан боғлиқ ҳолда, ҳаракатда миқдорий ва сифат ўзгаришида олиб қарайди. У реал мавжуд, муайян вазиятда, муайян вақтда ва ҳудудда вужудга келган. Уларни тушуниш учун уларни вужудга келтирган шароитни, мавжуд бўлган ва яшаётган даврни ўрганиш лозим.

Ўрганишни анализ (таҳлил қилиш) усулида давлат ва ҳуқуқ тарихида юз берган воқеа, ҳодиса, жараёнларни таркибий қисмларига томонларга фикран ажратиш, бу таркибий қисмларнинг мазкур ҳодисадаги воқеадаги, жараёндаги ўрнини белгилаш, ҳал қилувчи даражаларга ажратиш ўрганилади. Таркибий қисмларни синтез қилиш (умумлаштириш) учун анализ қилинади. Турли даврда давлат ва ҳуқуқни келиб чиқиши ва ривожланиши хилма-хил хусусиятларга эга. Мураккаб бўлган давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳодисаларини ўрганиш ва билиш, улар тўғрисидаги тушунчаларни чуқурлаштириш учун давлат ва ҳуқуқнинг

тарихини алоҳида-алоҳида таркибий қисмларга ажратиб анализ қилиш зарур бўлади.

Алоҳида бир давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ўрганиш учун синтез усулидан фойдаланилади.

Синтез- давлат ва ҳуқуқ тарихида юз бераётган воқеа-ҳоди-саларни жараёнларнинг қисмларини, томонларини фикран бирлаштириш асосида янги билимларга, яъни янгиликка хос умумий хусусият-ларни ва алоҳида давлатлардаги ўзига хос хусусиятини ўрганади.

Анализ тадқиқот жараёнида билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи ҳисобланса, синтез уни яқунлайди. Анализ ва синтез натижасида давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича умумий тушунча, муҳокамаларни таркиб топиб, улар ёрдамида давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг ўзига хос ва умумий сифатлари ва қонуниятлари аниқланади, шаклланади.

Аналогия усулида давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг турли давлатлардаги бирор хусусиятларини ўхшашлиги ўрганилади. Аналогия-да икки ёки бир неча давлатнинг айрим олинган даврда, турли ривожланиш босқичларидаги давлати ва ҳуқуқи ривожланишининг ўхшаш хусусиятлари ўрганилади.

Тарихийлик методи – давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш ва унинг ривожланиб бориши аниқ вақтини, даврини билиш усулидир. ҳар бир давлат ҳуқуқий ҳодисани тарихий нуқтаи назардан аниқ тажрибага асосланиб ўрганилади. Тарихийлик усулининг ўзига хос хусусияти тарихий ҳаракатни унинг бутун бойлиги билан пайқаб олишга интилишдир. Умуман олганда тарихий метод - давлат ва ҳуқуқнинг тарихий ривожланишидаги турли босқичларни хронологик изчиликда ўрганишни тақозо этади.

Мантиқийлик усули предметнинг назарий шаклда тадқиқ қилиш усули ҳисобланади. У тадқиқот объектининг энг муҳим алоқаларини билиб олишга имкон беради.

Мантиқий билиш усули давлат ва ҳуқуқнинг тарихан объектив реал мавжудлигини, уларнинг ўзаро алоқаларининг турли-туманлиги-ни акс эттириш вазифасини бажаради.

Мантиқий метод - давлат ва ҳуқуқ объектининг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шаклда, абстракциялар, мантиқ қонуниятлари асосида ўрганади.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи курси хронологик изчилликда даврларга бўлинган. Инсоният жамияти тараққиёти қадимги, ўрта асарлар, янги давр ва энг янги даврларга бўлиб ўрганилган. Ушбу даврларнинг ҳар бири давлат ва ҳуқуқнинг ривожланишидаги алоҳида тарихий босқич ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фанини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Қадимги Турон давлати ва ҳуқуқининг пайдо бўлишидан то ўрта асрларгача яъни (VI-XIII асрлар)
2. Ўрта асарларда Мовароуннаҳрда давлат ва ҳуқуқ (XIII асргача)

3. Марказлашган давлатни ташкил топиши, яъни Темур ва темурийлар давлати ва ҳуқуқи (XIV аср ўрталари XV аср)

4. Мовароуннаҳр ва Хуросон давлати ва ҳуқуқи. Хонликларнинг ташкил топиши (XV-XIX асрнинг 1-ярми)

5. Чор Россияси даврида Туркистон давлати ва ҳуқуқи, мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи.

Ўқув курси давлат ва ҳуқуқ тарихи масалаларига қуйидаги тизим асосида ёндошилади: а) ўрнатилаётган давлатнинг ташкил топиши, ижтимоий тузуми, давлат тузуми, давлатнинг типи, бошқариш шакли, армияси, полицияси, суд тузилиши ва маҳаллий ҳокимияти, бошқарув органлари, ҳуқуқининг асосий манбалари соҳалари ва институтлари.

Айрим адабиётларда, айрим олимларни фикрига кўра, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихини даврларга бўлиш кўп ёки камлиги учраб туради. Аммо бу даврларни йирикроқ ёки майдалашиши фан-нинг асосий мазмунига таъсир қилмайди.

Мазкур фаннинг асосий манбалари: “Авесто”, “Сўғд” ҳужжатлари, классик тарихчи олимлар асарлари, “Қуръони Карим”, “ҳадислар” тўплами, “Зафарнома”лар, суд-нотариал, вақф, савдо ер ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, “Темур тузуклари”, турли даврларда қабул қилинган турли “Низом”лар, ТАССР, ХХСР, БХССР Конституциялари, 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституциялар шунингдек, Мустақиллик асослари тўғрисидаги қонун, 1992 йилдаги Конституция ҳамда шу йилларда қабул қилинган ҳуқуқ институтларининг амал-даги қатор қонунлари ва айниқса юртбошимизни нуфузли анжуманларда ўзбек давлатчилиги ва тарихига оид қатор маърузалари, ҳамда асарлари киради.

Назорат учун саволлар

1. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг предмети нимани ўрганади?

2. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

3. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг ўрганиш усуллари ҳақида нималар биласиз?

4. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини қандай тушунасиз?

5. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг манбалари ҳақида нималарни биласиз?

6. Сизнингча, фаннинг муаммолари нималардан иборат?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т., Шарқ, 1998.

2. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., Ўқитувчи, 1996.
3. Иброхимов А. Биз ким ўзбеклар.? Т., Ўзбекистон, 1999.
4. Муҳамедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи.1-қисм.Т., Адолат, 1999.
5. Саидов А., Тошқулов Ж.У. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. ИИВ Академияси, Т., 1996.
6. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Самарқанд, Зарафшон, 1992.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.2000.
8. Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги. Т.2005.
9. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Ўқув қўлланма.Т.ТДЮИ.2005.

Қадимги Турон давлати ва ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Режа:

- 1. Уруғ-қабила, қабилалар иттифоқининг ташкил топиши.**
- 2. Урф-одатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита.**
- 3. Қадимги Турон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши.**
- 4. «Суғд» ҳужжатлари- қадимги ҳуқуқий манба.**

“Аждодларимиз бундан ярим миллион йил муқаддам ана шу жойда, икки азим дарё Ўқуз (Аму) ва Инжу Укуз” (Сир) оралиғида ҳамда уларнинг теваарак атрофида яшаб келганлар деб таъкидлайди тарихчи олим Б.Ахмедов.

Миллоддан илгари IV мингинчи йилларда яшаган халқларнинг номлари бизгача етиб келмаган. Баъзи бир фикрларга кўра бу даврда яшаган халқлар массагетлар ва аланлардан иборат бўлган.

Шунингдек эрамиздан аввалги III-II-мингинчи йилларда ҳам ибтидоий жамоа тузуми мавжуд бўлиб, она уруғи матриархат ҳукмронлик қилган. Эрамиздан аввалги II-мингинчи йилларнинг бошларида эса жездан ясалган қуроллар билан овчилик ва деҳқончилик кенг ри-вожланган. Шу даврнинг охирида воҳаларда бактрияликлар, суғдиёналиклар, хоразмликлар, парфияликлар, чочликлар, уларнинг атрофидаги дашт, чўл, саҳроларда, тоғ олди туманларида сак ва массагет қаби қабилалар яшаган. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ, Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар.

Булар орасида бир неча сак қабилаларни бирлаштирувчи массагетлар иттифоқи алоҳида мавқеи билан ажралиб турган.

Тарихчи олим Бичируннинг фикрига кўра: “Энг қадимги туркий халқларнинг авлодлари эрамиздан XXV аср илгари ханхидан қашғаргача ундан бутун Туркистоннинг осмон ўпар тоғлар орасидаги воҳалар, Помир тоғларининг Фарбий текисликлари, Аму ва Сир ҳавзалари, Урал ва Олтой тоғларининг бўйларида яшаганлар”.

Шунингдек, Геродот «Тарих» асарида «...массагетлар деганда фақат туркийларни назарда тутмоқ керак» деб ёзади.

Қабилаларга бирлашган уруғлар аъзолари умумий меҳнат билан шуғулланганлиги, мулкдан тенг фойдаланганлиги, эркалар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб, урушларда эркалар билан бир қаторда хотин-қизлар ҳам иштирок этганлиги, ҳар қабиланинг ўз бошлиқлари бўлганлиги, айрим қабилаларнинг бошлиқлари аёллар бўлганлиги, қабиланинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган масалалар қабила аъзолари йиғилишида муҳокама қилиб, ҳал этилганлиги ҳар бир қабила, уруғ ўз урф-одатлари, қоидалари мавжудлиги ҳақида айрим маълумотлар бизга етиб келган.

Қадимги туркий халқларнинг ҳам асосий дини табиатга, қуёшга сиғинишдан иборат бўлган. Улар эрталаб чиқиб келаётган қуёшга таъзим қилганлар.

Қадимги Туронда туркий халқларда ёзма қонунчиликка қадар одат ҳуқуқи амал қилиб келган.

Одат маълум бир халқнинг урф-одат ҳуқуқи нормаларининг йиғиндисидир.

Одат – деб маълум бир жойнинг ёзилмаган авлоддан авлодга ўтиб келаётган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган расм-русумлар ва тартиблардан келиб чиқадиган қоидалар йиғиндисига айтилади.

Туркийларнинг қадимги аجدодларига тааллуқли одат ҳуқуқларидан деярли барча даврларда амал этилган. Жумладан, жангда вафот этган аканинг хотинига укасини уйланиш одати мавжуд бўлган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад наслни, оилани сақлаб қолишга ва давом эттиришга қаратилган.

Хунлар давлатидаги қабилалардан бирида никоҳга киришдан 3 ой олдин бўлажак куёв келин билан танишишга ҳаракат қилиб, унга отлар, катта ва кичик қорамоллардан иборат тўй совғасини юборган. Шундай кейин куёв билан келин бирга мол-мулклари билан куёвнинг ота-онасиникига жўнатиб юборилган. Ана шу келинга отлар, қорамолларни никоҳ совғаси сифатида юбориш одати кейинчалик қалин тўлаш одати сифатида шаклланган.

Маълумотларга қараганда, ўткир қуролини қўлдан чиқарганлик учун, темирдан ясалган оғир қурол (фут) билан ўқталганлик учун, одам ўлдирганлик ва бошқа оғир жиноятлар учун ўлим жазоси берилган. Низоли ишларни ва келтирилган шикоятларни ҳал этиш, ҳукмларни ижро этиш оғзаки бўлиб, махсус иш юритилмаган. Судья этиб довюрак, кучли, мураккаб ишларни ҳал этишга қодир кишилар тайинланган. Суд жараёнлари уч кундан ортиқ бўлмаган. Айрим қабилаларнинг ўзига хос қонунлари мавжуд бўлиб, оқсоқолларнинг буйруғига бўйсунмаслик учун ўлим жазоси белгиланган, ёки одам ўлдириш ва ўғирлик каби жиноятларни содир этганда зарарни қоплаш орқали ҳал этишга рухсат этилган. Одам ўлдиришда айбланган киши от ёки қўйлар билан тўлаш эвазига жавобгарликдан қутулиб кетган. Оқсоқол томонидан таъқиб қилинаётган, қочоқ ёки хоинликда айбланаётган шахсларни ҳеч ким ўтовига қўйиши мумкин бўлмаган, уларни қум саҳроларга қувиб юборилган.

Қадимги ханаслар (қирғизлар)да қонунлари жуда қаттиқ бўлган-лигини кўрамыз. Жумладан элчилик топшириғини бажармаганлик учун, хонга нотўғри маслаҳат берганлик учун ўлим жазоси тайинланиши, ёки ўғрининг отасидан, ўғлини танасидан жудо қилиб, бошини бўйнига осиб юбориш каби одатлар мавжуд бўлган.

Энг қадимги давлатлардан бири бу Алп Эр Тунга (Афросиёб) давлати эди. Эрамиздан аввалги VII асрларда ташкил топган бу давлат Носимхон Рахмоннинг фикрига кўра, бу давлат Сак Искиф турк давлати эди деб таърифланади.

Навбатдаги қадимги давлатлардан эрамиздан аввалги VII асрларда Шаньюй Модэ асос солган оқ хунлар давлати эди. Ушбу давлат Ўғизхон даврида ўзининг энг юқори даражасига етган туркларнинг 24 та қабиласини бирлаштирган. Бутун Хитой империяси Тангутлар подшолиги Мўғулистондан Хиндистонгача ҳамда Каспий денгизига-ча бўлган ерларни ўз таркибига киритилган.

Бизларга хунлар давлати ҳуқуқи ҳақида айрим маълумотлар етиб келган. Хунлар давлатида ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида одат ҳуқуқи хизмат қилган. Хунлар одатига кўра, қурол яланғочламоқ оғир жиноят ҳисобланиб, бундай жиноятни содир қилган киши ўлим жазосига маҳкум қилинган. Ўғирлик қилган кишининг фақат ўзига тегишли мулкларигина эмас, балки бутун оилага тегишли мулклари мусодара қилинган.

Унчалик оғир бўлмаган жиноятларни содир этган кишиларнинг юзи тилинган. Хунлар давлатида Модэ ҳукмронлик қилган даврда умуммажбурий ҳарбий хизмат, ҳарбий қисмларда қатъий тартиб-интизом жорий қилиш ҳақида қонунлар қабул қилган. Бу қонунларга биноан ҳарбий хизматдан бош тортганлик, ҳарбий интизомни бузганлик учун ўлим жазоси белгиланган.

Хунлар давлатида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ муносабатлар одат ҳуқуқи қоидалари билан тартибга солинган. Бошқа кўчманчи қабилалардаги каби хунлар ҳам яйловлардан биргаликда фойдаланганлар, яйловлар бутун уруғнинг мулки ҳисобланган.

Хунлар давлатида тепасида Шаньюй (улуғ азим) турган. Шань-юй лавозимини хунлар қабиласига кирувчи 24 уруғ бошлиқларидан энг улуғи эгаллаган. Дастлабки даврларда шаньюй уруғ бошлиқлари томонидан сайланган, кейинчалик эса сайлов ўрнини тахтга ўтказиш маросими эгаллаган. Хунлар давлатининг сўнгги даврига келиб давлат бошлиғининг ҳокимияти васият асосида мерос тариқасида отадан ўғилга ўтадиган бўлган.

Давлат бошлиғи Шаньюй ҳарбий, дипломатик ва диний соҳаларга бошчилик қилган. Қонунчилик ҳокимияти ҳам унинг кўлида бўлган.

Хуянь, Лань, Сюйбу уруғлари хунлар қабиласидаги аслзода уруғлардан бўлиб, давлат идораларининг юқори мансабларига уларнинг вакиллари тайинланган. Масалан, судья лавозимиغا Сюйбу уруғи вакиллари тайинланган. Бошқа уруғлар аслзода уруғлар фойдаланган имтиёзлардан маҳрум этилган бўлсалар-да, ўзларининг ички ишларида мустақил бўлганлар. Уларнинг ўз ҳукмдорлари бўлиб, уларнинг ҳокимияти мерос тариқасида ўғилларига ўтган.

Эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиёни Кир II асос солган Аҳмоний давлати босиб олади. Бехустон қоясидаги ёзувларда Бобил ва Миср билан бирга Парфия, Хоразм, Бактрия ва Суғдиёни босиб олганлиги тошга ўйиб ёзилган. Сак ва массагетлар бир неча маротаба кўзғолон кўтаришган. Ана шундай кўзғолонлардан бирида Кир II ўлдирилади. Доро I ҳукмронлик қилган даврларда ҳам бу курашлар тўхтамайди. Аҳмонийлар давлати ягона маъмурий тизимга, кучли армияга, ягона пул бирлигига эга бўлган, қудратли марказлашган давлат бўлиб, маъмурий жиҳатдан 20 та сатрапияга бўлинган бўлиб, ундан 4 таси Марказий Осиёга (қўшин ва солиқ тўлаш) бўлинган.

Сатрапликларнинг сони турли даврларда турлича бўлган.

Аҳмонийлар давлатида бутун ҳокимият подшоҳ кўлида бўлиб, у давлатни марказий давлат маҳкамасига таянган ҳолда бошқарган. Давлат Маҳкамасида подшоҳдан кейин иккинчи ўринда хазорапат (минг бошлиқ) турган. У барча давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилган, подшоҳнинг

шахсий кўриқчиларига, марказий девонга бошчилик қилган. Подшоҳга келган шикоят ва аризалар ҳақида маълумотлар берган. Марказий девонга котиблар, тафтишчилар, подшоҳга маълумот йиғиб келувчилар ва бошқалар бўйсунганлар.

Сатрапликларда бутун ҳокимият подшоҳ томонидан тайинлана-диган ва вазифасидан бўшатиладиган сапраплар кўлида бўлган. Сатрап маъмурий бошқарув ва суд ҳокимиятига бошчилик қилар, хўжалик ишларини амалга ошириш, солиқ ва йиғимларни ўз вақтида ундирилиши, мансабдор шахслар фаолияти, ўз сатраплиги ҳудуди-даги кўлларда хавфсизликни таъминлаш устидан назоратни амалга оширган. Сатраплар кумуш ва мис тангалар чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлар. Сатрап қошида бошқарув идораси ташкил этилган бўлиб, унда идора бошлиғи, хазиначи, солиқ йиғувчилар, жарчилар, суд терговчилари, котиблар хизмат қилган.

Аҳмонийлар давлатида асосий мансабларга эронли аслзодалар тайинланганлар. Бизгача етиб келган манбаларнинг гувоҳлик бери-шича, Аҳмонийлар давлатининг дастлабки даврларида ягона ҳуқуқ тизими бўлмаган. Мамлакатнинг турли минтақаларида ҳар хил ҳуқуқ манбалари, соҳалари ва талаблари ҳаракатда бўлган.

Масалан, Бобил, Миср ва Яхудияда маҳаллий ҳуқуқ, маҳаллий оғирлик ва узунлик ўлчовлари, ибодатхона ва коҳинларни солиқлар-дан озод қилиш ва бошқа имтиёзларни белгиловчи қоидалар сақланиб қолинган.

Доро I ҳукмронлик қилган даврда (миллоддан аввалги IV аср-лар) пул, ҳарбий, алоқа соҳаларида ислохотлар ўтказган. Бу ислохот-лар подшоҳнинг алоҳида фармонлари асосида амалга оширилган. Аҳмонийлар давлатида подшоҳнинг ҳар бир чиқарган фармони қонун кучига эга бўлиб, унинг сўзсиз бажарилиши шарт эди. Бундан ташқари, подшоҳ алоҳида масалалар бўйича фармойишлар чиқарган, унинг алоҳида амалдорларга берган кўрсатмалари, буйруқлари махсус нома шаклида расмийлаштирилган. Унинг барча фармонлари, фармойишлари ва махсус номалари алоҳида қайднома ва кундалик дафтарлари-да оромий ёзувида ёзиб борилган.

Доро I ягона ҳуқуқ тизимини ташкил қилиш мақсадида қонун-лар қабул қилганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Жумладан Доро I бундай ёзган: “Ахурамазда (яхшилик илоҳи)нинг иродасига кўра бу вилоятлар менинг қонунларимга итоат қила бошлади, мен ниманики буюрсам, шуларнинг (ҳаммасини) бажармоқдалар”. Лекин бу қонунлар бизгача етиб келмаган.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, Аҳмонийлар давлатида подшоҳнинг берган кўрсатмаси, муайян бир масала бўйича чиқарган хулосаси, қарори қатъий бўлиб, уни бекор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Лекин давлат бошлиғи мамлакатни бошқаришда, қонунчилик фаолиятини амалга оширишда эронликларнинг урф-одатларига, анъаналарига риоя қилиш ва етти аслзода уруғларнинг бошлиқлари билан маслаҳатлашиши лозим бўлган.

Аҳмонийлар давлатида подшоҳ ва унинг оила аъзолари ҳаётига, соғлиғига ва шахсига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар энг оғир жиноятлар ҳисобланиб, бундай жиноятлар подшоҳ томонидан кўрилиб ҳукм чиқарилган. Мазкур жиноятларни содир қилган кишилар ўлим жазосига ҳукм этилган.

Аксарият ҳолларда жиноят содир қилган кишининг оила аъзолари ҳам ўлимга ҳукм қилинган.

Кушон давлати

Милоддан аввал I асрда юэчжи қабилалари уюшмаси орасида Гуйшуан (Кушон) ҳокимлиги анча кучайди. Олимлар фикрига кўра, дастлаб гуйшуан қабиласи Сурхон воҳасида жойлашган. Унинг пойтахти Далворзин шаҳри бўлган. Подшо Кужула Кадфиз даврида Кушон ҳокимлиги ҳудуди анча кенгайиб, давлат таркибига Жанубий Тожикистон, Афғонистон ва Кашмир ерлари қўшиб олинган.

Подшо Канишка ҳукмронлик қилган даврларда Кушон давлати улкан салтанатга айланди. Унинг ҳудуди Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ҳудудларини ўз ичига олиб, пойтахт Пешоварга кўчирилган. Мамлакат мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, ҳарбий таянч нукта сифатида давлат чегаралари барпо этилган.

Кушонларнинг илк тангаларининг бир томонида Юнон-Бактриянинг сўнги подшоси Гермай тасвири иккинчи томонида эса «Кушон-лар» ёғбуси Кужула Кадфиз деган сўзлар борлиги аниқланган. Кушон давлатининг ҳудуди кенгайиши ва унинг сиёсий ҳарбий аҳамияти ўсиб бориши билан бирга танга пулларда “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи” атамаси ишлатила бошлайди.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлатни бошқарув анъана-ларини сақлаб қолди ва давом этирди. Вилоят ва шаҳарлар ноиблар томонидан бошқарилди. Бундай ноиблар подшонинг томонидан тайинланиб, унинг энг яқин ва ишончли вакиллари ҳисобланган. Кушонлар даврида маҳаллий ҳукмдорлар давлат хазинасига ўлпонлар тўлаб турганлар.

Буюк ипак йўли устида жойлашган Кушон давлати гуллаб яшнади. Янги шаҳарлар бунёд этилди, кўплаб суғориш иншоотлари қурилиб, янги ерлар ўзлаштирилган.

Шаҳар қурилишида аниқ бинокорлик қоидалари амалга оширилган. Шаҳарлар тўғри бурчакли бўлиб, қалин деворлар билан ўралган. Шаҳар тузилишига кўра, бир неча қисмларга бўлинган: -ҳоким саройи (қалъа), ҳунармандчилик устахонаси, гузарлар, алоҳида ибодатхоналар жойлашган қисми, савдо майдонлари. Кушон подшолиги иқти-содиётининг асосини суғорма деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик ташкил қилган. ҳунармандчилик, кулолчилик, ҳарбий қурооллар ясаш, заргарлик, темирчилик ва тикувчиликдан иборат бўлган.

Ҳиндистон, Хитой ва Рим билан савдо ва элчилик муносабатлари ўрнатилган. Хитойдан ипак, турли газлама ва чиннилар олиб келиниб, уларга эса темирдан вафил суягидан ясалган буюмлар, жун, газлама, қимматбаҳо тошлар олиб борилган.

Ўзбекистонда қадимги маҳаллий давлатчилик тарихи, Қанғ, Довон давлатлари ривожига билан узвий боғланади.

Хитой манбаларига кўра, эрамиздан аввалги III асрнинг бошла-рида Суғдиёна, Хоразм, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимлари ҳозирги Ўзбекистон,

Қорақалпоғистон, жанубий Қозоғистон ерларини ўз ичига олган қудратли Қанғ, (Хитой манбаларида) Кангюй давлати бўлган.

Миллоддан аввалги II ва миллодий I асрда Канг давлатининг худуди анча кенгайиб, Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўз ичига олган. Унинг иккита пойтахти Қанғдиз (Оққўрғон тумани) ва Ўтрор, Қанғ ҳукмдорлари уларнинг бирида ёзни, иккинчисида эса қишлоғни ўтказган.

Маълумотларга қараганда, Қанғ давлатида дастлаб 90-120 минггача камончи аскарлари бўлганлигидан далолат беради. Эрамизнинг I ва II асрларига келиб Канг давлати таркибига Самарқанд, Маймурғ, Иштихон кирган. Хоразм Қанғ давлатлари уюшмасида бўлган даврда қалъалар, муҳофаа истехкомлари қурилиши ниҳоятда ривожлаганлиги, ҳарбий соҳада оғир қуролланган отлик аскарлар асосий қисмини ташкил қилганлигидан далолат беради.

Қанғли давлатига ноиблар томонидан бошқариладиган бешта мулк бўйсундирилган. Улар Сусей, Фулиз, Юнис, Гис, Юегян қабиларидир.

Давлат бошида Қанғ ҳокимлари туриб, унинг ҳузурида маслаҳат берувчи оқсоқоллар кенгаши мавжуд бўлган. Қанғлар давлати ви-лоятларга бўлиниб, уларни жабғулар бошқарган. Бу давлатда кўчман-чи чорвадор задогонларни мавқеи катта бўлган.

Тахминан эрамиздан аввалги III асрда пайдо бўлган Довон давлатидир. Тарихий Хитой манбаларида кўрсатилишича, Та Юань (Да Вань) “Да” -катта “Вань” – подшо деган маънони англатади.

Бу давлат таркибига 70 та катта-кичик шаҳарлар кирганлиги, аҳолисининг сони бир неча юз мингга етганлиги, қадимги Фарғонани эса 300 минг аҳолиси бўлган. Давлатнинг пойтахти Эрши шаҳри бўлиб, давлатни Вань ва унинг икки ўринбосари бошқарган. Подшо давлатни ана шу шахсларга таяниб идора этган. Унинг ҳузурида оқсоқоллар кенгаши мавжуд бўлиб, уруш ва тинчлик масалаларини, ҳатто подшоларнинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу эса демократия анча муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Довон шаҳарлари ҳокимлар томонидан бошқарилган.

Довон давлатининг аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланган.

Қадимги Фарғона қишлоқ хўжалик, ҳунармандчилик ва бино-корлик юксак даражада ривожланган ўлка бўлган. Довон деҳқонлари арпа, шолі, буғдой ва беда етиштириш, боғдорчилик ва узум етиш-тиришда катта ютуқларга эришган.

Фарғона ўзининг «самовий» отлар зоти билан машҳур бўлган. Уларга ҳатто Хитой императорлари ҳам қизиққан.

Довон давлати Хитой, ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан бўлган халқаро савдода муҳим ўрин тутган.

Эфталитлар (Оқ хунлар, яъни абдаллар деб аталувчи қабилалар) давлати IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида Орол бўйида яшовчи массагетлар ўзларининг Эфталитлар номи билан аталувчи давлатига асос солишди. V аср ўрталарида Ўрта Осиёда Эфталитлар ҳукмронлиги ўрнатилган. Кейинчалик, улар Ўрта Осиёни, Шарқий Эронни, Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ва

Шарқий Туркистон-нинг бирлаштирувчи йирик давлат ташкил қилишга муваффақ бўлишган.

Эфталитлар давлатининг ҳудудидаги шаҳарлар жумласига, асосан Сугдиёна шаҳарлари кирган бўлиб, бу вақтда улар аҳамияти ошганлигини кўриш мумкин. Кушония (Каттақўрғон яқинида) Рав-дад, Пайқанд, Талликон, Термиз, Гургон, Варахша каби шаҳарлар эфталитлар ҳукмронлиги даврида ривож топди. V асрдан эътиборан Самарқанд шаҳри ҳам тараққий этган. Эфталитларнинг сиёсий маркази Пойқанд шаҳри, давлат бошлиқларининг қароргоҳи эса Варахшадаги сарой бўлганлиги тахмин қилинади.

Эрон сосонийлар давлатининг шарққа юришлари эфталитлар туфайли тўхтаган. Улар Эрон подшоларининг ички сиёсатига ҳам аралашиб турдилар, ҳатто шоҳлардан қайси бирини сайлаш ва тайинлаш масаласини ҳал қилиш уларнинг қўлида эди. Эрон давлати ҳар йили эфталитларга ўлпон тўлаб турган. Бу даврда ҳокимият катта ер эгалари қўлида бўлиб, Эфталитлар ўз ҳокимларини “Ихшид” деб аташган. Ижтимоий тузумига қарасак, аслзода деҳқонлар, уларнинг шахсий кўриқчилари чокарлар деҳқонларга қарам бўлиб қолган, улар: хизмат қилувчи кадиварлар ва жамоатчи деҳқонлар, ҳамда қулларга бўлинган. Аҳолиси шаҳар қишлоқларнинг ўтроқ аҳолисидан ва кўчманчи чорвадорлардан иборат бўлган. Йирик шаҳарлар ҳокимлар томонидан бошқарилган. Ҳокимлар ўз ҳарбий кучига эга бўлган. Эфталитлар давлатида мулкӣ жиноятлар қаттиқ жазоланган. Ўғирлик учун бўйнини қирқиб қатл этиш ҳақида ёки ўғирлаб кетган мулкӣни ўн баробаридан ундириш билан жазоланганлиги ҳақида Хитой манбаларидан “Бейшү”да келтирилган.

Турк ҳоконлигининг ижтимоий, сиёсий тузуми ва ҳуқуқи (551-744).

Олтойда турк ҳоконлигининг пайдо бўлиши “Ашин” уруғининг кучайиб, турли қабила ва халқларни ўз атрофида бирлаштириши натижасидандир. Эрамизнинг 551 йилида турклар дастлаб жужан-қабила бирлашмасини енгиб, уларнинг ҳокони Бумин ҳокон, Мўғулистон ва Олтойда кучли давлат туздилар. Бу давлат VI-VIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда бир қанча халқларни бирлаштиради.

603 йилда Ҳоконлик ички зиддиятлар натижасида Шарқий ва Ғарбий ҳоконликка бўлинган. Бизнинг ҳудуд Ғарбий ҳоконлик таркибида эди. Турк ҳоконлари дастлаб ўзларига бўйсундирган жойлардан фақат белгиланган микдорда ўлпон олиб туриш билан қаноатланишган.

Турк ҳоконлиги ҳокимият тепасига уруғ, қабила бошлиқлари қурултойда сайланадиган ҳокон турган. Унинг ҳузурида қабила уруғ бошлиқларидан иборат Кенгаш бўлиб, унда давлат аҳамиятига тегишли муҳим масалалар қўрилган ва ҳал этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Турк халқларининг давлатчилиги ҳоконлик (императорлик) беклик, отабеклик (князьлик) шаклига мос келади. Тахт вориси Тегин, яъни (шаҳзода) деб юритилган. Шаҳзодаларга қондош бўлган бирор беклик ёки ҳокимлик қилган кишига шад унвони берилган. Турк ҳоконлари махсус чақиртирилган қурултой-ларда сайланган.

Турк хоқонлигининг ижтимоий тузуми: бой зодагонлар, савдогарлар, ҳунармандлар, хизмат қилувчи табақа амалдорлар, ҳарбийлар, деҳқон ва қуллардан иборат бўлган. ҳарбийлар туркча «чарик» деб аталган. Сўғд ҳужжатларига кўра ҳукмдорлар саройда қуйидагича мансабни эгаллашган: ҳарбий маъмурият бошлиғи - Фарғонада – “Тутуг”, Сўғдда “Чапиш” яъни лашкарбоши, вилоят ҳокимлари “Хвабе” дейилган. Подшо девонхонасининг бошлиғи “диперант” деб аталган. Гупат–даромадлар нозири, яъни молия ишлари билан шуғул-ланувчи, Охвирпат – подшо отхонасининг нозири бошлиғи. Парванак – ҳужжатлар тузувчи мансабдор, пахванак (патване) жазони ижро этувчи жаллод лавозимидаги шахслар бўлган.

Армияси отлиқ кўшин, алоҳида ўлкаларнинг ҳокимлигидаги отлиқ кўшини, пиёдалардан иборат шахсий қўриқчилардан ташкил топган. Ўлкалар хоқонга ўлпон тўлаб туришган.

Бу даврда халқлар бир неча динга: зардуштийлик, христианлик, монийлик ва буддизмга эътиқод қилишган. Диний мансаблари: Магупат – бош кохин, вагнпат – ибодатхоналари бошлиғи ва бошқа-лар. Турк хоқонлигида қонунчилик Хоқон буйруғи, фармонлари, зардуштийлик динининг муқаддас китоби (“Авесто”), Сўғд ҳужжатлари ва махсус қонуний актларини содир этадиган жой суд нотариал органи мавжуд бўлган.

Турк хоқонлигида хотин-қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлган, аёлнинг номусига теккан эркак ўлимга маҳкум этилган. Номусга тегиш энг оғир жиноят ҳисобланган. Бундан ташқари оғир жиноятларга кўзғолон уюштириш, хоинлик, одам ўлдириш, ўғирлаш кабилар кирган. Етказилган зарар учун эса масалан безорилик, орқасидан бирор кишига зарар етказилса, жабрланувчига қизини эрга бериши, қизи бўлмаса, қийналиб тўлайдиган мулкани бериши лозим эди. Аъзоларининг бирортасини ишдан чиқарган бўлса, бу жинояти учун от билан жарима тўлаши керак бўлган, ўғирлаган нарсаси учун эса ўша нарсанинг ўн баробарига тенг нарса тўлаган. Ана шу даврга хос бўлган Самарқандда “Турк қонунномаси” мавжуд бўлиб, у ибодатхонада сақланган. Жазо бериш вақтида ана шу қонуннома асосида яъни уни қўлга олиб туриб жазо тайинланган. Оғир жиноят учун жиноятчининг ўзи қатл этилган. Ўғрилиқ учун оёғи қирқиб ташланган.

Ўзбекистон ҳудудидаги араблар ҳукмронлиги ўрнатилганга қадар амалда бўлган ҳуқуқ ҳақида маълумот берувчи муҳим манба – бу Панжикент яқинида Муғ тоғи тепасидаги қадимги қаср харобасидан 1932-1933 йилларда топилган “Сўғд” ҳужжатларидир. Улар Сўғд подшолигига бўйсунган Панж ҳокимлиги саройи, турли вилоят ҳокимлари ва мансабдор шахсларга алоқадор ҳужжатлар: ёзишмалар, дипломатик мазмундаги хабарномалар, алоҳида масалалар бўйича тузилган шартномалардир. Албатта, бу ҳужжатлар норматив ҳуқуқий ҳужжатлар-ҳуқуқнинг, манбаи сифатида қаралиши мумкин эмас. Улар индивидуал мазмундаги ҳужжатлардир. Лекин шу ҳужжатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, тузилган даврнинг ҳуқуқ манбалари, ҳуқуқий маданият ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш ва фикр юритиш мумкин.

“Сўғд” ҳужжатларининг ҳуқуқ нуқтаи назаридан энг аҳамиятлиси ерни харид қилиш, тегирмонни ижарага бериш, никоҳни қайд қилиш, куёвнинг

келин томон олдидаги мажбуриятлари ҳақидаги шартномалардир. Ерни харид қилиш ҳақидаги шартномада унинг тузилган вақти, ерни сотиб олувчи ва сотувчининг насл-насаби, номи, ернинг жойлашган жойи, чегаралари, миқдори, шартномада шитирик этувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга риоя қилмасликдан келиб чиқадиган оқибатлар, шартномани тузишда иштирик этган гувоҳлар ва уни расмийлаштирган кишининг насл-насаби ва номи кўрсатилган. Тегирмон ижараси ҳақидаги ҳужжатда унинг тузилган вақти, ижарага берувчи ва олувчининг номлари, тегирмоннинг жойлашган жойи, қувват манбалари, жиҳозлари, ижара муддати ва ҳақи, ижара шартла-рига риоя қилмаслик оқибатлари, ижарага олинган мулкдан фойдала-ниш, ижара ҳақини тўлашнинг қонунга мувофиқ бўлиши, қонунсиз-лик – ҳиёнат ва адолатсизлик қандай оқибатларни келтириб чиқари-ши, ҳужжатни расмийлаштирувчи ва бу жараёнда иштирик этган гувоҳлар номлари кўрсатилган. ҳужжат муҳр билан тасдиқланган.

Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат лақаби Нидон бўлган Уттакин Навекат ҳукмдори Чер Вахзанак ўғлининг ҳомийлигидаги Вийуснинг қизи номи Дуғдунча, лақаби Чатани хотинликка олиши ҳақида тузилган. Унда Уттакин Чатани севиқли хотин сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан озиқ-овқат, кийим-кечак, безак тақинчоқлар билан таъминлаши, эъзозлаб, муҳаббат билан ўз уйида подшоҳойим сифатида сақлаши. Чата эса Уттакинни севиқли эр сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан асраши, у эрининг бахт-саодати ҳақида қайғуриши, унинг буйруғини ўзига қонун деб ҳисоблаши лозимлиги қайд қилинган. ҳужжатда ёзилишича, агар келажакда Уттакин Чатани хотин қилмайман деган қарорга келса, бу ҳолда уни қўйиб юбориши, биргаликда яшаган вақтида олган шахсий нарсалари ва товон пулини бериб, ҳеч қандай шартларсиз жўнатиб юбориши, агар Чата Уттакин-га бундан буён хотин бўлмаслик қарорига келса, унда хотинликдан чиқиб кетиши, бу ҳолда у Уттакинга кийишга яроқли кийимлар қол-дириши, Уттакиндан олган безак тақинчоқларни ва бошқа нарсаларни ташлаб кетиши, лекин Чата ўзига тегишли ва биргаликдаги ҳаёти давомида орттирган мулкани олиб кетиши керак бўлади. Шунингдек, Чата, ҳужжатда қайд қилинишича, бошқа ҳеч нарса бўйича товондор бўлмайди, у ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқиши мумкин. Ажримдан сўнг, Уттакин ва Чата бир-бирларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун жавоб бермайди. Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат қонунлар уйида, унинг бошлиғи ҳузурида учта эркак гувоҳлигида қотиб томонидан тузилган.

Куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатда куёв-Уттакиннинг келин Чатанинг уруғ-аймоқлари олдидаги бурчлари ўз аксини топган. Ҳужжатда кўрсатилишича, у тузилган кундан Чата тоабад Уттакинга хотин бўлиб қолажак ва куёв келин томон олдидаги Чатани сотмаслик, қарз эвазига қулликка ҳам бермас-лик, бирор кимсанинг ҳомийлигидаги ўз мулкига айланишига ҳам йўл қўймаслик, агар кимдир Чатани Уттакиндан бевосита ёки сиртдан тортиб олса, уни таҳқирласа, уни шу заҳотиёқ, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз озод қилиш: агар Чата Уттакин билан қолишни хоҳламаса ёки Уттакин уни қўйиб юборса, келинни уруғ-аймоқларига зиён-заҳматсиз қайтариши шарт бўлган, агар ушбу шартга кўра, куёв келинни

зиён-заҳматсиз етказиб бермаса, у ҳолда 100 динарий дирҳам кумуш муомалада амал қилиш тасдиқланган, яхши сақланган, тоза сифатли пул қарз бўлиши, қарзни тўлаш шарти белгиланган, мабодо, пулни тўлай олмаса (вақтида) 10 дир-ҳамига 2 дирҳамдан устама тўлаш эвазига қарз бўлиш мажбурият-ларини олади. Бу ҳужжат ҳам «қонунлар уйида» никоҳни қайд қилиш битими каби тартибда тузилган.

Назорат учун саволлар

1. Қадимги туркий қабилалар иттифоқлари пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Қадимги давлатларнинг иқтисодий тузуми қандай бўлган? Сиёсий тузумчи?
3. Қадимги даврда Турон ҳудудида ҳуқуқ манбаи нималардан иборат бўлган?
4. Доро 1 қандай ислохотлар ўтказган?
5. Эфталитлар давлатида жиноят ва жазо қандай бўлган?
6. Суғд ҳужжатларининг асосини нималар ташкил қилади?
7. Сизнингча, суғд ҳужжатлари ҳуқуқ манбаи бўла оладими?
8. Турк хоқонлигида жиноят ва жазо масалалари ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар:

1. И.Жабборов. «Антик маданият ва маънавият хазинаси». Т., 1999 йил.
2. Азамат Зиё. «Ўзбек давлатчилиги тарихи». Т. 2000.
3. А.Х.Саидов, Ж.У.Тошқулов. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи». ИИВ Академияси. Т. 1999 й.
4. 3. Муқимов. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи». Самарқанд. Зарафшон. 1998 йил.
5. А.Сагдуллаев ва бошқалар. «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти».
6. Н.Раҳмон. «Турк хоқонлиги». Т., Мерос. 1993 йил.
7. Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги.Т.2005.
8. М.Ҳамидова. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи».Ўқув қўлланмаси.Т.ТДЮИ.2005.

«Авесто» -буюк тарихий ҳуқуқий манба

Режа:

- 1. «Авесто»- маънавиятимиз сарчашмаси.**
- 2. «Авесто»да энг қадимий давлатларнинг қарор топиши ҳақидаги маълумотлар.**
- 3. «Авесто»да оила ва никоҳ муносабатлари.**
- 4. «Авесто» бўйича жиноят ва жазолар квалификацияси**

«Шарқ ўғлонлари орасидан Ғарб биринчи бўлиб Зардуштни ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти христос таълимотидан IV аср аввал Юнонистонни бойитди.

Зардуштни Платон билган Будда ва Кунфунцияларнинг овози Оврупага етиб келгунча жуда кўп вақт керак бўлди, шунинг учун асрлар давомида Ғарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Зардушт орқали таниш бўлган.

Белгиялик олим. Жак Дюшен Гийёман.

Биз элинликлар, варварлардан олган ҳамма нарсасини ўзимизни-ки қилиб оламиз ва уни камолот чўққисига кўтарамиз.

Платон

Ғарбнинг барча буюк алломалари, буюк шахслари Шарқ маъна-вияти ва маданияти хазинасидан зиё олдилар. Ғарб ўз гулханини Шарқ қуёшидан ёндириб олди.

Фозила Сулаймонова

Маълумки, ғарб тарихида буюк ислохотчилар ва маърифатчилар даври энг зўр ва ажойиб Уйғониш даври деб ном олган Рим ва Юнонистон маданиятини равнақига қиёс қилиниб таърифланади. Аслида эса инсонпарварлик ғоялари ислох қилиш ҳаракати Ўрат Осиё буюк фарзанди Зардуштдан бошланган десак муболаға бўлмайди.

Чунки унинг таълимоти инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб илоҳийлаштирган, дунёвий ҳаётни муқаддаслаштирган, унинг асосий ақидалари кейинги жаҳон динлари христианлик ва исломнинг ақидавий ва ибодат қоидаларига ҳам замин бўлган.

«Авесто»нинг ўрганишда пайғамбар Заратуштра фаолияти ва зардуштийлик динининг вужудга келиши муаммосига эътибор берилади.

Заратуштра (юнонча-Зороастр, ўрта форс тилида-Зардушт)нинг номи қадимги эрон Заруштра сўзидан келиб чиққан, «Зар»- бу «олтин», «уштра»туя ёки уч хил маънода —«Олтинтуяли», «Олтин туя Эгаси», «Туялар етаклаган одам» деб таржима қилинади. Гап шундаки, «Авесто»нинг яратилиши давлат арбоби ва қонуншунос дин, илоҳиётчиси сифатида Заотар ва отарбон унвонлари сохиби, ўз даврида «пайғамбар» (эзгулик ҳақида дарак берувчи) сифатида шуҳрат қозонган Спитамон номи билан боғлиқ бўлиб, Спитамен Зардушт тахминан милoddан аввалги 630-553 ёки 618-341 йилларда яшаган даврда Марказий Осиёда кўчманчилар инқирозига учраб, Турону Эронда эл бўлиб, ўтроқ яшай бошлаган туркийлар, форсий-лар, дербиклар, осийлар,

тохарлар, дахлар, массагетлар, саклар, хоразмликлар, чочликлар, бактрияликлар ўтроқ ҳаётга мослашиб, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликка ўта бошлаган ва қадим-ги шаҳар вилоятларга асос бўлишган эди.

Патриархал уруғ жамоаси муносабатлари ўрнини марказлашган давлат тизими эгалаши билан характерланади.

«Авесто»да инсон ижтимоий меҳнати туфайли барча ёмонлик-дан ёвузликдан қутулиши мумкинлиги ғояси ётади. Деҳқончиликдаги меҳнат яхшиликнинг юзага чиқишида ва инсонни қайта тарбиялашда асосий омил, Ахура Мазда қонунига бўйсунуш ҳисобланади. “Ким ғалла экса олийжанобдир. Ғалла эккан киши эзгулик уруғини сочади”. Демак, меҳнат ва табиий эҳтиёж туфайли инсонлар бирга яшашни илгари суради.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, бизгача етиб келган қисмлари милоднинг III-VII асрларида таҳрир қилган. «Авесто» боблари ўрта форс алифбоси асосида 48 та белгили ёзувдан иборат. «Авесто» ўрта форс тилидан «Апастак» ёки «Асос» деб таржима қилинади.

Тарихий манбалар «Авесто»ни Оксус яъни Амрударё соҳилла-рида, Ийрон Виж ўлкасини эса Хоразм ўлкасидир деб таъкидланади. «Авесто»1000 фаслдан иборат бўлиб, 21 китобни ўз ичига олган, илк ёзмаси 8300000 сўздан иборат бўлган.

«Авесто» биринчи бўлиб, XVIII асрда (1755-1761 йилларда) француз олими Анкетил Дюперрон томонидан таржима қилинган.

А.Дюперон Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятида Эрон зардуштийларининг авлодлари – парсларнинг урф-одатлари ва диний маро-симлари билан танишиб чиққан. Дюпероннинг хизмати шундаки, у парсларнинг диний ёзувларини ўқий олган, энг қадимги 1288 йилда кўчирилган қўлёзма нусхасини таржима қилган.

Дастлабки «Авесто» 21 та китобдан иборат бўлган. Айрим қисмлари сақланиб қолган: Ясна - «қурбонлик келтириш», Виспарт - «ҳамма ҳукмронлар», Яшт - «қадрлаш», «улуғлаш». Видевдат – «девларга қарши қонун» бўлиб, сосонийлар даврида таҳлил қилинган.

I. Ясна 72 бобдан иборат ҳамду санолар, қурбонлик қилиш ва бошқа зардуштийлик маросимларини бажариш пайтида ёддан ўқиладиган дуоларни қироат билан ўқиш, оташпарастлик байрамлари расм русумлари ўз ифодасини топган.

II. Яшт – алоҳида худоларни мадх этувчи ва ёвуз кучларга қарши курашда эзгу мабудаларига мададкорлик бўлган кучларни улуғловчи 22 та кўшин оятларлардан иборат.

III. Виспарад 24 бобдан иборат поклик, тўғрилиқ йўлини тутган зотлар Олий Тангри Ахура Мазда барча яхши хислат ва фазилатларга бағишланган.

IV. Вандидот 22 бобдан иборат, уларда Ахура Мазда яратган 16 та мамлакат ва Анхра Манунинг уларга етказган зарари ҳақида сўз юритилади. 20-бобида дунёдаги 1-табиб Срита ҳақида маълумот берилади.

«Вандидот»нинг кейинги бобларида қадимги зардуштийлар чиқарган қонунлар кишиларнинг индивидуал ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек одамларнинг жамиятдаги бир-бирига нисбатан тутган ўринлари, ахлоқ ва одоб, жиноят ва жазо баданни ва руҳни чиниқтириш, киши ўзини ҳар хил

нопокликлардан асраши, табиблик ва табиб ҳақи, ўликни ерга кўмиб ерни харом қилган ёки ёлғон ваъда берган одамни жазолаш, ўликларни қўядиган дахмалар қуриш, кўмиш маросими ва ўликдан ёмон жинларни қувиш учун ёнига ит олиб бориш, ит боқиш ва уни эҳтиёт қилиш, аёлларга муносабатда бўлиш, соч ва тирноқларни қачон олиш ва уларни тоза сақлаш, одамларни ғафлатдан ўйғотувчи хўроз ҳақида, сувни шифобахшлиги, чақалоқни парваришлаш ва ҳоказолар.

Бу бобда қуёш худоси Митра ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги қурашнинг интихосида ҳакамлик вазифани бажарган.

Қуёшга сиғиниш билан улар қуёш-тириклик поклик ва яратув-чилик манбаи эканлиги учун, сажда қилиб покланишган. Бу бобда чорвани кўпайтириш ва уни асраб-авайлаш учун хонаки ит асраш ва уни ҳайвонларга озор бермасликка ўргатиш қонун қоидалари мавжуд.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида миллоддан олдинги 2-минг йиллик ўрталарида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафкураси, илк давлатчилик ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи ҳақида асосий манба сифатида қимматли маълумотларни беради. Буюк мутафаккирлар, шоир ва файласуф давлат арбоби ва қонуншунос, дин илоҳиётчиси Заотор ёки Оторбон унвонлари соҳиби, ўз даврининг пайғамбарининг пайғам-барлари Сипитамон Зардуштий 630-550 ёки 618-541 й. пайтда Марка-зий Осиёда кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи инқирозга учрай бошлаган Турон заминида азалдан эл бўлиб яшаб келаётган туркий-лар, форслар, саклар, осийлар, тохарлар, дахллар, массагетлар, бак-трияликлар, парканаликлар, хоразмликлар, чочлик ва бошқа халқ-ларнинг аксарияти кўчманчиликдан ўтроқ ҳаётга, деҳқонлик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ўта бошлаган эди. Бу эса қадимги Хоразм, Сўғд, Марв, Балх Нисоя, Ҳирот, Парфия ва бошқа ўлкаларда марказлашган давлат тизими асосларининг яратилишига шароит туғдирган эди.

«Авесто»нинг Вандидот китобида Олий Тангри яратган 16 та давлат (ўлкага)оид маълумотлар ўчрайди.

«Мен ҳар бир сарзаминни, гарчи улар раҳотбохш бўлмасада, халқлари назадида хуш қилиб яратдим.

Агар ҳар бир сарзаминни, гарчи улар раҳатбахш бўлмасада халқлар наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун-бутун эллар Ийрон-Вижга томон юз бурган бўлардилар.

Мен Ахура Мазда яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу-Домитий дарёси соҳилидаги Ийрон Виж, эди.

2-гўзал юрт Суғд (Таво) 3-гўзал юрт, қудратли ва пок Марв, 4-зебо ва ораси Балх, (Бахл, Бақтрия), 5-Бахл ва Марв орасидаги Нисоя 6-Хирот ва унинг дарёчасидир, 7-бадсояли Ваиха Гирта, 8-Кенг яйловли Авравадир (Тус вилояти), 9-Гўрғондаги Хинтадир, 10-дилкаш Хараваята (Хирот), 11-Серҳосил Хийрманд, 12-уч баходир ҳукмрон бўлган Райдир, 13-қудратли ва пок Чапрадир, 14-Аждаҳони мағлуб этган Фаридун дунёга келган 4 гўшали Варинадир, 15-Хафтруд, 16-Рангҳа дарёси атрофидаги халқлар яшовчи макон.

«Авесто»да баён этилишига бу қадимги 16 мамлакатнинг ҳудудий-маъмурий ва сиёсий ҳуқуқий бошқарувчи тизими қуйидаги ташкил этилган. Давлатни- подшоҳ «кави» бошқарган, кави муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларни ўзида мужассам-лаштирган. Тарихчиларни фикрига кўра «кави»нинг ҳукмдорлик ҳуқуқи белгиланишида «фарр» (Авестода Хварно) асос сифатида қабул қилинган, яъни олий дунёвий ҳокимият сулоланинг (вакилидан иккинчисига ўтишида муайян илоҳий белги содир булар, яъни муайян бир жонивор ёки ёғду шуласи ҳукмронликка танланган кишиларни кўрсатади. Оилаларнинг бирлашмаси, «нмана», уй, оила жамоаси «дмана», катта оила жамоаси оқсоқоли «нманапати», уруғ жамоаси бошлиғи «вис», катта қишлоқ оқсоқоли «виспати» қабила бошлиғи «зантупати», вилоят ҳокими «дахюпати» (бир неча вилоят-ларнинг бошлиғи ва ҳарбий бошлиқ «дахю састар»). қонун чиқарувчи орган оқсоқоллар кенгаши «варзанапати» деб, халқ Мажлиси эса «вьяха» деб аталган. Оқсоқоллар Кенгашининг уюшмаси коҳин Олий судья вазифасини бажарган, уни «Зарауштроэма» деб аташган, уни ҳукми қатъий бўлган, унга ҳеч кимни эътироз билдиришга ҳақи бўлмаган. Оқсоқоллар кенгаши-варзанапати кўлида диний мафкура ва ҳокимият бирлашган. Улар жамоа фаолиятидаги ижтимоий ҳуқуқий ва ҳўжалик масалаларини ҳал этганлар. Катта оила жамоаси оқсоқоли «нманапати» оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ ҳисобланган. «Вис» муҳим ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий вазифаларини бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллари «нмапати»лар ичидан сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи қози, диний коҳин, раҳнамо ҳисоб-ланган. «Даохию састар»лар бир неча қабилалар яшайдиган маъмурий ҳудудни, вилоятлар ва йирик ўлкани ва ҳарбий қўмондонлик бошқаруви вазифасини бажарган. Улар томонидан чиқарилган ҳар қандай низомлар ва буйруқлар жамоа аъзолари учун муқаддас қонун вазифасини бажарган.

Жамият аҳолиси 4 тоифага бўлинган. Коҳинлар, жанги аскар, чорвадор ва ҳунармандлар. («Ясна», 19 боб) қуллар ҳам бўлган улар –«вайса», оила хизматкорлари «Виранмажа», инсоний ҳуқуқлари чекланган чўпон-«пайшаутар» деб аталган. Асосий бойлик жамоа бошлиқлари, оқсоқоллар, саркардаларни кўлида тўпланиб, «гайта» бойлик ёки хусусий мулк деган маънони англатади.

«Авесто»да жамият тўртта асосий қисмга бўлинади. Уй, оила жамоаси - «нмана», «дмана», уруғ жамоаси - «вис», «қабила», «занту», қабилалар иттифоқи - «дахю» деб аталган. Вис 15 та қариндош нманадан ташкил топган. Висга қизнинг фарзандлари кирмаган. Чун-ки «вис» мутлақо патриархал оила бўлган. Жамият иқтисодий асосини уруғ жамоаси ташкил этиб, ижтимоий ҳуқуқий вазифани бажарган.

Зардуштийлик таълимотига кўра Марказий Осиёда давлатчилик-нинг шаклланиши 3 даврга бўлинади.

1-энг қадимги давр-адолат ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган (Ясна 32)

2-давр эзгулик руҳлари билан ёвузлик руҳлари ўртасида адолат учун кураш.

3-давр - ақл-идрок ва адолат тантана қилади ва бу даврда деҳқонларнинг бадавлат, давлатнинг мустаҳкам бўлиши учун яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб, яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар, адолатли қонунларни амалга оширсинлар (Ясна,48).

Зардуштийлик таълимотида ростлик ва ҳақиқат уч маънавий-ҳуқуқий ғояга асосланади: эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш).

«Авесто»да Оила ва никоҳ муносабатлари қуйидагича тартибга солинган:

15 ёшга тўлганлар балоғат ёшида ҳисобланган. Бу ўсмирлар зардуштийликка эътиқоди рамзи сифатида белига юнг ипакдан тўқилган камар боғлаб юриши ва «оташпарастлар ибодатхонасида ўтказила-диган диний маросимларда қатнашиши шарт бўлган» диний тарбия боланинг 7 ёшидан оташпарастлик ибодатхонасида бошланади 1) диний ва ахлоқий тарбия. 2) жисмоний тарбия 3) ўқиш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлган.

«Зардуштий»ларда болаларда ахлоқий, ақлий, жисмоний, жин-сий хисларни, ростгўйлик, ватанпарварлик, саҳийлик фазилатларини тарбиялашга жиддий эътибор берилган.

Ўғил болаларга кураш тушиш, отга сувлик солиш, уни эгарлаш, мол боқиш, урчитиш, туя-отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, уларни йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилиш учун 50дан ортиқ ҳарбий қурол ишлата олиш малакасини эгаллаш мажбурий бўлган. Уларга чавандозлик ва 32 хил ҳарбий ҳунар ўргатилган.

Қиз болаларни тарбиясига алоҳида эътибор берилган. қиз болаларнинг ип йиғириш, либослар тикиш, ўғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик, қиличбозлик, сувда сузиш, камондан ўқ узиш каби жисмоний-ҳарбий малакани эгаллаши мажбурий бўлган. Ана шундан сўнг қизлар 15, ўғил болалар 16 ёшида оқсоқол бошчилигида жамоа олдида махсус имтиҳондан ўтказилган. қизларга «кадбону» яъни, «уй бекаси», йигитлар эса, «кад худо»- «оила бошлиғи» бўлиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

«Авесто»да ўсмирлар 15-16 ёшларида балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга деб кўрсатилган. Агар эркак зурриёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишган. Ер юзида зурриётни кўпайишига қарши чиқиб, турмуш кўрмай юрган қизни қопга солишиб, 25 дарра калтаклашган. Зардуштийлик динида эркак киши соғлом бўлиши учун ўз вақтида тўйиб овқат еб юриши олқишланади. Серфарзандлик ҳам қўллаб-қувватланган. Зардушт Ахурамаздадан «серфарзанд хонадонга нима берасан» деб сўралганда: у “бундай одамларни ўз химоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мўл қиламан” деб жавоб беради.

«Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қонун билан қатъий ман қилинган. Кўп болали аёлларга туялар берилган. Боласи-ни нобуд қилган аёллар эса ўлимга маҳкум этилган. Шунингдек оиласини, болаларини сарсон қилган оила бошлиғига, зинога берил-ган эркак ва аёлга нисбатан дарра билан калтаклаш ёки ўлим жазоси қўлланилган. Бир йўла 2-3 та фарзанд кўрган аёлга бир жуфт соғин сигир, сариқ туя берилган, давлат хазинасидан нафақа тўланган.

Жиноят ва жазо. Зардуштийлик ақидасига кўра, ёлғон гапириш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жиноят ҳисобланади. Табиатга нисбатан кўпол муамалада бўлганларга ҳам жазолар тайинланган, ер, сув, тупроқ, олов, муқаддас ҳисобланган.

«Авесто»нинг «Вандидот» қисмининг 5-бобида табиат ва атроф-муҳитни булғайдирган ва турли касалликлар тарқатадиган ҳайвон ва ҳашоратларни йўқотишга кучли даъват этилса-да, лекин уй жонивор-ларни эҳтиёт қилишга чақирилган. Сув ёки (ОВ) итини ўлдирган киши 10.000 барсук, 10.000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териб бериш лозим. Шунингдек, у 1000 та эчкимар, 1000 та сув қўнғизи, 1000 та касал тарқатувчи пашшани ўлдириб гуноҳини ювиши лозим бўлган.

Бу ҳақидаги қонунлар «Авесто»нинг «Вендидат («Вий даево дате-м-оромийча девларга қарши қонун») номи билан аталган бобида шахснинг сувдан фойдаланиш, жиноят ва жазо, оила-никоҳ, мулки билан боғлиқ ҳуқуқларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг 13-15 бобларида сувни тежаш, уни кадрлаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги қоидалар битилган. Унда ҳар куни икки марта суғориш мумкинлиги, ҳар бир экин экувчи бир белкурак кенглик ва чуқурликдаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сувни тақсимлаш ишларини қоҳинлар амалга ошир-ганлигидан далолат беради. Жумладан, одам ёки ит ўлигини ерга кўмиб уни олти ойгача қазиб олмаган киши минг дарра, агар бир йилгача қазиб олмаса, у ҳолда уни минг дарра уриш билан жазола-ниши кўрсатилган.

«Вендидат»да мурдани ёққан кишига нисбатан ўлим жазоси белгиланган. Судья вазифасини қоҳинлар, жамоа бошлиқлари амалга оширган.

«Аша» яъни ҳақиқатнинг илоҳий ифодаси бўлиб, бунга кўра, икки хил мажбурият тан олинади. 1-си бирор ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик мажбурияти, 2-си бу битим ёки шартнома ҳисобланиб бунга кўра томонлар ўзаро бирон нарса тўғрисида келишишади. Иккала ҳолда ҳам, куч ичилган қасамда бўлади. У куч илоҳий ҳисобланган, қасам ичиб аҳд қилган кишини ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақлигини исботлаш учун **Ордалия (синаб кўриш усули)** ўтқазиб, синаш усулида ўт билан синаш, кўкрагига қизиган темирни босиш кабилар қўлланилган.

Агар қасам билан боғлиқ бўлса, сув билан, шартномага оид бўлса ўт билан синаш йўли билан айбдор ёки гумондорга ўзини ҳақлигини исботлашга имкон берилган. Зароастр жорий этган ордалиянинг 33 усули мавжуд бўлган. Айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шўнғиган ана шу пайтда камондан ўқ узилган, чопқир киши ўқ кетидан югурган у ўқини сув тагидаги айбдор ўлиб қолгунча келтирса, қасам худоси Варуна айбдорни авф этган ҳисобланган. Ўт билан синашда ёнаётган икки қатор ўтли чамбараклар орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтиш лозим бўлган, агар тирик қолса, шартнома худоси Митра уни айбсиз деб ҳисоблаб уни авф этади. қайнаб турган суюқлик, ёғ, сув билан синаш, совуқ сув билан синаш, дарё сувига улоқтириш билан синаш усуллари қўлланилаётганда махсус тайёрланган ўсимлик ширасини (ўсимлик ширасига сут аралаштириб

тайёрланган, маст қилмайдиган) ичириб синалган. Хивчинлар боғлами билан уриб синаш кенг қўлланилган.

Назорат учун саволлар

1. “Вендеват” нима маънони англатади?
2. “Авесто”да дастлабки нечта давлат ҳақида фикр юритилади?
3. “Авесто”да қайси ҳалқларнинг кўчманчиликдан ўтроқ ҳаётга ўтиши ўз аксини топган?
4. “Авесто” бўйича қонун чиқарувчи орган қандай номланган?
5. “Зарауштроэма” қандай вазифани бажарган?
6. Зардуштийлик таълимотига кўра, Марказий Осиёда давлатчиликнинг шаклланиши нечта турга бўлинади ва улар қайсилар?
7. “Кадбону”, “Кадхудо” қандай ҳуқуқни англатади?
8. “Авесто” бўйича ордалиянинг нечта тури берилган?
9. “Авесто” да суд ишлари қандай юритилган?

Адабиётлар:

1. И.Жабборов. Антик маданият ва маънавият хазинаси. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
2. Т.Махмудов. «Авесто» ҳақида. Т., «Шарқ» 2001 й.
3. Тохир Карим. Муқаддас «Авесто» изидан Т, Чўлпон., 2000 й.
4. Х.Бобоев. С.Хасанов Т., «Авесто» маънавиятимиз сарчашмаси «Адолат» 2001 й.
5. А.Саидов., Ж.Тошқулов Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. ИИВ Академияси. Т., 1995 й
6. «Авесто»- инсонпарварлик ва эзгулик чашмаси. Т., «Куч адолатда», 2000 йил, январ сони 7 б.
7. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Самарқанд.Зарафшон.1998.
8. М.Ҳамидова. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи».Ўқув қўлланмаси. Т.2005.

Ўрта асрларда Мовароуннахр давлати ва ҳукуки (XIII асргача)

Режа:

- 1. Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлигини ўрнатилиши**
- 2. Араблар ҳукмронлиги даврида Мовароуннахрнинг бошқарув тизими.**
- 3. Ислом динининг ёйилиши ва унинг Мовароуннахр сиёсий ижтимоий ва ҳукукий ҳаётидаги ўрни.**
- 4. Сомонийлар давлати ва ҳукуки.**
- 5. Қорахонийлар давлати ва ҳукуки.**
- 6. Салжукийлар давлати ва ҳукуки.**
- 7. Ғазнавийлар давлати ва ҳукуки.**
- 8. Хоразмшоҳлар давлати ва ҳукуки.**

Араблар Ўзбекистон ҳудудини босиб олишда Хуросонни ўзларининг таянч нуқталарига айлантирганлар. Ўша ерда туриб, Ўзбекистон ҳудудини «Мовароуннахр» - «дарёнинг орти», «дарёнинг нариги томони» деб атаганлар.

Шу даврдан бошлаб «Мовароуннахр» деган ибора бизнинг ҳудудимизга нисбатан ишлатиладиган бўлган. Марказий Осиё ерларига биринчи бор лашкар тортиб келган ҳукмдор Зиёд ибн Абу Суфёндин. У 666 йилда (ҳижрий 46 йилда) Амударё бўйлариғача келади, Марвни эгаллаб катта бойлик ва ўлжалар олиб юртига қайтиб кетади. Ўрта Осиёнинг қулай ва гўзал табиий иқлими ва шароити ҳамда беҳисоб бойликлари мол-дунёга ўч араб саҳройиларининг тинчлигини бузган эди. Ҳар икки ўртада шартнома-битим тузилган бўлса-да, Убайдул-лоҳ ўрнига Хуросон амири этиб тайинланган Саъид ибн Усмон 676 йилда Бухоро устига қўшин тортади. У жуда кўп ҳийла-найранглар ишлатиб Бухоро ва унга ёрдамга келган Сўғдиёна, Кеш, Насаф қў-шинларини тор-мор келтиради. Бухоро подшоси Хотун ибн Усмон-нинг талаби билан унинг ҳузурига боришга мажбур бўлади ва жуда кўп ўлпонлар тўлаб, шаҳзода ва аслзодалардан 80 кишини гаровга беради. Шундан сўнг араблар Мовароуннахр ва Самарқандга юриш қилганлар. Улар бу жойларни эгаллаб жуда кўп бойликларни қўлга киритганлар ва самарқандликлардан 30 минг кишини асирликка олганлар.

Саъид ибн Усмон гаровга олинган Бухоролик шаҳзодаларни Марвга қайтишда озод қилишга сўз берган. Лекин у ваъдасида турмайди ва шаҳзодаларни алдаб Мадинагача олиб бориб уларни барча зарбоп кийимларини ечиб олиб қулларга айлантирган. Эркпарвар бухороликлар бундай ҳақорат ва пасткашликка чидай олмасдан Саъид ибн Усмон саройига бостириб кирадилар ва аввал уни, сўнгра ўзларини ўлдирадилар. Наршахийнинг ёзишича, Бухоро аҳолиси ҳар сафар ислом лашкарлари келганда мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетгандан сўнг, эса яна диндан қайтар эдилар. 704 йилда Хуросон тахтига Қутайба ибн Муслим ўтиради ва Хуросонни батамом ўзига бўйсундиради. Ана шу даврдан эътиборан араб босқинчилари томонидан Мовароуннахрни забт этишнинг ик-кинчи даври бошланади. Наршахийнинг маълумот беришича,

Қутайба “катта тайёргарликдан сўнг” саксон саккизинчи йили (12 дскабрь 706-30 ноябр 707) Жайхун дарёсидан ўтади. Пойканд аҳолиси бундан хабардор бўлиб, шаҳарни жуда мустаҳкам девор билан ўрайдилар. Шунинг учун ҳам уни «жез шаҳар» деб ҳам аташган. Мусулмонлар қаттиқ ва шиддатли жанглардан сўнг, бу шаҳарни эгаллашган. Икки ўртада сулҳ тузилади. Қутайба Пойканд шаҳрига амир этиб, Варқо ибн Наср Боҳилийни тайинлаб, ўзи Бухоро томон юришни давом эттиради. Пойкандда ҳукмрон бўлиб қолган Варқо шаҳар халқига жабр ва зулм ўтказади, ахлоқий бузуқ ишлар билан шуғулланади. Бунга жавобан шаҳар фуқаролари кўзғолон кўтарадилар. Қутайба бу хабарни эшитиб тезда орқасига қайтиб ва кўзғолонни шафқатсизлик билан бостира-ди. Унинг буйруғи билан араб саҳройилари шаҳарни талаб, ҳароб қиладилар.

Қутайба Пойкандни батамом ўзига бўйсундиргач, унинг атрофи-даги барча қишлоқларни ҳам эгаллайди ва 707 йилда (89) Кеш, Нахшобни фатҳ қилади. 708 (90) йилда Вардан (ҳозирги Вардонзе) устига юришга тайёргарлик кўраётганда қутилмаган қаршиликка дуч келади. Турк хонлари Қутайбага қарши иттифоқ тузиб, Тороб, Хунбун ва Ромитон оралиғида уни кўп лашкар билан ўраб оладилар. Хитой подшосининг жияни Кўрмағонун ҳам бу иттифоққа қўшилади. Натижада Қутайба оғир аҳволга тушиб қолади. Қутайбанинг яқин кишиларида бўлган Хайёни Набатий ишлаб чиққан режа асосида мусулмон араблар оғир вазиятдан эсон-омон қутиладилар. Улар Тархунни алдов билан сафдан чиқариб иттифоқчилар сафини бўлиб юборадилар. Қутайба билан Сўғд подшоси сулҳ битими тузади. Битимга кўра, Тархун арабларга ҳар йили икки миллион дирҳамдан хирож тўлайдиган бўлади.

Ҳоятда оғир вазиятдан устамонлик билан чиқиб кетган Қутайба энди асосий зарбани кучли рақиб, лекин лақма сиёсатдон сўғд ҳокими Тархунга қарши қаратади. Ўртада тузилган сулҳ шартномасига қарамасдан, ўзаро келишув асосида Самарқанддаги масжид қурили-шини тезлаштириш баҳонасида шаҳарга ғишт терувчилар ўрнига 4000 қуролланган араб киритилади. Шаҳар таланиб, аҳоли қирғин қилинади. Тархун ҳам қатл этилади. Сосонийларнинг энг сўнггиси Яздигарднинг қизи асир олинади ва у Халифа Валидга юборилади. Самарқандда қўлга олинган олтин бутлар ва уларнинг жиҳозлари 50 минг мисқолни ташкил этади. Самарқандни эгаллашда 300 та девор-бузар мосламалар ишлатилиб араблар Самарқандни батамом вайрон этадилар. Ниҳоят Самарқанднинг янги ҳокими Гурак (709-738) билан Қутайба ўртасида сулҳ битими имзоланиб, бу битимга кўра у арабларга йилига 2 млн 200 минг дирҳам товон тўлаши керак бўлади. Яна арабларга 300 минг соғлом кишини қул ўрнида бериш шarti ҳам бор эди. Шартномага асосан шаҳар маркази арабларга бўшатиб берилади. Қутайба у ерда (Афросиёбда) масжид қурдиради.

Шундай қилиб, саҳройи араблар дунёнинг энг қадимий ва мада-ният ўлкаларидан бири бўлмиш Мовароуннаҳрни ўз мустамлакаларига айлантирадилар. Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган аجدодларимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётда саҳройи араб-ларга қараганда анчагина олдинда эдилар.

Нима сабабдан уларни араб истилочилари нисбатан тез ва осон босиб

олишга муваффақ бўлганлар? Бунинг сабаблари – биринчидан, ўлка халқлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирликнинг бўлмаганлиги ва феодал тарқоқликнинг мавжудлигидадир. Араблар Мовароуннаҳрдаги кичик-кичик феодал давлатчалар тарқоқликдан усталик билан фойдаланганлар. Иккинчидан, араблар кўманчи турк қабилалари билан маҳаллий ўтроқ халқлар ўртасида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлардан ҳам фойдаландилар. Учинчидан, араблар Мовароуннаҳрга қадар жуда кўплаб бошқа мамлакатлар ва аҳоли ҳудудларини босиб олган эдилар. Тўртинчидан, араблар Мовароуннаҳр ҳудудларига бостириб келганларида бу ерда кўпдинлик ҳукм суларди. Бу ҳол арабларга қарши ўлкамиз ҳудуди халқларининг бир-лашувига тўсқинлик қилган ва араб босқинчиларининг ғалабасини енгиллаштирган.

Араблар талончилик сиёсатини юритиб, Ўзбекистоннинг жуда кўп маданий бойликларини вайрон қилганлар, жуда катта ўлжалари-ни қўлга киритганлар ва маҳаллий аҳолининг катта қисмини қулларга айлантирганлар. Манбаларда қутайба ибн Муслим Ўрта Осиёдан 100 мингтага яқин асирларни қул қилиб олиб кетганлиги кўрсатилади. Араблар босиб олган ерларига ўзларининг дини- исломни ва у билан бирга халифаликда ҳукмрон бўлган феодал ҳуқуқи тизими – мусулмон ҳуқуқи ёки шариатни куч билан жорий қилганлар.

Халифаликнинг талончилик ва маҳаллий халқни ҳуқуқ жиҳатдан эзиш сиёсати маҳаллий маданиятни емириш, араб тили, ёзуви ва ислом дини ақидаларини зўрлаб ўрнатиш халқ ғзабига дуч келган. Кучли кўзғолонлар ҳам бўлган. 720-722 ва 728 йилларда Сўғдда катта халқ кўзғолонлари кўтарилган. Кейинчалик Абу Муслим, айниқса Муқанна бошчилигидаги кўзғолонлар шафқатсиз бостирилган бўлса ҳам, аммо улар халифани ларзага келтирилган.

806 йилда Сўғдларнинг Самарқандда Рофе ибн Лайс бошчилигидаги бошлаган кўзғолони тез орада Тошкент, Фарғона, Қашқадарё ва Хоразмга ёйилиб, халифалик қўшинлари бу кўзғолонни бостира олмаган. Зодагонларнинг хоинлиги туфайлигина бу кўзғолон бостирилиб, унинг раҳбарлари қатл этилади. Шундан сўнг Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳокимият маҳаллий задогонлар қўлига ўтган. Халқ оммасининг босқинчиларга қарши фидокорона олиб борган кураши туфайли маҳаллий сулола бошчилигидаги мустақил давлат тузишга шароит яратилган.

Араблар Ўрта Осиёда ўз ҳукмронликларини ўрнатиш билан бу ерда мустаҳкам ўрнашиб қолишга ҳаракат қилганлар. Шу мақсадда улар босиб олинган шаҳар ва қишлоқларга бутун-бутун оилалари билан келиб жойлашганлар, маҳаллий аҳолининг уйларини, мол-мулк-ларини зўрлик билан тортиб олганлар. Масалан, араблар томонидан Бухоро ва Самарқанд босиб олингандан кейин Қутайба аҳолидан уйларининг ярмини арабларга беришни талаб қилган. Хонадонларга кириб олган араблар ўзларини катта тутар, саҳоба авлодиданмиз деб пеш қилар эдилар. Шунинг учун ҳам кейинчалик улар хўжа номи билан танилиб кетади. Демак, тарихдан халқни хўжа ва фуқаро (қора халқ)ларга ажратиш ўша вақтлардан бошлаган.

Маҳаллий аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик ҳисоблан-ган. Бу даврдаги бутун деҳқонлар оммасини озод деҳқонларга, ярим қарам (кадивар)

деҳқонларга ёки қулларга ажратиш мумкин. Чорикорлик ижарасининг кенг тарқалиши натижасида кадиварлар сони ўсган. Бадавлат ер эгалари ўзларининг йирик хўжаликларига эга эмас эдилар. Улар ўз ерларини майда қисмларга ажратиб, деҳқонларга турли шартлар асосида бўлиб берганлар. Бундай чорикорлик ижараси асосида ер олган деҳқонлар эгаларига ҳосилнинг ярмини $\frac{1}{3}$ ёки $\frac{1}{4}$ қисмини беришлари лозим эди. Чорикор кадивар, эркинликка чиқарилган қул ёки қул бўлиши мумкин эди. Баъзан эркин деҳқонлар ҳам кам ерли бўлгани туфайли хонавайрон бўлиб, ҳосилсизлик ёки бошқа сабаблар билан чорикор бўлиб қолишар эди.

Халифа давлат ерларини шахсларга “икто” тариқасида тухфа қилган. Давлат ерлари айрим ҳарбий йўлбошчилар ва амалдорларга умр бўйи ёки меросийлик тариқасида берилган. Бироқ ерларнинг асосий эгаси халифа саналар ва у иктодорлардан ушр олиш ҳуқуқига эга эди.

VIII аср ўрталарига келиб Мовароуннаҳр ҳудудуда сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштирилган эди. Сўғдиёнада бухорхудотлар ва бошқа ҳукмдорларнинг қўли остидаги маъмурий идора усули ўз шаклини сақлаб қолган бўлишига қарамай, ҳокимларнинг халифа ноибига итоат этишлари шарт эди. Маҳаллий давлат бошлиқларининг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ислом динини қабул қилган эдилар. Исломни қабул қилмаган зодагонлар ўз ерларидан маҳрум этилар ёки товон тўлар эдилар.

Араблар Мовароуннаҳрни истило қилганларидан сўнг, бу ҳудуд-нинг ер-мулклари халифага қарашли бўлиб қолди. Илгари ерлар Бу-хорода йирик зодагон – бухорхудотларнинг хусусий мулки саналса, эндиликда улар халифалик мулкларига айланди.

Халифа давлатни бошқаришда вазир ул вузаро (улуғ вазир)га таянган. ҳарбий ишлар, ҳарбий кўшинлар амир ул-умаро қўли остида эди. Халифа турли масалаларни девон ад-дар, яъни кенгашда кўриб чиқар эди. Девон ад-дар учта асосий девонга бўлинган улар девон ал-машриқ, девон ал-мағриб ва девон ал-хараждан иборат бўлган. Мова-роуннаҳрга тегишли масалалар девон ал-машриқда ҳал этилар эди.

Халифа вилоят ноибларини лавозимига тайинлаш ёки бўшата олиш ҳуқуқига эга эди. Халифаликнинг ҳуқуқий масалалари куръони Карим ва Пайғамбар кўрсатмалари, насиҳатларига асосланган ҳолда кўриб чиқилган.

Деҳқонларнинг араб зодагонлари билан қон-қариндошлик риш-таларини боғлаши, уларга катта имтиёз берар эди. Биринчидан, улар ўз ҳукмронлик мавқеларини сақлаб қолдилар, иккинчидан, маълум миқдорда халифа хазинасига солиқ бериш билан ўз ерларини ихтиёр-ларида қолдирадилар. Ижарага беришни кучайтириши билан улар-нинг ижтимоий нуфузи кадиварларга нисбатан анча юқори поғонага кўтарилди. Деҳқонларнинг қарамоғидаги кам сонли қуллар ҳам озод-ликка чиқиб ижарачиларга айландилар.

Йирик ер эгалари деҳқонлар араб халифалиги даврида ҳам ўз ер-ларининг эгалари бўлиб қолдилар, бироқ улар эндиликда ижарадор-ларга айланиб, даромаднинг маълум қисмини халифалик хазинасига жўнатиш мажбуриятини

олган эдилар. Исломни қабул қилмаганлар солиқ тўловчилар саналар ва улар зилмийлар деб аталар эди.

Йирик ер эгалари деҳқонлар ерларини майда бўлақларга тақсим-лаб зироаткорларга ижара тарзида бўлиб беришган.

Араблар Туркистон ерларини босиб олгандан кейин оддий халқ-нинг аҳволи янада оғирлашиб кетди. Унинг елкасига янги солиқлар солинди. Халифага жуда катта миқдорда ўлпон жўнатилар эди. Бу албатта оддий халқдан олинадиган турли солиқдан йиғилар эди. Араблар Мовароуннаҳр халқидан мумкин қадар кўпроқ бойлик унди-риб олиш сиёсатини олиб борганлар. Улар дастлабки йилда исломни қабул қилганларга баъзи имтиёзлар берганлар. 728 йилда исломни қабул қилганлар «хирож» солиғи (экилган ҳосилнинг 1/4 ҳиссаси миқдорида) ва «жузья» (жон бошига солинадиган солиқ)дан озод қилинганлар.

Лекин кейинчалик халифанинг даромадлари анча камайиб кетади. Бироқ тез орада Араб халифалиги Ўрта Осиёда ўз мавқеини тамоман мустаҳкамлаб олгач, мусулмон ва мусулмон бўлмаган халқдан ҳам бир хилда солиқ олинадиган бўлди. Хирожнинг миқдори ҳосил-нинг ярмига тўғри келган. Булардан ташқари аҳолидан яна бир кенг тарқалган солиқ-закот олинар эди.

Бу солиқ чорвадан, ҳунармандчилик ва савдодан келадиган даромаднинг 1/40 қисми миқдори олинган. Солиқ йиғувчилар «амил» деб аталган. Бағдоднинг махсус солиқ йиғувчиси Бухорога келиб солиқларни ўзи жамлаб олиб кетган. Солиқлар пул ёки маҳсулот шаклида тўпланиб турилган.

Солиқлар уч хил шаклда йиғилган:

1. “қавонин ёки муқатиъа” – майда вилоятлар ва туманлардан хазинага тушиб турган йиғин.

2. “Мақосима-ҳосил”нинг маълум улуши миқдорида тўланган. Унинг ҳажми суғоришга боғлиқ ҳолда белгиланган.

3. “Мисоха”-ер ҳажмига қараб миқдори белгиланадиган солиқ бўлиб, унда экин экилиши ёки экилмаслигига эътибор берилмаган.

Ўзбекистон ҳудуди араблар томонидан босиб олинганидан сўнг Араб халифалиги таркибига кирган. Араб халифалиги феодализм теократик давлат бўлиб, унинг тепасида халифа турган. Халифага давлатда-ги барча дунёвий ҳамда диний ҳокимият тегишли бўлган. Араб халифалиги томонидан босиб олинган вилоятлар тепасида халифа томонидан тайинланадиган амирлар турган. Ўзбекистон ҳудудини халифа-нинг Хуросон ва Мовароуннаҳр бўйича ноиблари идора этган.

Ноиб алоҳида шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳокимларини, шайхларини тайинлаган. Улар маҳаллий аҳолидан ўлпонлар йиғиш ҳамда жамоат тартибни сақлаб туриш каби вазифаларни бажариб турган. Баъзи шаҳарларнинг ҳокимлари маъмурий-молиявий ҳуқуқ-лардан ташқари ҳатто ҳарбий кучларни ҳам бошқарганлар. Кўп жой-ларга араблар ўз ҳарбий қисмларини жойлаштирган эдилар. Улар маҳаллий аҳолини тутқунликда ушлаб турганлар. Арабларнинг маъмурий аппарати ва миршаблари бўлган, ҳокимларнинг эса шахсий кўриқчилари мавжуд эди.

Араблар Мовароуннаҳрни истило этиш жараёнида ислом динини ва шу

билан бир қаторда мусулмон қонунчилик тизимини ҳам жорий қилдилар. Ислом ҳуқуқшунослигининг асосини шариат ташкил қилади.

Шариат асосан қуйидаги манбаларга асосланади.

1. Қуръони Карим – мусулмонларнинг муқаддас китоби.
2. Ҳадиси Шариф – Муҳаммад Пайғамбар насихатлари, кўрсатмалари ва фаолияти билан боғлиқ ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар.
3. Хулафойи Рашидиннинг одил қарорлари ва фармойишлари.
4. Ижмоъ–нуфузли, обрў эътиборли мусулмон ҳуқуқшуносларининг турли саволларга жавоблари ва қарорлари.

Ислом динида фатво атамаси кенг қўлланилиб, у ислом қонун-шуноси олий мартабали ва нуфузли шахсларнинг, дунёвий ҳукмдор-ларнинг қарорлари ва фармонларини ёзма равишда тасдиқланишини англатади.

Ислом қонунчилигини амалга оширувчи ҳуқуқшунослар маълум номга эга бўлиб, улар ўз илмий даражаларига мувофиқ муайян поғонада туришган. Қози суд ишларини амалга оширувчи, шархловчи шахс бўлиб, ислом қонунчилигида қуйи поғонада турган. қозилар ижтиҳод, яъни олий қонун илмини билишлари шарт бўлмаган. Ислом қонунчилигини амалга оширувчилар:

Муфатих- вақф ишларини амалга оширувчи шахс.

Мужтахид – олий даражага эришган илм соҳиби, яъни ижтиҳод-ни тўлиқ эгаллаган шахс.

Шайх ул-ислом – энг юқори поғонада турувчи ҳуқуқшунос шахс.

Муфтий – айрим мамлакатлардаги фатво берувчи, қарор чиқарувчи, суд ишларини амалга оширувчи олий мартабали шахс.

Исломни қабул қилганлар мусулмон ёки мусулмонлар дейилган. Ислом жамиятида ҳамма Оллоҳ олдида тенг, баб-баробар ҳисобланган.

Ҳар қандай инсон, у туғилиши ва қайси ижтимоий тоифага мансуб бўлишидан қатъи назар, шариатда бир хил ва тенг ҳуқуққа эга саналади.

Ислом қонуншунослиги моҳиятига кўра иккига бўлинади:

1. Ҳуқуқ оллоҳ - инсонларнинг оллоҳ олдидаги мажбуриятлари.
2. Ҳуқуқ ан-нос- инсонлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

IX асрга келиб араб халифалигининг сиёсий инқирози юз беради. Ўрта Осиё аҳолисининг араблар зулмига қарши кўзғолонлари бу инқирозни янада чуқурлаштириб юборади. Айниқса 806 йилда сўғдларнинг Самарқандда бошланган Рафе ибн Лайс раҳбарлигидаги кўзғолони тез орада Тошкент, Фарғона, Қашқадарё ва Хоразм воҳаларига ҳам кенг ёйилади. Халифалик қўшинлари бу кўзғолонни ҳар қанча уриниб бўлса ҳам бостира олмаганлар. Шундан сўнг халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Хуросон ноиби Маъмун маҳаллий феодал-лардан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Халифа уларга мамлакатни идора этиш ҳуқуқини беришни ваъда қилади. Рафе ибн Лайс феодалларнинг сўзига қулоқ солиб, кўзғолонни тўхтатди ва арабларга таслим

бўлади. 806 йилдан 810 йилгача давом этган бу кўзғолон бостирилгандан сўнг унинг раҳбарлари қатл этилади. Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳокимият маҳаллий зодагонлар қўлига ўтади. Шу тариқа Араб халифалигининг Ўрта Осиёдаги ҳокимияти барҳам топади.

Сомонийлар давлати ва ҳуқуқи (874-999)

IX асрда Ўрта Осиё ҳудудида ҳали ҳам араблар ҳукмронлиги давом этарди. Аммо эрк ва ҳурлик сингари олижаноб тарихий анъаналарга содиқ бўлган авлод-аждодларимиз араб босқинчиларига қарши курашни бир дақиқа бўлса-да тўхтатмадилар ва мустақил марказлашган давлат барпо қилишга интилдилар. Бу ҳаракат араб истилочиларини ҳар доим таҳлика ва кўрқув остида саклаб турди. Улар жойлардаги ҳатто ўзларидан чиққан ҳукмдорларга ҳам шубҳа билан қарар ва ишонмас эдилар.

Холид ибн Бармоқ – Бармоқийлар мисолида буни кўриб ишонч ҳосил қиламиз. Бармоқийлар Хуросон ва Моваруннаҳрни идора қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Уларнинг таъсири марказий араб халифалигида ҳам кучли бўлган. Аббосийлар ҳукмронлик қил-ган даврда қарийиб эллик йил мобайнида давлатни идора қилишнинг маъсул лавозимлари Балхдан чиққан бармоқийларнинг қўлида бўл-ган. Аббосийлар бундай маъсулиятли лавозимларни бармоқийлар қўлига беришга мажбур бўлсаларда, бироқ уларнинг фаоллашиб бора-ётганлигидан кўрқар эдилар. 786-809 йилларда халифалик қилган Хо-рун Ар-Рашиднинг бармоқийлар хонадонига қакшатқич зарба берган.

ҳокимият тепасига бармоқийлар ўрнига Тоҳирийлар келади. Тоҳирийлар Хуросоннинг йирик оқсуяк ер эгаларидан бўлиб, бу сулоланинг асосчиси Тоҳир ҳусайн эди. Бу сулола асли ҳирот вилоятининг Бушганг шаҳридан эди. Тоҳир 809-813 йилларда Хорун-ар-Рашиднинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасидаги бўлган курашда Маъмун томонида бўлди, унга Бағдодни ва халифалик тахтини эгаллашда ёрдам берди.

Маъмун 813 йилда халифалик тахтига ўтиргач, Тоҳир ибн ҳусайн катта ҳурмат ва эътиборга лойиқ нуфузли киши бўлиб қолди. 821 йилда у Хуросоннинг ноибни этиб тайинланади. Мовароуннаҳр ҳам Хуросон ноиблиги таркибига кирарди. Унинг қароргоҳи Нишопурда эди. Тоҳир ўз қўл остидаги кенг вилоятларни мустақил давлатга ай-лантириш учун очикдан-очик ҳаракат қилди. У ноибликка тайинлан-ган кундан бир йил ўтар-ўтмас, жомеъ масжидида жума намозида ўқиладиган хутбадан халифа номини чиқариб ташлашга буйруқ берди. Бу ўша давр учун халифага қарши кўтарилган исён билан тенг эди. Бу воқеадан кўп вақт ўтмай Тоҳир ибн ҳусайн тўсатдан вафот этди. Шундан кейин Тоҳирнинг ҳар бир қадамини кузатиб юрган халифа уни заҳарлаб ўлдирган деган гап тарқалди. Халифа бундай майда-чуйда гапларга асос қолдирмаслик мақсадида Хуросон ноибли-ги тахтига Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғиллари Талха ва Абулаббос Абдуллоҳни навбат билан қўйган. Абулаббос Абдуллоҳ ноиблиги даврида (830-844) халифага расман қарам-вассал бўлса-да, амалда мустақил давлатга айланиб, пойтахтни Марвдан

Нишопурга кўчирган. Бунинг энг асосий сабабчиси халифалик ҳукмронлигини хавф остида қолдирган ва тез-тез кўтарилиб турган халқ кўзғалонлари эди. Ана шундай кўзғалонлардан бири 806 йилда бўлганди. Халифаликни зирқиратган бу кўзғалон Насаф, Бухоро, Уструшона, Шош, Хоразм ва бошқа ҳудудларни қамраб олди. кўзғалонга исёнкор араб лашкарбошиси Рафе ибн Лайс бошчилик қилган. Кўзғалон Муқанна анъанала-рини давом эттирган. Бу ҳаракат айниқса Шош вилояти ҳудудларида кучли тус олди.

VIII асрнинг 80-йилларида Муқанна мухлислари кўпроқ яши-ринган эдилар. кўзғалонни ҳар галгидек турклар яна қўллаб-қувват-ладилар. кўзғалончилар Самарқандни эгаллашган. Халифа Маъмун бу ҳаракатнинг халифат учун ўта хавfli эканлигидан ташвишда эди ва уни бостириш учун турли воситаларни ишга солган. Ниҳоят кўзғалон 810 йилда бостирилган. Уни бостиришда Сомон ибн Асад қатнашди. Бу ишда Сомоннинг ўғиллари Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёслар катта ҳисса қўшдилар. Улар аслида Балх вилоятининг Сомон қишлоғи оқсоқоли Сомон ҳудотнинг авлодлари бўлганлар. Сомон ибн Асад ва фарзандлари хизматлари эвазига халифа Маъмун Нух ибн Асадни Самарқандга, Аҳмад ибн Асадни Фарғонага, Яҳёни Шош ва Уструшона, Илёсни хиротга ноиб этиб тайинлайди. Шу тариқа Мовароуннаҳрда сомонийлар сулоласи қарор топди.

Албатта, бу ерда Тоҳирнинг Сомон ибн Асад ўғилларини яхши билганлиги ва уларга хайрихоҳлиги ҳам катта роль ўйнаган. Сомон ҳали Маврда ноиб бўлиб турган пайтда Тоҳир ибн хусайн ва халифа Маъмуннинг диққитини ўзига тортган эди. Сомон Маъмуннинг таъсирида оташпарастлик динидан чиқиб ислом динини қабул қилган.

Аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда ака-ука Сомонийлар-нинг, хусусан Аҳмад ибн Асаднинг аҳволи оғирлашиб қолади. Фарғона ва Уструшонда халифаликка қарши кўзғалон кўтарилиб, Аҳмад ўз ноиблигини ташлаб кетади. кўзғалонни Тоҳирнинг ўғли Талха бостиргач, Аҳмад Фарғонага қайтади ва бу ерда узоқ вақт ҳокимлик қилади. Нух Самарқандда 819-820 йилдан 841-842 йилгача, Аҳмад Фарғонада 819-820 йилдан 864-865 йилгача, Яҳё Шош ва Уструшонда 819-820 йилдан 855-856 йилгача ноблик қиладилар.

Ноблик алоҳида хизматлари учун инъом – мукофот тариқасида берилган. Мансаб билан бир қаторда фойдаланиш учун ер мулклар ҳам ҳадя қилинган. Сомонийлар иккинчи даражали ноиблар бўлганликларидан уларга мис тангалар (филуслар), тоҳирийларга эса айни замонда кумуш тангалар (дирҳам) зарб қилишга ҳам рухсат берилган. Сомонийлар инъом қилинган ерларнинг нақадар бой бўлганлигини IX асрдаги машҳур араб географи Ибн Хўрдодбехнинг вилоятларнинг солиқ миқдори тўғрисидаги маълумотларидан билсак ҳам бўлади. Унинг ёзишича бутун Сўғд ҳудуди халифалик хазинасига тоҳирийлар орқали 326 минг муҳаммадий дирҳамдан тўлаб турган. Фарғона Аҳмад ибн Асад орқали 280 минг, Яҳё ибн Асад орқали Шош – 607 минг, Уструшон – 50 минг дирҳамдан тўлаган. Бундай катта солиқ-ларни фақат жуда бой ўлкаларгина тўлаши мумкин эди. Иқтисодий юксалиш ҳарбий қудратни ҳам белгилаган. Моварауннаҳрда 600 минг суворий ва пиёда қўшин бўлган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг шимолий чегараларига яқин вилоятларида асосан

кўчманчи турк қабилалари яшаган. Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида уларнинг шаҳарлари кўп бўлган. Кўчманчи туркий қабилалар Мовароуннаҳр воҳа-ларида сўғдийлар, фарғоналиклар, хоразмликлар ва бошқалар билан бирга умумий ҳаёт кечиришган.

IX асрнинг биринчи ярмидан эътиборан туркий – ўғузлар Мовароуннаҳрнинг ўтроқ ва маданий ҳаёт кечираётган воҳаси халқларига ҳужумлар уюштириб, уларни тез-тез безовта қила бошлаган-лар. Шу боисдан ҳам Абдулла ибн Тохир IX асрнинг 30-йилларида турк-ўғузлардан ҳимояланиш учун Фаробод (қизил Арвотга яқин) ва Доҳистон (Машҳади Мисриён)да мустаҳкам равоатлар қурдирган, ҳатто ўз ўғли Тохирни қўшинга бош қилиб турк-ўғизларга қарши жанг қилиш учун урушга юборган. Бундай истехком деворлари Бухорода (Кампир девор номи билан ҳозиргача машҳур), Самарқандда (киёмат девор деб аталади) ва бошқа жойларда ҳам қурилган.

Кўчманчи турк қабилалари XIX асрнинг биринчи ярмида Яҳё ибн Асад ҳокимлик қилувчи Шош (Чош)га тез-тез ҳужумлар уюштирганлар. Яҳёнинг илтимосига биноан ва унинг иштирокида акаси Нух ибн Асад 840 йилда Исфижобнинг турк ҳокимига қарши юришда мустаҳкам мудофаа девори қурдирган. Нух ибн Асад 841 йилда вафот этади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Самарқанд вилоятини бир вақтлар ака-ука Аҳмад ва Яҳё биргаликда идора қилганлар. 855 йилда Аҳмаднинг ўғли Наср ибн Аҳмад Самарқанд ноиблигига тайинлана-ди. Бу ҳол Мовароуннаҳрда Аҳмад ибн Асад нуфузининг ошувиغا олиб келади. 856 йилда Яҳё ҳам вафот этган. Аҳмад энди Шош ва Уструшон ноиблигини ҳам ўз қўлига олади ва бу вилоятларни ўғли Ёқуб ибн Аҳмадга берган.

Ана шу тариқа IX асрнинг ўрталарига келганда Бухоро, Қашқа-дарё вилоятлари ва Чағонруд (ҳозирги Сурхондарё) водийларидан бошқа Мовароуннаҳрнинг барча ҳудуди Аҳмад ва унинг ўғиллари таъсири доирасига кириб қолган. Бу ишга Тохир ибн Абдулла (844-862) қаршилиқ қилмаган. Чунки энди сомонийлар устидан илгаригидек ота-бобоси сингари ҳукмронлик қила олмаслигини яхши биларди. Сабаби, тоҳирийлар сулоласи борган сайин инқироз сари юз тутмоқда эди.

IX асрнинг 60-йилларидан эътиборан тоҳирий ҳукмдорларга қарши халқ ҳаракатлари кучайди. Бу ҳаракатга Ғозийлар бошчилик қилдилар. (Ғозийлар асосан кўчманчи қабилалар ҳужумини бартараф қилиш мақсадида камбағал ҳунармандлар ва ерсиз зироатчилардан ташкил топган қуролли қўшин). Ғозийлар ҳаракати аҳолидан кўпроқ ўлпонлар тўплашга шошилди. Тўпланган ўлпонлар паст қийматли дирҳамлардан иборат бўлганлиги учун уларни қумуш тангаларга алмаштиришни буюрди. Бу эса аҳолининг ғзабини кўзғатди, халқ кўзғолон кўтариб, Ҳусайн саройини эгаллаб олди ва уни талади. Шаҳар жамоасининг юқори табақалари Самарқандга - Наср ибн Аҳмадга ўз вакиллари юбордилар ва сомонийлар хонадонидан бирор кишини ҳоким қилиб жўнатишини илтимос қилдилар. Бу таклиф албатта Насрни хурсанд қилди ва у ўз укаси Исмоил ибн Аҳмадни Бухорога ҳоким қилиб жўнатди. Исмоил Сомоний 849 йилда Фарғонада таваллуд топган. 14 ёшида отаси вафот этиб акаси Наср қўлида қолган. Исмоил Сомоний ўз ҳокимлигининг (874-907)

дастлабки даврларида катта қийинчиликларга дуч келади. Чунки халқ оммаси сомоний ноиблардан шу пайтгача бирор-бир яхшилик кўрган эмасди. Исмоилдан ҳам албатта яхшилик кутиш учун ҳеч қандай асос йўқ эди. 875 йилда Исмоил ўзининг иккинчи марта Бухорога келишида йўлда халқнинг нотинч эканлигини ўз кўзи билан кўрди. Тарихчи Наршахийнинг ёзишича, Баркет билан Ромитон ўртасида 4 минг деҳқон кўзғолон кўтариб чиқади. ҳоким сифатида Исмоилнинг дастлабки кўрган тадбири деҳқон оқсуяклари ва лашкарбошилариға суяниб халқ кўзғолонини бостиришдан иборат бўлди.

Ўзини бутун бошли Мовароуннаҳр ҳокими деб ҳисоблаган Наср ибн Аҳмад кумуш тангалар зарб қила бошлади. 886-887 йили Наср томонидан Самарқандда зарб қилдирилган сомонийларнинг энг биринчи кумуш дирҳамларининг намунаси Ўзбекистон тарихи музейида сақланмоқда.

Наср ибн Аҳмад ўз укаси Исмоилни ўзига тобе ноиб деб ҳисоблар ва истаган пайтда уни алмаштириш мумкин деб ўйларди. Аммо Исмоил акасига бўйсунишни очикдан-очик ҳохламаган ва Бухорони мустақил бўлишиға ҳаракат қилган. Бу ҳаракат Исмоилнинг турли баҳоналар билан Самарқандға солиқ ва ўлпонлар тўлашдан бош тортганлигида яққол кўзға ташланади. Икки ака-ука ўртасида 888 йилда кучайиб кетган душманлик уруш бошланишиға сабаб бўлди. Бу урушда Наср батамом мағлубиятға учради ва Исмоил бутун Мовароуннаҳрни бошқаришни ўз қўлиға олди. Наср сомонийлар хонадонининг бошлиғи сифатида ҳурматға лойиқ бўлсада, унда ҳеч қандай ҳокимият йўқ эди. У тўрт йил Самарқандда яшаб 893 йилда вафот этди. Манбалар тили билан айтганда, Исмоил Сомоний “ақлли, адолатли, шафқатли, фикр ва тадбир эгаси” эди. У 892 йилда бутун Мовароуннаҳр ҳукмини ўз қўлиға олишға эришиб, «ҳақиқатдан ҳам подшоликка лойиқ ва ҳақли эканлигини» исботлади.

Исмоил Сомоний 893 йилда кўчманчи турк қабилалари устиға юриш қилди. Бу юришда у катта тарихий ғалабани қўлга киритди. Тароз (ҳозирги Жамбул)ни эгаллади ва туркларнинг хонини 10 минг аскар билан бирға асир олди. Бу жанг давомида шу даражада катта бойлик улашиб берилди. Исмоил Тароз шаҳридаги христиан қасрини мусулмон масжидиға айлантирди. Бу юриш Исмоилнинг дашт кўчманчилариға қарши уюштирган охирги ва сўнгги юриши бўлди. Чунки Исмоил таъсир доирасининг кенгайиб бораётганлиги Хуросон ҳукм-фармони Амр ибн Лайсға ҳам, араб халифаси Муътазидға ҳам хуш келмаганлиги албатта тушунарлидир. Шу боис халифа 900 йилда Исмоил билан Хуросон ҳокими саффорий Амр ибн Лайсни Хуросон билан Мовароуннаҳр устидан ҳам ҳукмронлигини таъминловчи фармон чиқарган. У Амр билан Исмоилни тўқнаштириб ўртада ўзи ютиб чиқишни мўлжаллаган эди. Лекин воқеаларнинг ривожланиб бориши халифа умидларини чиппакка чиқарди. Бу урушда Исмоил катта ғалаба қозонган ва унинг давлати, куч ва қудрати янада юксалди. Саффорийлар қолдирган меросларни ўзиники қилиб олган Исмоил бутун Хуросонни ҳам сомонийлар давлатиға қўшиб олди.

Исмоил Сомоний шу даражада кучли ва қудратли давлат барпо қилдики, кўчманчи қабилаларға қарши курашмоқ учун мудофаа истехкомлари бўлган деворларға, умуман ҳеч қандай эҳтиёж қолмади. Наршахийнинг маълумотлариға қараганда мамлакат мудофаасини таъминлашда деворларға

қараганда қўшинларнинг ролига катта баҳо бериб, Исмоил Сомоний «Мен – Бухоронинг девориман» деган эди. Кучли марказий ҳокимият ва қудратли қўшиннинг барпо этилиши Исмоил Сомоний ва унинг издошларига Мовароуннаҳр ва Эроннинг ички муаммоларига асосий диққат-эътиборини қаратиш имкониятини берди.

Исмоил Сомоний ўз даврининг йирик ва ақлли давлат арбобларидан бўлган. У йирик ва марказлашган давлат барпо қилишдан манфаатдор бўлган барча оқсуяк амалдорларни ўз атрофига тўплаган. Уларнинг ёрдами билан Исмоил шундай бир қудратли марказлашган давлат барпо қиладики, бу давлат ўша вақтда Шарқда шуҳрат топади. Исмоил Сомоний даврида Мовароуннаҳр Араб халифалиги истибдо-дидан абадул-абад озод бўлди. Аммо бир қарашда қудратли бўлиб кўринган бу давлатни ичдан емираётган бир қатор ижтимоий зид-диятлар бор эдики, буни ҳатто Исмоил Сомоний ҳам бартараф эта олмади. Бу марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги қарама-қаршилик эди. Сомонийлар ҳар қанча уринсалар-да, Сежистон, Ғўзгон, Ғазна, Гуржистон, Исфижоб, Хоразм, ҳозирги Тожикистоннинг тоғли вилоятлари: Чағониён ва Раштони ўзларига батамом бўйсундира олмадилар. Бу вилоятларнинг ҳокимлари марказий ҳоки-миятни расман тан олсаларда, амалда мустақил сиёсат юргазардилар. Сомонийлар даврида қўшинда етакчи мавқени турк саркардалари ва ғуломлари эгаллаган эдилар. Уларга ҳамма вақт ҳам ишониб бўлмасди.

Исмоилдан сўнг унинг ворислари даврида сомонийлар сулоласи инқироз сари юзланди.

Сомонийлар давлатининг бундан кейинги тараққиёт босқичи ҳам ҳокимият, давлат ва мол-дунё талашиб, кураш билан ўтди ва охир-оқибатда юз тубан инқироз сари кетди.

Сомонийлар даврида давлатнинг марказлашуви икки дарё оралигининг ижтимоий-иқтисодий тузуми маълум даражада тараққий қилишига олиб келди. Феодал ишлаб чиқаришига асосланган усул ривожланиб, ҳунармандчилик маданияти, араб ва форс тилларидаги илм фан ҳамда адабиёт юксалди. Дехқончилик асосан сунъий ва ёмғир сувлари билан суғоришга (лалмикор) асосланган эди.

Ҳукмрон синф вакиллари катта-катта ер мулкларининг ҳам эгалари эди. Буларга сомоний ҳукмдорлари ва уларнинг авлодлари, турк аскарбоши ва амалдорлари, рухонийлар кириб, улар юқори табақа ҳисобланар эдилар. Араб халифалигига қаршилик кўрсатган йирик, бой дехқонлар уларнинг қаршилиги бостирилиши вақтида, катта зарар кўрган бўлсалар-да, ҳали кучли эдилар. Низомулмулкнинг ёзишича, айниқса турк аскарбошилари, жумладан Алп Тегин жуда ҳам бой бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги 500 кишлоқ унинг хусусий мулки бўлган. ҳар бир шаҳарда унга қарашли карвонсарой-лар, ҳаммомлар, уйлар каби қўзғалмас мулклар бор эди. Турк аскар-бошиларида Алп Симжурий ва Фоик ҳам ундан қолишмасди.

Бутун ички ва ташқи савдони, дўконлар, карвонсаройлар ҳамда турар жойларни ўз қўлларига киритиб олган савдогарлар табақаси ҳукмрон синфлар қаторида эдилар.

Сомонийлар даврида Бухоро мусулмон дини ва диний оқим-ларнинг марказига айлана борди. Диний муассасалар, масжит ва мадрасаларга ер, сув мулкларини вақф қилиб бериш кенгайди.

IX аср охири ва X асрлардаги ер мулклари барча ислом мамлакатларидаги каби, аввало кимга тегишлилиги, сўнгра солиқ тўлаш тартибига кўра гуруҳлаштирилиши мумкин. Жумладан, мулклар кимнинг эгалигига қараб уч турга бўлинган :

1. «Мулки Мамлоки Султоний» - яъни Султон (ҳукмдор) давлат бошлиқларига қарашли ерлар. Бу ерлар одатда, давлат ерларидан фарқланганлиги учун улардан келадиган даромадлар давлат муассаса-лари бўлган девонлар томонидан олиб борилганлиги учун ҳам давлат ерлари (мулки) деб ҳисобланган.

2. Вақф ерлари – яъни, диний ташкилотларга вақтинча ёки доимий фойдаланишга ўтказилган ерлар, бизгача Сомонийлар даври-дан қолган вақф ёрлиқларининг етиб келганлиги бу мулкнинг ҳам тараққий қила бошлаганлигини кўрсатади.

Солиқ тўлаш шаклига қараб эса асосан:

а) хирож ерлари – яъни давлат ерларида яшаб, уни ишлаб, ундан фойдаланганлиги учун деҳқонлардан давлат солиғи – хирож ундири-ладиган ерлар.

б) солиқ тўлашдан қисман ёки тамоман озод этилган, келиб чиқиши бўйича Муҳаммад пайғамбар хонадонига бориб тақалувчи саидларнинг ерлари кирган.

Сомонийлар даврида ноиблар, аскарбошилар ва амалдорларга мукофот тариқасида бутун-бутун вилоятлар инъом қилиниб, бу «Ўқта», уни олган киши «иктидор» деб аталган. Бундай ер мулк эгалиги ҳам ривожланган, улар ана шу ердан келадиган даромадни қисман ушлаб қолишга ҳақли бўлган.

Феодалларга тегишли ер мулклари бу даврда кўпроқ ижарачи деҳқонлар томонидан турли шаклларда ижарага олинарди. От улови ва уруглари бўлганлари ҳосилнинг $\frac{1}{4}$, $\frac{1}{3}$ қисмини олсалар, ҳеч нарсаси бўлмаган ижрачиларнинг ҳиссаси ҳатто, $\frac{1}{10}$, $\frac{1}{12}$ га тушиб қолган.

Ижарачиларга берилган ерлардан ҳосилнинг қанча қисми кимга текканлигига қараб давлат солиғи – хирож олинган. Булардан ташқари, сомонийлар давлатида ҳам қуллар кўп бўлиб, уларнинг меҳнатидан кенг фойдаланилган.

Давлат тузуми бўйича, Сомонийлар давлати марказлашган типик ўрта аср давлати бўлиб, бошқариш шакли монархия эди. Дав-лат бошлиқлари ўзларини «Амир-ул-муслимун» деб атаган араб халифаларидан фарқли ҳолда доимо амир, яъни ҳукмдор деб атаган-лар. Давлатни бошқариш иккига, шахсан амирнинг ўзи бошқариб турадиган сарой (даргоҳ) ва фармонларни ўзларига бўйсунган тар-моқлар бўйича маҳкамалар орқали ижро этадиган девонга бўлинган.

Араб халифалигида девон тизимининг шаклланиши Аббосий халифалар, Мовароуннаҳрда сомонийлар даврига тўғри келади. Девонлар тизими Мовароуннаҳрга араб халифалигидан кириб келган.

«Амир ... ўз саройи дарвозаси олдида амалдорлар учун сарой қуришга буюрди, - деб ёзади Наршахий, - уни ҳам курдилар, шундайки, ҳар бир амалдорнинг подшоҳ саройи дарвозаси олдида қурилган ўз саройида алоҳида девони бор эди».³

Бу маҳкамалар ўнтадан иборат бўлган. Вазирлик ёки бош ҳожиб девини (ҳожибул ҳужоб) улар ичида энг каттаси саналиб, барча девонлар унга бўйсунган, унинг фармойишларини бажарган. Унинг бошлиғи вазирлик мансаби наслдан-наслга сулола асосида ўтган. Ундан кейинги ўринда давлат даромадлари ва харажатлари, кирим-чиқим ишлари билан шуғулланувчи девон, яъни молия (муставфий) девони турган.

Давлат ёзишмалари ҳам девон (умидулмулк ёки девони иншо) томонидан олиб борилиб, унга кўпроқ араб ва форс тилларини билган, маълум даражада билимли бўлган кишилар, «аҳли қалам» ораси-дан танлаб олинган.

Юқорида айтганимиздек, сомонийлар қўшинлари турк ғулом-ларидан тузилган. Уларга Вазир, яъни Бош ҳожиб раҳбарлик қилган. Аммо уларнинг маоши таъминоти билан шуғулланувчи махсус мансабдор шахс – Ариз бўлиб, унинг маҳкамаси – соқчилар ёки девони ариз деб аталган. Ерларнинг чегаралари халифаликниқидан катта бўлган. Бу давлатда алоқа хизмати алоҳида ўрин тутган. Шунинг учун ҳам унинг жойлардаги ходимлари маҳаллий бошлиқларга бўй-сунмасдан тўғридан-тўғри марказга хат-хабарлар мутасаддиси девони (барид)га бўйсунган.

Муҳтасиб девони ҳам бўлиб, унинг вазифаси аввало савдогар-ларнинг тош-тарозисини, ҳунармандлар маҳсулотининг сифатини тешириб туришга қаратилган. Кейинчалик у шаҳар аҳолисини дин ва ахлоқ қоидаларига риоя қилишини текшириб турувчи мансабга айланган.

Булардан ташқари, давлат хазинасидаги даромад ва харажатлар-ни назорат қилиш девони (мушриф), давлат мулкларини бошқариш девони, шунингдек, қозилар девонлари ҳам бўлган. Бу девонга қози раҳбарлик қилиб, у асосан суд ишларини олиб борган. Шунини айтиш лозимки, бу тизим кейинчалик ғазнавийлар даврида яна ҳам ривож-ланиб, мустаҳкамланади.

Маҳаллий бошқарувга келганимизда, вилоятларда уларнинг марказлари «қасаба»лар бўлиб, маҳаллий бошқарув ҳокимлари, баъ-зан, «Қадҳудо» (яхши ўжайин) қўлида тўпланган. Шаҳарларда ҳоки-мият раис, диний бошқарув эса Шайхулислом қўлида эди.

Ҳуқукий муносабатлар. Сомонийлар давлатида суд ишлари шариат қонун-қоидаларига асосланган эди. Суд ишлари қозилик девони томонидан бошқарилган. Суд жараёни қозикалон, қозилар, муфти, раислар тарафидан амалга оширилган. Вилоят қозилари қози-калонга бўйсунган. Оғир жиноят содир этганлар ўлимга ёки узоқ муддат қамоқ жазосига маҳкум этилган.

Вилоятларда оғир жиноят содир этганлар қозикалон ва амир ҳукмига ҳавола этилган. Ўлим жазосини ибрат бўлиши учун Бухоро Регистонида, кўпчилик олдида ижро этилган. Ўғирлик қилганлар муҳтасиб ва унинг мирғазоби томонидан ушланиб, аҳоли тўпланган ёки бозор жойларда қўли

³ Наршахий. Бухоро тарихи. Т., Мерос. 1992 й. 106-бет

чоғиб ташланган. Енгилроқ гуноҳ қилганларга тан жазоси берилган ёки жарима солинган.

Сомонийлар давлатида исломдаги ҳуқуқий муносабатларни маҳаллий халқ урф-одатларига мослаштиришга ёрдам берувчи асарлар яратилган. Улардан қозилик маҳкамалари ёрдамчи қўлланма тарзида фойдаланганлар. Жумладан, фақиҳ Абулайс ибн Аҳмад Самарқандийнинг «Ҳазинатул фикҳ» (Мусулмончилик қонун қоидалари хазинаси) асаридир.

Вилоятларда ҳам маҳаллий идора органларининг бўлимлари бўлган. Сомонийлар давлатида маҳкамаларда ишлаш учун маълум даража билимга эга бўлган араб ва форс тилларини билган кишилар талаб қилинган. Албатта, бу давлат амалдорлари тўғри, адолатли ишлаган деган гап эмас, барча давр хизматчиларининг порахўрлик, таъмагарлик каби хислатлари уларга ҳам хос эди. Шунингдек, Наршахийнинг китобида 828-йилда Бухоро шахрининг қозилигига тайинланган Саъид ибн Халаф ал Балҳий ҳақида ҳам яхши фикрлар ёзиб қолдирган: «Токи кучли киши заиф кишига зулм ўтказмаслиги учун тўғонлар қурдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни у киши асослаган».

Бу даврда ҳуқуқ манбаи мусулмон динининг ғоявийлигига асосланган шариат ҳуқуқи тизимига таянди. Кўплаб ҳадис илмининг билимдонлари муҳаддислар ва фикҳ олимлари етишиб чиқди ҳамда ислом дунёсига танилди.

Ғазнавийлар давлати ва ҳуқуқи

Ғазнавийлар давлатининг пайдо бўлиши сабабларидан бири сомонийлар давлатининг заифланиши ҳамда турк лашкарбошилариининг мавқеи кучайишидир. Ғазна шахрида ҳокимиятни қўлга олишга биринчи бўлиб уринган киши сомонийлар лашкарбошиси «Алп Тегиндир». Бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) даврида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Давлатнинг ташкил топиши ва мустақамланиши икки дарё оралиғида ҳокимиятни ўз қўлига олаётган қорахонийлар давлатининг Амударёдан ўтишини тўхтатиш билан бирга борди. XI асрда улкан давлатга айланиб, Шимолий ҳиндистон чегарасидан тортиб Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача, ҳозирги Афғонистон, Шимолий-шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган ғазнавийлар давлати икки дарё оралиғидаги халқлар тақдирида муҳим роль ўйнай бошлади. Бу давлат ҳам ўрта аср Шарқ деспотияси шаклида бўлиб, унинг таркибига Ғазна, Балх Тоҳаристон, Хуросон, Ғарбий Эрон, Каспий денгизининг жанубидаги ерлар, Амударё ҳавзаси, Шимолий ҳиндис-тон қирғон, Хоразм 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олиниб, Хоразмшоҳ Олтинтош унинг вассали ҳисобланган. қазвин, Исфажон ва ҳамадон ҳокимлари ва Какуидлар сулоласига мансуб вассаллар ҳисобланиб, улар йилига Маҳмуд Ғазнавий давлатига 200 минг хирот динори ва 10 минг кийим-кечак етказиб бериб турган. Шунингдек, буидийлар сулоласидан бўлган Тоҳаристон ва Гурғон ҳокимлари ҳам ғазнавийларнинг вассаллари бўлган.

Давлат бошлиғи араб халифаси томонидан Султон деб тан олиниб, унга ёрлик берилган. Гарчи унинг ҳокимияти бўлинмас ҳисоблансада, баъзи

ҳолларда ўз яқинларининг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. Кейинчалик Бағдод халифаси ал-Қодир (991-1031) томонидан унга ямин-уд-давлат – яъни, давлатнинг ўнг қўли фахрий унвони берилган.⁴

Султоннинг энг яқин ёрдамчиси барча фуқаролик ва маъмурий амалдорларнинг бошлиғи – вазир ҳисобланган. Машҳур тарихчи Байҳақийнинг «Масъуд тарихи» асарида ғазнавийлар давлатида султон ва вазир ўртасидаги бошқа давлатларда кўзга ташланмайдиган ўзига хос бир муносабатлар борлиги кўрсатилади. Агарда султон бирор кишига вазирлик мансабини берса, вазир билан султон ўрта-сида давлат бошқарувини чегаралаш учун битим тузилган. Шундан кейин вазир султондан ўз ваколатини қай даражада, қай ҳажмда амалга оширишни сўраб қоғозга ёзган. Унга султон ўз қўли билан жавоб берган. Иккаласи ҳам жавоблар сўнгида қасам ичиб имзо чекишган. Вазир гувоҳлар олдида баланд овозлар билан ўз вазифа-сини намунали олиб боришга қасамёд қилган. Бу қасам ёрлиғи давлат архивида сақланган. Битимни эса вазир ўзига олган.

Вазирнинг вазифаларидан бири ғазнавийлар давлатининг марказий аппаратида раҳбарлик қилиш бўлган. Бунга қуйидагилар кирган: давлат мирзахонаси, девон ар-расоил, вазирлик девони - девони назорат, молия ҳисоб девони – девони истефой: қўшинлар девони- девони арз: сарой девони – девони ваколат: почта- алоқа девони- девони барид: уларнинг бошида турган амалдорлар соҳиблар деб аталиб, вазирнинг барча буйруқ ва фармойишларини бажарган.

Омил-солиғ йиғувчи мансабдор, фуқаролик ва ҳарбий амалдор-лар «қилич ва қалам соҳиблари» деб аталиб, улар ўртасида даромадли мансабларни эгаллаб олиш учун қаттиқ кураш борган. Шунинг кўрсатиб ўтиш лозимки, X-XII асрларда Марказий Осиё ва Хуросонда икки халқ ва уларнинг давлат хизматида иштирок этишида ҳам кейинги минг йиллар давом этган тарихий анъаналари деярли яққол ажралди. Бу халқлар туркий тилда сўзлашувчи тожиклар эди. Аммо уларнинг этник мазмунга эга номлари ҳали бошқача эди, ўзбеклар-нинг авлодлари турклар, тожикларнинг авлодлари эса «тожикон» (Низоми мулк - «Сиёсатнома», Байҳақий «Масъуд тарихи») деб аталган. Ғазнавийлар ва бошқа турк давлатларида ҳам ҳарбий табаканинг асосий қисмини турклар, фуқаро бюрократиясининг асосий қисмини эса тожиклар ташкил қилган.

Армия қўмондонлари асосан турклардан ташкил топган бўлиб, келиб чиқиши бўйича ғуломлардан бўлган. Султон тахтининг таянчи қўшин бўлиб, асосан отлиқ, қисман пиёда аскарлардан ташкил топ-ган. Ғазнавийлар армиясининг ўзига хос томони шундан иборатки, унда алоҳида тутқунликда бўлган ғуломлардан иборат қисми мавжуд эди. Бу қисм кўпинча, Мовароуннаҳр, Хўжанд, қошғар, Тароз томонлардан сотиб олинган қуллар, ҳарбий асирлардан иборат бўлиб, улар ҳарбий ишга ўргатилган. Ғуломлар Сарой ғуломларига (2 минг кишилар чамаси) султоннинг хос қўриқчиси ва байроқдорларига (300 ғулом) бўлиниб, улар хизмат эвазига хазинадан йиллик маош ва озиқ-овқат маҳсулотларини олган. Ғуломлар яхши хизмат учун

⁴ Муқимов З. «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи». I-қисм. Самарқанд, Зарафшон. 1998.

озодлик олишлари, ер, маҳсулот олишлари, катта мансабларга эришлари мумкин бўлган, аммо султоннинг кули бўлиб қолаверган. Шунинг учун уларни шахсан озод бўлмаган имтиёзли табақа деб аташ мумкин. Фуломлар доимий равишда султон мирзахонасининг амалдори дабирнинг яширин назорати остида бўлган. Ҳазнавийлар армияси учта йирик қўшилмадан иборат бўлиб, учта қўмондон сипоҳсолар – Ҳиндистон, Ироқ, Хуросонда жойлашган. Бутун армиянинг қўмон-дони хос-хожиб бўлиб, у алоҳида байроқ ва довулга эга бўлган. Бу давлат бошқа бир янги турк қабилалари- салжукийлар ҳужумлари остида инқирозга юз тутган.

Салжукийлар давлати ва ҳуқуқи. (1040-1160)

X асрнинг охири ва XI асрнинг ўрталарида Орол бўйи ва Каспий бўйида Ўғузлар иттифоқи шаклланади. X асрда Сирдарё этакларида Ўғузлар давлати ташкил топади. Ташкил топган давлатнинг пойтахти Янгикент деб аталади..

Сирдарёнинг қуйи оқимида барпо бўлган ўғуз давлатининг ёбғуси Салжукбек (Маҳмуд қошғарийнинг асарида Селжукбек) сал-жукийлар хонадонинг асосчиси эди. Салжукбекнинг набираларидан Тўғрулбек, Чағирбек ва Шакарбеклар салжукийлар давлатини салтанат даражасига кўтаришда катта хизматлар қилдилар. Ўғузлар нафақат ўзбеклар ва туркманларнинг, балки ҳозирги Туркия турклари, Ироқ туркманлари, Эрон туркманлари, Гагаузлар Озарбайжон халқининг ҳам ташкил топишига етакчи этник гуруҳ бўлганлар.

Демак, X асрларда, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи қисмида ўзларини салжукийлар деб атовчи, жуда кўп сонли туркий тилли халқлар яшар эдилар. Уларнинг бу умумий номи нуфузли бошлиқлардан бўлган Салжуқ ибн Туғлоқ номидан келиб чиққан. Ана шу туркий ўғуз қабилалари X асрларнинг ўрталарида дастлаб Мовароуннаҳрга, кейинчалик Сирдарёнинг қуйи оқимида кўчиб жойлашадилар.

Аммо ўғузлар хони, Жанд қалъаси ябғуси Шоҳмалик даврида улар Сирдарё ҳавзаларидан яна сиқиб чиқарилади, уларнинг асосий қисми Зарафшон воҳаси ва Нурота тоғлари ён бағирларига қайта жойлашадилар. XI асрда қорахонийларнинг Бухоро ва Самарқандни босиб олишлари билан уларнинг аҳволи оғирлаша бошлайди. Шу даврларда Салжукийлар уруғ бирлашмасида бўлиниш юз бериб, Салжуқнинг икки ўғли Исроил ва Микоил авлодлари Мусо Бойғу, Довуд, Чағрибек ҳамда Муҳаммад Туғрулбек бошчилик қилган мустақил гуруҳлар ташкил топади. Исроил қорахоний Али-Тегин билан иттифоқчи бўлгани учун 1025 йилда султон Маҳмуд Ҳазнавий томонидан асир олиниб, узоқ Ҳиндистонга қамоққа юборилган. Унинг гуруҳидагиларни Маҳмуд Ҳазнавий Амударёни ўтказиб юбо-риб, Сарахс, Обивард, Фервида жойлаштиради. Улар султонга хирож тўлашга ва ҳарбий хизматни ўташга мажбур қилинади. Аммо уларнинг 1027 йилда султонга қарши кўтарилган кўзғолони шафқатсиз бостирилган. XI асрда Салжукийларнинг бирлашмаси емирилиб, 3 та мустақил гуруҳ: Болхон тоғлари, Каспий бўйлари ва Шимолий Хуросон гуруҳи, Гургон, Рай, Исфакон, шимолий-ғарбий Эрон гуруҳи ва Мусо бойғу, Чағирбек Туғрулбек бошчилигидаги Мовароуннаҳр гуруҳлари вужудга

келади.

Бу давлат ўзининг энг ривожланган даврида ҳозирги Марказий Осиёни ва Эрон, Афғонистоннинг бир қисмини, Закавказье, Олд ва Кичик Осиёни ўз таркибида бирлаштирди. Уларнинг раҳбари Султон Муҳаммад Тўғрулбек (1038-1062) 1055 йилда Эронни босиб олгач, Бағдодга киради.

Султонлик тахти учун курашларнинг бошланиб кетиши ва қорахонийлар томонидан берилган зарба улкан имерия бўлган Салжукийлар давлатини инқирозга олиб келди. Унинг ғарбий мулклари Закавказье, Эрон, Ироқ Сурия ва Кичик Осиё мустақил давлатларига бўлиниб, илгариги битта давлат ўрнида XI аср охири XII асрнинг бошларида Хуросон, Ироқ, Рум, Шимолий Хуросон султонликлари вужудга келади.

Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбий ерларида шарқий Салжукийлар султонлиги ташкил топиб, XII аср бошларида Санжар ибн Маликшоҳ (1118-1157) ҳокимиятига ўтади. Мовароуннаҳр салжукий-ларнинг вассали бўлиб қолади. Хоразмда эса уларнинг вассали бўлган Ануштегинлар сулоласи (1097-1221) кучая бошлайди.

Ижтимоий тузум. Салжукийлар давлати ўрта аср феодал давлати бўлиб, унинг доирасида қадимдан яшаб келган халқ деҳқон-чилик, савдо, ҳунармандчилик ва давлатнинг маъмурий аппаратида хизмат қилиш билан шуғулланган. Туркий халқ эса қисман суғориш билан боғлиқ деҳқончилик, асосан чорвачилик, ҳунармандчилик, қўшинда хизмат қилиш билан шуғулланган.

Феодал ер эгалари – деҳқонлар ер мулкларига эга бўлиб, бой деҳқонлар ўрта, камбағаллашган деҳқонларга, жамоачи деҳқонларга, султоннинг мулкида ишловчи деҳқонлар –барзигорларга, шунингдек, ижарачи деҳқонларга бўлинган.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Салжукийлар давлатида, шунингдек, кейинчалик унинг вассалига айланган Мовароун-наҳрда муҳим аҳамият касб этганлиги учун сувга эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлган.

X асрларда Марв шаҳрида «Кастафзуд» деган суғориш учун сувдан фойдаланадиган кўчаларни ҳисобга оладиган махсус давлат органи – девон бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни келтиради. Унинг таркибига сув девони ҳам кириб, унда суғориш ва сувга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги ҳужжатлар сақланган. Худди шундай девонлар Эрон ва қумда бўлиб, сувнинг қиймати ҳам белгилаб қўйилган. Салжукийлар даврида сув девони тугатилган бўлса-да, аммо сувга эгалик қилиш ҳуқуқи бу даврда ҳам сақлаб қолинган. Сув ҳуқуқи амалда ворисларга қолдирилишигина мумкин бўлиб, лекин савдо битимлари орқали бировга берилмаган.

Салжукийлар давлатида ернинг расмий эгаси султондир. Ер мулкнинг давлат ер эгалиги наслий узатиладиган ер эгалиги, умрбод (бир авлодга) эгалиги ва шартли (муқто, иқто) эгаликлари мавжуд бўлган.

Давлат ерлари, яъни султон саройига тегишли ерларни бошқариш учун махсус давлат бошқарув органи – амлоки хос тузилган бўлиб, Маликшоҳ даврида бундай ерлар саройга 21 минг қизил олтин даромад келтирган. Ерга хусусий эгалик мулк шаклида бўлиб, улар меросий, сотиб олинган ва бошқа ер

мулкларига бўлинган.

XI-XII асрларда Салжуқий султонлар ўз фармонлари – тауке билан йирик ҳарбий бошлиқ ва амалдорларга катта-катта вилоятлар-ни, яъни давлат ерларини текинга бўлиб берган. Машҳур вазир Низомулмулк даврида эса хазинанинг камбағаллашганлиги учун кўп ерлар шартли ер эгалиги “икто” тарзида ҳарбий бошлиқлар ва амал-дорларга, уларга тўланадиган маош эвазига бўлиб берила бошланган. Бу воқеа Низомулмулкнинг “ер ислоҳоти” деб аталган.

Шу ислоҳотдан кейин салжуқийлар армияси таъминотга қараб хазинадан маош оладиган ва иқтодорлар рўйхатига тиркалган қисмларга бўлинган. Бу мулк салжуқийлар давлатида аста-секинлик билан умрбодлик мулкка айланиб борган.

Салжуқий султонлар ислом динининг ҳимоячилари бўлганлиги учун ҳам улар даврида вақф мулклари ривожланиб тегирмонлар, уйлар, мадраса ва бошқа диний муассасага вақф мулки тарзида ўтказилган. Вақф мулкларини васият қилувчи ёки бош қози – қози-ул қуззот томонидан тайинланадиган мутавалли бошқарган.

Давлат тузилишига келсак Салжуқийлар давлати мутлоқий монархияга асосланган ўрта аср марказлашган (империя) давлати бўлиб, унинг бошлиғи султон бўлиб, у расман бу лавозимни араб халифалигининг ёрлиғи билан эгаллаган. Бағдод халифаси ўзини «амир-ал мўмин» - мусулмонлар амири ҳамда султони деб атаган бўлса-да, салжуқийлар даврида халифаларнинг ҳокимияти нисбий – қўғирчоқ ҳисобланган.

Султон жуда кенг, амалда чекланмаган монарх ҳуқуқларига эга бўлиб, мансабдорлар устидан тушган шикоятларни ҳал қилган, ер бўлақларини бўлиб берган, ҳадя қилган, мансабдорлар ва қўшин бошлиқларини тайинлаган, муҳим давлат ишларини ҳал этишда кенгаш чақириб, саркарда ва қўмондонларнинг фикрларини олишга ҳаракат қилган. Туғрулбек ҳар ҳафта 2 кун Хуросон подшоларининг қоидаларига мос ҳолда аҳолини ўзи қабул қилиб, низо ва жанжалларни шахсан ўзи ҳал этган.

Салжуқийлар давлатининг энг юксалган даврида Бағдод халифаси султон Муҳаммад Тўғрулбекка «Малик ла-Машриқ ва-л мағриб», яъни Шарқ ва Ғарбнинг подшоси ҳамда «Рукн-ад-Дин» - Дин суянчиғи унвонларини берган. Булар унинг ҳокимияти нақадар юксак бўлганлигини кўрсатади. Султоннинг вазири бўлиб, у бутун маъмурий аппаратга раҳбарлик қилган, султон вазирга ҳамда мусул-мон рухонийларга таяниб, мамлакатни бошқарган. Салжуқийларнинг тарихида машҳур вазир Абу Али Хасан ибн Али ат Тусий (1017-1092) бўлиб, У Низом ал Мулк - яъни «давлатни қурувчи» деган фахрий унвонга эга эди. Низомулмулк Алп Арслон ва Маликшоҳ даврида 20 йил вазирлик қилиб, ишни салжуқийларда оддий амалдорликдан бошлаган ва шу даражага эришган. Салжуқийларда Отабек мансаби ҳам бўлиб, у босиб олган мамлакатлардаги вазирлик мансабига деярли тўғри келган.⁵

Алп Арслон устидан отабекликка тайинланган Низомулмулкни махсус

⁵ Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI-XII вв. М., Наука. 1991 г.

таукега кўра, «Илиқ» ва «Ота хўжа» деб улуғлашлари буюрилган. Илиқ атамаси эса, - ўғузлардаги фахрий унвонлари, «байғу» «сағун»га тенг бўлган. Шунинг учун, яъни отабеклик вазирликка тенглиги учун салжуқийлар давлати парчаланиб, унинг бўлаклари отабеклик деб аталган.

Вазирнинг асосий вазифаси давлат аппаратида раҳбарлик қилиш бўлиб, унинг ҳузурида марказий ҳокимиятнинг олий органи девони – аъло бўлган. У бўлим ва девонлардан иборат эди. Давлат мирзахонаси девони иншо ва туғро, девони истефо – молия девони, контрол-назорат бўлими – девони ашраф, армия муассасаси – девони арз ал-джайни ва бошқалари бўлган. Вазир барча девонлар устидан бевосита раҳбарликни олиб борган, хазина устидан назорат қилган, ўзига бўйсунган маҳкамаларга мансабларни тайинлаш, бўшатиш, маош бериш, ташқи сиёсатни олиб бориш ишлари билан шуғулланган.

Вилоятларга валийлар тайинлаб, унинг ҳузурида ноиблари, солиқ йиғувчилар – омиллар, жамоат тартибини кўриқловчи шиахна ва бошқа мансабдорлар бўлган.

Салжуқийлар давлати вужудга келгандан кейин уруғ лашкарлари ўрнига доимий армия тузилган. Султон Санжар даврида армия ўғузларнинг ҳарбий одат ҳуқуқларига кўра тиклана бошланган. Бунга кўра армиянинг ўнг қанотини қайи, баёт қабилаларининг бекларбеги, чап қанотини эса баёнлар ва бенажак қабилаларининг бекларбеги бошқарган.

Шундай қилиб, иккита гуруҳ катта қабилалар – учуқлар ва кичик қабилалар бузуқлар деб аталиши одат бўлиб қолган. Бундан ташқари, салжуқийлар армиясида манглай марказ, кўриқчи отряд қоровул, авангард ва соқчи – ёсол каби бўлинмалардан иборат бўлган.

Салжуқийлар давлатидаги ҳуқуқ манбаларга келсак, шариат ҳуқуқи ва турк халқлари орасида тура- одат ҳуқуқлари амалда бўлган. Шунингдек, Салжуқий султонларига ўттиз йил мобайнида вазирлик қилган Низомулмулк томонидан 1091 йилда ёзилган «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» (Подшолар турмуши) асари⁶ ҳам мазкур давлат бошқарилишининг асосий қоидаларини ҳамда ҳуқуқий масалаларини ўрганишда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Китоб худди қиссадан ҳисса тарзида, яъни ҳикоят ва ундан чиқарилиши лозим бўлган хулосалар тарзида ёзилган.

Қорахонийлар давлати ва ҳуқуқи

Қорахонийлар давлати X асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган. «Қорахонийлар» сўзи қарлуқларнинг исломни қабул қилган бошлиқларидан бири- Сатук Абдулкарим қорахон унвонидан келиб чиққан. («қора» сўзи қадимдан туркий халқларда буюклик ва улуғлик маъносида ишлатилган). Хон ҳокимияти маданиятли бўлса, қарлуқ-лар ёки чигиллар қабиласидан чиқмади, балки маданий тараққиётда орқароқда бўлган яғмолардан чиққан. Буни Сатук Абдулкарим қорахоннинг яғмолар уруғидан бўлганлиги ҳам очиқ-ойдин исботлайди. “Мажмуайи ат таворий” (“Тарихнинг қисқартма тўплами”) асарининг

⁶ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки «Сияр-ул-мулк», Т., Адолат, 1997 й.

муаллифи «яғмолар подшони бўғраҳон дейдилар» деб аниқ айтган фикрлари юқоридаги хулосаларни тўла тасдиқлайди. Маркази икки шаҳар: Қошғар ва Боласоғундан иборат бўлган янги давлатнинг биринчи подшоси “бўғраҳон” унвонини олганлиги тавсифлидур.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовроуннаҳрда бир қатор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилган. Бу ўзгаришлар ва тадбирлар сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига камраб олган эди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, сомонийлар ҳукмронлиги даврида вужудга келган марказлашган давлат бошқаруви тугатилди. Қорахонийлар марказлашган давлат бошқаруви ўрнига мамлакатни удел тизими асосида бошқаришга ўтишган.

Қошғардан тортиб Амударёгача бўлган ҳамма ерлар қорахонийлар хонадонинг шахсий мулки ҳисобланиб, унинг тепасида улуғ хон турган. У кўпинча Қошғарда, онда-сонда Боласоғунда бўлган. Қорахонийлар хонадонинг бошлиғи худди Эрондаги сингари «хонлар хо-ни» (шаҳаншоҳ), «султонлар султони» номи билан юритилган. Ман-баларда қорахонийлар хонадонининг бошлиғи – хонлар хони «том-ғачхон» ёки «тобғачхон» деб номланган. Хонлар хони идора қилаёт-ган қорахонийлар давлати бир неча бўлақларга, қисмларга – удел-ларга бўлинган. Бу уделларнинг тепасида қорахонийлар хонадонлари авлодлари вакилларида илоқхон унвонини олган аъзолари турган.

Қорахонийлар ва салжуқийлар тарихининг билимдони, XIII аср бошларида яшаган араб тарихчиси Ибн ал Асир 1043-144 йилларга алоқадор қимматли мисолларни келтиради. Бу даврда қорахонийлар давлатини бошқарган Тамғачхон Шарафуддавла ўзига қарашли ви-лоятларни ҳаммасини ака-укалари, ўғиллари ва қариндош-уруғларига бўлиб берган. Жумладан, укаси Бўғраҳонга Тарозни, Исфижобни, амакиси Тўғонхонга Фарғонанинг ҳаммасини берган, ўзига эса фақат Қошғар билан Боласоғунни қолдиргани маълум.

Марказий хонлар хони билан илоқхонлар ўртасида алоқа мус-таҳкам бўлмаган. Илоқхонлар бир-бирлари билан доимо душманлик кайфиятида яшаганлар ва ҳар бири ўзича мустақил бўлишга интилган.

Ҳокон хузурида Илоқхонлар вазирлик, сарой бошқарувчиси, ҳос ҳожиблик мансаби, амалдорлар, хизматчилар, яъни тапуғчилар томо-нидан қуршаб олинган (сарой қоровуллари, қапуғ - эшик деб аталган). Ҳазиначилик мансаби ҳам бўлиб, бу агначи (агна – мол-мулк деган маънони билдирган). Мамлакатни бошқаришда вазирнинг мавқеи кучли бўлган. Рамзий маънода вазир «Отбоқарга» халқ эса Сарой эшиги олдида турган “эгарланган отга” тенглаштирилган. Қорахонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганишда, мансаблар, уларнинг аҳамиятини тушунишда Сотуқ Бугроҳон томонидан Хос Хожиб мансабига тайинланган Юсуф Боласоғунийнинг «Қутадғу билиг» асари катта аҳамият касб этади. «Мамлакат ишига нафи энг тегадиган тоифа уч хилдир, - деб ёзади у, - биринчи билимли донишманд кишилар, турли касб эгалари; иккинчиси – ботир, шер-юрак – улар бўри, ёвга қарши кураш пайтида асқотади; ниҳоят учинчи гуруҳини сўзамол котиб ташкил

этади».⁷

Мазкур асарда подшоларга (элиг) элчилар, вазирлик, котиблик, ҳарбий бошлик, бек бўлиш учун қандай талаблар қўйилиши, уларнинг яхши хислатлари ва унинг аҳамияти тўғрисида батафсил фикр юритилган. Шунинг учун мазкур китобни туркий халқларда давлат лавозимларида ишлайдиган кишилар учун тарбиявий қўлланма тарзида ёзилган, деб ҳисобланади.

Қорахонийлар давлатида кўчманчи халқ “элчилар” (эл бошлиғи маъносида) томонидан бошқарилган бўлиб, бундай лавозимда нуфуз-ли беклар турган. Бек ҳоқонга бўйсуниб, унинг ваколат доираси одат ҳуқуқлари – турада белгилаб қўйилган. Беклар жамоат тартибини қўриқлаш, суд ҳукмларининг ижросини таъминлаш, одат ҳуқуқлари-нинг бажарилиши, давлат чегараларининг қўриқланишини назорат қилган. Бир неча беклар устидан “беклар беги” тайинланган (ёки улуғ бек, буюк бек). Беклар беги катта қўшинга қўмондонлик қилиб, хон кенгашида қатнашган.

қорахонийлар даврида жамиятнинг ижтимоий бўғинлари қуйидаги шакл ва кўринишга эга бўлган:

- эликхон-ҳоқон-ул-ҳоқондан кейинги поғонада турувчи шахс. У ҳоқон хонадонига мансуб бўлиб, вилоятнинг мулк соҳиби ҳисоб-ланган;

- иқтидорлар – қорахонийлар давлатининг таянч қатлами, асо-сий ҳарбий ҳаракатларни амалга оширувчи жанговор бўлинмалар вакиллари. Улар ўз мартабаларига кўра бир-бирларидан фарқ қилганлар;

- ислом динининг пешволари- имомлар, Саййидлар шайхлар, садрлар. қорахоний- ҳукмдорлар мусулмон раҳбарлари билан яхши муносабатда бўлганлар. Диний мансаб соҳибларининг мавқеи бениҳоя катта бўлган;

- ҳокимлар, раислар, мухтасиблар ва ҳакозо.

Бундай шахслар сомонийлар давридаги сингари қорахонийлар даврида ўз мавқеларини мустаҳкам сақлай олган ижтимоий қатламдир;

- тариқчилар – зироаткорларнинг туркча номи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминловчи асосий ижтимоий қатлам саналади;

- хунармандлар турли хилдаги хўжалик аҳамиятига молик ашё, асбоб – анжомлар ясовчи, тайёрловчи меҳнаткаш қатлам;

- савдогарлар – савдо-сотик билан машғул бўлган шаҳар аҳли;

- кўчманчилар – чорвадорлар, яъни чорва маҳсулотлари етишти-рувчи асосий қатлам.

Қорахонийларда оддий халқ «будун» дейилган. Солиқ тўловчи аҳоли “райият” деб аталган. қабила бошлиқлари “бек” дейилган. Савдогарлар “сарт” деб аталган. Қорахонийлар давлатида хунарманд-чилик шунингдек зироат ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳалар тараққий этган.

Шахсан озод чорвадор халқ хонлар ва бекларга тегишли яйловларда ўзларининг молларини боққанлари учун, давлатга солиқ-маран ва закот, мол берган.

Юсуф Болосоғуний ўз асарида бек бўлиш учун юксак сифатлар бўлишини талаб қилади: «Бек – доно, ботир, шерюрак бўлиши лозим. Унинг билимли,

⁷ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Т., Юлдузча, 1990 й

заковатли, мулоҳазали бўлиши тақозо этилади. Очiq юзлилик бекнинг яхши фазилатларидан биридир». Албатта бек ким ва қандай бўлмасин, у халқ бор бўлгани учун бекдир. Шунинг учун ҳам у бек ҳокимиятида халқнинг ўрнига юксак баҳо беради. «Оддий аҳоли «аратлар» бекларнинг қанот ва парлари бўлиб, уларсиз қуш каби уча олмас эдилар. Қайси бек хушёр бўлса, элини мустаҳкамлайди, ёв бўйинини янчиб унинг устига балолар ёғдиради, қайси бек элида тўғри (одил) сиёсат юргизса. Элини яшнатади, унинг кунларини ёритади. Мана шу икки нарса тугал бўлса, эл ҳам мангу тураверади». Қорахонийлар давлатида аратлар – оддий халқ учга: бойларга, ўрта ҳолларга ва чиғайлар – йўқсиларга бўлинган. Бундан ташқари, кишилар «кул каби эр», «кулсик эр», «кулсик киши» каби номлар билан аталган қарамликка тушиб қолган кишилар ҳам мавжуд.

Хоразмшоҳлар давлати ва ҳуқуқи. (XI-XIII асрлар)

Хоразм воҳасининг тарихий тақдири жуда бой веқаларга эга бўлиб, бу ерда Амударёнинг қуйи оқими ва унга ёндош бўлган ҳудудда қадим замонлардаёқ деҳқончилик маданияти ривожланган эди. Милоддан аввалги II минггингчи йиллар ўрталаридаёқ суғориш шаҳобчалари курила бошланган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликларга келиб, Хоразм Ўрта Осиё ва Эроннинг иқтисоди ва маданияти энг ривож топган маркази бўлиб қолди.

Хоразмшоҳлар номи билан аталувчи ҳукмдорлар сулоласининг тарихи эрамизнинг биринчи асарларидан бошланиб, 712 йили Хоразмни араблар томонидан босиб олинганидан кейин ҳам мўғуллар истилосига қадар давом этди.

Араб халифалиги таркибида Хоразм қадимий маданият маркази сифатидаги аҳамиятини йўқотмади. Маданий анъаналарнинг узвийлиги шундаки, Муҳаммад ибн ал-Хоразми, Абу-Райҳон ал-Беруний, каби бир қанча буюк олимлар Хоразмдан етишиб чиққанлар.

X-XI асрларда ҳам Хоразм маданият маркази сифатида аҳамиятини сақлаб қолди. XI аср бошларида Ғазнавийлар томонидан босиб олинishi оқибатида Ўрта Осиёда ўз даврининг етук давлат аҳамиятини йўқотди. XI аср охирларида Хоразм Салжуқий давлати таркибида ривожланиб борди. Хоразмда Ануштегинлар сулоласи ҳокимиятни эгаллаганидан кейин Хоразм шоҳларининг тўртинчи сулоласи ҳукмронлиги (1097-1231 йиллар) даври бошланди. Бу сулоланинг асосчиси Ануштегин Мурғаб дарёсини Шарқий томонида жойланган Гуржистонда ёшлигида қул бўлган. Салжуқий амирларидан бири уни сотиб олиб, султон саройига тортиқ қилган. У Султон Малик-шоҳ саройида тошдорлик вазифасини бажарган. Хизмат эвазига у “шихна” унвони билан Хоразм ҳокими (вали) этиб тайинланади ва шу тариқа Ануштегинлар сулоласига асос солади.

Салжуқийлар султони Санжар Ануштегиннинг ўғли Қутбидин Муҳаммад (1097-1127 йй) ҳукмронлик қилган.

Хоразмшоҳ лақаби билан “муқта” этиб тайинланиб, шу даврдан бу вилоят

ҳукмдорлари Хоразмшоҳлар деб атала бошланди. Хоразмшоҳларнинг ҳокимияти уларнинг қўллаб-қувватланишига қараб куч-ли ёки марказлашган бўлган. Айрим феодалларнинг ўзбошимчалиги-га қарши курашда ҳунармандчилик ва товар-пул муносабатлари ривожланган шаҳар аҳолисини қўллаб қувватлашига таянган Хоразм давлатида хонлар (шоҳлар)нинг сайланиши тартиби умумий қоида ҳисобланса ҳам, мўғуллар босқинчилиги арафасида Хоразмшоҳлар ҳаёт вақтларидаёқ ҳокимиятни ўз ворисига ўтишини таъминлай олганлар.

Хоразмшоҳлар давлатида марказий бошқариш девони (аппара-ти) “ал-мажлис ал-фахр”и деб аталиб, уни олий даражадаги мансабдор вазир бошқарган. Вазир давлат бошлиғининг биринчи даражадаги маслаҳатчиси бўлиб, фақат унинг олдида ҳисобот бериб турган. Вазир расмий тантаналарда, давлатлараро муносабатларда, шоҳ вассалари билан муомалада унинг номидан ҳаракат қилган. Умумий тартиб-қоидаларга риоя қилинишини назорат қилган. Давлат арбоб-лари, вилоят ҳокимлари, ҳарбий бошлиқлар бевосита вазирга бўйсун-ганлар. Вазир девон мансабдорлари (асхаб-ул-давовин) бошлиғи ҳам эди. Уларга нафақа (арзак), иш ҳақи (мавожиб) тўлаш, солиқ бошқар-масини, давлат хазинасини назорат қилиш ҳам унинг вазифаси ҳисобланган.

Вазирлик мансаби давлатда жуда катта эҳтиром билан ҳурмат қилинган. Чунки мамлакатнинг моддий аҳволи, аҳолининг тартиб-интизомга риоя этиши, амалдорларнинг ҳаққоний хизмат қилиши, қолаверса давлат бошлиғининг сиёсий ва маънавий мавқеи ана шу вазирнинг ишбилармонлиги, мамлакатни бошқариш қоидаларини билиши ва унга амал қилиши, ҳаёт тажрибасига эга бўлиши билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳлар билимдон, шариат қоидаларини яхши биладиган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, садоқат билан хизмат қила оладиган шахсларнинг вазирлик мансаби-га тайинланганлар.

Вазирларнинг “садр”, дастур ёки “хожаъи бузруг” унвонлари бўлиб, улар мансабининг белгиси сиёҳдон (даъват) ва махсус матодан тўқилган салла эди.

Вазирлик мансабига одатда аجدодлари мансабдор бўлган араб ёки форс миллатига мансуб бўлган шахс тайинланган. Туркий халқ вакиллари бу мансабга тайинланмаган. Вазир араб ёки форс тилини билиши, маъмурий ишларга қобилиятли бўлиши, сарой ахлоқ-одоб қоидаларини билиши зарур эди. Вазирлар қабул пайтида шоҳнинг ўнг томонига қўйилган махсус курсида ўтирган. Хоразмшоҳлар давлати-да вазир мансаби биринчи марта султон Отсиз даврида жорий этилган. Хоразмшоҳлар давлати тарихида ўз вазифасини виждонан бажарган, мамлакатда садоқат билан хизмат қилган ва тарихда яхши ном қолдирган вазирлар кўп бўлиб, улардан энг машҳури султон Такаш ҳукмронлиги даврида вазирлик қилган Низом-ал-мулк Шамс-ад-дин Масъуд ибн Али ад-Харавий эди. Унинг даврида Марв, Урганч каби шаҳарларда мачит, мадраса ва қўлёзмалар сақланадиган жойлар қурдирганлиги маълум.

Мўғуллар босқини арафасида шоҳ Аловуддин Муҳаммад вазирлик мансабини бекор қилиб, унинг ўрнига олтита вакилдорлардан иборат “Кенгаш” тузган эди. Бу Хоразмшоҳлар даврининг охирларида тузилган давлат кенгаши бўлиб, муҳокама этилган ҳар бир масала яқдиллик билан қабул қилиниши ва қарорда кенгаш аъзолари ҳамма-сининг имзоси бўлиши керак эди.

Вакилдорлар Давлат кенгаши тузилишига сабаб кўчманчи мўғуллар ҳужуми хавфининг кучайганлигида эди. Лекин мўғуллар ҳужуми хавфига қарши вакиллар кенгаши бирорта жиддий қарор қабул қилганлиги ёки чоратадбир ишлаб чиққанлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Мамлакатдаги олий мансаблардан яна бири- бу вилоятлар ва ноҳия вазирлари эди. Бу мансаб фақат Хоразмшоҳлар давлатида бўлган. Бундай вазирлар одатда сиёсий жиҳатдан муҳим ҳисобланган вилоятларга, шаҳарларга ва ноҳияларга тайинланиб, улар шоҳнинг махсус топшириқларини бажарганлар. Охириги Хоразмшоҳ Жалолид-дин Мангуберди ҳам бир шаҳарга вазир этиб тайинлагани тарихдан маълум.

Хоразмшоҳлар давлати марказий бошқарув аппаратида сиёсий аҳамияти жиҳатидан учинчи ўринда турадиган мансаб- “буюк ҳожиб” мансаби эди. Одатда бу мансабга турк уруғ-қабила зодагон вакилларидан тайинланган. Ҳожиблар шоҳнинг шахсий хизматида бўлиб, сарой тантаналари тартибини назорат қилишган, шахсан шоҳ-га алоқадор масалалар юзасидан унга ахборот бериб турган, унинг махсус топшириқларини бажарган ва унга доимий ҳамроҳлик қилган. Шоҳ ихтиёридаги махсус топшириқларни бажарувчи ҳожиблар усти-дан назорат ишларини амалга ошириш “котиб-ал-кабир” (буюк ҳожиб)га юклатилган. Масалан, Хоразм шоҳларидан Низом-ал-Мупини ўзбошимчалиги, хазина мулкани талон-тарож қилаётганини текшириш ва аниқлаш учун юборган. ҳожиб Эрбоз вазирот девони дафтарларини, мол-мулк рўйхатини (жароидни), архивни (махзан), котибларни ва моддий тассарруфининг фаолиятини текшириш ваколатини олган эди.

Султон Жалолиддин Мангуберди ҳожиб-ал-хосс Хонбердини кўзғолончилар бошлиғи Бандар, ҳожиб ал-хоса Бадриддин Тутакчи Султон Жалолиддин номидан исмойилийлар билан музокаралар олиб бориш учун юборган. Хоразм давлатида ҳожиблар султон-шоҳлар-нинг махсус топшириқларини бажарган ва ҳаттоки унинг номидан қўшни давлатлар ҳукмдорлари билан музокаралар олиб борган ҳамда элчилик вазифасини ўтаган. ҳаттоки халифа мунтақсир элчисини қабул қилган.

Юқорида кўриб ўтилган давлатнинг асосий амалдорларидан ташқари шоҳ саройида турли майда вазифаларни бажарувчи мансаб-дорлар ҳам бўлган:

Устоздор – шоҳ саройидаги барча хўжалик юмушларига бошчилик қилган. Отхона, нонвойхона, ошхона ва сарой югурдаклари унинг ихтиёрида эди. Устоздор сарой сарфиёт хизматларига ҳақ тўлаш учун хазина ҳисобидан харажат қила олар эди.

Кейинги сарой мансабдорлари қаторига “Амир-охур”- шоҳнинг отбоқари, “амир-шикор”-овчилик ишларини ташкил қилувчи, “тош-дор” –шоҳнинг шахсий ҳаммомини бошқарувчи, “таробдор” шоҳни шахсий мирзаси, “амир-ал-алам”-туғдор ва бошқа амалдорлар ҳам мавжуд эди.

Хоразмшоҳлар қўшини ўз замонаси учун ғоятда кучли ҳисоб-ланар ва ўз даврининг энг яхши қуруллари билан жиҳозланган эди. Бу қўшинларда одатдаги қуруллардан ташқари қамал машиналари ҳам бўлган. Булар орасида ҳаракатчан минорлар, таранлар, ҳужум нарвонлари ажралиб турган. З.М.Буниётов булар Такаш ёрлиғига кўра «оловдан даҳшатлироқ, шамолдан

кўра тезроқ» дейди. Хоразм яхши тайёргарлик кўрган доимий армияга эга эди. Доимий армия асосан турклардан тузилган бўлиб, кўшин бўлинмалар қабилачилик асосида тузилган эди. 1195 йилги ҳарбий реестрга кўра Хоразмшоҳ-лар 170 мингдан зиёд доимий армияга эга эди. Баъзи тарихий маълумотларда Хоразмда 400 мингли армия борлиги қайд этилган. Хоразмшоҳларнинг шунингдек куллардан тузилган шахсий гвардияси (ха-рас) ҳам бор эди. Харас кўпроқ савдо карвонларини кузатиб борган. кўшинларнинг бош бошқармаси девон-ал-жойиш бўлиб, уни шоҳ тайинлайдиган нозир девон ал-ард (девон-ал-жойиш) бошқарган. Баъзи манбаларда умум ҳарбий бошқарув органи деван-и арз дар жумлаи- мамолик деб аталган.

Девон-ал-жойиш ҳарбийларга берилган “икта” ишларини, ҳамма унвондаги ҳарбийларга маош ва бошқа тўловларни, кўшинларни ва уларнинг қуролланиши рўйхатга олиш, ҳамма жангчиларга маошни (арзақ) ўз вақтида тўланишини, уларнинг барча зарур анжомлар би-лан таъминланишини текшириб турган. Йирик вилоятларда маҳаллий ҳарбий бошқармалар ҳам тузилган. Хоразмшоҳлар армиясидаги энг муҳим мансаблардан иккинчиси ҳарбий назоратчи-назир-ал эди. У ҳам соҳиб-ал-дивон ал-жойиш назорати остида иш олиб борар эди.

Армия қўмондонлари “қайд” ёки “муқаддам” деб аталиб, энг иш билармон, эпчил амирлар (лашкарбошилар) бу мансабга тайинланган. Баъзи ҳолларда вилоят ҳокимлари айна бир вақтнинг ўзида маҳаллий кўшинларга ҳам қўмондонлик қилган. Вилоят кўшинлари қўмондони ҳам соҳиб-ал-жойиш унвонига эга эди. Янги вилоятларни босиб олгандан сўнг, шу ҳудуд ерлари амирларга “икта” тарзида инъом қилинган ва энг катта хизмат кўрсатган амирларга “амир-ул-умаро” унвони берилиб, шу ҳудудига амирлар оқсоқоли этиб тайинланган. 10 мингача отлик аскарлар қўмондони “молик” деб аталган. Уларнинг баъзиларига жангда жонбозлик кўрсатгани учун “хон” унвони берилар эди. Хоразмшоҳлар армиясида алоқачилар, разведкачилар бўлиб, уларни гўвушлар ва жосузлар деб аташган. Жосузлар ғанимнинг кўшинлаври ҳолати, унинг ҳаракати ва мақсадлари ҳақида маълумот-лар тўпланганлар.

Армияда диний ишларга “қози-йи-хашам” ёки “қози-ал-аскар” раҳбарлик қилган.

Хоразм кўшинлари яхши қуролланган бўлиб, одатдаги қилич, найза, камон каби қуроллардан ташқари манжалиқ (катапулт) тош отар каби ҳужумда ишлатиладиган нарвонлари, тўсинлардан ҳам кенг фойдаланганлар.

Хоразмшоҳлар истехкомлар ва қалъалар қуришга катта эътибор берганлар. Хоразмда ҳар томонлама баланд ва мустаҳкам қурилган Илал, Хўрондиз, Қохри, Ардахн каби қалъалар бўлганлиги ҳақида тарихий маълумотлар сақланиб қолган. Қалъалардаги жангчиларга “мустаҳфизлар” қўмондонлик қилган.

Хоразмшоҳлар давлатида полиция ва жазолаш вазифаларини махсус отрядларга раҳбарлик қилувчи “шихна”лар бажарган. Бу мансабга асосан турк ҳарбий бошлиқлари – амир этиб тайинланган. Шихна ҳокимият учун хавфли бўлган ҳамма ишларни назорат қилган. Ҳар бир босиб олинган вилоят ва ноҳияларга зудлик билан “ших-на”лар тайинланган.

Хоразмшоҳлар давлатида қўшинларнинг ташкилий тузилиши, ҳужум ёки мудофасида қўлланиладиган ҳарбий ҳаракатлар тузуғи араб қўшинлари тузилишидан олинган бўлиб, илғор-ўнг қанот мар-каз- чап қанот, арьергард ва засада (хофия) қисмлардан иборат эди.

Ҳарбий ҳаракат ёки уруш эълон қилишдан олдин йирик қўмондонлар, уламолар, факиҳлар, мунажжимлар иштирокида кенгаш ўтқа-зилар ва шу кенгашда ишлаб чиқилган режа асосида ҳарбий ҳаракат бошланар эди.

Хоразмшоҳлар давлатида XIII асрнинг бошларида мўғулларнинг Ўрта Осиёга истилоси (босқинчилиги) бошланиши арафасида Хоразмшоҳларни Ануштегинлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Ала-ад-дин Муҳаммад даврида ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий зиддиятлари, ўзаро низолар кучайиб кетди. Бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Хоразмни забт этишга муваффақ бўлган.

Буни эсда тутинг :

Ғозийлар - асосан кўчманчи қабилалар ҳужумини бартараф қилиш мақсадида камбағал ҳунармандлар ва ерсиз зироатчилардан ташкил топган қуролли қўшин.

Хоразмшоҳлар давлатида полиция ва жазолаш вазифаларини махсус отрядларга раҳбарлик қилувчи “**шихна**”лар бажарган

Шихна - ҳокимият учун хавфли бўлган ҳамма ишларни назорат қилган.

«**Кастафзуд**» - суғориш учун сувдан фойдаланадиган кўчаларни ҳисобга оладиган махсус давлат органи – девон.

Назорат учун саволлар

1. Араблар томонидан Турон ерларини босиб олиниш сабаб ва оқибатлари, ҳамда араблар бошқарувининг аҳамияти нимадан иборат?

2. 712 йилги Самарқанд шартномасининг асосий мазмуни нималардан иборат эди?

3. Мовароуннаҳр фикх мактабларидан қайсиларини биласиз? Уларнинг ўзига хос хусусиятлари?

4. Шариат бўйича жинойтлар қандай классификация қилинади?

5. Сомонийлар давлатининг энг ривожланган даври қачон ва уни қандай асослайсиз?

6. Қорахонийлар давлатининг сиёсий ва ижтимоий тузумининг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

7. Ёзनावийлар давлатида султон ва вазир ўртасидаги ўзаро шартномага кўра, султон ва вазирнинг ваколати, вазифаларини таҳлил этинг.

8. Салжуқийлар давлатининг сиёсий –ижтимоий тузumi ўрта аср давлатларидан фарқли жиҳатлари нимада ?

9. Хоразмшоҳлар давлатининг ҳуқуқ манбаларини таҳлил этинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишонов О.И., Х.Саматова, Ш.З.Уразаев. “История государства и права Узбекистан” Т., “Ўқитувчи”, 1969 й
2. Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги. Т.Т-2005.
3. Саидов А.Х., Ж.У.Тошқулов. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”, Т., Ўзбекистон ИИВ Академияси, 1995 й
4. З.Муқимов. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”, Самарқанд. “Зарафшон”, 1998 й.
5. Н.Нематов. “Сомонийлар давлати” Душанба. Адиб 1977 й.
6. А.Ж.Наршахий. Бухоро тарихи. Т., Камалак 1991 й.
7. З.Муқимов Мовароуннаҳр фикҳ мактаби. Самарқанд, Зарафшон. 1997 й.
8. Б.Аҳмедов. Қадимий қонунларимиз. Темурни ёд этиб. Т., Ўзбекистон. 1996 й.
9. А.Ш.Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Т-2003.
10. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т.ТДЮИ-2005.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр давлати ва ҳуқуқи

Режа:

- 1. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрнинг бошқаруви тузуми.**
- 2. Марказий ва маҳаллий бошқарув.**
- 3. Чингизхон «Ясо»лари .**
- 4. Кебекхон ислохотлари.**
- 5. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида жиноят ва жазо масалалари.**

Чиғатой улусининг ташкил топиши XII асрнинг бошларига келиб, қадимги турклар билан қўшни яшаб келган мўғул- татарлар тарқоқ уруғларни бирлаштириб, ўзаро низоларга барҳам беришди. Темучин (Чингизхон) (1206-1227) бошчилигидаги ҳарбий –демократик тузумдаги марказлашган турк-мўғул давлати ташкил топди. Унинг бош кенти Қорақурум шаҳри эди. 1219 йилнинг сентябрида Ўтрор, 1220 йил февралда Бухоро, мартада Самарқанд Чингизхон томонидан эгалланди. 1221 йил бутун Ўрта Осиё мўғуллар ҳукмронлигига бўйсундирилган.

Чингизхон ўз жамиятида одат ҳуқуқларидан ташқари ўзининг қаттиқ жазолари билан ажралиб турувчи қонунлар тўплами Ясо (йосо)ни тақдим этди. 1206 йилдан эса қурултойни ташкил қилди. қурултой икки масала: 1. Давлатнинг олий бошлиғи. 2. Ясо қонун-лари ҳамда унга амал қилишнинг назорат қилиш масаласини ҳал қилди. “қурултой” асли туркча сўз бўлиб, умумхалқ йиғини маъносини англатган. Темучин (Чингизхон) қурултойни карнай- сурнайлар билан жарчилар ёрдамида чақирган. қўшинни ўнг қаноти (баронгор), сўл қаноти (жанговор)га бўлинган. Оқ рангдаги Туғи майдонида тўққиз бор юқорига кўтарилиб, у бутун мўғулларнинг буюк хоқони (буюк хони) қилиб сайланган. ҳамда унга Чингизхон унвони берилган. Чингизхон унвони бир қанча маъноларни англатади. Мирзо Улуғбек бу ҳақида “шоҳлар шоҳи” деган маънода деса, инглиз олими Босворт туркийча “Денгизхон” сўзининг талафузидир дейди. Мўғул удумларига кўра, Темучинга бу унвонни Кеуча исмли Таб- тангр лақабли, шаман бериб, бу сўз шаманлар сиғинадиган рухлардан бирининг номини билдиришини ва бу сўз “хонлар хони” деган маъно англатишини айтишади. Асосийси Темучин ўзидан олдин ўтган қорахонийлар хонининг буюк хон ёки хонлар хонига тенг келгани учун ҳам барча мўғуллар бажариши шарт бўлган “Йосо қонунлари-ни” эълон қилган. “Шабашоу” ёки “Йосо қонунлари” деб аталувчи бу тўплам, уйғур ёзувида ёзилган, муҳрланиб давлат хазинасига топши-рилган. Барча султонлар ва хонлар унга бўйсунishi шарт бўлган. қурилтойларда бу қонунлар ўқиб турилган. Чингизхон “ясо”га амал қилиш устидан назорат қилишни катта ўғли Чиғатойга топширган. Бу қонунлар Туркистонда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилгандан сўнг ҳам қисман таъсир этиб турган.

Давлат тепасида олий ҳукмдор хон турган. Чингизхон ўзига тегишли ерларни 4 та улусга бўлиб, катта ўғли Жўжига

1. Иртиш дарёсининг Сирдарёнинг қуйи оқимигача нарғи томонини;

2. қошғор, Еттисув, Мовароуннахр иккинчи ўғли Чигатойга;
3. Ғарбий Мўғулистон ва Тарбағатой ўлкаси Ўғадойхонга;
4. Шимолий Мўғулистон кенжа ўғил Тулуйга бўлиб берилган.

Олтин Ўрдага асос солинган. Чигатой улусини Махмуд Ялавоч бошқарган, кейинчалик у Хитойга ҳоким этиб тайинланган. Ғарбий ҳокимият аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш ишлари, доруға-чи ва “тамғачи” деб аталувчи муғул амирлари қўлида бўлган.

Чингизхоннинг ўғиллари ўзларига тегишли жойларда- улуслар-да кенг ҳуқуқларга эга бўлишган. Улар вилоятларни бекларини ўзла-ри тайинлар ва вазифасидан озод қилишган. Олий суд ҳокимиятини ҳам ўзлари амалга оширган. Мўғуллар даврида ғарбий қўшин ало-ҳида ўрин тутиб, у ўнликлар, юзликлар, мингликлар тарзида ташкил топган. 1206 йилда мўғуллар қурултойида қабул қилинган “Чингиз-хон юсунлари” ёки “Ясо қонунлари” номи билан аталувчи ҳуқуқий қоидалар тўплами 33 қисмдан иборат бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида ҳам амал қилган. Унда жиноят ва жазо, ғарбий қисмларни бошқариш ва уларда қатъий тартиб-интизомни жорий қилиш, оила ва никоҳ, мулк масалаларига эътибор берилган.

Юсунларга биноан, сув ва оловни ҳақоратлаш, сутни ерга тўкиш, асирдагиларга ёрдам кўрсатиш, қулни эгасига қайтармаслик, қўриқлаш учун топширилган маконни қаровсиз қолдириш, ёлғон гапириш ва гувоҳлик бериш, хоинлик, ғарбий интизомни бузиш кабилар оғир жиноят ҳисобланган. Бундай хатти-ҳаракатлар учун ўлим жазоси белгиланган.

Мол ўғрилари молни тўққиз баробар қилиб эгасига қайтариш, агар маблағи бўлмаса, болаларини қул сифатида бериши керак эди. Агар болалари ҳам бўлмаса, ўлим жазосига ҳукм этилган.

Чингизхон юсунларида ғарбий қўшиннинг ташкилий ишлари ва вазифалари, унга ҳукмронлик қилиш, ғарбий интизом, уни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги қоидалар ўрин олган. Ўнта жангчи 10 бошига, юзта жангчи юзбошига ўнта юзбоши мингбошига ўнта минг-боши туманбошига бир неча туманбошлар нойонга, икки-уч нойон эса бош қўмондонга бўйсунган. Барча жангчилар бир-бирига кафил бўлиб, бир жангчи ёки бир неча жангчининг айби учун ўнлик аъзолари жавобгарликка тортилган, асосий жазо-ўлим ҳисобланган.

“Юсун”ларда барча динларга эркинлик бериш, диндорларни ва рухонийларни солиқлардан озод қилиш уруш вақтларида аёллар гуноҳидан кечиш, имтиёзлар, ов қилиш тартиблари ҳам ўрин олган.

Мовароуннахрда мўғуллар ҳукмронлиги давридаги ҳуқуқ манбаларидан бири - бу Чигатой хони **Кебекхон** (1318-1326 йй) даврида пул ва маъмурий ислохотлар ўтказилиши ҳақидаги фармонларидир. Кебекхоннинг пул ислохоти ўтказиш ҳақидаги фармонига кўра, пул муомаласидаги тартибсизликларга чек қўйиш мақсадида Эрон ва Олтин Ўрдада бўлгани каби кумуш динорлар ва дирхамлар жорий қилган, бир динорнинг оғирлиги икки мисқол (бир мисқол 4,64 гр.) дирхамнинг оғирлиги 1/3 мисқол қилиб белгиланган. Янги пул бирлиги тарихда “кепакий” номи билан машҳур бўлди. Бир динор кепаккий икки мисқол, бир дирхам кепаккий эса 3/1 мисқолга тенг бўлган.

Маъмурий ислохотларига биноан, икки томонлама идора тизими; бир томондан мамлакат ҳокими ва иккинчи томондан шаҳар ҳокимлари томонидан бошқарилишига барҳам берилган.

Маъмурий ислохотларига кўра, мамлакат Бухоро ва Самарқанд вилоятлари туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистонда “орчин”га яъни пойтахт атрофи ноҳияларига бўлинди.

Бошқарувнинг ягона тизими жорий қилинган. Мамлакатдаги майда хонлик ва беклар сақланиб қолинган ва улар туманларга бўлинган. Шаҳар ҳокимлари туман бошлиқларининг ноибларига айлантирилган. Чингизхон демак, ясони тузишдан мақсади марказлашган мўғул давлатини тузиш ва уни мустаҳкамлашдан иборат эди. Унда давлат ҳуқуқи, ҳарбий қурилиш, дала ташқаруви, беклар, нойондар ва амалдорлар ўртасидаги ўзаро муносабатга оид қоидалар, жиноят, гражданлик, суд юритиш, жазо ва унинг турларига оид қоидалар металл тахталарга ўйиб ёзилган. Шулардан 33 парчаси Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жиноят ҳуқуқи бўйича: 27 нутқи биликлар тарзида қолган. **Жазо:** агар мўғул татар уруғидан бўлган киши ясо қоидадини 1 марта бузса, унга ижтимоий жазо сўз билан танбеҳ бериш; 2-чи марта бузса, биликка асосан, жазога тортиш, 3-чи марта бузса, эса узоқ Болжин Сулжурга сургун қилинган, шундан кейин ҳам бузса, оёғига кунда уриб қоронғи қамоқхонада сақланган.

Агар қарз олган киши ўз вақтида қарзини қайтармаса, қайтаришни имконияти бўлмаса, болалари қарздор ҳолатига тушган. Жазо ижтимоий ва миллий тенгсизликка асосланган: бир бегуноҳ мўғул-нинг ўлими учун хун баҳоси 40 тангага (кумушга) тенг бўлса, хитой-ликнинг ўлими учун бир эшакнинг баҳоси белгиланган. Айғоқчилик, алдамчилик, сохта гувоҳлик, табиатни ифлослантиргани учун, пора-хўрлик, фоҳишалик учун ҳам ўлим жазоси берилган.

Мол-мулкка қарши қаратилган жиноятлар ўғрилик учун ўғир-ланган нарсанинг 3-9 бараваригача жарима тўлатилган, тўлай олмаса, 7-700 тагача қамчи уриш билан жазоланган ва катта миқдордаги ўғрилик учун эса – ўлим жазоси берилган.

Ёрғу ва ясо қоидаларига улуслар хонлар қаттиқ амал қилишган.

Суд ишлари марказда бевосита хон ноибининг ҳузурида унинг назорати остида олиб борилган. Мўғулларга тааллуқли ишларда суд юритиш ясога асосланган эди. Диний ишлар шариат ҳуқуқи асосида ёрғучилар (судьялар) томонидан ҳал этилган. Судьялар ёрғучилар обрўли, эътиборли кишилардан тайинланган. Суд функцияси кундалик иш бўлган.

Чиғатой улусида ер солиғи 10/1 ҳажмида белгиланган. Олий мансабдорлар солиқ тўлашдан озод этилган эди. Чорвадор хўжалик-лардан кўпчур солиғи олинадди.

Яна бир солиқ тарғу деб аталган, у хунармандлар, савдогарлар-дан олинган. Ишлаб чиқарилган ва сотилган молнинг 30/1 улуши ҳажмида бўлган. Маҳаллий халқ туз солиғи, жон ва кумуш солиғи тўлаган. Ноибларга барот (ижара ёрлиғи), пайза берганлар.

Назорат учун саволлар

1. Мўғуллар давлатида 1206 йилда қандай тарихий воқеа содир бўлган?
2. Кебекхон қандай ислохотлар ўтказган?
3. Чиғатой улусида “Ёрғучилар” қандай вазифани бажарган?
4. “Ясо” қонунлари қайси соҳаларни химоя қилиш сўзда тутилган?
5. Иккинчи маротаба жиноятни такроран содир қилган шахсга қандай жазо чораси белгиланган?
6. “Ясо” қонунларида жазо чораларидаги миллий тенгсизликка мисоллар келтиринг?

Адабиётлар:

1. Саидов А.Х., Ж.У.Тошкулов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. ИИВ. Академияси. Т., 1995 й.
2. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Зарафшон. Самарқанд. 1998 й.
3. А.Сагдуллаев ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи давлат ва жамият тараққиёти. Академия. Т., 2000 й.
4. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т.ТДЮИ-2005.

Мусулмон ҳуқуқи

Режа:

1. Мусулмон ҳуқуқини ташкил топиши ва ривожлани-шининг ўзига хос томонлари
2. Мусулмон ҳуқуқи манбалари
3. Мулкӣ ва оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши
4. Мусулмон ҳуқуқи бўйича жиноят ва жазо
5. «Ҳидоя» фикхшунослик илмининг шоҳ асари.
6. «Ҳидоя» асарида суд далиллари ва судлов ҳақида.
7. «Ҳидоя» асарида оила ва никоҳ муносабатлари.

Мусулмон ҳуқуқи ташкил топиши ва ривожланишининг ўзига хос томонлари. Шарқда ўрта аср цивилизациясининг йирик ҳодисалардан бири мусулмон ҳуқуқи (шариат) бўлади. Ушбу дунё аҳамиятини касб этган ҳуқуқ тизими Араб халифалиги асосида пайдо бўлди ва тасдиқланди. Унинг ривожланиш жараёни араб давлатчилигининг эволюцияси билан, яъни VII асрда унча катта бўлмаган патриархал-диний жамоадан тортиб, то VII-IX асрларда йирик империя-лар: Уммавийлар ва Аббосийларгача бўлган давр билан мустаҳкам боғлиқдир.

Араб халифалиги инқирозга учрагандан кейин мусулмон ҳуқуқи ўзининг аввалги аҳамиятини (нафақат) йўқотмади, балки гўёки “иккинчи ҳаёт” билан ривожланди ва у ёки бу шаклда Исломни қабул қилган (Миср, ҳиндистон, Усманийлар империяси ва ҳақозо) бир қанча Ўрта аср Осиё ва Африка давлатларида амалдаги ҳуқуқ соҳасига айланди.

Мусулмон ҳуқуқи ўзида ўзидан олдинги кўплаб Шарқ ҳуқуқий маданият элементларини мужассамлаштирган. Хусусан, исломгача бўлган Арабистон ва араблар томонидан босиб олинган ҳудудларнинг ҳуқуқий урф-одатларини буларга киритишимиз мумкин. Мисол учун, Уммавийлар даврида, маълум вақт мобайнида Эрон сосонийлари, Византия ва қисман Рим ҳуқуқлари қўлланилиб келинган. Бу барча манбалар оз бўлсада, шариат шаклланишида ўзининг таъсирини кўр-сатган. Бу ҳолатга Шарқ ва Ғарб цивилизациясининг боғлиқлик рамзи сифатида қарашимиз мумкин. Лекин шариатнинг қайтарилмас ва ўзига хослиги, мустақил ҳуқуқ тизими сифатида мавжуд бўлишини охир-оқибат улар томонидан белгилаб берилмаган.

Муҳаммад (С.А.В.) ва мусулмонларнинг муқаддас китоблари бўлмиш қуръон ва Суннати оятлар, суралар ва пайғамбаримизнинг қилган ишларини ташвиқот қилиш орқали йиғган тўрт халифанинг фаолиятлари шариатнинг шаклланишида энг муҳим роль ўйнади.

Илк пайтларданоқ шариат қатъий конфессионал ҳуқуқ тарзида шаклланди ва ривожланиб келди. У исломнинг диний-ахлоқий қарашларига асосланар эди. Исломнинг арконларига биноан, ҳуқуқий муносабатларга илоҳий қоида ва қонунларнинг бир.

Мусулмон ҳуқуқи манбалари. Шариатнинг муҳим манбаси бўлиб, оят ва суралардан ташкил топган, мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш

Қуръон ҳисобланади. Тадқиқотчилар қуръонда унга нисбатан Шарқнинг қадимгироқ ҳуқуқий ёдгорликларининг ҳолатла-ри мавжудлигини таъкидлашади. қуръонни тузиш бир қанча ўн йилликларга чўзилган. Унинг тўлиқ ишланган нусхаси халифа Умар (644-656 йиллар) ҳозирги ҳолатга келтирган. қуръоннинг ўзида унинг ҳуқуқий аҳамияти қуйидагича таърифланади: “Шундай қилиб, биз уни араб қонунлари сифатида нозил қилдик”. қуръон арабларга ис-лом томонидан ўргатилган қоидалар фойдасига аждодлар одатлари-дан воз кечишни тавсия этади.

Қуръон 6666 оятга бўлинган, 114 сурадан иборат. Бу шеърлар-нинг кўпчилик қисми диний характерга эга ва фақатгина 500 яқини мусулмонларнинг юриш-туриш қоидаларига тегишли. Уларнинг 80 га яқини ҳуқуқий (деярли, булар оила, никоҳга тегишли), қолгани эса диний маросим ва мажбуриятларга қаратилгандир.

Қуръоннинг кўпчилик қисми мураккаб характерга эгадир. Кўп-чилик ҳолатлар ноаниқ кўринишга эга бўлиб, унинг таркиби нима-лардан иборат бўлишига қараб турли маънолар касб этиши мумкин. Турли мазҳаблар томонидан буларни эркин тушуниши натижасида, улар бир-бирига қарама-қарши ҳуқуқий тавсияларда ўз аксини топа бошлади.

Мусулмонлар учун энг муҳим манбалардан бири бу Сунна (“Муқаддас мерос”) бўлиб, у Муҳаммад (С.А.В.)нинг фикр-мулоҳа-залари ва қилган ишлари жамланган кўплаб ҳодисалардан иборатдир. Шунингдек, ҳодисаларда араб жамиятида ижтимоий муносабатларни ривожланишини акс эттирувчи турли ҳуқуқий кўрсатмаларни учра-тиш мумкин. ҳодисаларнинг сўнгги тарихи IX асрда, суннанинг 6 та асосий тўпламлари тузилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилган. Улар орасида Ал-Бухорийнинг тўплами энг машҳурдир. Шунингдек Суннада никоҳ ва мерос, исботлаш ва судлов ҳуқуқи, қуллар ҳақи-даги нормалар ўз аксини топган. Сунна ҳодисалари, уларнинг қайта ишланганлигига қарамай, кўплаб бир-бирига қарама-қарши ҳолатлар ўз ичига олган ва нисбатан “тўғри”сини улар орасидан танлаб олиш фикҳшунослар ва қозилар эҳтиёрига қолдирилган. Бундан ташқари, фақатгина Муҳаммад (С.А.В.) муридлари томонидан айтилган ҳадис-ларгина кучга эга деб ҳисобланган. Шиаларда суннийлардан фарқли ўлароқ, халифа Али ва унинг издошлари томонидан айтилган ҳодиса-ларни тан олинган.

Мусулмон ҳуқуқи манбалари ичида учинчи ўринни Ижмо эгаллаган бўлиб, унга мусулмон жамоасининг умумий келишуви сифа-тида қаралган. Ижмо қуръон ва сунна билан бир қаторда таъсирчан манбалар гуруҳига кирган. Амалий жиҳатдан ижмо Муҳаммад (С.А.В.) муридлари ёки оқибатда таъсирчан мусулмон-илоҳиётчилари ҳуқуқшунослари томонидан айтилиб, бир-бирига мос диний ва ҳуқуқий масалалар тўғрисидаги фикрлардан шакллангандир. Ижмо қуръоннинг таъсири сифатида ривожланиши билан бирга, Муҳаммад (С.А.В.) билан боғлиқ бўлмаган янги нормалар сифатида ҳам шакл-лангандир. Улар мустақил юриш-туриш қоидаларини назарда тутиб, муфтиларнинг бир овоздан қўллаб-қувватлашлари оқибатида мажбу-рий тус олганлар. Мусулмон ҳуқуқи нормаларининг бундай ривожла-ниш йўли «ижтиҳод» деб ном олгандир. Ижмонинг шариятнинг асо-сий манбаларидан бири сифатида, ҳаққонийлиги

Муҳаммад (С.А.В.) кўрсатмаларидан аниқланган: «Агар сиз ўзингиз билмасангиз, била-диган ўзгадан сўранг».

куръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масала-лаларни ҳал қилишда мусулмонлар жамоасининг чиқарган ҳукмлари яқдиллик билан қабул қилинган қарорлари шундай деб аталган ва шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шариатда шаърий яъни қонуний деб қабул қилинган.

Ижмоъ бир неча турга бўлинган:

Ижмоъ-ал-Муҳосил алоҳида масалалар бўйича йирик фикҳшу-носларнинг бирликдаги фикрлари, Ижмоъ-ал-Манқул бу обрўли, эътиборли кишиларнинг худди шундай ишлари, илгари шундай ҳол-ларда қўллаган фикрлари ва гувоҳликлари асосида ҳал этилган иш-лари. Мусулмонларнинг умумий мажлисидаги жамоа фикри Ижмоъ-ал-умма давлат бошлиқлари билан диний ташкилотларнинг раҳбарлари йиғинида қабул қилган қарорлари Ижмоъ-ал-аимма каби турларга бўлинган.

Ижмонинг шариатнинг ривожланишидаги катта аҳамияти Араб халифалигини бошқарувчи диний ҳокимиятга янги феодал жамият шароити ва босиб олинган мамлакатларнинг ўзига хослигига мослаш-тирилган ҳуқуқий нормалар яратиш учун имконият туғдириши билан белгиланган. Шариатни тўлдирувчи ҳуқуқий манбалар сифатида ижмога алоҳида муфтиларнинг ҳуқуқий масалалар бўйича фатво-ечим-лари ва усулининг кенг тарқалиши муносабати билан, мусулмон ҳуқуқи юқорида кўрсатилган ҳуқуқий мактабларнинг асосий асосчи-лари томонидан уларнинг асарларида илмий асослаш йўли билан ривожлантирилди, кейинчалик эса уларнинг издошлари буни давом эттиришди. X асрда бир қатор обрўли теолог-ҳуқуқшунослар томони-дан бу вақтга келиб тўпланиб қолган кенг ҳуқуқий материаллар тизимлаштирилди. XI асрдан бошлаб, исломдаги асосий оқимлар ва ҳар хил ҳуқуқий мактаблар ўртасидаги қарама-қаршиликларни чуқур-лашиши амалда мусулмон ҳуқуқини ягона тизим сифатида мавжуд-лигини тугатди.

Мусулмон ҳуқуқинининг энг тортишувчи манбаларидан бири қиёс-аналогия (илгариги қарорга қараб қарор чиқариш) бўйича ҳуқуқий масалаларни ечиш ҳисобланган. қиёсга кўра куръонди, Суннада ёки Ижмода ўрнатилган қоидалар бу ҳуқуқ манбаларида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган ишларга ҳам қўлланиши мумкин бўлган. қиёс нафақат янги пайдо бўлган муносабатларни тез ечишга имкон яратган, балки у шариатни бир қатор ҳолатларда илоҳий аралашувларидан озод қилишга хизмат қилган.

Лекин қиёс тез-тез мусулмон судьялари кўлида очикдан-очик ўз манфаатларининг қуролига айланиб турган. Бу усул кенгроқ Абу Ханифа ва унинг издошлари ханифийлар томонидан асосланган эди. қиёсга нисбатан қатъий қаршилиқ билан ханбалийлар ва алоҳида, уни умуман ҳуқуқнинг манбаи сифатида тан олмаган, шиалар қарар эдилар. Ҳуқуқнинг қўшимча манбаси сифатида шариат, унинг принциплари ва нормаларига тўғридан-тўғри қарши бўлмаган маҳаллий одатларни ҳам тан олган. Булар қаторига араб жамиятининг ўзида шаклланган урф-одатларни, шунингдек, араб босқинлари оқибатида босиб олинган қисми сифатида қаралади. Айниқса, умуман шариат ва унинг докторинал-меъёрий қисми бўлмиш фикҳ илк даврданок, ўзида

нафақат ҳуқуқий қоидаларни, балки догма ва қарашларни ҳам мужассамлаштирган. Шариатнинг бундай бирлиги (синкретизм)нинг ўзига хослик томони шундаки, унинг нормалари биринчидан, ижтимоий (инсоний) муносабатларни тартибга солса, иккинчидан, мусулмонларни Оллоҳ билан муносабатларини белгилаб берган. Шариатда илоҳий қоидалар ва диний қарашларнинг ўз аксини топиши ҳуқуқни тушуниш ҳамда ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган ҳаракатларни баҳолашда ўзига хос ёндашишни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг ислом теологияси билан мустаҳкам алоқа ҳуқуқий ва диний тус бериладиган мусулмонларнинг беш хил хатти-ҳаракатини шариатда ўрнатилишига олиб келди. Мажбурий, тавсиявий, қилиш мумкин бўлган, жазо қўллаш кўзда тутилмаган, лекин қоидаларга тўғри келмайдиган, таъқиқланган ва жазо қўллаш кўзда тутилган ҳаракатлардир. Шариатда илоҳий олдиндан белгиланишни тан олиниши мусулмон кишисининг эрки ва унинг чегаралари ҳақидаги масаланинг аҳамиятини янада оширди.

Бу масалада қарама-қаршиликка дуч келган диний мактаблар алоҳида фикрларни олға суришди. Шундай мактаблардан бири (жабо-ритлар) умуман инсон эркини инкор этди. Шариат, айниқса унинг ривожланишининг илк даврларида мусулмон кишисининг ҳуқуқларига бўлган эътибор характерлидир (Оллоҳ олдидаги). Бундай мажбу-риятларни ўзида мужассамлаштирган нормалар шариатда кенг ўрин эгаллаган ва улар эътиқод қилувчи мусулмоннинг бутун ҳаётини белгилаб берган (ҳар кунги ибодат, рўза тутиш, кулиш қоидалари ва ҳақозо). Шариатни ташкил қилувчи нормаларнинг ўзига хослиги, уларнинг фақат мусулмонларга ҳамда улар орасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши эканлиги бежиз эмас. Илк ислом ва шариатга ўзида меҳр-оқибат элементларини мужассамлаштирган ибтидоий жамоа тузумидан келиб чиқувчи нормалар хосдир. Аммо шариатда инсоннинг Оллоҳ олдида кучсиз эканлиги, унга сўзсиз бўйсунуши кераклиги ҳақидаги қарашлар ҳам ўз ифодасини топган. қуръонда алоҳида мусулмон кишининг сабр-тоқатли бўлиши кераклиги таъкид-лаб ўтилган. «Сабр қилинг ахир Оллоҳ сабрликлар билан биргадир» (8.48). Худди шундай шаклда мўминнинг халифа ва давлат ҳокимиятига бўйсунуш мажбурияти мустаҳкамлаб қўйилган: «Оллоҳга бўйсунинг, пайғамбарга ва орангиздаги ҳокимият эгасига бўйсунинг» (4.62).

Шариатнинг диний-мистик қобиғи уни ташкил қилувчи ҳуқуқий тузилиш ва тушунчаларни ўзига хослигини белгилаб берди, ҳамда Рим ҳуқуқида бўлганидек, тизим (система) ичида онгли ва логик асосни шаклланишига ҳалақит берди.

Лекин VIII-IX асрларга келиб (бу даврга келиб шариат дунёни ибтидоий-қабила нуқтаи назаридан қараш чегараларидан чиқиб, феодаллашаётган ижтимоий муносабатларга тўқнашади), у мусулмон ҳуқуқшуносларининг самарали сайи-ҳаракатлари билан ҳуқуқни англашнинг илоҳий усулидан рационал (онгли) усулига, ҳуқуқ нормаларини юритишнинг ноаниқ усулидан тизимлашган логик усулига ўтилди. Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари шариатнинг негизи ва анъаналарини бузмаган ҳолда алоҳида юридик табиатга эга бир қанча янги ҳуқуқий доктрина ва нормаларни ишлаб чиқдилар. Дунёга маш-хур бу давр мусулмон ҳуқуқшуносларидан «Буюк устоз» унвонини олган

Абу Ханифа (767 йилда вафот этган), Малик ибн Анос (795 йилда вафот этган), Аҳмад ибн Хонбалларни санаб ўтишимиз мумкин.

Ҳуқуқшунос олимлари томонидан мусулмон ҳуқуқини, унга логик-рационал асос киритиб, оқибатда катта миқдордаги янги ҳуқуқ норма (фикҳни қийинлаштириш) яратиб, илмий қайта ишланиши қуръон ва Суннада кўрсатилган асл исломдан ажралиб кетди деган тушунчани англатмайди. Аксинча, янги нормалар ва доктриналар муфтилар ва мужтахидлар суд қилиш амалиётида бузилмаган бўлса бас, улар ҳуқуқий ва артодоксал ислом норматив мўлжал бераяпти, ҳамда ҳаётнинг барча ҳодисалари нормалар орасидаги ички қарама-қаршиликни инкор этаяпти деган тасаввур шаклланди.

Ўрта асрлар мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос томонларидан бири (айниқса илк асрларда) унинг нисбатан бутунлигида эди. Ягона тангри Оллоҳ деган тасаввур билан бирга универсал характерга эга бўлган ягона ҳуқуқий тартиб ҳақидаги ғоя тасдиқланди. Бундан ташқари, илк бор Арабистон ярим оролида вужудга келган мусулмон ҳуқуқи, халифалик ҳудуди кенгайиши билан янгидан-янги ҳудуд-ларга ёйилди. Лекин у биринчи навбатда ҳудудий тамойилни эмас, балки диний тамойилни қўйди. Қайси давлатда бўлишидан қатъий назар, мусулмон киши шариатга амал қилмоғи, исломга садоқатни сақламоғи даркор эди.

Аста-секин исломни ёйилиши ва асосий дунё динларидан бирига айланиши, шариатни ўзига хос жаҳон ҳуқуқий тизимига айлантирди. Бу исломни партикуляризм, чегараланган фаолият соҳалари, ички келишмовчилик ва ҳоказо каби хусусиятларга эга бўлган, ўрта аср Ғарбий Европа давлатларининг ҳуқуқидан ажратиб турар эди.

Конфессионал ҳуқуқ сифатида шариат Европа давлатларидаги каноник ҳуқуқидан шуниси билан фарқ қилганки, у қатъий белгиланган ижтимоий соҳалар ва масжид (черков) ҳаётини эмас, балки бир қатор Осиё ва Африка давлатларида ўрнатилган умумқамраб олувчи норматив тизимни тартибга солган. Вақт ўтиши билан шариат нормалари Яқин ва Ўрта Шарқ чегараларидан чиқиб, ўз таъсирини Ўрта Осиё ва Кавказортининг бир қисмига, Шимолий ҳамда қисман Шарқий ва Ғарбий Африка давлатларига, бир қатор Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига ёйди. Бироқ, шариат ва исломнинг бу тарзда тез ва кенг ёйилиши, унда борган сари кенг маҳаллий ўзига хосликни, ҳамда алоҳида ҳуқуқ институтлари ва муайян ҳуқуқий низолар бўйича бўладиган қарорларни турлича талқин қилинишига олиб келди. Шундай қилиб, вақт ўтиши билан исломда икки асосий оқимларнинг ўрнатилиши, ўз-ўзидан шариатда парчаланишга олиб келди. Эндиликда артодоксал йўналиш (суннийлик) билан бирга ҳатто ҳозирда ҳам Эрон, қисман Ливан ва Йеменда асосий оқим бўлиб келаётган шиалар оқими пайдо бўлди.

Бу икки йўналишлар ўртасидаги кураш жамият ва давлат ҳаётининг турли хил томонларини ўзида қамраб олувчи ҳуқуқий нормаларда ҳам ўз ҳокимиятини мерос тариқасида ўтказиш ҳуқуқий қоида-си, ҳамда бегуноҳ ҳисобланган имомлар қўл остида диний ва дунёвий ҳокимиятнинг тўпланиши ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, шиалар фақатгина халифа Али томонидан маъқулланган пайғамбари-миз Муҳаммад (С.А.В.)нинг мерос ва

ҳуқуқий кўрсатмаларини тан олганлар. Секин-аста суннийлар ҳам ўз шакл-моҳиятига кўра мустақил ҳуқуқий мактабларни ифодалайдиган 4 та мазҳабга бўлинди. Бу қуйидаги 4 та мусулмон ҳуқуқшунослари номи билан боғлиқ: Ханафийлар, Моликийлар, Шофиъийлар, Ҳанбалийлар. Улар орасида энг кенг тарқалгани ханафия мазҳаби бўлиб (Абу Ханифа) Миср, Туркия, Ҳиндистон, шунингдек, бизнинг давлатимиз ҳудудларида ўз издошларига эга бўлган.

Янги асосий мактаб-мазҳабларнинг фаолияти мусулмон ҳуқуқининг янада ривожланишига, эскирган нормалардан воз кечишга яққол имконият яратди. Вақт ўтиши билан бу мактаблар орасида ҳуқуқнинг муҳим масалалари бўйича қарама-қаршиликлар чуқурлашиб борди.

Шиизм асосида ҳам қатор мустақил мактаблар қарор топди: Исмоилийлар, жаффарийлар, зайдийлар ва бошқалар. Шундай қилиб, ўрта асрларнинг охирига келиб, назарий ва норматив асослари қийинлашган ва сезиларли ўзгаришларга учраган шариат ғавқулдда қийин ва ноанъанавий ҳуқуқий ҳодисага айланди. Ёки кейинчалик мусулмон ҳуқуқи таъсирига тушиб қолган кўп сонли халқларнинг одатларни ҳам киритишимиз мумкин. Ва сўнгиси, шариатдан келиб чиқувчи мусулмон ҳуқуқининг манбаси бўлиб, Халифаларнинг қарорлари, буйруқлари-фармонлари ҳисобланган. Қонунчилик фаолиятининг ривожланиши билан бошқа мусулмон давлатларида ҳуқуқ манбаси сифатида тобора ривожланиб бораётган «қонунлар» муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида фармонлар ва қонунлар ҳам шариат принципларига қарама-қарши бўлмаслиги, ҳамда, энг аввало, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи ва давлат ҳокимияти билан аҳоли ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни тўлдиришлари керак эди.

Мулкий ва оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Шариат ҳуқуқни алоҳида соҳаларига бўлишни назарда тутмасда, унда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, хусусан, мулк ҳуқуқи, шартнома ва деликт ҳуқуқлар нисбатан ривожланди. Алоҳида эътибор шариатда Араб халифалигидаги «шахсий мақом ҳуқуқига» ажратилар эди. Бошқа ўрта аср Шарқ давлатларидагидек, бу ерда ҳам алоҳида табақачилик тузуми шаклланмаган эди. Мусулмон ҳуқуқига биноан шахснинг ҳуқуқий ҳолати уни динни қабул қилиши билан белгиланган. Христиан ёки иудаизм динини қабул қилганлар қийин аҳволга солинган ва катта давлат солиқларини тўлашга мажбур этилганлар. Уларга нисбатан шариат нормалари фақатгина улар мусулмон киши билан битим тузганларида ёки жиноят содир этганларида қўлланилган. Ижтимоий муносабатларни ривожланиши қулларнинг ҳолатига таъсир қилди.

Улар ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинмас эдилар, лекин ўз хўжайинларининг розилиги билан турли савдо алоқаларини олиб боришлари ва мулк сотиб олишлари мумкин бўлган (Эғалик қилиш мақсадида). Мусулмон қулларини озодликка чиқариш савобли амал ҳисобланган. Шунингдек шариатга биноан шахснинг ҳуқуқий ҳолатидаги ўзига хос белгилардан бири эркак ва аёлнинг нотенглиги ҳисобланган.

Шариатнинг диний қарашларига кўра ҳуқуқнинг субъекти Оллоҳ ҳисобланганлиги сабабли, мусулмон одамга худо томонидан ўрнатилган мажбуриятларни бажарувчиси сифатида қаралган. Ислом кўрсатмаларига биноан, диний мажбуриятларни бажаришига қараб, у шариатда белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва бошқа юридик имконият-ларга эга бўлиши мумкин бўлган. Шунинг учун мусулмон ҳуқуқшу-нослари ҳуқуқий лаёқат масаласини ишлаб чиқишдан кўра, шахснинг уни бажариш қобилиятига, яъни унинг шартнома ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда қатнашиш имкониятларига катта эътибор қаратганлар. Фуқаролик муомалага лаёқат мулк ҳуқуқини қўлга киритишда зарур шарт-шароит сифатида қаралган. Тўлиқ муомалага лаёқат вояга етган ва ақлий руҳий соғлом бўлган шахсларга берилган.

Шахслар масаласида мусулмон ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларга бўлинади. ҳуқуқнинг асосий субъекти жисмоний шахслар бўлиб, уларнинг ҳуқуқий лаёқати уч ҳолатда: а) озодлик ҳолатига; б) диний эътиқодига; в) оилавий шароитига боғлиқ бўлган. ҳуқуқий лаёқат туғулиш билан вужудга келиб, шахснинг вафоти билан бекор бўлган. Муомила лаёқати эркаклар учун 15 ёш, хотин-қизлар учун 9 ёш ҳисобланган.

Шариатда йўқолган кишини бир неча йилдан сўнг вафот этган деб эълон қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ягона фикр йўқ. Йўқолган киши туғилганидан 120 йил ўтгач, кейинчалик айрим ҳолларда 90 йил ўтгандан кейин ўлган деб эълон қилинган (ҳисоблашган).

Ҳар бир алоҳида ҳолатда вояга етганликни белгилаш ҳуқуқи бу масалани ўзининг қарашларига биноан ҳал қиладиган судьялар томо-нидан амалга оширилган. Шунингдек ёш болаларга, ақлий норасолар-га ва маст ҳолдаги шахслар учун чекланган муомала лаёқати тушун-часи маълум эди.

Мусулмон ҳуқуқи таълимотида муҳим ўринни мулкӣ муноса-батларни тартибга солувчи нормалар эгаллаган. Энг аввало, ҳуқуқий таълимотда ашё ҳуқуқининг субъекти сифатида мулк тўғрисидаги тушунчалар мустаҳкамланган. Алоҳида тоифани, мусулмон кишиси тасарруфида бўлиши мумкин бўлмаган ёки тақиқланган ашёлар ташкил қилган. Булар, ҳаво, сахро, денгиз, масжидлар, сув йўллари ва ҳакозолар. Мусулмоннинг шахсий мулки сифатида, шунингдек «нопок ашёлар» деб аталмиш – вино, чўчка, ислом арконларига зид китоблар ҳам тан олинмаган. Араб босқинлари оқибатида бундай ашёларнинг йўқ қилиш ҳолатлари жуда кўп бўлган. Ваҳоланки, ўзга дин вакилларига тегишли мулкни йўқ қилиш ҳуқуқи тортишувли бўлиб, ҳар хил мазҳабларда турлича талқин қилинган. Мусулмон ҳуқуқига шунингдек, ашёларнинг кўчадиган ва кўчмайдиган, тикла-надиган ва тикланмайдиган турларга бўлиш маълум бўлган. Мусулмон ҳуқуқшунослари ер шаклидаги мулкларни тизимлашга катта эътибор берар эдилар. Ер шаклининг қуйидаги турлари мавжуд бўл-ган: давлат ерлари, хусусий ерлар, ташландик ерлари ва ҳакозолар. қишлоқ жамоа ерлари, диний ташкилотларга тегишли ерлар (вақф ерлари) мавжуд бўлган.

Солиқ тўлаш тартибига кўра:

а) Хирож ерлари (давлат ерларидан фойдаланиб, давлатга) солиқ тўланган;

б) ушрия ерлари, хусусий кишиларнинг ҳосилнинг ўндан бири-ни солиқ сифатида тўлайдиган ерлар;

в) сулҳ ерлари – яъни давлатга тобе бўлган бошқа диндаги шахс-ларнинг ерлари ёки босиб олинган ўлкалардаги ерлар.

Шариатда мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиш усуллари аниқ белги-ланган бўлиб, бунда ҳам турли мазҳаблар ҳуқуқшуносликларининг фикрлари турли хил бўлган. Арабларнинг босқинчилик юришлари ҳарбий босқинларнинг босиб олинган мулкка нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини пайдо бўлиши қонидасининг ҳуқуқийлиги ҳақидаги масала-ни келтириб чиқарди. Умумий қонидага биноан босиб олинган ерларга давлат мулки сифатида қаралган, ҳамда халифалар ва амирлар тассар-руфига ўтган. Душмандан тортиб олинган ўзга мулкнинг ҳуқуқий ҳолати, энг аввало, уни қайси йўл билан (мажбурийми ёки ихтиёрий) қўлга киритгани билан боғлиқ ҳолда белгиланган Куч билан босиб олинган мулк бир қанча қисмларга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳажми алоҳида мазҳабларда турлича белгиланган. Улардан бири босиб олувчининг ўзига, иккинчиси давлатга, учинчиси масжидга ва ҳакозо каби тасарруфига ўтган. Шариатда, шунингдек, мулк ҳуқуқига эга бўлишнинг – мерос, шартнома, ашёни топиб олиш каби турлари маълум бўлган. Ашёни топиб олишдаги ўзига хослик шундан иборат бўлганки, ўзининг ҳудудида бировнинг ашёсини топиб олган ер эгаси унинг мулкдорига айланган.

Мулк ҳуқуқи ҳолатлар бўйича ёки қонунларга биноан бекор бўлади. Биринчи ҳолда молнинг жисмоний йўқ бўлиши, мулк эгаси-нинг ўз мулкидан воз кечиши ҳамда молнинг йўқолиши, душман қўлига ўтишларини кўрсатиш мумкин.

Мусулмон давлатларида шаклланган мулккий муносабатлар тизи-ми қунт билан ишлаб чиқилар ва шариат нормалари билан қўриқ-ланар эди. Хусусий мулкнинг ўзига хослиги унинг илоҳий келиб чиқиши, доимий ва чегараланмаганлиги, мулкдорнинг эса ўз мулкини мустақил тасарруф этиш эркинлиги билан белгиланган. Хусусий мулкнинг қатъийлиги бевосита қуръондан келиб чиққан бўлиб, қуръонда бу ҳақда: «Биз айримларга берган нарсаларга кўз олайтирманглар» (20.31) дейилган.

Алоҳида ҳуқуқий ҳолатга “хижоз” деб аталадиган, илк мусулмон жамоаси ҳудудини (Макка ва унинг атрофлари) ташкил қиладиган ерлар эга бўлган. Бу ерларда фақат мусулмон яшаши мумкин бўлган ва дарахтларни кесиш, овчилик қилиш тақиқланган. Босиб олинган ҳудудлар аҳолиси, қоида тариқасида, эгалик қилиш ҳуқуқини йўқотганлар ва уларнинг ерлари давлатга ўтган. Ер эгалари эса ижарачилар сифатида намоён бўлган бўлиб, давлатга катта ва оғир солиқлар (хирож) тўлашга мажбур бўлган. Араб халифалигида хусусий феодал мулк давлат мулки ва жамоавий ердан фойдаланишга нисбатан қарамлик ҳолатида бўлган, шунинг учун у кенг ёйилмаган. Европа давлатларидагидан фарқли ўлароқ феодал мулк табақачилик тизимида эга бўлмаган ҳамда турли мажбуриятлар ва хизматлар ўташ шарти билан боғланмаган. Давлат ер фондини ўсиши ва феодал муно-сабатларининг ривожланиши билан бирга ерга эгалик қилишнинг **шартли шакли** ҳам кенгайиб борди. Босиб олинган ерларнинг бир қисми ҳарбий ёки давлат хизматини ўтагани учун феодалларнинг юқори табақа

вакилларига берила бошлади. (Иқто) Иқтадор ўз қўли остидаги аҳолидан ўзининг фойдасига йиғимлар ундириш ҳуқуқига эга бўлди. Кейинчалик “иқто” мерос тариқасида ўтганлиги учун, у мулкдорлик ҳуқуқи билан мустаҳкамланган ер шаклига яқинлашиб қолди. қуръоннинг илк таъсирига биноан шўрланмаган сув ҳам ҳаво каби умумбойлик ҳисобланган. Лекин аста-секин қудуқлар, дарёлар ва кичик қўллар йирик ер эгалари мулкига айлана борди. Фақатгина маълум бир қисмдаги дарё ва қўллар илгаригидек жамоа ва давлат мулкининг умумий тизимига кириб, бу ўз навбатида ирригацион ишларни биргаликда, мансабдор шахс назорати остида амалга оширишни талаб қилар эди.

Ашё ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган, шариатнинг ўзига хос институтларидан бири “вақф” бўлиб, у ўзида мулкни акс эттирган. Одатда бу мулк мулкдор томонидан қандайдир диний ва илоҳий мақсадлар йўлида берилган.

Вақф ўрнатган шахс мулкдорлик ҳуқуқи ва ушбу мулкидан маҳрум бўлган, лекин вақфни бошқариш ва ундан тушган маълум фойдани ўзи ва меросхўрлари фойдасига ундириб олиш ҳуқуқини сақлаб қолган. Вақфни ташкил қилувчи мулк олди-сотди, кафолат кабилар сифатида муносабатларда қатнашиши мумкин эмас эди. Лекин вақф ерлари ижарага берилиши ёки тенг қийматли ерга алмаш-тирилиши мумкин бўлган. Ушбу институт бой табақа томонидан катта солиқларни тўлашдан бўйин товлашда кенг қўлланилган, чунки вақфни ташкил қилувчи мулк давлат солиқлардан озод қилинган эди.

Рим ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, шариатда мажбуриятнинг умумий концепцияси аниқ белгиланмаган бўлиб, аммо товар-пул муносабатларига асосланган амалий шартнома ҳуқуқи масалалари ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Мажбуриятлар бир томонлама ва кўп томонлама, тез бажариладиган ва тез бажарилмайдиган турларга бўлинган. Мусулмон жамияти учун ўзига хос бир томонлама мажбу-риятлар – объектларнинг ёйилиши характерлидир. Шариатга биноан шартномага томонларнинг ўзаро ишончлари асосида пайдо бўлувчи алоқа сифатида қаралган. Шартнома шартлари ҳоҳлаган шаклда ифода этилиши мумкин бўлган: ҳужжатда, норасмий хатда, оғзаки. Тузилган шартнома қатъий бўлган. Мажбуриятга амал қилмоқ қуръонда муқаддас ҳисобланади. қуйидаги шартномалар ҳақиқий ҳисобланмаган: «нопок» ёки муомаладан чиқарилган ашёдан фойдаланган ҳолда беъмани мақсадларни кўзлаб тузилган шартномалар. Мусулмон ҳуқуқшунослари шартномада томонлар эркини ифода этишга боғлиқ шаклларга қаттиқ шартлар ўрнатмаганлар. Томонлар-нинг шартномага кириш, шартнома шартлари билан келишувлари ҳужжат, оғзаки ва норасмий хат шаклида ифода этилиши мумкин бўлган. Шариатда турли шартномалар турлари аниқ кўрсатилган: олди-сотди, ижара, ҳадя, биродарлик, иттифоқ ва ҳақозо. Савдони тез ривожланиши муносабати билан олди-сотди шартномаси кенг аҳо-мият касб эта бошлади. Савдонинг «ўзаро розилик асосида» ҳалол-лиги қуръонда ҳам ўз ифодасини топган. (4.33).

Олди-сотди шартномасининг ўзи бир неча турларга бўлинг.

1. Бойи котеъ – бунга кўра сотилган мулк сотиб олувчига унинг ҳақини тўлашдан олдин ўтиши мумкин бўлган.

2. Бойи жоиз – бирор бир шартни қўйиб, савдо-сотик шартно-масини тузиш, у шарт бажарилмаса бекор бўлиши мумкин.

3. Бойи фосил – бунга кўра сотилган мулк уни кўринишини ўзгармаган ҳолда, учинчи кишига хали сотилмасдан, эгаси томонидан қайтиб сотиб олиниши мумкин бўлган.

Мусулмон ҳуқиқида кенг тарқалган ҳуқуқ тизими Шуфъа (Шубизм) бўлиб, унга кўра ер мулки уйлар сотилган вақтида шу жойни қўшниси имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Олди-сотди шартномаси айна пайтда мавжуд ашёларга нисба-тангина тузилишига йўл қўйилган, ва фақатгина ханафия мазҳабида келгусида ишлаб чиқиладиган ашёлар олди-сотдиси тан олинган. Сотиб олинган ашёни беркитилган камчиликлари (қулнинг, ҳайвон-нинг касаллиги) аниқланган ҳолда, харидор шартномани бекор қилиши мумкин бўлган.

Шариатда судхўрликни расман қоралайдиган ҳолатлар ўз ифодасини топган. Қуръонда ҳам: «Оллоҳ савдога рухсат берди ва судхўрликни таъқиқлади» - деб таъкидлаб ўтилган. Лекин амалда бу таъқиқ кўп бузилган. қарздорни қарзи учун қулга айлантериш таъқиқланган. Лекин уни ўз қарзи эвазига кредитор фойдасига ишлашга мажбур қилиш мумкин бўлган...

Мусулмон ҳуқуқида ҳаттоки эътибор мулк ижарасига, энг аввало ер ижарасига қаратилган. Ижаранинг бир неча тури маълум бўлиб, мулкдор фойдасига тўланадиган ҳақнинг ҳажми ва тартибига биринчи навбатда эътибор берилган. Араб жамиятида иттифоқ ва биродарлик шартномалари кенг тарқалган. Бу ҳуқуқий шакл ерни биргаликда ишлатиш, савдо қарвонларини керакли нарсалар билан биргаликда таъминлашда фойдаланилган. Ислом динида никоҳсизлик салбий ҳолат, никоҳ эса ҳар бир мусулмоннинг бурчи сифатида қаралган. Лекин амалда никоҳ шартномаси ўзига хос савдо битимига айланиб қолган ҳоллар оз эмас. Расман никоҳга киришиш учун томонлар шунингдек келиннинг розилиги керак бўлган. Лекин келиннинг эркини ота-она билдиришга ҳақли деб ҳисобланганлиги сабабли, никоҳ шартномаси кўп ҳолларда қиз болани сотишнинг беркитилган шаклига айланиб қолган. Аслида ота катта пул эвазига қизларининг тақдирларини ҳал қилган.

Никоҳ шартномасида томонларнинг розилиги олинмасдан никоҳ тузишлари мумкин бўлиб, бундай никоҳ “фузулий” никоҳ деб аталган. Никоҳ тузишда ижтимоий тенглик, диний эътиқоди бирлиги, озодли ҳолати, мустақиллиги, жисмоний соғлиқ, ростгўйлик ва эр-хотинларнинг машғул бўлган касблари бўлиши каби шартлари бўл-ган. Иккинчи бир шарти қалин пулини энг кам миқдори уч дирхам-гача белгиланган.

Муҳаммад (С.А.В.) Ойшани 9 ёшида ўз никоҳларига олганлари сабабли, бу ёш никоҳга киришда аёллар учун етарли деб тан олинган. Шиаларда маълум муддатга тузилган вақтинчалик никоҳга йўл қўйилган. Шариатга биноан мусулмон киши (аёл) ғайри дин ёки исломдан қайтган киши билан никоҳга кириши мумкин бўлмаган. Ушбу қоидаларни бузган ҳолда тузилган никоҳлар бекор қилинган. Лекин мусулмон эркак кишига ғайри дин аёл билан никоҳга киришишга йўл қўйилга, сабаби эркак киши аёлни мусулмон динига қаратади деб ўйланган. Мусулмон аёли ғайри дин билан никоҳга кириши тақиқланган.

Қуръонда мусулмон эркак бир вақтнинг ўзида 4 та билан никоҳда бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундан ташқари қуллари ичида жазманга эга бўлиши мумкин эди. Лекин эр ҳар бир хотинини ўзининг шароитига тўғри келадиган мулк билан, уй-жой, уст-бош билан таъминлашга мажбур эди. Лекин амалда бир неча хотин билан никоҳда бўлиш феодал жамиятининг юқори табақа вакилларининг-гина қўлидан келар эди.

Ислом дини оилада аёлнинг паст ва қарам ҳолатини ёқлар эди. Эрнинг ҳукмронлиги қуръондаги қуйидаги қоидага асосланади: «Оллоҳ эркакларга аёллар устидан ҳукмронликни ҳамда эркакларни ўз мулки ҳисобидан аёлларга чиқим қилишни буюрди». Хотин эркак-ларга юклатилган уй харажатларига аралашмаган, лекин уй хўжали-гини юритиш, болаларни тарбиялашга мажбур бўлган. Мулкий муносабатларда аёлларнинг мустақил қатнашиши чегараланган. Масалан, моликийлар аёллар эрнинг розилигисиз умумий мулкнинг 3 дан бир қисмигача мустақил фойдаланиши мумкин деб қараганлар. қуръон хотинга нисбатан эр томонидан турли жазолар, хатто тан жазосини қўллашни руҳсат берган: «Буйсунмайдиганни мажбур қилинг, ётган жойидан ташлаб кетинг, уринг...»

Мусулмон ҳуқуқида никоҳни бекор қилиш сабаблари ва тартиби аниқ белгиланган.

Шариат бўйича никоҳни бекор қилишнинг тўрт тури мавжуд бўлган.

1. Узил-кесил (баин) бекор қилиш, уч марта эр «сен менга хотин эмассан» деган сўзларни айтиш орқали амалга оширилган.

2. Эрнинг хотинини кечирishi мумкин бўлган ҳолда бекор қилиниши, бундай ҳолда хотин эрнинг уйида яшаган, толоқ тўла айтилмайди.

3. Хотиннинг ихтиёри билан эридан никоҳни бекор қилишни талаби орқали ўз озодлигини сотиб олади ва қози томонидан никоҳ бекор қилинади.

4. ҳар иккала тарафнинг розилиги билан фақат энди эр хотини-га ҳақ тўлаб никоҳни бекор қилиш.

Тўртта никоҳдан истаган бири бекор қилиниши мумкин бўлган. Шариатга тартиби ва юридик оқибати жиҳатидан фарқ қиладиган ажралишнинг бир неча тури маълум. Масалан, ўзига хос синов муд-датини кўзлайдиган вақтинчалик ажралиш мавжуд бўлган. Ажралиш-нинг сабаблари аниқ белгиланганлигига қарамай, эр ҳеч қандай са-бабларни қисқартирилган ҳолда тушунтирмасдан, белгиланган қуйи-даги иборалардан: «сен озодсан», «уруғинг билан бирлаш» бирини айтиб хотини билан ажралиши мумкин бўлган. Одатларга биноан, никоҳ бекор қилинган тақдирда эр хотинига керакли мулкни ажратиб бериши шарт эди. Ажрашган аёл унинг хомила борлиги ёки йўқлиги-ни аниқлаш мақсададида уч ой мобайнида собиқ эрининг уйида қолиши керак бўлган. Бола туғилган тақдирда у ота уйида қолиши шарт бўлган. Хотин никоҳни бекор қилишни фақат суд орқали талаб қилиши мумкин бўлган бўлиб, бунда ҳам қатъий сабабларни: эрнинг жисмоний камчиликларини, эр-хотинлик мажбуриятларини бажарма-ганлигини, хотини билан вахший муносабатда бўлганлиги кабиларни кўрсатиши шарт бўлган.

Мерос ҳуқуқи мураккаб ва ноаниқ ҳисобланиб, турли ҳуқуқ мактабларида ҳар хил талқин қилинган. Мероснинг икки тартиби тан олинган: васият ва

қонун бўйича васият қонуний меросхўрлар фойдасига тузилиши ва васият қилувчи мулкнинг 1 қисмидан кўп қисмини ўз ичига олиши мумкин эмас эди. Уни тузиш чоғида иккита гувоҳ иштироки шарт эди. қонун бўйича мерос қатъий ишлаб чиқарилган эди. Ўлган кишининг мулкидан, энг аввало, уни кўмишга кетадиган чиқимлар қопланган, сўнгра эса барча қарзлари тўланган. Шаританинг ўзига хос томони шундаки мерос тариқасида ўлганнинг мажбуриятлари эмас, балки мулкий ҳуқуқлари ўтган. қолган мулк эса мархумнинг қонуний меросхўрларига ўтган: улар бир қанча тоифа-ларга бўлинган бўлиб, улар ўртасида мерос олувчиларнинг кетма-кетлиги белгиланган. Шундай қилиб, меросни биринчи навбатда мархумнинг болалари, кейин ака-укалари, тоғалари олганлар. Аёллар-нинг меросдаги улушлари эркакларникига қараганда икки баробар кам бўлган. Диндан қайтганлар, ажрашган эр-хотинлар, мерос қолди-рувчининг ўлимига қандайдир ҳаракати билан сабабчи бўлиб қолган шахслар мерос олиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Фақатгина моликий-лар адолат учун қотиллик содир этган шахснинг мерос олиш ҳуқуқи-ни олганлар.

Жиноят ва жазо. Жиноят ҳуқуқи нормалари шариатнинг нисбатан паст даражада ишлаб чиқилган қисмини ўзида акс эттиради. Улар қадимги элементларни ўзида сақлаб қолганлиги, ҳамда юридик техниканинг нисбатан паст даражасини акс эттириш билан ажралиб туради. Жиноятнинг умумий тушунчаси бўлмаган. Суиқасд, ишти-рокчилик, айбни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар каби инстинктлар яхши ишлаб чиқилмаган. Мусулмон ҳуқуқшунос-лари ўрта асрлардаёқ барча жиноятларни уч турга ажратганлар. Уларнинг биринчиси, «Оллоҳ ҳуқуқларига» тажовуз қилиш ташкил қилган бўлиб, авф этишга йўл қўйилмаган. Энг аввало бунга ўлим жазоси билан жазоланадиган, исломдан қайтиш тааллуқли бўлган. Бундай қаттиқ жазо шунингдек бошқариш тартибига қарши жиноят-лар – қўзғолон ва давлат ҳокимиятига қарши туриш қабилар учун ҳам қўлланилган. Бу турга ўғрилиқ, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, хотинбозлик, ноҳақ айблаш каби жиноятлар кирган ва улар «хадд» жиноятлари гуруҳи ҳам деб аталган.

Жиноятларнинг иккинчи гуруҳини бутун мусулмон жамиятига эмас, балки алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилиш сифатида қараладиган ғайри ҳуқуқий ҳаракатлар ташкил қилган. Уларга «қасос» ёки «диа» гуруҳидаги жиноятлар деб қаралган. Уларни тартибга солувчи нормалар уруғ қабила тузуми одатларидан келиб чиққан бўлиб, айбдор ва жабрланувчининг бевосита қасд олиш каби қолдиқлари сақланиб қолган. қасддан одам ўлдириш ёки ўлимга олиб келадиган даражада жароҳат етказиш ўлдирилган шахснинг қариндошлари томонидан қонли қасос олинишига олиб кейинчалик ша-риятда агар ўлдирилган шахснинг қариндошлари қотилни кечирса-лар, қонли қасосни пул билан қоплаш имкониятлари назарда тутил-ган. Хун ҳақи озод кишини қасддан ўлдирганлик учун минг олтин танга, кумушдан минг дирхам, 100 та туя бериш назарда тутилган.

Эҳтиётсизликдан қилинган қотиллик учун сотиб олиш белги-ланган бўлиб, бунга қўшимча тариқасида 1 ой рўза тутиб бериш ва битта мусулмон қулни озод қилиш шарт бўлган. Бу гуруҳга кирувчи бошқа жиноятлар, хусусан,

тан жароҳати учун ҳам жавобгарлик қасд яъни товон принципи асосида пайдо бўлган. Бу принцип Қуръонда қатъий белгилаб қўйилган: «қалб учун қалб, кўз учун кўз, кулоқ учун кулоқ, бурун учун бурун жавоб бериши керак». Ва ниҳоят, учинчи гуруҳ жиноятларни халифаликни ташкил топиши даврида жазолашга лойиқ эмас деб ҳисобланган ҳаракатлар ташкил қилади. Шунинг учун улар асосий шариат манбаларида ҳам ўз ифодасини топмаган.

Ҳукукий таълимотнинг ривожланиши ва юқори табақанинг шаклланган ижтимоий тартибни мустаҳкамлашга интилиши оқибати-да – закот тўламаслик, рўзага амал қилмаслик, енгил тан жароҳати етказиш, ҳақорат, безорилик, фирибгарлик, порахўрлик каби ҳаракат-лари жиноят сифатида баҳоланадиган ва суд тартибида жазолана-диган бўлди. Бу ишлар юзасидан жазонинг чегараси мужтаҳидлар томонидан билдирилган фикр ва алоҳида судьяларнинг шахсий баҳолашига боғлиқ бўлган.

Мусулмон ҳукуқида жазолар жазолашнинг давлатгача бўлган усуллари билан бир қаторда, етарли даражада ишлаб чиқилган йўнал-тирилган ҳукукий репрессияни ўзида акс эттиради.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ жиноятлар қатъий белгиланган ва қаттиқ жазоланадиган характерга эга бўлган. Учинчи гуруҳга тегишли, жиноят учун жазо кенг турли хиллийлик ва эгилувчанлик билан ажралиб туради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шариат қонли қасосни рухсат берган, бу билан қонунлаштирган. Шу билан бирга шариатда қотил жабрланувчи ёки унинг қариндошларидан, агар улар ўзларининг қонли қасос олиш ҳуқуқларидан воз кечсалар компенсация тариқасида ашё ёки пул бериб ўз жонини сотиб олиши мумкин бўлган. Шариат ўрта асрларга хос қаттиқ ва ваҳший жазо-ларни қўллашни кўзлайди. Масалан, бир қанча жиноятларга нисбат оширилган, сўнгра жасад умумий налатлашга қўйилган. Шунингдек ўлим жазосининг тиригича кўмиш ёки чўктириш каби турлари ҳам қўлланилган. Жинсий аъзоларни ишдан чиқариш ва тан жазолари, бармоқларни оёқ ва қўлларни кесиш бичиш, тошбўрон қилиш, каби-лар кенг қўлланилган. Араб халифалигида одатда қамоқ жиноятчи-ларни судгача сақлаб турадиган жой вазифасини бажарган, аста-секин уни жазо тури сифатида қўллаш кенг тус олдида, айниқса, алоҳида ҳолатлар бўйича бутун умрга қамаш ҳолатлари кўп кузатил-ган. Озодликдан маҳрум қилиш шунингдек уй ёки масжидга қамаш йўли билан амалга оширилган.

Мусулмон ҳукуқида, шунингдек мулкый санкциялар ва уялти-риш жазолари – соқолини олиб ташлаш, ҳамма олдида изза қилиш, сургун қилиш кабилар маълум бўлган.

Суд жараёни. Одатда мусулмон ҳукуқида суд жараёни айблов-чи характерга эга бўлган. Иш давлат органлари номидан эмас, балки манфаатдор шахслар томонидан қўзғатилган. Жиноят ва фуқаролик ишлари ўртасида фарқ бўлмаган. Суд ишлари очик, одатда барча ҳоҳловчилар қатнашиши мумкин бўлган масжидларда кўрилган. Томонлар адвокатлар ёрдамидан фойдаланмасдан ишни ўзлари олиб боришлари керак бўлган. Процесс оғзаки олиб борилган бўлиб, ёзма шаклда ифодаланмаган. Вақт ўтиши билан Аббосийлар даврида фуқаролик ишлари бўйича суд протоколи тузилган.

Томонларнинг тан олиши, гувоҳлар кўрсатмаси ва қасам асосий исбот ҳисобланган. Иш битта мажлисда ҳал бўлиши шарт эди, кейинги мажлисга ўтиши мумкин эмас эди. Аслини олганда суд процесси томонларнинг беллашувига айланиб кетар эди. Табиийки, бунда бой, камбағаллар бир хил ҳолатда бўлмаганлар. Нисбатан кўп бўлмаган ишларни ҳисобга олмаганда, судьялар қарор чиқаришда ўзининг шахсий қарашлар ва то-монларнинг ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиш имкониятини беради-ган ишларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Шариат процессуал ҳуқуқининг ўзига хос томони шундаки, суд қарорлари охириги ва ўзгармас қарор бўлган. Янги фактлар ва судья ўзининг қарорини қайта кўриб чиқиши мумкин бўлган. Бу суистеъмолчиликка йўл очиб берар эди. Далилларни баҳолашда, судда, шакланлик муҳим ўрин тутган. Шундай қилиб, иш бўйича тўлиқ исбот деб ишончга муносиб икки мусулмон – гувоҳларининг кўрсатмаси тан олинган. Аёллар кўрсатмаси ярим исбот сифатида қаралган. Аниқ ва ишончли далиллар йўқ бўлган ҳолатларда айбланувчи томонидан айтиладиган қасам қўлланилган. Тантанали тарзда ва Оллоҳга мурожаат билан айтилган қасами ишончли далил сифатида қабул қилинган. Бу айбланувчини жавобгарликдан озод этган ёки ҳеч бўлмаганда жазони енгиллаштирган. Айбланувчининг жиноят содир этганлигини тан олиши, агар бу ҳаракат вояга етган, ақли расо, шахс томонидан содир этилган бўлса, суд ҳукм чиқариши учун етарли далил ҳисобланган.

“Ҳидоя” ислом дунёсида эътиборли китоблардан бўлиб, барча мадрасаларда мусулмон ҳуқуқи бўйича қўлланма сифатида ўқитилган. “Ҳидоя” муаллифи мужтаҳиди муаллақ даражасидаги фикҳ олими бўлиб, юридик амалиётда прецедент (ўхшаш ҳолатлар ва ишларга қўлланилиши мумкин) бўла оладиган қарорлар (фатво)ни қабул қилишга ҳақли эди. Шунинг учун ҳам муаллиф китобнинг кўпгина жойларида ҳуқуқий масала ечимида ўз фикрини келтиради. Шарҳлар берилган жойларда Абу Ҳанифа ҳуқуқ мактаби ҳамда унинг шогирдларининг фикрини ҳам келтиради.

“Ҳидоя” фақат мусулмон дунёсида фикҳни ўрганиш манбаи сифатидагина эмас, унинг юридик (ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда қўлланма) манбаига ҳам айланиб қолган.

Унга ўз замонасининг амалиётчи қонуншунослари мурожаат қилганлар ва шарҳлар битишган. Жумладан, Ҳусомиддин ал Ҳусайин бин али ас Сиғноқий (1313-1314 йилларда вафот этган) бу китобга тўла шарҳ: «Ниҳоя»ни ёзган.

“Ҳидоя” маълум маънода, мадраса талабалари, қози ва муфтиларнинг ўрганишлари ҳамда қўллашларга қулайлик яратиш учун ёзилган, дейиш мумкин. Мовароуннаҳр фикҳлари учун, маълум-ки, ҳуқуқ тармоқлари ҳақида «Ал ҳидоя»га ўхшаш 50дан ортиқ китоблар ёзишган. Марғиноний «Ҳидоя»сини шуҳрат топганлигининг сабаби унинг илмий ва амалий жиҳатдан мукаммаллиги бўлиши эди. Асар ўқувчига ўша даврдаги мусулмон ҳуқуқининг тармоқлари бўйича тўла тасаввур беради. Унинг бизгача араб тилидаги бир неча нусхалари етиб келган бўлиб, бу асар форс, инглиз ва рус тилларига ҳам ўгирилган. Асар икки жилд ва тўрт жузъ 57 китобдан иборат бўлиб, биринчи жузъга асосан ибодат масалалари киритилган. қолган учта жузъ фикҳ масалаларини ўз ичига олади. Инглиз ва рус тилларига қилинган таржималар

эса 4 жилдга бўлиниб нашр этилган. 1-жилд 5 китоб: тозаланиш, ибодат қилиш хайр-эҳсон қилиш, рўза тутиш ва ҳаж қилишдан иборат. Бундан яққол кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқида диний урф-одатлар ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар билан дунёвий фикҳ масалалари боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам бу жилд форс тилидан инглиз тилига ўгирилганда, хайр-эҳсон қисми-дан бошқаси тушириб қолдирилган. 2-жилд 14 китоб: никоҳ, сут бўйича қариндошлик, никоҳни бекор қилиш, қасам, жазо, ўғрилик, сиёсий қонун-қоидалар, топилган нарсалар ҳақида, дараксиз йўқол-ганлар, ўртоқлик шартномасидан иборат. Яъни, бу жилдда асосан оила ва никоҳ ҳақидаги ҳамда қисман гражданлик ҳуқуқи масалалари ёритилади. 3-жилд 22 китобга бўлинган: савдо-сотик, пулни майда-лаш, кафолат, қарзларни ўтказиш, қози (судьянинг) мажбуриятлари, гувоҳлик кўрсатувларини рад қилиш, ишончнома, даъвогар, тан олиш, келишув, гаров, қарз, ссуда, ҳадя, ижара, васийлик. Бундан кўриниб турибдики, мазкур жилдни гражданлик ҳуқуқининг асосий масалалари ва суд-процессуал ҳуқуқига бағишланган деб айтиш мумкин. 4-жилд 16 китобдан: аралаш мулк ҳуқуқини олиш ва бундай ҳуқуқнинг ворисликка ўтиши, мулкни бўлиш, ерларни ишлаш бўйича тузилган шартномалар, озиқ-овқатларни етиштириш ва истеъмол қилишдаги турли эҳтиёт чоралари, бўш ётган ерларни ишлаш, таъқиқланган (ичимлик) суюқликлар, ов ҳақида, заколат, шахсга қаратилган шикоятлар, пул билан ундириладиган (қопланадиган) жазо чоралари, пеня (пинни) ундириш, васиятлардан иборат. Яъни мазкур жилд ҳозирги замон ҳуқуқ тармоқларига нисбатан олганда, диний ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи масалаларига бағишланади.

Бундан кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқи XII асрдаёқ маълум тармоқларга ва институтларга эга бўлган ҳуқуқ тизимини ташкил қилган. Ана шу жиҳатдан ўрганишда бу манбанинг аҳамияти катта бўлган. Шунинг учун ҳам «Ал ҳидоя»ни ўқиб, шарҳлай билиш мадрасада фикҳ илмидан маълум натижага эришганликни билдириб, муфти, қози лавозимларини бажаришга ҳуқуқ берган.

Хуллас, «Ҳидоя» асари ўз даврини ислом ҳуқуқшунослигининг ўзига хос қомуси бўлган десак, адашмаймиз.

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-ҳидоя” асарида суд далиллари ва судлов ҳақида

“Ҳидоя” шариат судлари – қозилар, уларнинг олдига қўйиладиган мақсад ва вазифалар, иш юритиш, жазо, ҳукмни ижро этиш масалаларига махсус китоб бағишланган бўлиб, у “қозининг мажбуриятлари” деб аталади. Мусулмон фикҳи асосида иш кўрадиган судьялар–қозилар тизими ҳам дастлаб Арабистонда вужудга келиб, айниқса Абу Юсуф даврида у махсус муассаса сифатида шаклланган, мусулмон ҳуқуқий идеологиясига кўра қозилик сўраб ёки илтимос қилиб, югуриб таниш-билишчилик қилиб эгалланадиган мансаб эмас, ҳукмдор томонидан шу ишга лойиқ қилиш мажбурий тайнлаш натижасида эгалланиши рағбатлидир. Бундай ҳисобланишига Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳодисаларида келтирилган “ким қози қилиб тайинланса, у

ҳалқуми ўткир пичоқ билан эмас, ўтмас пичоқ билан кесиладиган ҳайвон каби азобга тортилади”, деган ҳадис сабаб бўлса керак. Шунинг учун ҳам манбаларда келтирилишича, кўплаб фикҳлар қозилик мансабини эгаллашдан бош тортганлар (Масалан, Абу ханифанинг ўзи), қийноқ остидагина уни эгаллашга рози бўлганлар.

Қозилар олдига қўйилган талаблар унча мураккаб эмас, оддий касбий ва инсоний талаблардан иборатдир. “Ҳидоя”га кўра, қозилик вазифа-сига шундай кишилар тайинланмоғи лозимки, у киши шу вазифани бажариш, қарорлар қабул қилиш, олий даражада адолат мумкин, аммо икки хотин кишининг кўрсатмаси бир эркак кишининг гувоҳлигига тўғри келади. Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш бу фарз, яъни мусулмоннинг мажбуриятларидан биридир. Шунинг учун ундан била туриб, бўйин товлаш мумкин эмас. Шунинг билан бирга қуллар, чўрилар, тухматчиликда айбланганлар, мотам маросимларида йиғлаш ва куйлаш билан шуғулланувчилар (гўяндалар), таъқиқланган ичимлик ичишга ўрганиб қолганлар, қуш овчилари, илгари раҳмсиз жиноятлар қилган кишилар, судхўр ва ўйинчи, камтар бўлмаган кишилар ҳам гувоҳ бўлишлари мумкин бўлмаган.

Хуллас, “Ҳидоя” ислом дунёсида эътиборли китобдан бўлиб, барча мадрасаларда мусулмон ҳуқуқи бўйича қўлланма сифатида ўқитилган. “Ҳидоя” муаллифи мужтаҳиди муаллақ даражасидаги фикҳ олими бўлиб, юридик амалиётда ва яхшилик тарафдори бўлишлари лозим. Улар камида гувоҳлик бера оладиган шахсларга қўйилган талабларга жавоб бера билишлари керак. Чунки гувоҳлар учун муҳим бўлган хислатлар қозилар учун ҳам муҳимдир. Агар қозиликка тайинланаётган шахс озод ва соғлом, мусулмон бўлмаса, вояга етмаган, тухматда айбланган бўлса, унга бу вазифа берилмаган. Бу талабни ҳозирги ҳуқуқшунослик тили билан ифодаласак, қози ақли расо, ҳуқуқ ва муомалага лаёқатли, жисмоний шахслар талабига жавоб бера оладиган, фикҳ илмидан яхши хабардор бўлиши лозим.

Қозилик мансабига тайинлаш давлат ваколати хусусиятига эга. Ҳукмдор (давлат бошлиғи) бу мансабга ўз мажбуриятларини бажарадиган ва адолат билан қарорлар чиқара оладиган шахсларни тайинлаши лозим эди. Қозиликка ноқобил кишиларнинг тайинланиши жамиятга катта зарар келтиради. Бу ҳолни Марғиноний Расулуллоҳ ҳодисаларига таянган ҳолда асослаб беради. “Муҳаммад Расулуллоҳ айтганлар:” Кимда ким бирор тегишли мансабга қўли остига шу мансабни бажаришга лойиқ, софдил, адолатли кишиларни тайинламай, бошқа бир кишини тайинласа, у худога, пайғамбарга, мусулмонга нисбатан адолатсизлик қилган бўлади.” Яна шуни кўрсатиш мумкинки, қозиликка ўз қобилиятига ишонадиган шахслар тайинланиши лозим. аммо бу ишга ўзини ўзи номзод кўрсатиш номзод қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Аммо ҳар бир мусулмон киши қозиликка тайинланиш истагига эга бўлиши мумкин. Муҳаммад Расулуллоҳ деганлар: “Кимда-ким қозилик мансабини ахтарса, у ўзига ўзи жавоб бериши керак, лекин кимда ким мажбурият орқасида истаса, унинг учун фаришта осмондан тушиб, уни бошқаради”.

Бундан кўриниб турибдики, мусулмон ҳукукий фалсафасига кўра, мажбурият орқасида қози бўлиш фахрлидир.

Қозиликка тайинланган шахслар ўз мажбуриятларини масжидда, халойик олдида, ёки ўз уйларида олиб боришлари керак бўлган. Энг яхши жой жомеъ масжидлари ҳисобланган. Уларнинг пора олишлари, ўз қариндош-уруғлари ва яқин дўстларидан, бошқа шахслардан совға-салом кутишлари мумкин эмас эди. Аммо қариндош уруғлари ҳам қонунга қарши ҳаракат содир этган бўлса, қози ундан совға-салом олишдан воз кечиши зарур эди. Қози имомнинг рухсатисиз ўз ўринбосарини тайинлай олмаган. Агар қози имомнинг рухсати билан ўзи хоҳлаган кишини ўринбосар этиб тайинласа, кейинчалик уни бўшатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Чунки ўринбосар ҳукмдор (давлат бошлиғи)нинг вакили ҳисобланган. ҳар бир қози ўз фаолиятида бошқа қозиларни адолат билан ишлашга ундаши, қуръони Шариф ва суннатларга риоя қилишликни талаб этиш керак.

Агар жавобгар қози ҳукм чиқариш пайтида дастлаб даъвогар талабига қарши турсаю, сўнгра кўринмай кетса, қози қарор чиқариш муддатини кечиктириши мумкин. Чунки, қоидага кўра, қози қарор чиқараётган пайтда даъвогар билан жавобгар ўртасида ҳақиқий баҳс бўлиши керак.

Қози ҳакамлар судининг қарорини кўриб чиқиб, агар уни маъқулласа, унга ижро кучини берган. Аммо унга норози ёки қарши бўлса, у ҳолда қози уни бекор қилиши лозим, чунки ҳакамлар судининг қарори қози учун мажбурий бўлмаган.

Судда агар даъвогар, жавобгарга бирор нарсани даъво қилсаю, жавобгар бундан тонса, у ҳолда жавобгар ўзининг жавобгар эмас-лигини гувоҳлар орқали исботлаши керак ва бундай ҳолларда жавоб-гарга ишониш лозим бўлган. Агар насронийлик динига мансуб киши вафот этсаю, унинг беваси қози ҳузурига мусулмон аёл сифатида келса, аммо меросхўрлар унинг аксини (мусулмон эмаслигини) тас-диқласалар, бундай ҳолда марҳумнинг меросхўрларига ишониш керак ҳисобланган.

“Ҳидоя”га кўра қозининг буйруғи билан ҳар қандай киши жазолаш тўғрисидаги ҳукмни ижро этиши мумкин. Агар қози: “Мен бу шахсни тошбўрон қилишга ҳукм қилдим, шунинг учун унинг қўлини чошиб ташла деб айтса, буюрилган шахс қозининг ҳукмини бажаришга мажбур бўлган. қози ишдан бўшатилгандан сўнг оддий хусусий шахс бўлиб қолган.

Маълумки, суд давлат томонидан турли кўриниш ва шаклларда таъсис этилиб, ҳокимият ваколати билан таъминланган, фақатгина ўзига топширилган махсус судловни амалга оширадиган давлат органларининг бир туридир. Суд жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўл-ган- давлатнинг ажралмас белгиси, давлат фаолиятининг бир йўнали-ши, одил судловни амалга оширадиган ташкилотдир. Шунинг учун ҳам суд органлари давлат ва ҳуқуқ билан бир вақтда вужудга келган. Бошланғич, суд фаолияти маъмурий фаолиятидан ажралмаган. Араб-лар томонидан босиб олиниши ва Туркистонда мусулмон ҳуқуқининг ёйилиши билан алоҳида суд органи қозилар суди тизими ташкил топди. Мусулмон ҳуқукий идеологиясига кўра, суд фаолияти содир этилган ғайриқонуний ҳаракатнинг диний ижтимоий хавфли даража-сини ва уни содир этган

айбланувчи Шариат қонунлари асосида аниқлаш, келтирилган зарарни қоплатиш (Хун олиш), зарарли оқибатни тугатишни назарда тутган. Бу ерда биз Фарбий Европа мамлакатларида бўлганидек, тартибни судларни диний (инквизицион) суд-лар ва дунёвий судларнинг алоҳидалигини, инквизицион суд томони-дан турли шаклларда қўлланилган азоблаш усуллари хам кўрмаймиз. Бу ерда ҳуқуқ тизими ягона бўлгани каби суд тизими, суд фаолияти ва ҳуқуқий тарғибот хам ягона. Аммо мусулмон ҳуқуқи мам-лакатларида хам худосизлик, диний жиноятлар қаттиқ таъқиб остига олинган.

Суд ташкилотлари, ҳуқуқий тизим хам ислом давлатини қўриқловчи, мустаҳкамловчи вазифани бажаради. Давлат хам суд ва ҳуқуққа нисбатан уюштирувчи, қўриқловчи вазифаларни амалга оширади. Диний ҳуқуқий тарғибот кўпроқ назорат этувчи мансабдор шайхлар Шайхулислом (ёки раис), садр, мухтасиб кабилан фаолияти билан таъминланганлигини кўрамай.

Дунёвий ҳуқуқ – тартибот эса қозиларнинг барча турлари, бош қози (қози калон) (қози куззат), шунингдек, бийлар судлари, булардан ташқари, давлатга қарши жиноятларни ҳоким ва беклар ўзлари кўриб жазо тайинлаганлар. Аммо бу судлар вазифалари бирор бир суд тўғрисидаги қонунлар билан аниқ ажратиб қўйилмаган. Шунинг учун хам судловлилик турли қозиларга алмашиб, ўтиб хам турган. қозилар шариат фикр илмларидан хабардор, одатда мадра-саларда таҳсил кўрган кишилардан тайинланган.

“Ҳидоя”да шаҳодат бериш ёки далилларга ажратилган қоида хамда фикрлар махсус китобда (XXI-XXII) жамланган. Бунда далил-ларни қабул қилиш, уларни қабул қилишни рад қилиш, гувоҳларнинг кўрсатувлари орасидаги фикрлар ҳақида, мерос масалаларида далил-лар, далилларни гувоҳлантириш каби масалалар ёритилган. Судда исбот далил кучига эга бўлган асосий нарса бу гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳужжатлари хамда лозим бўлган ҳолларда, қози томо-нидан яширин ёки очиқ ҳолда ўтказиладиган гумонлардан (шартли равишда психатрик экспертиза) тозалаш ўтказилиши. Бунда гувоҳ ёки жавобгарнинг сўзларига ишониш мумкинми? Унинг характери, руҳияти қандай? Деган саволга жавоб бериш учун уни яхши билган ёки кишиларнинг характерини ажратиши мумкин бўлган кишиларга қози ёзма сўров баъзан очиқ мажлисига шундай кишиларни (камида 2 киши бўлиши керак) таклиф қилади.

Гувоҳ ақли расо, шахсан озод, обрўли, эр ва хотин кишилар хам бўлиши мумкин, аммо икки хотин кишининг кўрсатуви бир эркак-никига тўғри келади.

Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш бу фарз, яъни мусулмоннинг мажбуриятларидан биридир. Шунинг учун ундан бида туриб, бўйин товлаш мумкин эмас. Шунинг билан бирга қуллар, чўрилар, туҳмат-чиликда айбланганлар, мотам маросимларида йиғлаш ва куйлаш билан шуғуллашувчилар (гўяндалар), таъқиқланган ичимлик ичишга ўрганиб қолганлар, қуш овчилари, илгари раҳимсиз жиноятлар қил-ган кишилар, судхўр ва ўйинчи, камтар бўлмаган кишилар хам гувоҳ бўлишлари мумкин бўлмаган.

Оила-никоҳ муносабатлари

Никоҳ сўраш ва қабул қилиш ўтган замон феъли ёки келаси-ўтган замон феъли шаклида бўлиши мумкин.

Никоҳ аҳдномаси “Никоҳ”, “Тазвиж”, “ҳиба”, “Тамлик” ва “Садақа” сўзлари воситасида бажарилади.

Мусулмонларнинг никоҳлари ақл-хушли балоғат ёшидаги иккита озод мусулмон эркак ёки бир икки аёлга гувоҳларсиз амалга оширилмайди.

Мусулмон киши устидан кофир гувоҳлик қила олмайди. Чунки кофирлар мусулмонларнинг гапини эшитмайдилар.

Бир киши бирор-бир бошқа одамга ўзининг балоғатга етмаган қизини турмушга узатиш вазифасини топширган ҳолда ўша одамнинг қизини турмушга никоҳлаши маросимида унинг ўзи қизининг отаси ва яна битта гувоҳ бўлса бундай никоҳга рухсат этилади.

Агар қандай мажлисда ота бевосита иштирок этмаса, бу ҳолда никоҳ маросимини ўтказиш мумкин бўлмайди.

Эркак киши ўз онасига, ота ва онаси томонидан бўлган бувиларига уйланиши мумкин мумкин эмас.

Ўз қизига, набирасига ва ундан қуйи авлодларига уйланиш мумкин эмас.

Қайиноналарига, яқинлик қилган хотинларнинг қизларига ҳам уйланиши таъқиқланади. Ота ва боболарнинг хотинларига уйланиши таъқиқланади. Ўз ўғлининг хотинига ва набира келинига уйланиш ҳам мумкин эмас. қуръони Каримда: “сизларни эмизган ва бир кўкракни эмишган сингилларингизга уйланиш таъқиқланади” деган оят мавжуд.

Икки опа-сингил бир вақтнинг ўзида бир киши никоҳида туриш ёки бир киши бир вақтнинг ўзида опа-сингиллар билан яқинлик қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бир аёл ўз амма, хола ёки қиз жиянлари билан бир кишининг никоҳида бўлиши мумкин эмас.

Эркак киши бир аёлни ва унинг олдинги эридан қолган бу аёлга ўғай қизини никоҳига олса бўлади.

Кимки бир аёл билан зино қилса, унга бу аёлнинг онаси ва қизи маҳрам бўлиб қолади.

Кимки ўз хотинини талоқ қилган бўлса токи бу аёлнинг иддаси ўтмагунча унинг синглисига уйланиши мумкин эмас.

Маъжусий диндан бўлган аёлларга уйланиш мумкин эмас.

Озод кишининг чўри аёлга уйланишига, фақатгина иложсиз ҳолатдагина рухсат этилади. Озод хотиннинг устига чўри аёлни никоҳлаш мумкин эмас. Чўри аёл устидан озод аёлни никоҳлаш мумкин. Озод эркак (бир вақтнинг ўзида) чўри ва озод аёллардан бўлган тўрттасига уйланиши мумкин, ундан ортиғига мумкин эмас.

Қул эркак иккитадан ортиқ хотин олиши мумкин эмас.

Имом Шофий фикрича зинодан ҳомиладор бўлган аёл турмушга чиқса, уни никоҳлаш мумкин, лекин ҳомиладан туриб унга уйланган бўлса, покланиш даври ўтишини кутмай хотини билан яқинлик қилиши мумкин.

Муҳаммад (с.а.в.) эса, покланиш даврини кутмай туриб яқинлик қилиш дуруст эмас, деб ҳисоблайдилар.

Ал-Мукта никоҳи шундай никоҳки, унда бир эркак бир аёлни муайян муддатга ва муайян маблағ ҳисобига лаззатланиш учун никоҳга олади. Ал-Муаққат никоҳи ҳам ғайриқонунийдир.

Агар аёл киши бир киши устидан у киши менга уйланди деб даъво қилса ва шу даъвони тасдиқлайдиган далиллар келтирса, қози бу аёлни ўша киши деб эълон қилади.

Асир олинган ҳомиладор аёлни никоҳлаш ғайриқонунийдир.

Кимки, ўз жорияси билан жинсий яқинлик қилгандан кейин уни бошқа бировга турмушга берса бундай никоҳга рухсат этилади.

Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфларнинг фикрларича, шунингдек, бир киши бир аёлнинг зино қилганини кўриб туриб унга уйланган бўлса, покланиш даври ўтишини кутмай хотин билан яқинлик қилиши мумкин. Муҳаммад (с.а.в.) ҳа покланиш даврини кутмай туриб яқинлик қилиш дуруст эмас, деб ҳисоблайдилар.

Назорат учун саволлар

1. Мовароуннаҳрда мусулмон ҳуқуқининг ёйилиши сабаблари?
2. Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбалари?
3. Мусулмон ҳуқуқи бўйича эгалик ҳуқуқи қандай тартибда солинган?
4. Мусулмон ҳуқуқи бўйича мерос ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқлари қандай бўлган?
5. “Ҳидоя” асарининг яратилиш тарихи ҳақида нималар биласиз?
6. “Ҳидоя” да ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишини таҳлил этинг.
7. “Ҳидоя” да оила ва никоҳ муносабатларини тушунтиринг.
8. “Ҳидоя” да қозилик мансабига қўйилган талаб ва шартларни бугунги кунда ҳуқуқшунослар тайёрлашда ўқитишнинг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
9. “Бурхонуддин Марғиновий- буюк фикхшунос” мавзусида мустақил иш ёзинг, ҳамда ушбу ишда мусулмон ҳуқуқидаги жиноят ва жазо масалаларини “Ал-Ҳидоя” асари билан қиёсий ўрганинг.

Адабиётлар:

1. А.Х.Саидов. Основы мусулманского права Т. Академия МВД. 1995 й.
2. Бурхонуддин Ал-Марғиновий. “Ҳидоя”.1-жилд. Т.Адолат. 2000.
3. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи Т., Ф.Фулом. 1991 й.
4. М.Ражабова Шариатда жиноят ва жазо Т., Адолат. 1996 й.
5. З.Муқимов. Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихий манбалари. Самарқанд. Зарафшон. 1995 й.
6. Саидов А. Тошқулов Ж.У. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи ИИВ. Академияси, Т., 1995й.
7. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи.Самарқанд. “Зарафшон”-1998.

8. Джабборов С., Шариат, семейное и обычное право в Узбекистане: история и современной. Т., Фан. 1996 й.
9. У.Уватов. Буюк мухаддислар. Т., 1998.
10. С.Исхоков. «Бурхониддин Марғиноний ва фикҳ илми». Т. 2000.
11. Саидов А.Х. Бурхониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос». «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ», Т., 1997.
12. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Ўқув қўлланма. Т.ТДЮИ-2005.

Темур ва темурийлар салтанати давлати ва ҳуқуқи

Режа:

1. А.Темур ва темурийлар салтанат
2. Темурийлар давлатининг бошқарув тизими.
3. Темурийлар давлатининг суд ҳокимияти, ҳарбий қўшин ва солиқ тизими.
4. "Темур тузуклари"- темурийлар салтанатининг ҳуқуқ манбаи.

XIV асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳрда Чиғатой улу-сининг иккига бўлиниб кетиши натижасида ҳокимият анча заифлашади. Тахт учун олиб борилган курашлар натижасида (1326-1358 йиллар) мамлакатда сиёсий тарқоқликдан фойдаланган катта-катта вилоятларни қабилалар бошлиқлари, жумладан Кешни Хожи Барлос, Хужандда Боязид Жалойир, Балхни Улжой Буғасулдуз, Тошкентни Хизир Ясевирийлар ўз мулклари сифатида мустақил бошқарар эди. Буни сабаблари биринчидан:

Чиғатой улусини парчаланиб, сиёсий тарқоқликнинг авж олиши, иккинчидан 140 йил ҳукм сурган Муғул зулимидан қутулишга интилиш, учинчидан Чиғатой улусини Муғулистон хони Туғлуқ Темурхон томонидан қайта босиб олинишига интилиши билан характерланиб келган.

Ана шундай бир даврда Борлос бегининг ўғли Тарағай Баҳодир-нинг ўғли Темурбек тарих майдонига келади. Шарафутдин Али Яздийнинг фикрига кўра А.Темур Хижрий 736 йил шаъбан сешанба 25 куни яъни хижрий 1336 йил 9 апрелда туғилган. Унинг отаси Тарағай Баходур Барлос уруғининг бошлиғи бўлиб, Хўжа Илғор қишлоғидан эди. Онаси Такина хотун исмли аёл эди.

А.Темур ёшлик йилларидаёқ билим олишга киришади. Бу ҳақида унинг ўзи шундай дейди: “Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим. Ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим”. 9 ёшга тўлганда эса номоз ўқиганлиги, 12 ёшда ўз тенгқур-лари билан суҳбатлар ўтказганлиги ва нихоят 21 ёшда отасини бор мол-мулкни бошқарганлигини ҳикоя қилади: “Отам амир Тарағой ва унинг фуқароларининг экини шу йил мўл ҳосил берди, қарамол ва йилқи ҳам жуда кўп туғилди. ҳар ўн хизматкорни бирини бошлиқ қилиб қўйдим, ҳар 20та отни бир подага ажратдим ҳар подани бир хизматкорга топширдим. Менга қарашли молу-мулкни бошқаришни махсус ишончли хизматкорга топширдим”. Юқоридагилардан кўриб турибдики Темур ёшлигиданоқ жуда тадбиркор бўлган, бошқарувни нозик сирларини билган.

Темурнинг дунёқарашида давлатга, ҳарбий ишларга бўлган қизиқиш жуда эрта ўйғонади. Бу ҳақида шундай дейди: “Мен 10 ёшда ўзимда фавқулодда ҳукмронлик ва улуғлик аломатларини хис қилдим. 18 ёшимда ўзимнинг суворийлик ва овчилик хунарим ҳақида кўп ўйладим. Умримни қуръон ўқиш, шатранж ўйнаш ва от миниб машқларига сарф қилдим”.

А.Темур давлатини тузишга киришар экан, у Самарқанддан бошқа шаҳар ва мамлакатларни бирма-бир ишғол қила бошлайди.

Муғул хони Туғлук Темурхоннинг ўғли Илёсхужа Мовароуннахрни ўзига буйсундиради. Амир Темур эса Кешни амири этиб тайинланади. Хон вафот этгандан сўнг уни ўғли Илёсхўжага бўйсунмасдан мустақил ҳоким бўлиб олади. Турк амири қозоғоннинг набираси Хусайнни жангда енгиб 1370 йилда, бош кент Балхни қўлга киритади ва иккидарё оралиғида марказлашган кучли давлат тузишга киришади. Темурнинг зафар қозонишида "уч йиллик юриш", "беш йиллик юриш", "етти йиллик юришлари" алоҳида аҳамиятга эга. У давлатни идора қилишда кучли ва кўп сонли қўшинга таянади. У ўз империясини бошқа қўшни давлатларни босиб олиш йўли билан кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Темур давлатининг чегаралари шимолда Волга дарёсидан жанубда ҳиндистоннинг Ганга, шарқда Хитой девори ва ғарбда Ўрта ер денгизигача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олади. Бу империяга кирувчи давлатлар қўйидагилар Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Сурия, Миср, Ироки Араб, Ироки Азам, Мезондорон, Кейлам, Ширвон Озарбойжон, Форс, Жидда, Буюк Тотаристон, Хоразм, Хўтон, Кабулистон, Бохтар, Зомин, ҳиндистон, Дашти қипчоқ, Ок Урда, Гуржистон, Арманистон, Олтин Ўрда эди. Амир яъни лашкор боши (Илёсхўжа давлатида) Соҳибқирон яъни “шоҳларни шоҳи” деган маънода унвонларига сазовор бўлган. Тузукларда ёзилишга Темур давлати 9 улуши кенгаш ва 1 улуши эса шамшир ёрдамида барпо этилган.

Ижтимоий, тузумига келсак, бу ҳақида А.Темур шундай дейди: “Салтанатнинг ишларини қонун қоида ва интизомга солиб, салта-натни мартабасига зебу-зийнат бердим. Салтанатимни 12 тоифага бўлдим, уларга таянган ҳолда иш юргиздим”. Бу тоифалар қўйидагилардан иборат эди:

1. Сайидлар уламо, шайхлар, фозиллар.
2. Ақлли тажрибали кишилар, донишманд, олимлар.
3. Дуогуй кишилар.
4. Амирлар, сарханглар, синоҳсалар.
5. Аскар ва халқ.
6. Махфий ишлар билан шуғулланувчи тажрибали ишлар.
7. Вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари.
8. ҳақимлар табиблар, мунажжим ва мухандислар, архитектор-лар.
9. Мухаддислар, пайғамбар ва унинг саҳоборлари ҳақида ривоят қилувчи тарихчилар.
10. Машойих ва сўппилар.
11. ҳунар ва саънат эгалари.
12. ҳар мамлакат ва ўлкаларни яхши билувчи саёҳатчи ва мусофирлар.

Амир Темур ўзининг сиёсатини амалга оширишда, давлатни бошқаришда уламолар, илм фан аҳиллари ва юқоридаги табақа вакил-ларига қаттиқ таянган. Бу ҳақида соҳибқирон шундай деди: “Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантириш. Сизлар бу ишларни амалга оширишда ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак”.

Амир Темур ана шу табақаларнинг хизмати, ижтимоий мавқеига қараб фойдаланган, ҳамда уларни тақдирлаб турган. Унинг даврида “суюрғол” тариқасида айрим мансабдорларга (аскарбоши, шоир, рухонийлар ва девон хизматчиларига) бериладиган мулкчилик ривожланган. Алоҳида хизмат кўрсатган бекларга, лашкарбошиларга бериладиган ер-сув мулки яъни маълум жойдан (туман, вилоятдан) ўз фойдасига солиқ йиғиб олиш ҳақини берадиган мулк “жогир” ривож-ланган.

Темурнинг давлат герби уч доирадан иборат бўлиб бу шакл ташқаридан ўраб олинган жаҳоннинг 3 қисми Осиё ва Африка, Европа ҳукмдори деган маънони англатади. Кешга катта эътибор берди. “Қиббат-ул-илм ва обод” деб юритилди. Шиори “Русти-рости”, яъни “Куч адолатдадир” бўлган.

Темурийлар давлатининг бошқарув тизими

Амир Темур давлатини бошқаришда "Тузуқларда" кўрсатилишича, кенгаш ва маслаҳатга таянган. Бу ҳақида унинг ўзи шундай деган: “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши қиличдир.” Бунда у албатта ўз яқинлари задогонлар, йирик амалдорлар билан кенгашни назарда тутган. Бунга қурултойлар шунингдек ҳарбий юришлар олдидан қўшин бошлиқ-лари бўлган амирлар ва амрзодалар билан ўтказилган кенгашларни киритиш мумкин. Фақат бошқаришда эмас, ҳарбий кенгашларга айниқса катта аҳамият берилган. Юз минг отлиқ асар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга ошириш мумкин деган фикр бунга гувоҳлик беради. Амир Темур ҳузурида маслаҳат кенгаш органларига қурултой ва давлат кенгашини кўрсатиш мумкин. Қурултой - бу Темур даврида олий феодал табақаларининг кенгаши бўлиб, вақти-вақти билан мамлакат ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш учун чақирилиб турилган. Бундай қурултойларни Балхда, қарши ва Корабоғда, Самарқандда чақирилган. Айрим манбаларда бундай қурултойлар миллат мажлиси” ҳам деб аталган.

Қурултойда барча шахзодалар, олий мартабали диндорлар бош амалдорлар, маъмурият ходимлари, ҳарбий бошлиқлар, задогонлар вакиллари иштирок этишган. Давлатнинг марказий идора органи ҳам олий ҳукмдори ҳам Темурнинг ўзи бўлган, бу ҳақида шундай дейди “...бутун мамлакатда бўйруқ-формон бериш ишлари пошдонинг ўзида бўлиши лозимки, ҳар ишда подшо ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб ўзгартирилмасин”.

Амир Темур "Тузуқлари"да давлатни идора қилишда 12та тамойилга асосланган.

1. Давлат ва салтанатимга боғлаган тангри таолонинг дини ва Мухаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

2. Давлатнинг, мамлакатнинг устунларини ташкил қилган турли табақалар ва тоифалар билан биргаликда бамаслаҳат иш юритиш сиёсат юргизиш, фақатгина зўрликка эмас оммага халққа таянган ҳолда улар билан кенгашган ҳолда иш олиб борган.

3. Маслаҳат, тадбиркорлик ва хушёрлик билан иш юритиш. Кенгашиб, эҳтиёткорлик билан юритиш натижасида ўз империясини барпо этган.

4. Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бажариш. Тўра ва тузукка яъни мулозимлари ва қонунларга таяниб иш кўриш. Темур давлатида амирлар, вазирлар, сипоҳлар ўз ваколатларига кўра ҳаракат қилади. Бу эса темурийлар давлатини ҳуқуқий давлат тамойилларига асосланганлигидан далолат беради.

5. Амирлар ва сипоҳийлар билан яхши муносабатда бўлган, уларни ҳурмат қилиб, хизматларини рағбатлантириб борган.

6. Адолат ва инсоф билан иш кўрган. Гуноҳкорга ҳам бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат қилган.

7. Сайидлар, уламою машойих, оқилу донолар мухандислар, тарихчиларни эътиборли шахслар деб иззат ва ҳурмат қилган.

8. Азму-жазм билан иш тутган, яъни нима ишни амалга оши-ришга қарор қилган бўлса унга бутун вужуди билан киришиб, охири-га етказган. Ўтган шаҳар ва пайғамбарларнинг ишларини ўрганган.

9. Раият (оддий халқ) ҳол-аҳволдан доимо огоҳ бўлган. Улар-нинг улуғларини оға қаторида, кичикларини эса фарзанд ўрнида кўр-ган. ҳар бир юртни урф-одатига, қонун ва қоидаларига ҳурмат билан қараган. Улардан хабардор бўлиш учун тарихчи, хабарчиларни ёзма равишда турли халқлар ҳаётидан хабардор қилиб туришларини талаб қилган.

10. Турли миллат тоифаларидан ўз паноҳига кирган кишиларга ҳурмат билан қараган. Дўстлик қилган кишиларга мурувват кўрсат-ган. Душманлик қилиб, кейин ундан пушаймон бўлиб тавба қилса душманлигини унутган. Унга мурувват кўрсатган.

11. Фарзандлари, қариндошлар, ошна оғайни кўни-кўшнилари ва у билан дўстлашган кишиларни давлат мартабасига эришганда ҳам уларни унутмаган.

12. Дўсти-душман билан келишиб яшаган.

Амир Темур буюк сиёсатчи даражасида ўзга давлатларни забт этиш, уларни ўз империясига қўшиб олишда, асосан тадбирлар ва кенгашларга таянган ҳолда амалга оширган. Устозлари маслаҳатларига таяниб иш кўрган. Пири Зайнитдин Абубакр Таибодий Амир Темурнинг устози бўлган. Бирор мамлакатга юриш қилишдан олдин у билан маслаҳатлашган ва у кўрсатган йўлдан юрган. Устозининг маслаҳатларига кўра салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилади. 1.Кенгаш. 2.Машварату маслаҳат 3. қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик. 4. Эҳтиёткорлик.

Амир Темур бир ишни қилмоқчи бўлса, аввал кенгаш қурган, кейин Қуръондан фол очирган. Қуръоннинг ҳукмига биноан иш кўрган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, салтанатни ташкил қилиш учун ўтказган 31 та муҳим кенгаш ҳақида алоҳида-алоҳида Тузукларда тўхтатилиб ўтилган.

Амир Темур салтанатни бошқаришда йирик масалалардан тортиб, оддий масалаларгача алоҳида эътибор бериб, уларни тартибга солган. Масалан: салтанат саройида ўтириш ва ўрин олиш тузугни ишлаб чиқади. Бу қонунга кўра қуйидагича тартиб ўрнатилган эди: Темурнинг ўғиллари, набиралари ва қариндошлари ўз даражаси ва мансабларига кўра ойсимон шаклида тахтни ўраб

ўти-ришлари керак. Сайидлар, козилар, уламо, фузало, шайхлар улуғлар ўнг томонидан ўрин олган. Амири ул умаро, беклар – беги, амирлар, улус, туманлар ва қўшинларнинг сардорлари ва амирлари мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўз мартабаларига яраша чап қўл томо-нидан жой олганлар. Девонбеги ва вазирлар тахт қаршисидан жой олганлар. қолганлари тахт орқа томонларига жойлашган. Хировул амири тахтнинг рўпарасидан ўрин олса, ички хусусий ясовул катта чодир эшик олдида тахтнинг тўғрисида тик турган. Дадҳолар эса ўнг ва чап томонларида тик турган. Ўрин олиш қоидаларини назорат қилиш амирга топширилади. Мажлис қоида билан бошлангандан сўнг минг товоқ ош, минг дона нон келтирилган ва йиғилганларга берилган. Буни “шоҳона зиёфат” деб аталган.

Бу давлатда "салтанат кўрғонлари" деб аталган амирлар ва салтанат саройининг ишончли, эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар, айниқса (вазирлар) катта мавқега эга бўлганлар.

Давлатнинг марказий бошқарув органи девонхона бўлиб, тармоқ бошқаруви эса вазирлар томонидан олиб борилган. Амир Темур вазирларни тайинлашда жуда эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан иш кўрган ва "Агар подшоҳ золим бўлиб, вазир одил бўлса подшоҳнинг жабру зулмиини тўхтатиш чоратадбирларини кўради, лекин вазир золим бўлса салтанат ишлари тез муддатда поракандаликка учрайди, деб ўз “Тузук”ларида қайд этган.

Амирлар, асосан ҳарбий кишилар бўлиб, улар лашкарни бошқариш, жангга ҳозирлаш каби ишларни яхши билишган. Амирларнинг энг каттаси Амиру-ул-умаро яъни амирлар амири, шоҳнинг йўқлигида унинг вазифасини бажариб, сипоҳга буйруқ бера оладиган даражадаги шахс бўлиши керак. Шу тариқа Амир Темур 313 кишидан 4 нафарини “беклар беги” этиб; бир кишини эса, амир ул-умаро этиб тайинлайди. ғайратли ор номусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда даража берганини айтган.

Биринчи кишига минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқини берган бўлса, иккинчи амирга икки минг кишига, 3-чи амирга 3 минг кишига амир ва ҳуқуқ ўн иккинчи амиргача кўпайтириб, 12 минг кишига бўйруқ берган. Биринчиси, иккинсини ўрнига 2-чиси эса 3-си ўрнига ва ҳоказо – этиб тайинланади. 12-чи амир эса амир ул-умаро ноиби этиб тайинланади. Амир ул-умаро эса Амир Темурнинг ноиби ҳисобланган. Агарда қайси бир амирга бирор кор ҳол бўлса, унинг ўрнини ноиби эгаллаши ҳам белгиланади. Ўша 313 амирдан 100 таси ўн боши, 100 таси юзбоши, 100 таси мингбоши бўлган. Жанг пайтларида амир-ул умаро амирларга, амирлар-мингбошиларга, мингбошилар юзбошиларга, юзбошилар -ўнбошиларга бошлиқ деган бўйруқ ҳам берган. Шунингдек бирини вазифасини иккинчисига буюрмасликни ҳам қаттиқ тайинлайди.

Амир Темурнинг тўрт вазири бўлиб, уларнинг вазифалари махсус қонунларда аниқ кўрсатиб қўйилган бўлган Уларнинг тўртталови ҳам ҳар куни девонхонада ҳозир бўлганлар.

1-мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинадиган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кири-чиқимларни, мамлакатни

ободончилигини аҳолини фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибга солинганлиги ҳақида Соҳибқиронга билдириб турган.

2-вазир, сипоҳ (қўшин) вазири бўлиб, сипоҳийларнинг маошини, хизмат эвазига бериладиган мулкларни идора қилган.

3-вазир эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молу-мулкни, келиб кетаётган хорижий савдогарлардан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларни ўтлоқ-яйловларини бошқарувчи ва буларнинг барчасидан келадиган солиқларни даро-мадларини жамлаб, омонат тариқасида ушлаб турадиган вазир Эгасиз мулкларни меросхўрларга бериш билан шуғулланган.

4-вазир -салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанатнинг идоралари кирим-чиқими, хазинадан таомлар учун сарф қили-надиган харажатлар, отхона ва бошқа жонзотларга қилинадиган хара-жатлар бўйича вазир. Булардан ташқари чегара туманлари бўйича ҳам укта вазир тайинланган. Улар сарҳадлар ва тобе мамлакатлар муаммолари, даромадларини идора қилганлар. Босиб олинган ерлардаги вазирлардан 7 таси Девонбошга бўйсунган. Келиб тушган аризалар билан шуғулланувчи “ариза беги-додхоҳ” мансаби мавжуд бўлган.

Амир Темур улкан салтанатни улусларга бўлиб идора қилган. У ўзига бўйсунган бутун вилоят ва мамлакатларни 4 ўғлига улус қилиб берган. Тўнгич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга Балх вилояти 12 минг қўшин билан, ўғли Умар Шайх Мирзога Форс вилояти 10 минг аскарга қўмондонлик қилиш учун, Мироншоҳга Озорбайжон, Ироқ ва Арманистон 9 минг аскар билан ва кенжа ўғли Шохрухга Хуросон, Журжон, Мозондорон, Сейистон вилояти ва 7 минг аскарга қўмондонликни берган.

Темурийлар давлатининг маҳаллий бошқаруви тизими ва маъмурий бўлиниши бутун давлат округ-ноҳияларга, ўн мингликлар-туманларга, мингликлар хазорага, юзликлар сад ва ўнликлар даха-ларга бўлинган. Маҳаллий бошқаришнинг "ўнликлар" тизими мавжуд бўлиб, унинг асосида аскар етказиб бериш яъни туманлар 10.000., хазоралар-1000, садлар-100, дахалар 10 аскар қуроллантириб юбориши кузда тутилган.

Темурий давлати суд ҳокимияти, ҳарбий қўшин ва солиқ тизими

Темур давлатида судлов ишларини қозилар томонидан амалга оширилган бўлиб, улар фуқаролар, ҳарбийлар, рухонийлар ва хизматчилар ишларини кўрадиган қозилар турларига бўлинган. ҳар бир шаҳарда Дорул-омонат яъни ҳукумат уйи, Дорул-адолат-қозихоналар мавжуд бўлган. Юқоридагиларга кўра темурийлар давлатида қозилар 4 га бўлинган;

1. қози-аскар: -лашкарлар, сипоҳлар учун қози.
2. Урф- одатлар билан боғлиқ ишларни кўрувчи Ахдос қози.
3. Рухонийлар билан боғлиқ ишларини кўрувчи Шайх-ул-ислом.
4. Аслзодалар билан боғлиқ ишларни кўрувчи Ихдом қозиси.

Темур тузукларига кўра, қозилар асосланган ҳукм ва қарор чиқариши зарур бўлган. Агар томонлардан бири қозининг чиқарган қароридан норози

бўлса давлат бошлиғига шикоят қилиш лозим бўлган. Бутун мамлакат бўйича қозилар фаолиятини назорат қилиш козиколонга юклатилган.

Темур давлатида алоҳида муассаса “Адолат девони” бўлган. У асосан, давлатга қарши қаратилган жиноятлар, бошқариш тартибига ва мансабдорлик жиноятларини кўриб, тегишли жазо тайинланган.

Темур давлатида махсус жиноят қидирув миришаблиги бўлган. У савдо қарвонлари ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, босқинчилар ва ўғрилар тўдаларини топиш ва қўлга олиш, шариат қоидаларини бузганларга, дарбадарларга, тиламчиларга қарши чоралар кўриш билан шуғулланган.

Амир Темурнинг номини дунёга машҳур қилган ҳамда уни Сохибқирон, яъни шохларни шоҳи деган унвонга сазовор бўлиши заминида унинг шавкатли амирлари, лашкарлари туради. Гап шундаки, у ҳокимият учун курашга кирган кунидан бошлаб, ана шу сипоҳни тузиш ва унинг куч-қудратини доимо юксалтиришга алоҳида эътибор берди. Энг олий бош кўмондон Темурнинг ўзи ҳисобланган, у бўлмаган вақтларда қўшинлар иши юзасидан ноиби бош амир, Амиру-ул-умаро бошчилик, қилган. Тузуқларда кўрсатилишича бу унвонга 5 киши сазовор бўлган, қоидага кўра “Амир ул-умаро” унвонига сазовор бўлган кишилар чегара ноҳияларнинг ҳокими, ўз йўл остидаги вилоятларнинг ҳарбий ва фуқаровий ҳукмдори ҳисоб-ланган. Улардан кейинги даражада 4 та “беклар беги” турган. Амир-лар 1-12 даражали амирга бўлиниб, даражасига қараб 1-12 мингта қўшинга бошчилик қилган. Уруш вақтида улар амири ул-умаронинг ноиблари ҳисобланган. Сипоҳ ташкил қилишда Темур уларга 10 боши, 100 боши, мингбоши, амирлар танлашда бевосита жанг майдо-нида ўзининг маҳоратини кўрсатган кишиларни танлайди. Бу ҳақида унинг ўзи шундай дейди: Черик тузиб навқар олмоқда 3 қоидага амал қилдим. 1-дан йигитнинг куч-қувватига, 2-дан қилични ўйната оли-шига, 3-дан ақл-заковатию – камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса навқарлик ҳизматига олдим.

Юриш вақтида улус ва туман амирлари ҳар чодир (утов) 1 отлик ҳар 2 (капа чайла) 1 отлик, ҳар 1 ўтроқ аҳолидан 1 отлик миқдорида қўшин тўпланиши лозим. қўшин ичидаги тузилиш ўнлар тузумига асосан тузилиб, улар бошида ўнбоши, юзбоши минг бошилар турган. Темур ўз сипоҳни тузишда табиий қонунчиликга амал қилади. Шунингдек уларнинг бошлиғи қилиб, ўзларининг орасида ҳаммаларидан ҳам ботирини, шижоати ортиқроқ жангчини танлаб, қолган тўққизтасини розилиги асосида ўнбоши қилиб тайинлайди. Бу ҳолат 100 боши ва минг бошиларга нисбатан ҳам қўлланган, бу эса ўзига хос ҳарбий демократияни белгиси эди.

Амир Темур ўрнатган қонун ва қоидасига биноан лашкарлар орасида бирор-бир кимса ўлса, ёки қочиб кетса унинг ўрнига янги киши тайнлаш қўйидаги тартибда ўтказилган: оддий жангчи ўнбоши, ўнбоши 100 боши, 100 боши эса мингбоши бўлишига ҳуқуқ берила-ди. Бу ўзгаришлар ва янги тайинланганлар ҳақида ва унинг сабаб-ларини шахсан ўзини хабардор қилишларини талаб қилган. Амир Темур жанг майдонларида ҳамда салтанат ишларини бошқаришда мингбошнинг ҳукми юзбошига, юзбошининг ҳукми ўнбошига ва 10 бошининг ҳукми кўл остидаги жангчиларга қатъий қилиб

белгилаб қўяди. Агарда кимда ким бу қондани бузса, у қонуний жазога тортилиб, ўз лавозимидан бўшатиш ва ўрнига янги шахс тайинланган.

Амир Темур фақатгина ўз сипоҳини ташкил этиш ёки унинг жанговорлигини ошириш ишлари билангина эмас, балки у сипоҳнинг ички масалалари, сипоҳга улусда озиқ-овқат, маош турли моддий иномлар қилиш, танҳо тақсимлаш, яъни айрим амирларга, мингбоши, юзбошилари учун бойлик, ер-сув, амирлик мансабини бериш, мартабаларга тайинлаш қоидаларини ишлаб чиққан ва амалга оширган. Маош тайинлашни қуйидагича амалга оширган:

Одий сипоҳ ўз вазифасини ўринлатиб бажарганда унга минган отининг баҳоси берилган, баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан 4 от баҳосигача. Ўнбошиларнинг маоши қўл остидаги оддий сипоҳийдан 10 баробар ортиқ бўлган. Юзбошиларнинг маоши эса 10 бошиларнинг маошидан 2 баробар, мингбошининг маоши эса, 100 бошининг маошидан 3 баробар ортиқ белгиланган. Аскарларнинг маоши кўрсатган хизматларига қараб берилган. Бундан ташқари алоҳида кўрсатган хизматлари учун (қаҳрамонликлари учун) “улуфа” “танҳо” каби рағбатлантиришлар жорий қилинган.

Агарда сипоҳийлардан қайси бири жангда хатоликка йўл қўйса, унинг маоши ўндан бирга камайтирилган. Маошни белгилаш “девон бегилар” орқали амалга оширилган.

Амирлар ва амир-ул-умароларга сарҳад ерларидаги вилоятлардан бири “тиюл” мулк (солиқ йиғиб олиш учун топшириладиган вилоят, ер мулк) қилиб белгиланган.

Амир Темур ўз қўшинининг яроқ ва жихозлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилган. Оддий асарлар 18-1 чодир, 1 қилич арра бигиз. 1 қоп, баҳодирлар 5-1 чодир ҳар бири темир совут, дубулға қилич ўқ 5 та от, юзбошилар ҳар бирига 1 чодир, 10 от, совут, мингбошилар 1-1 чодир, соябон, бошқа аслаҳа қурол яроқ кўтара олганича.

1-амир 110 от, 2-чиси 120 та от, 3-си 130 4-чиси 140 та от. Амир Темурни ўзи эса 300дан кам бўлмаган от олиши белгилаб қўйилган.

Уруш ва тинчлик пайтларида сипоҳ ва ўрда 4 тарафдан қўриқлаб турилган. Сипоҳлар, амирлар, юзбоши, мингбошилар девонхонага мажлисларга бош кийимсиз кириши, қиличсиз кириши мумкин бўлмаган. Ҳамма вақт 12 минг аскар қоровулликда турган. Ҳар кеча 1000 кишидан соқчилик қилиб туришган. Ҳар 100 соқчига 100 боши тайинланиб, шартлашган махфий сўз айтилган

Қўшин тузишда юқоридаги тамойилларга, қоидаларга қатъий амал қилиш натижасида Амир Темур ўрта асрларда мисли кўрилмаган жанговорликларни қўлга киритган ва энг оғир шиддатли жангларда ҳам доимо зафар қозонган.

Кўп минг сонли армия ва бошқарув аппаратини молиявий таъминлашнинг асосий йўли турли солиқларни йиғиш бўлган. Темур давлатида олинадиган солиқлар қуйидагилардан иборат бўлган.

1. Хирож-солиғи (накд пул ёки маҳсулот)
2. Соварин-олий мартабали шахсларга қилинадиган тортик.
3. Қўналға-сафар пайтида олинадиган солиқ.

4. Шилон пули-подшо ва олий мансабдорларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ.

Хирож миқдори даромаднинг учдан бири миқдорида ундирил-ган.

Шунингдек ташлаб қўйилган ерларни ишлаб, ҳосилдор ерга айлантирган деҳқонлардан, ҳосилнинг биринчи ва иккинчи йили ўзи хоҳлаганича солиқ тўлаб, 3 йилдан бошлаб умумий асосларда солиқ тўлаганлар.

“Темур Тузуклари” – тарихий ҳуқуқий манба

Режа:

- 1. “Темур Тузуклари” – темурийлар давлатининг асосий ҳуқук манбаси.**
- 2. Амир Темурнинг тахт ворисларига васият ва панд насихатлари.**
- 3. “Темур Тузуклари” бўйича мамлакатни бошқариш тартиби.**
- 4. “Темур Тузуклари”да вазир ва давлат амалдорларини тайинлаш тартиби.**
- 5. “Темур Тузуклари” бўйича тақдирлаш ва рағбатлантириш.**

Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тўплами “Темур Тузуклари”, “Воқеати Темурий” (Темурнинг бошидан кечирганлари) каби номлар билан шарқ ва ғарбда машҳур бўлган тўплам Темурнинг ҳаётий тажрибалари асосида ишлаб чиқилган, қонун даражасига кўтарилган ва ўзининг ворислари учун насихатларини ўз ичига олган.

“Темур Тузуклари” XIV асрнинг II-ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишга доир Темур салтанати унинг давлати тизими, бошқарилиши, суд тузилишига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳуқуқий манбадир. Тузилиши жиҳатидан “Темур Тузуклари” маъмурий-ҳарбий кодексдир.

Тузуклар икки қисмдан иборат бўлиб, : биринчи қисми – биринчи мақола Соҳибқирон Темурнинг 7 ёшидан то унинг сўнгги кунигача бўлган ҳаёти, сиёсий фаолияти ҳақида аниқроғи Амир Темурнинг аста-секин Мовароуннаҳрда ҳокимиятини қўлга киритиш ва унинг кейинги юришлари асосида Темурийлар салтанатига асос солиниши ҳақида ҳикоя қилинади.

Биринчи мақолада 31 тадан 13 та кенгаш бирма бир санаб кўрсатилади.

Иккинчи қисм эса, Соҳибқирон Темур номидан шахзодаларга қаратилган васиятлари, панд насихатларидир. Унда жаҳонгир ўз ворисларига қарата давлатни идора қилиш санъатининг нозик сирлари, тамойиллари ҳақида ёзилган. Амир, вазирлар ва бекларни танлаш, уларни жой жойига қўйиш, қўшин бошлиқлари, уларни хизмат-ларини тақдирлаш, сипоҳийлар ва уларнинг маошлари каби масалалари хусусида васият қилинади.

“Темур Тузуклари” 1783 йил Англияда, 1785 йил ва 1981 йил ҳиндистонда, 1868 йил Эронда босмадан чиқади. 1787 йил француз, 1830 йил инглиз, 1845 йил урду, 1894 йил, 1934 йил рус, 1835 йил, 1857 йил турк (эски ўзбек) тилида, ўз она юртида эса 1991 йил нашр қилинган.

Амир Темур тожу-тахтлари ворисларига васият ва панд-насихат-лар қилар экан, жумладан шундай дейди: “Мамлакатларни фатх этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, тағри таоло дархогида умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодларимдан бўлганларининг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машоқатлар, кўп ҳарбий юришлар,

уруш-талошлар билан тагрининг инояти ва хазрат Муҳаммаднинг ва саломлари бўлсин, толеъи билан миллатнинг шарофати, он хазратинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлаганлар”.⁸

Темур ўз фикрини давом эттириб яна шундай деган: “Ворисларим бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан озод бўлган.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим, мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар”. Амир Темур ўз ҳаёт тажрибасида кўрган-кечирганларидан келиб чиқиб, ўзи доимо амал қилиб келган ўн икки асосий қонун-қоидани баён қилади.

Темур тожу-тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари ҳақида ҳам бир қатор зарур қонун-қоидаларни белгилайди. “Яна тажрибада кўриб билдимки, - дейди Амир Темур, давлат агар дини ойин (тартиб) асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшар экан, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд қасу нокас тап тортмай кириб-чиқадиган, томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”.

Шунинг учун ҳам мен, ўз салтанатим биносини дини ислом тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатимни бошқаришда учра-ган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим. Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад унга тагринининг марҳамат-лари ва саломлари бўлсин, шариатни қувватладим. ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар (ғарибхоналар) қуришни мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар (карвонсаройлар) бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Соҳибқирон худди ана шу қоиданинг муҳимлигига бир неча бор эътиборни қаратган эди. Бу ҳақида “Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дину-ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим”.

Дину шариат тузукини тартибга келтирганимдан сўнг, салтанатим корхонасининг тузугини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалари (тўра ва тузук)ка солиб, унинг мартабалари тузу-қини қуйидагиларга таяниб туздим: биринчилар, салтанатим қонун қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (Хазрати Муҳаммаднинг)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим, салтанатим мартабасини қонун-қоида

⁸ “Темур Тузуклари”. Тошкент. Ғофур Ғулом. 1991 йил. 53-бет.

асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларини аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳи раиятни умид ва кўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни мурсою-мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини гоҳида сабр-тоқат, гоҳида билиб билмасликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душаманлардан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомила қилдимки, дўст-лиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам уни ҳеч вақт назаримдан четга қолдирмадим.

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни татиб менга ёмонлик қилганлардан ҳеч нарса талаб қилмай, уларни парвардигору оламга топширдим.

Иш кўрган, синалган шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим, софдил кишилар саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик бўлди. Нафси ёмон ҳимматсиз кимсаларимни, кўнгли бузук кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очик юзлилик, раҳм шавкат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр зулумдан узоқроқ бўлишга интилдим.

Амир Темурнинг такидлашича, агар ҳукмдор давлатда кучли ҳокимият бўлишини истаса қуйдагиларга амал қилиши керак: “Салтанат корхонаси Тагри Таоло корхонасининг бир кичик нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматчилар (амал ва феъли) ноиблар, эшик оғалари (хужжат) бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яра-ша ўз юришлари билан машҳурдир. ҳеч бири ўз мартабасидан четга чиқмайди ва доимо олоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турадилар.

Амир Темур ўзининг “Тузуқлари”да вазирлар қандай бўлишлар зарурлиги ҳақида ҳам фикр билдириб, жумладан шундай дейди: “Амир қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси - асиллик, тоза наслик; иккинчиси - ақл фаросатлилик; учинчиси - сипоҳи - раият аҳволдан хабардорлик уларга нисбатан хушмомалалик бўлишлик; тўртинчиси - сабр - чидамлик, тинчликсеварлик. Кимки, шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ деб билсинлар. Уни вазир ёки маслахатчи этиб тайинласинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз; ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин.

Соҳибқрон вазирларга хос бўлган ноёб фазилатларни санар экан, яна бундай деб ёзган эди: “Камолга эришган вазир ул ким, давлат муомаласини тартибга келтириб, мулкӣ ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан асл-насли тозалигини кўрсатиб ажойиб тарзда кўрсатади”.

Унинг такидлашича: “қайси вазир софлилик, тўғрилиқ билан вазирлик ишига киришиб, давлатнинг, молиявий-мулкӣ ишларини диёнат, савоб билан нафси бузиқлик қилмай, омонатга хиёнат этмай, бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга етказинлар”.⁹

⁹ “Темур Тузуқлари”. 75-бет.

Маълумки, Амир Темур бир вақтлар ўзи ҳам вазир бўлган. Шунинг учун унинг барча сиру-асрорларидан воқиф бўлган. Бу ҳақида унинг ўзи шундай дейди: “Халққа ёрдаму-мадат бериш мақсадида мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжага вазирлик ҳамда сипоҳсоларлик қилишга рози бўлган эдим. Тангри Таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, Оллоҳ Таоло менга салтанат мартабасига етказди”.¹⁰

Хос ул-хос навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, пок наслик, ақл-фаросатлик, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олдини ва орқасини ўйлаб иш тутадиган кишилар эди. Уларнинг ҳар бирига ўрин босар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда, ўринбосари унинг ўрнига ўтиради. Уни амирликка номзод (мунтазир ул аморат) деб айтадилар.

Таҷрибалардан синаб билдимки, жангнинг сир асрорларини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, жанг қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшамасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, раҳна тушса уни тезда тузата оладиган киши амирлик ва ҳукмдорликка лойиқ ҳисобланади.

Амирликларда амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва бошқа сипоҳийларга қуйидаги тартибда моаш берилган: оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариши шарти билан маоши минган отининг баҳоси бўлган. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача, ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийлардан ўн баравар ортик, юзбошилар маоши ўнбошиларга қараганда икки баравар кўп, мингбошиларники эса зиёда этиб белгиланган.

Сипоҳийлардан қайси бири хатоликка йўл қўйса, маошидан ўндан бирини камайтирганлар.

Амир Темур салтанатни ўз эркида сақлаш учун ўз эркида сақлаш учун ўн икки нарсани ўзига шиор қилиб олди жумладан: ўз сўзига эга бўлиш, ишини ўзи билиб қилиш, яъни раият подшосининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтиши. “Султонни ҳар нарсада адолат-пеша бўлиши, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақлаши, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин”. Бутун мамлакатда буйруқ фармон бериш ишларининг подшоҳ ихтиё-рида бўлиши. Подшоҳнинг ўз қарорларида бўлиши, яъни ҳар қандай ишни қасд қилар экан, то битирмагунча ундан қўл тортмаслик.

Подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркини унга бериб қўймаслик. Салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитиш, ҳар кимдан фикр олиш, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатиш. Салтанат ишларида сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмаслик. Подшоҳ ҳайати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки унинг амр-фармонида ҳеч ким қаршилиқ қилишга журъат этолмасин. Подшоҳ нима қилса ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида турсин. Салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

¹⁰ “Темур Тузуқлари”. 76-бет.

Подшоҳ мажлис аҳволидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар.

Амир Темур ўз тузукларида давлат арбобларининг ва қўшин бошлиқларининг ҳам бурч ҳамда вазифалари хусусида ўз фикрларини баён қилади. Вазирларнинг хизмат қилиш тури қуйидагича амр этилган: Тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар. Биринчи-мамлакат ва раият вазيري, бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонлар, уларни тақсимлаш, қирим-чиқимларни, мамлакат ободончилигини, аҳолининг фаровонлигини, хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганини менга билдириб турсин.

Иккинчи-сипоҳ вазирдирким, у сипоҳийларнинг маошлари, танҳоларини бошқарсин ва тарқоқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволидан огоҳ бўлиб турсин, уларнинг аҳволи тўғри-сида менга хабар бериб турсин.

Учинчиси-эгасиз қолган, ўлиб кетган, қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ ва яйлов-ларни бошқариб, буларнинг ҳаммасидан йиғилган даромадларни омонат тарзида сақлайдиган вазирдир.

Тўртинчиси-салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг қирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган таом харажатлардан огоҳ бўлиши керак. Шу тариқа Амир Темур барча давлат арбобларини ҳамда қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифаларини белгилаб берган.

Амир Темур хизматчиларини тақдирлашга алоҳида эътибор берган, у амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш юзасидан қуйидаги тузукларни белгилайди: қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: биринчиси-фахрли хижоб. Туғ ва ноғора бериб уни “баҳодир” деб атасинлар. Иккинчиси-уни давлат ва салтанат шериги билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар. Учинчиси-унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсинсинлар. Агар амирлардан қайси бирови тўрани (хон ўғлини) енгса ёки бирон амирга шикаст етказса, ё бирон ўлкани мағлуб этса, уни юқоридаги йўсинда мукофотласинлар. Жангда ўзини кўрсатиб, қаршисидаги ғаним лашкарини синдирган бир амирнинг мартабасини оширсинлар.

Ўнбоши, юзбоши, мингбошилардан қайси бири душман сафини бузиб, ўз қаршисидаги аскар фавжини синдирса, ўнбоши бўлса шаҳар ҳокимлигини берсинлар. Юз боши бўлса, уни бирон мамлакат ҳукмдори этсинлар.

Амирлардан қайси бири ғаним қўлидаги бирон мамлакатни фатҳ этиб душман тасарруфидан озод қилса шу мамлакатни уч йилга унга инъом тариқасида берсинлар.

қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида чўмок, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоға, камор турна беллик қилич ва бир от берсинлар, ўнбошилик мартабасига кўтарсинлар. Иккинчи бор баҳодирлик кўрсатса юзбоши мартабасига етишади.

Амир Темур шу тариқа амирлар вазирлар, сипоҳлар ҳамда раиятнинг кўрсатган баҳодирлигига қараб тақдирлаб, инъом совғалар беришни жорий этган.

"Тузук" ёзиш одати Амир Темурдан аввал ҳам, кейин ҳам бўлган. Бу асарларда давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгаларининг вазифалари, хайри-садақа қилиш тартиб-қоидалари турли мансаб эгаларининг вазифалари ва унга амал қилиш тартиби, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришларни ўтказиш ва кўзғолонни бостириш қоидалари баён этилади.

"Темур тузуклари" ана шундай асарлардан биридир. "Темур тузуклари" Амир Темур тарихи унинг замонида аниқроғи 1342-1405 йиллар орасида Мовароуннаҳрни ижтимоий-сиёсий аҳволи Темур ва темурийлар давлати ҳамда қўшининг тузилиши, ўша йилларда Темур давлатининг қўшни мамлакатлар ва халқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Темур даврида давлат асосини 12 ижтимоий тоифа ташкил этган, унинг тақдирини эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар ҳал қилган Амир Темур ўзининг улкан империясини улусларга бўлиб идора қилган. Мовароуннаҳрдан бошқа унинг тасарруфида бўлган барча вилоятлар ва мамлакатлар тўрт улусга бўлиниб уларга Темурнинг ўғиллари ҳукмронлик қилган.

"Тузуклар"да вазирлар, амирлар ва волийлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Вазирлар дейилади "Тузуклар"да, салтанат устунларидир... Мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини сипоҳарнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймаслик, салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу-жонини аямайдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки "Темур тузуклари" бу фақат Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан иборат асар эмас, балки Мовароуннаҳрнинг ҳали яхши ўрганилмаган ижтимоий-сиёсий тарихи ҳамдир. Иккиичидан, бу асар Амир Темур асос солган нисбатан марказлашган феодал тузилишини, XIV асрда жаҳонга даҳшат солган Темур қўшининг таркиби, феодал муносабатларини ва бошқа илмий масалаларни ўрганишда муҳим манба вазифасини ўташи мумкин.

"Темур тузуклари"ни ўрганиш ҳозирги кунда жуда муҳимдир, чунки унинг тузуклари кўпчиликни муомала маданиятини ўрганишга, ўзини идора этишга ўргатадиган манбалардан биридир. "Темур Тузуклари" -Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санатини ўрганишда ҳам муҳим вазифани ўташи мумкин.

Назорат учун саволлар

1. XIV асрда Мовароуннаҳрда марказлашган давлатнинг ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
2. Темурий давлатининг бошқарув идоралари қандай ташкил қилинган.
3. Темурий давлатида вазирлар фаолияти қандай тартибга солинган ва улар қандай ҳислатларга эга бўлишлари керак эди?
4. Амир Темур сипоҳни бошқаришда қандай назарияларга асосланган?
5. Темурийлар давлатида қандай солиқ ва «мажбурият»лар турлари

мавжуд эди?

6. Амир Темур салтанатида жиноят ва жазо масалалари ҳақида нималар биласиз?

7. Амир Темур салтанатида суд институтларининг тутган ўрни ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз.

8. “Тузуқлар”га кўра, агар, оддий сипоҳ бирор бир сипоҳ томонидан ҳақоратланган, ёки таҳқирланган бўлса, жабрланган сипоҳ ўз ҳуқуқини қандай ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган ?

9. «Темур тузуқлари»нинг таркибий тузулиши ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар:

1. А.Х.Саидов, Ж.У.Тошқулов "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т., ИИВА, 1995 й.
2. З.Муқимов "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" Самарқанд, “Зарафшон”. 1998й.
3. Х.Бобоев. А.Темур ва Темурийлар салтанати. Т., "Камалак", 1996й.
4. Амир Темур ўғитлари. Т., 1992 й.
5. Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи” Т., 1994 й.
6. А.Сагдуллаев ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм “Академия”. Т., 2000 й.
7. “Темур Тузуқлари” “Ғофур Ғулом” Т., 1991 й.
8. Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Т-2005.
9. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Ўқув қўлланмаси.Т.ТДЮИ –2005.

10. Мовароуннахр ва Хуросон худудида шайбонийлар династияси хукмронлиги даврида давлат ва ҳуқуқ

Режа:

- 1. Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши ва ижтимоий тузуми.**
- 2. Шайбонийлар давлати марказий ва маҳаллий бошқаруви.**
- 3. Шайбонийлар давлатида ҳарбий қўшин ва солиқ тизими.**
- 4. Шайбонийлар давлати ҳуқуқ тизими.**

Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши ва ижтимоий тузуми

Балхаш кўли ва Сирдарёнинг қуйи оқимларидан то Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган улкан худуд XI асрдан бошлаб Дашти қипчоқ деб атала бошланди. қипчоқлар ва бошқа туркий қабилалар хукмронлиги остида бўлган бу худудни 1236 йилда Ботухон ўзининг турк муғул қўшинлари билан эгаллади. Тарихда Олтин Ўрда деб аталган бу давлат XIV аср бошларида икки қисмга бўлиниб кетади. Шарқий қисми Оқ Ўрда тарихий манбаларда “Ўзбеклар мам-лакати” деб ҳам юритилган. XV асрнинг ўрталарига келиб, Жўжлик-хоннинг бешинчи ўғли Шайбоний уруғидан бўлган Абулхайрхон (1412-1468 й) кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солади. Бу даврда темурийлар хукмронлик қилаётган Мовароуннахрда ўзаро феодал урушлар ниҳоятда кучайиб кетган эди. Бундан фойдаланган Абулхайрхон Сирдарёнинг ўрта оқимидаги бир қанча шаҳарларни Хоразм-нинг бир қисмини босиб олиб, темурийлар давлатининг ён қўшниси бўлиб қолади. Абулхайрхоннинг вафотидан кейин инқирозга учраган бу давлат XV асрнинг 80 йилларида Муҳаммад Шайбонийхон (1481-1510) томонидан қайта тикланади.

Шайбонийлар давлатининг асосчиси Муҳаммад Шохбахт Шай-бонийхон истеъдодли шоир ва замонасининг ўқимишли, билимдон кишиларидан бири эди. У тахтга ўтирмасдан олдин Бухорода яшаб, мадрасада таълим олади. Машҳур илоҳиёт олими Муҳаммад Хитойий унинг устози бўлган. Тарихчи олимлардан Камолитдин Биноий ва Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома” асарида Шайбонийлар давлатининг тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Мовароуннахрдаги темурийлар салтанатини заифлашиб бораётганидан фойдаланган Шайбонийхон 1497 йил Самарқандга юриш қилиб, Бухорони жангсиз эгаллаган. 1500 йил Самарқандни ҳам жангсиз қўлга киритган. Самарқанд ҳокими Султон Алининг онасига уйланади. Аста-секин қарши ва Ғузор шаҳарлари ҳам шайбонийлар томонидан босиб олинади. Мовароуннахрнинг икки йirik шаҳарларни Бухоро ва Самарқандни жангсиз Шайбонийхоннинг қўлига ўтиши, унинг нафақат тажрибали саркарда балки етук давлат арбоби ва ақлли сиёсатчи ҳам эканлигини кўрсатади. 1501 йил Тошкентга юриш қилиб қўплаб қалъаларни қўлга киритади. Шу йилларда Шайбонийхон қўшинлари Ўратепа, Шош, Шохруҳия, Сайрамни эгаллайди. 1503-1504 йилларда Хоразмга юриш қилиб, 1505 йил Хоразмни босиб олган. 1507 йил Хуросонни босиб олади. Шайбонийхон замондошлари томонидан «Халифа ур-Раҳмон» ва «Имом-аз-замон» деб улуғланган. Шайбонийхон

Мовароуннахр ва Хуросонни ўзбек султонларига “суюорғол” сифатида тақсимлаб бер-ган эди. Кейин Шайбонийхон Эронни забт этишга интилан жангда вафот этади. Тахтга амакиси Кучкунчихон ўтиради (1510-1529) ундан кейин унинг ўғли Абу Саидхон (1529-1533) ўтиради.

Бухоро вилояти ҳукмдори Убайдуллахон ҳокимиятни қўлга олади. (1533-1539) Бухоро вилояти ҳар томонлама ривожланади. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилади. Шундан сўнг Шайбо-нийхон давлати Бухоро хонлиги деб атала бошлади. Шайбонийлар давлатининг сўнгги вакили Пирмуҳаммад ибн Сулаймон бўлган 1601 йил Пирмуҳаммаддан кейин Бухоро тахти Аштархоний (Жонийлар) қўлига ўтади.

Шайбонийлар давлатида жамият ҳаётида, давлат бошқарувида тутган ўрнига, мавқеига қараб қуйидаги бир неча ижтимоий табақа-ларни ажратиш мумкин:

1. Олий табақа, унга хон ва унинг яқинлари, ўзбек султонлари, йирик сарой амалдорлари (вазири-вузаро) кирган. Давлат бошқарувини ана шу ижтимоий табақа амалга оширган.

2. Умаро-ҳарбий-маъмурий амалдорлар, йирик саркардалар, вилоят ҳокимлари, қўшин ва қабила бошлиқлари. Маҳаллий бошқарув улар қўлида бўлган;

3. Уламолар-йирик дин пешволари, шайхлар, хожалар. Улар нафақат диний балки дунёвий бошқарувда ҳам фаол иштирок этганлар.

4. Фузало. Жамият маданий-маънавий ҳаётини акс эттирган ижтимоий табақа олимлар, шоирлар ва бошқалар.

5. Раият. Жамиятда асосий ишлаб чиқарувчи, моддий бойлик яратувчи, хазинага солиқ тўловчи ижтимоий табақа бўлиб, уларга дўкандорлар, ҳунармандлар, ўртаҳол деҳқонлар ва чорвадорлар, ёлланиб ишлайдиган аҳоли кирган.

6. Қуллар. қуллар асосан ҳарбий талончилик юришлари пайтида асирга туширилган, ўлжа қилиб олинган кишилар ташкил этган. Маълум ҳақ эвазига улар озод бўлиши мумкин бўлган. қуллар меҳнатидан саройда, йирик амалдорлар ва уламоларни хўжаликларида фойдаланишган.

Хонлик иқтисодининг асосий тармоқлари қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик ва чорвачилик) савдо-сотик ва ҳунармандчилик ҳисоб-ланган. Шайбонийлар даврида ер эгалигининг асосий тармоқлари мавжуд эди.

1. Мулки султони – давлатга қарашли ерлар.

2. Мулки холис- хусусий шахсларга тегишли.

3. Вақф – диний маҳкамаларга, мадраса ва масжидларга тегиш-ли, қабристонларга қарашли ерлар.

4. Қишлоқ жамоалари эгалик қиладиган ерлар.

Меҳнат қиладиган кишиларнинг асосий қисми камбағал қишлоқ аҳолиси бўлиб, улар ижарага олинган ерда деҳқончилик қилиб кун кечирган. Манбаларда келтирилишича, бу даврда бўғдойнинг 10 хил нави, арпа, жўхори, мош, нўхот, маккажўхори ва сабзавот, полиз экинлари, шоли, пахта етиштирилган.

Дехқончилик учун кулай бўлган ҳосилдор ер майдонлари бепаён яйловлар хон ва унинг яқинлари, йирик ҳарбий-маъмурий амалдорларга қарашли эди. Бу даврда иқто, суюрғол ва танҳо каби хусусий ер эгаллиги кенг тарқалган. ҳарбий-маъмурий амалдорларга йирик дин пешволарига давлат олдидаги хизматлари учун бериладиган бундай ерларда асосан, ерсиз камбағал деҳқонлар ёлланиб ишлаганлар.

Чорвачилик қишлоқ-хўжалигида етакчи тармоқ сифатида катта аҳамиятга эга эди.

Йирик ва майда туёқли ҳайвонларни боқиш, йилқичилик, туячи-лик анча ривожланади. Ярим кўчманчи ҳаёт кечирувчи ўзбек қаби-лалари бошлиқлари, йирик чорвадор бойлар, шунингдек, хон ва сарой амалдорлари, ҳарбий-маъмурий мансабдорлар, дин пешволари тоғ ва тоғ олди туманларида, даштларда катта-катта яйловларга эга бўлганлар.

Шайбонийлар давлати марказий ва маҳаллий бошқаруви

Шайбонийлар давлати ўз моҳиятига кўра йирик давлат бўлиб, олий ҳокимият чекланмага ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлиғи хон томонидан бошқарилган. Хонлиkning сиёсий тизимида, бошқарувида Амир Темур ва темурийлар даврида қарор топган тартиб қоидалар, хусусиятлар билан бирга кўчманчи ўзбеклар давлатига хос анъаналар ҳам мавжуд эди. Давлат бошқарувида исломий шариат ва одат қонун қоидаларига амал қилинган. Давлатни бошқаришда хон саройидаги олий даражадаги амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ва вилоят ҳокимлари қўлидаги маҳаллий бошқарув асосий ўрин тутиб, улар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқий эгалари эдилар.

Улар ёрдамида, бевосита иштирокида хон маъмурий бошқарувни амалга оширарди.

Марказий бошқарув давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига боғлиқ барча масалаларни ҳал қиладиган даргоҳ-сарой девонида жамланган эди. Давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо бўлган ва одатда бош вазир томонидан бошқариладиган бу маҳкама мамлакатнинг сиёсий, молиявий, ҳарбий ташкилий ва бошқа масалаларни кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиқи билан-гина кучга кирар ва ҳаётга жорий этиларди.

Кўкалдош, Оталиқ, Нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги ва бошқа олий даражали сарой амалдорлари, нўён, туғбеги, кутвол, доруға, қурчибоши ва бошқа ҳарбий амалдорларнинг фикри ва ман-фаатлари ҳам қарорлар қабул қилинишида катта аҳамиятга эга эди.

Давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташқари, уламолар, дин пешволари, шайхлар ва хожаларнинг, айнан Шайх ул-ислом, қози калон, Муфти қаби диний мансаб эгаларининг ҳам таъсири катта бўлган. Бу даврда айниқса, Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан хожаларнинг мавқеи жуда ошиб кетди.

Маҳаллий бошқарув вилоят ҳокимлари қўлида бўлиб, улар ҳам ўз бошқарув тизимига эга бўлган. Унга кўшинга бошчилик қиладиган, шариат қонунларининг тўғри бажарилишини назорат қиладиган, аҳолидан солиқларни

йиғиб оладиган амалдорлар (раис)лар кирган. Вилоятлар ўз навбатида кичик маъмурий бирликлар: туман, касаба ва мавзеларга бўлиниб идора қилинган.

Маҳаллий бошқарувнинг энг қуйи бўғини оқсоқол (калон тарон) томонидан бошқариладиган қишлоқ жамоалари эди.

Хонлик вилоят (улус)га бўлиб бошқарилган. Манбаларда Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Хисор, Балх, Термиз, Кармана, Қоракўл, Миёнкол, Шош, Туркистон, Фарғона, Ўра-тепа, Марв каби вилоятлардан ташкил топганлиги кўрсатилган. Вилоят ҳокимлари хон томонидан тайинланган. Одатда бундай юксак мавқега хоннинг яқин ва ишончли кишилари, қариндошлари, йирик қабила бошлиқлари, ҳар-бий юришларда ўзини кўрсатган ўзбек султонлари муяссар бўлган. Хонликни чегаралари доимий бўлмай тез-тез ўзгариб, кенгайиб ёки қисқариб турган.

Шайбонийлар давлати ҳарбий қўшин ва солиқ тизими

Мамлакат сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида йирик саркар-далар, қўшин бошлиқларининг ўрни катта эди. Ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, янги ерларни босиб олиш учун қилинадиган истилочилик юришларида қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, қўшин бошлиқларининг қўмондонлик маҳорати катта аҳамият касб этарди.

Шайбонийлар қўшини асосан отлик ва пиёда аскарлардан таш-кил топган. қўшин уришда ўқ-ёй, узун, найза, қилич, гурзи, узун дас-тали жанг болтаси (табарзин), чангак каби асосий ҳужум қуроллари-дан фойдаланган. Абдуллаҳон II даврида қўшин Хориждан келтирилган пилта милтиқлардан қуроллантирилган. Шайбонийлар қўшнида навкарлар ҳимоя учун қалқон (сипар)дан фойдаланганлар, ҳамда темир симдан майда қилиб тўкилиб, усти ипак ва бахмал мато билан ёпилган совут-жовшан (форсча бахтар) ёки жиба (жева) – темир ёки пўлатдан ишланган махсус кийим кийиб жанг қилганлар. Абдуллаҳон II даврида Европадан келтирилган жовшан (совут) ҳам бўлган. Урушда яроқ ва ўқ ўтмаслиги учун отлар устига махсус ёпинчиқ гежм (кежим) ёпишган.

Қўшин таркибида Нафтандозлар, манжалиқчилар ва тош отув-чилар ҳам бўлиб, улар шаҳар ва мудрофаа қўрғонларини эгаллашда катта ўрин тутган. XVI асрнинг 2-ярмидан бошлаб Абдуллаҳон II қў-шинида чет эллардан келтирилган кичик замбараклар пайдор бўлади.

Қўшин таркиби, унинг жанговор сафланиши, жанг қилиш тартиби, Чингизхон ва Амир Темур қўшинлари ҳарбий тузилиши, уриш тактикасига асосланган бўлиб, унга Шайбонийхон даврида кўчманчи ўзбекларга хос бўлган бир қанча янги жанг усуллари киритилди. (Турлама).

Шайбонийлар қўшини асосан, қалб (кавл) деб аталувчи марказий қисм, баронғор (ўнг қанот) ва жавонғор (сўл қанот) қисмларидан ҳамда хировул (қўшиннинг орқа қисми)дан ташкил топган. Уларга хоннинг ўзи ва тажрибали ўзбек саркардалари бошчилик қилган.

Қўшиннинг қанотларига бошчилик қилган саркарда ўғлон деб юритилган.

Қўшини олдида манглай (авангард) деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира шаклида саф тортиб борган. Унинг олдида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговор қисм - илғор бўлган. Шайбонийлар қўшинида умумий қисм олдида борувчи «қоравул» деб аталган махсус қисм, қўшинининг ўнг ва сўл қисмлари олдида борувчи "кичик" ғўл деб юритилган бўлинмалар ва ортидан борувчи махсус ёрдамчи бўлинма-чаноҳ бўлган.

қўшин таркибида туғчи қисм, яъни байроқ остида эҳтиётда турувчи (туғни қўриқловчи) 20-30 минг кишилиқ жанговор ҳарбий бўлинма ҳамда забонгилари – яъни душман томонидан яшириш равишда “тил” тутиб келувчи махсус бўлинма ва хабарчи-душман тўғрисида умумий маълумот келтирувчи бўлинмалар ҳам бўлган.

Ҳарбий юришлар пайтида хон учун расмий қабул маросимлари ўтказиладиган махсус жой-баргоҳ ҳозирлашган.

Қўшинда сараланган ўзбек навкарларидан тузилган хоннинг қўриқчилари ҳам катта роль ўйнаган.

Шайбонийлар қўшини ҳам Чингизхон ва Амир Темур қўшинларидек 10 минглик корпуслар – туманларга бўлинган. Унга Нуён деб аталувчи ҳарбий саркарда бошчилиқ қилган. Туманлар ўз навбатида минглик, юзлик, ўнликларга бўлинган.

Қўшинни жангга ҳозирлаш, уларнинг маошини тўлаш ва бошқа ташкилий ишлар билан махсус амалдор – тавочи шуғулланган. Қўшинни қурол-яроғ билан таъминлашга маъсул бўлган амалдорлар –жевачи бўлиб, у хоннинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар бўлган.

Ҳарбий амалдорлар ва навкарларга хазинадан бериладиган йиллик маошдан ташқари ҳарбий юришлар пайтида қўлган киритила-диган ўлжадан ҳам бериб турилган.

Шайбонийлар даврида 40 дан ортиқ турли солиқ ва жарималар мавжуд бўлган. Солиқ тўловчи аҳоли фуқаро (раият) деб юритилган ва улардан солиқлардан ташқари жарималар ҳам ундириб олинган.

Ердан олинадиган асосий солиқ хирож бўлиб, у ишлаб чиқарил-ган маҳсулотнинг 5/1 миқдорида пул ёки маҳсулот билан олинган.

Закот солиғи савдогарлар ва чорвадорлардан олиниб, унинг ҳажми 40/1 миқорида бўлган.

Шаҳар аҳолиси хунарамандлар ва дўкандорлар махсус солиқ – тамға тўлаганлар. Йирик бойлар ва сўдхўрларга тегишли савдо раста-сида дўконларни маълум ҳақ эвазига ижарага олиб, ўз маҳсулотлари-ни сотганлиги учун тахти жой (тагжой) деб аталувчи солиқ тўланган.

Бошқа динган мансуб савдогарлар ўз маҳсулотларининг 5/1 қисмини жузья солиғи тарзида тўлаганлар.

Бу даврда яна ихрожат, тоғар, улуфа-кўналға, бегар, мадади лашкар, бож, тансуқот, тухфа ва бошқа солиқлар мавжуд бўлиб, улар-нинг кўпчилиги бутун ўрта асрлар даврига хос эди. Раият солиқларни тўлашдан ташқари турли ишларга мудофаа иншоотларини, суғориш тармоқларини тиклаш кабиларга мажбуран жалб этилган.

Шайбонийлар давлати ҳуқуқ тизими

Хонликда жиноятни аниқловчи ва жазо берувчи асосий маҳкама исломий шариат қонун-қоидаларига асосланиб тутувчилар қозилик идоралари эди. Давлатдаги Олий судья қози калон бўлиб, вилоят-лардаги жиноятларни жазолаш вилоят қозилари қўлида эди. Олий жазо- ўлим ҳукмини фақат хоннинг махсус фармони билан амалга оширганлар. Айбдорни аниқлашда шариат қонунларига асосан икки киши гувоҳилиги етарли бўлган. Вилоятларда, туманларда жиноят ишларини вилоят ҳокими назоратида маҳаллий қозилар олиб борган. Жиноятчиларга гуноҳига қараб ўлим жазоси, маълум муддатга (кўп-чилик ҳолларда умрбод) зиндонга ташлаш, тан жазоси бериш (дарра уриш, бармоқларини кесиб ташлаш), сазой қилиш, қозикқа ўтказиш каби жазо чоралари ҳам қўлланилган. Айбдорларга жазо бериш кўпинча бозор олдида махсус майдонда – аҳоли кўз ўнгида амалга оширилган.

ҳарбийлар содир этган жиноятлар ва жазо турлари махсус ҳар-бий судьялар қози аскар ва муфти аскар томонидан кўриб чиқилган.

Мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар, ўғирлик шариат қонунлари-га риоя қилмаслик учун бериладиган жазолар тури кўпинча амал-дорларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб маълум жиноятлар учун аниқ жазо олдиндан белгилаб қўйилмаган.

Бу даврга оид ҳужжатларда (Жуйбор шайхлари архиви, Самарқанд қозилик идораси ҳужжатлари) фуқаролик ишлари, ҳуқуқий маъмурий жиноятлар, тартиббузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Масалан: Бухородаги Катта Ғозиён ва кичик Ғозиён мадрасасига тегишли ҳужжатларда (1535) мадрасада ўқиш ва ҳужрада яшаш тартиб-қоидаларини бузган талабаларга қуйидаги жазо чораларини кўрилиши қайд этилган. Агар талаба дарсларга бир ой сабабсиз қатнашмаса уни ҳужрадан маҳрум қилишган, агар талаба дангасалиги туфайли дарсларни яхши ўзлаштира олмаса ёки бир босқичдан иккинчи босқичга ўта олмаса унга нафақа тўлаш бекор қилиниб, ҳужара тортиб олинган.

Рузбехон Исфакхонийнинг "Меҳмонномаи Бухоро", "Сулук ал-мулук" «Подшоларнинг хулқ атворлари» асари (15 бобдан иборат).

Саволларга жавоб тариқасида ёзилган бўлиб, давлат ишларида, мусулмонлар билан ўзаро муносабатларда, доруғалар тайёрлашда, хирож, ушр, жузья каби солиқларни йиғиб олишда нималарга асосла-ниш лозимлиги ва Шайбонийхонлар давлати ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Назорат учун саволлар

1. Шайбонийлар динаситияси ҳукмронлиги даврида сиёсий ва ижтимоий тузум қандай бўлган?
2. Шайбонийхон қандай ислохотларни амалга оширган?
3. Шайбонийхон давлатининг ҳуқуқий анъаналари қандай ташкил қилинган?
4. Шайбонийлар давлатининг марказий ва маҳаллий бошқаруви қандай

амалга оширилган?

5. Тахт жой (таг жой) солиғи кимлардан ундирилган?

6. Ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятларни ким кўриб чиққан?

Адабиётлар:

1. А.Саидов., Ж.Тошқулов., “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”. Тошкент. ИИВ Академияси. 1995.

2. З.Муқимов. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”. Зарафшон. Самарқанд 1998 й.

3. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. «Академия» Тошкент. 2000 й., А.Сагдуллаев ва б. I-қисм.

4. Мухаммад Солиҳ. Шайбонийнома Т., Ғ.Ғулом 1989 й.

5. Р.Исфаконий. Мехмонномаи Бухоро. М., Наука. 1976 й.

6. Б.Аҳмедов. Ўзбек улуси. Т., "Мерос" 1991 й.

7. З.Муқимов “Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарифи”. Т. Адолат 2004 йил.

8. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Т-2005.

Хонликларнинг ташкил топиши. (XVI-XIX асрнинг I-ярми)

Режа:

- 1. Бухоро хонлигининг ижтимоий тузуми ва давлат бошқаруви.**
- 2. Бухоро амирлигининг марказий ва маҳаллий бошқаруви.**
- 3. Бухоро амирлигининг суд ишлари ва ҳуқуқ манбалари.**
- 4. Хива хонлиги давлати ва ҳуқуқи.**
- 5. Қўқон хонлиги давлати ва ҳуқуқи.**

XVI асрга келиб, Мовароуннаҳр давлатчилиқ ва ҳуқуқи тарихида Абдулхайрхон авлодлари бўлган дашт ўзбеклари давлатининг ташкил топиши билан характерланади.

1558 йилда Абдулхайрхоннинг авлодларидан энг ёши каттаси Пирмуҳаммад “хонлар хони” этиб сайланган.

Шайбоний султонлар ичида катта мавқега эга бўлган Убайдуллахон олий ҳокимиятни ўз қўлига олишга эришгач, (1533-1539 й). Мовароуннаҳр айниқса, Бухоро вилояти ҳар томонлама ривожланган. Хонликнинг пойтахти Самарқанддан Бухоро шахрига кўчирилган. Шундан сўнг, Шайбонийлар давлати расман Бухоро хонлиги деб атала бошланган.

Лекин Убайдуллахоннинг ўлиmidан сўнг, ўзбек султонлари орасидаги келишмовчиликлар яна кучайиб кетди. Бухорода Абдулазизхон, Самарқандда Абдулатифхон ва Тошкент, Туркистонда Наврўз Аҳмадхон ҳукмронлик қила бошлаган.

Шайбоний султонларнинг ягона давлатга бирлаштиришда Абдулла ибн Искандархоннинг роли катта бўлган. Бухоро хонлиги тахтида ўтирган тоғаси Пирмуҳаммад ёрдамида Миёнқол, Кеш, Бухоро ва Насафни эгалланган.

1560 йил отаси Искандар султонни Бухорога олиб келиб бутун ўзбекларнинг Олий хони деб эълон қилади. Амалда эса ҳокимиятни Абдуллахоннинг ўзи бошқарган.

Кейинчалик Абдуллахоннинг вафотидан сўнг, Марказий давлатнинг заифлашуви натижасида Хоразм ва Хуросон қўлдан кетади.

Фарғона водийсини, Тошкентни, Самарқанд ва Зарафшон воҳасини катта қисмини қозоқ хони Таваккалхон босиб олади. 1601 йилда Пирмуҳаммаднинг ўлиmidан кейин Бухоро тахти янги сулола Аштархонийлар (Жонийлар) қўлига ўтган.

Аштархонийлар келиб чиқиш Астрахандан бўлганлиги ёки сулола асосчиси Жонибек султон номидан олинган.

Хонликнинг асосий бойлиги ер эди. Ер эгалигининг қуйидаги турлари мавжуд бўлган:

1. “Мулкий султоний, мамлок ерлар”- бу ерлардан олинадиган даромад хон ва унинг хонадонига тегишли эди.
2. Хусусий ерлар - маъмурий ва диний амалдорларга тегишли бўлган ва суюрғол, иктоъ, танҳо шаклидаги хусусий ерлар.
3. Вақф ерлари – диний ташкилотларга тегишли ерлар.

Аштархонийлар даврида суғориладиган ерларда Ўрта Осиё минтақаси учун анъанавий бўлган буғдой, арпа, жўхори, ловия, мош, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари дашт ва тоғ олди лалми ерларида буғдой, арпа, кунжут, тарвуз, қовун ва бошқалар экилиб деҳқончилик қилган.

Бу даврда Шайбонийлар даврларидек ижтимоий табақалар сақланиб қолган.

1. Олий табақа- хон ва йирик сарой амалдорлари.
2. Уламолар ва бошқа диний амалдорлар (айниқса Жўйбор хўжалари).
3. Раият – солиқ тўловчилар.
4. қуллар. (Сарой хизматидаги қуллар, хоннинг шахсий қўриқ-чилари).

Аштархонийлар даврида хонлиқнинг ҳудуди қисқариб кетади. Хонлиқ таркибига олтига вилоят Бухоро, Самарқанд, Сағараж, Ўратепа, Шахрисабз ва Ғуздор қирган. Кейинчалик Хисор, Тошкент, Фарғона, Туркистон, Балх вилоятлари бўйсундирилган. Аммо хирот ва Хоразм хонлиқ таркибидан чиқиб кетган.

Бухоро хонлигида хон расман олий ҳокимият бошлиғи бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига боғлиқ барча масалалар унинг ихтиёри билан ҳал қилинади. Барча олий фармонлар хон томонидан жорий қилинади, унинг номидан тангалар зарб қилинади, хоннинг номи Хутбада қўшиб ўқиларди.

Давлат бошқаруви икки босқичли бўлиб – марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида эга эди.

Марказий бошқарув хон саройи амалдорлари қўлида бўлиб, аштархонийлар даврида “оталиқ” мансабига эга шахс катта мавқега эга эди. Бу даврда сарой амалдорлари ҳудди шайбонийлар давридагидек эди. Оталиқдан ташқари девонбеги, парвоначи, мушриф, хазиначи ва бошқа сарой амалдорлари давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга эдилар.

Жумладан, хондан кейинги Оталиқ мансаби хоннинг мураббийси, маслаҳатчиси, биринчи вазир лавозими ҳисобланган. Кейинчалик унга Зарафшон дарёси сувини бошқариш ваколати юклатилган.

Девонбеги – молия ва солиқ ишларини юритиш, унга раҳбарлик қилиш, ташқи алоқа масалалари билан шуғулланган.

Бундан ташқари парвоначи, додхо, қўқалдош катта иноқ, қўшбеги каби мансабдорлар ҳам бўлган.

Хонлиқ таркибига қирувчи Балх ўзи хонлиқ деб аталиб, уни тахт вориси бошқарар эди, у дастлаб “навваб” ўринбосар ёки хон кейинчалик “кичик хон” деб аталган. У ўзининг Девони аморат, амлок, таваджи, молия девонларидан ташқари, унга ярим қарам бўлган Бадахшон девонлари каби марказий бошқарув девонларига эга бўлган.

Аштархонийлар даврида ҳарбий ва маъмурий амалдорлар катта ҳуқуқларга эга эди. Улар билан бир қаторда йирик дин пешволари ҳожалар ва диний мансаб эгалари – Шайхулислом, қози қалон, садр ва бошқаларнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Давлат бошқарувида Жўйбор ҳожаларининг мавқеи юқори бўлиб, асл диний мансабдорлар улар ичидан тайинланар эди.

Бу даврда қўшин унча яхши ташкил қилинмаганлигини қўрағимиз.

Хонликка хос бўлган хирож, закот, ихрожат, бож каби солиқлардан ташқари жуда кўплаб солиқлар бор эди. Турли солиқлардан ташқари қишлоқ ва шаҳар аҳолиси каналлар қазिश, ариқларни тозалаш, қурилиш ишлари каби мажбуриятларни ҳам бажарар эди. Мазкур тадбирлар учун сарфланадиган харажатлар аҳолидан турли йўллар билан ундириб олинган. Фуқаролиги бўлмаган савдогорлардан бож солиғи олинарган. Унинг миқдори сиёсий муносабатларга боғлиқ эди.

Бухоро амирлиги

Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакилларидан Абдулфайзхон ўлимидан сўнг, Бухоро тахтини эгаллаган Мухаммад Рахим манғитлар (1756-1759) сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берди. Унинг вафотидан сўнг, Бухоро тахтига тоғаси Дониёлбий манғит (1759-1784) ўтирган, сўнгра у ҳокимиятни ўғли Шохмуродга (1785 й) топширган.

Шохмурод Манғитлар сулоласи ичида биринчи бўлиб, “амир” унвони билан давлатни бошқаради. Шундан сўнг бу давлат Бухоро амирлиги деб атала бошлади.

Бухоро амирлигида ҳам ер эгалигининг қуйидаги турлари мавжуд бўлган:

1. Мулки Султоний ёки амлоқ ерлар, амир, унинг яқинларига, давлатга тегишли ерлар. (амлоқи подшохий, амлоқи султоний). Бундай ерлар деҳқонларга ижарага берилар эди. Энг кўп солиқ хазинага шу ердан тушарди. Солиқ йиғувчилар махсус рўйхат билан етиштирилган ҳосилнинг бир қисmini маҳсулот ҳисобидан оларди.

Солиқ тўлаш миқдори ҳар 10 ботмон ҳосилдан уч ботмонни ташкил қиларди.

2. Хусусий ер эгалиги “мулки хур” ёки “мулки хорис” ерлардан иборат бўлган. Бундай ерлар танҳо, суюрғол, иктоъ тариқасида берилган.

Танҳо- давлат олдидаги хизматлари учун ҳарбийларга берилган ер мулклари, улар мерос тариқасида ўтмаган, суюрғол ерлар эса ҳарбий бошлиқлар, давлат арбоблари, уламоларга хизматлари эвазига берилган инъом, суюрғол эгаси молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлганлар, иктоъ ерлари ҳам ҳарбий-маъмурий амалдорларга берилган. Улардан олинадиган даромаднинг бир қисми давлат хазинасига топширилган.

3. Ернинг учинчи кўриниши вақф ерлари, масжид, мадрасалар, қабристонлар ва бошқа диний идораларга тегишли ер мулкларидан иборат.

4. қишлоқ жамоа ерларига тегишли ерлар. қишлоқ бойлари эгалигидаги ерлар бўлиб, унда қишлоқ аҳолиси ижара асосида деҳқон-чилик қилишган.

Манғитлар сулоласи даврида ҳам энг олий табақа Амир ва сарой амалдорлари (вазир-вузаро) ижтимоий жиҳатдан энг катта имтиёзларга эга бўлган табақа эди.

Давлат бошқарувида иштирок этадиган ҳарбий - маъмурий амалдорлар (умаро) ҳам нуфузли ижтимоий табақа саналган.

Алоҳида ажралиб турадиган оқсуяклар ўзларидан барча аҳолидан устун қўядиган, Мухаммад Пайғамбар авлодидан ҳисобланган саидлар ҳамда ҳожалар эди. Улар ўз авлодлари шажарасига эга бўлишлари шарт эди. Солиқ тўловчи аҳоли, жамиятдаги барча моддий бойликларни яратувчи ижтимоий табақа раият

эди. Бундан ташқари Бухоро амирлигида кулчилик ҳам сақланиб қолган эди. куллар асосан рус, эрон миллатларга мансуб бўлиб, улар ҳарбий талончилик юриши пайтида қўлга олинарди. Туркман ҳамда қozoқлар олиб келиб уларни Бухоро бозорида сотишарди. Манбаларда ҳар бири 40 тагача кулга эгалик қилувчи бадавлат бухороликлар борлиги ҳақида маълумотлар бор.

Шунингдек, манбаларда келтирилишича, амирликнинг барча аҳолиси қуйидаги табақаларга бўлинган:

1. Оксуяклар. Уларга Муҳаммад пайғамбар авлодлари ҳисоб-ланган саидлар ҳамда ҳожалар кирган.

2. Ўз уруғига эга барча атоқли (ўзбек) уруғдор деб аталган.

3. Тожиклар, форсларга мансуб бўлган шогирпеша.

4. Мадрасани тугатган етарли билимга эга бўлган ўқимишли кишилар – муллалар.

Бу табақаларнинг барчаси ўз навбатида сипойи, яъни давлат хизматида бўлган амалдорларга ва фуқароларга бўлинган.

Бухоро амирлигида давлат мутлақ қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга эга бўлган амир томонидан бошқарилар эди. Давлат ҳаётига тегишли сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа барча масалалар Бухородаги бош қароргоҳ Аркда ҳал этилган. Аркда амир ва унинг оиласидан ташқари кушбеги, шиғовул, тўпчибоши, мирзабоши ва баъзи сарой амалдорлари уларнинг оилалари, хизматкорлари яшаганлар. Давлат аҳамиятига молик ишларни ҳал қилиш учун вақти вақти билан Давлат кенгаши чақирилиб турилган. Унда бештадан йигирматагача юнг юқори амалдорлар аъзо бўлганлар.

Давлат бошқаруви икки бўғинли марказий ва маҳаллий бошқарувдан иборат бўлган. Марказий бошқарувни асосан сарой амалдор-лари амалга оширишган. Амирдан кейинги мансабдор кушбеги лаво-зимининг мавқеи жуда катта бўлган. Амирлик пойтахти Бухоро шах-рини шах сан кушбегининг ўзи бошқарган. У давлат доираси буйича бош вазир ҳисобланган. Давлат бошқарувида девонбеги, парвоначи, оталиқ, додхоҳ, худойчи, мирзабоши ва бошқа сарой амалдорлари, Шайхулислом, қозикалон каби диний раҳбарларнинг ҳам мавқеи катта бўлган.

Маҳаллий бошқарув эса вилоятларга бўлиниб амалга оширил-ган. Вилоятларда бошқарувни амир томонидан тайинланган (одатда улар манғит уруғидан бўлганлар) беклар томонидан бошқатилган. Улар ўз бошқарув тизимига эга бўлиб, мирзабоши, солиқ йиғувчи амалдорлар (танобчи, закотчи), қози, раис каби диний мансабдорлар, қишлоқ оқсоқоллари ёрдамида бекликларни идора қилганлар.

Турли даврларда амирликнинг маъмурий ҳудуди турлича бўлган. Энг кенгайган даври Амир Насрулло ҳукмронлиги даври бўлиб, унда амирлик таркибида 30та беклик қарши, Ғузор, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Бойсун, Денов, Шеробод, Хисор, қоратегин, Дарвоза, Балжувон, Шухкон, Рушон, Қўлоб, Қўрғонтепа, Кобадийён, Калоор, Керки, Бурдалиқ, Қалакли, Хоразм, Чоржўй, Кармана, Зиёвуддин, Нурота, Хатирчи, Ургут ва Самарқанд эди. Бекликлар кичик ҳудудий бўлинма амлоқдорликларга бўлинган бўлиб,

уларни амлоқдор бошқарган. Энг қўйи бўғин қишлоқ жанбар-лари бўлиб, улар оқсоқол томонидан бошқарилган.

Бухоро амирлиги ҳарбий қўшини ҳам отлиқ ва пиёда жангчи-лардан иборат бўлиб, амирликнинг ҳарбий қудрати Амир Насрулло даврида анча кучаяди. Бу даврда Бухорода доимий армия Сарбоз (сипоҳ) қўшин ташкил этилди. Манбаларда келтирилишича уларнинг сони 40 мингга яқин бўлган. Улар асосан қилич, найза ўқ-ёйдан иборат қурооллар билан қуроолланган эди.

Олий ҳарбий амалдорлар “саркарда” унвонига эга бўлиб, давлат хазинасидан маош олиб туришган. Амирдан кейин турувчи энг юқори ҳарбий амалдор “додхоҳ” (қўшин бошлиғи) турарди. Унга қўшинни бошқаришда кўрғонбеги, тўқсабо, мингбоши каби олий ва понсад-боши, чурабоши, юзбоши, даҳбоши каби ҳарбий бўлинма бошлиқ-лари ёрдам беришган.

Суд ишлари.

Бухоро амирлигида. Ислон давлатларига хос жиноят ва жазолар мавжуд бўлган. Аммо булардан ташқари, Бухорода ўзига жазонинг ва жиноятнинг ўзига хос турлари ва ижро этиш усуллари бўлган. Сайёҳ Ефремовнинг хабар беришича, XVIII асрнинг 20-йилларида Бухорода ўғирлик учун эркак киши осиб ўлдирилган, Хотин киши кўкрагига кўмилиб, тошбўрон қилиб ўлдирилган. Агар одам ўлдириш ёки танга жароҳат етказиш жинояти содир этилган бўлса, оталиқ айбдорни ўлдирилган одамнинг қариндошларига тутиб берган. Улар эса айбдорни мусулмон ҳуқуқидаги «тишга тиш» қондасига кўра қилган бўлса, ярадор, ўлдирилган бўлса, жиноятчини ўлдиришган. Агар эр хотинини бошқа шахс билан жинсий алоқа қилаётганини ўз кўзи билан кўриб, уни гувоҳлантирса, эр иккаласини ҳам ўлдириб, уларнинг қариндошларига хабар берган. Улар эса, ўликни олиб кўмишган, шу билан ҳеч қандай суд иши юритилмаган. Кўриниб турибдики, бу оғир жиноятлар деб ҳисобланиб, улар судсиз, терговсиз ижро этилган. Бухоро шахри катта-кичик 366 кварталга бўлинган. Уларнинг ҳар бири ўз мачитларига эга бўлган мавзегга бўлиниб, оқсоқол томонидан бошқарилган, одатда улар кекса савдогарлардан сайланади. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар унинг одиллигига кўпроқ ишонишган.

Алоҳида ҳолларда амир бирор-бир жиноятни содир этмаслик учун кўрқув ҳиссини уйғотмоқчи бўлса, Мир Араб мадрасаси олдидаги минорадан улоқтириш йўли билан қатл қилишга ҳукм қилинган. Бу жазо одам ўлдирганлик ва яқин қариндошлар билан жинсий алоқа қилганлик учун ҳам қўлланилган. Кам аҳамиятли жиноятлар учун айбдорнинг товонига ёки кўкрагига уриш билан чегараланилган. Бухорода калтак билан жазолашнинг кенг қўлланилишини бу ерга 1836 йил элчи бўлиб келган П.И.Виткевич ҳам таъкидлаб ўтганидек: “Бухорода умуман йўғон калтак билан жазолаш, шу даражадаки, маҳкумнинг суяклари синиб кетади ёки ўлиб қолади”.

П.И.Виткевич девордан итариб юбориш жазосининг ҳам бўлганлигини ёзиб, уни ўз кўзи билан кўрганлигини таъкидлаган. Бухоро шахрининг деворлари мустаҳкам, дарвозадан кириш жойида, девор устида майдонча бўлиб, ана шу ердан унинг кўзи олдида икки киши ўғирлик қилганлари учун итариб юборилганларини ёзиб қолдирган.

Улардан бирининг қўли синиб, иккинчисининг эса баданлари моматалок бўлиб кетган. Жиноят ва жазо масалаларида маҳаллий ҳукмдорлар фақатгина шариат кўрсатмаларигагина амал қилиб қолмасдан, ўзлари маъқул деб ҳисоблаган жазоларга ҳам, уни ижро этиш усулларига ҳам ҳукм қилганлар.

Жазонинг асосий мақсади : қоплаш, ўч олиш, хун ундириш, қўрқитишдан иборат бўлган.

Амир Шохмурод ислохотлари.

Бухоро амирлигида манғитлар сулоласидан Амир Маъсум ал-Маъруф, ибн Дониёлбий оталиқ Шохмуродбий (1785-1800) давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш бўйича қатор ислохотлар ўтказган. У ўтказган ислохотлар унинг топишига биноан 1789 йилда Мирзо Боди девон томонидан ёзилган “Мажами ал-арқам” (Рақамлар ва руқумлар) асарида келтирилган.

Асар тузилишига кўра, 5 боб ва мансабдорлар ҳақидаги илова-дан иборат. Унда давлат девонида хизматни қандай ўташ, кирим-чиқим дафтарлари, давлатнинг маъмурий хўжалик бўлиниши тамо-йиллари ёритилган. Маълумки, давлат кирим-чиқимлари хазина бойликлари миқдорини сир тутиш ва уни ўзгартириш, сохталаштиришнинг олдини олиш учун фақат катта мирзоларгагина маълум бўлган девон дафтари руқумлар ва сиёқат (алоҳида рақамлар) билан ёзилган.

Асарнинг иккинчи-учинчи боблари ана шундай ёзув ва уларнинг сирларига бағишланган. Бешинчи боби-астрономия. Арифметик ҳаракатлар жадвалидан иборат, тўртинчи боби эса арифметика, геометрия, алгебра ҳисоб-китоблари ва қоидаларига бағишланган

Мансаблар ҳақидаги иловада эса, Бухоро амирлигидаги 135дан ортиқ катта ва кичик мансаблар, вазифалар ва уларнинг ваколатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Асарда давлат бошлиқларининг биринчи навбатдаги вазифалари армия таъминоти эканлигини таъкидлаб, унинг эса йиғим тушумларига боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтилган. Солиқ йиғувчилар олдида юксак талаблар қўйилган. Солиқ йиғувчи солиқчилар, тўла ҳеч қандай алдовларсиз, қонунларни бузмасдан ўз бурчларини бажариш-лари, барча халқларда тартиб сақлашлари, ишни охиригача олиб бориши, хазина эғалигидаги мулкни, кишиларнинг ҳуқуқларини қўриқлаши лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек асарда Бухородаги мулк эғалиги шакллари бўйича ҳам маълумотлар учрайди.

Мамлакатнинг пул ва маблағларини 4та хазинага бўлиниши, яъни қайси манбадан келишига қараб 4га бўлинган, буни Бухоро амирлиги давлат бюджетининг 4-моддаси деб аташ мумкин::

1-закот, ушр ва Хумс (ҳарбий ўлжанинг камбағаллар учун ажратилган 5/1 қисми) солиқларидан келадиган маблағлар тўпланган.

2-хирож, жузья ва мусулмон бўлмаган савдогорлардан олинадиган солиқлардан тушадиган маблағлар.

3. Эгасиз мулклардан хазинага тушадиган маблағлар (улар камбағаллар, етимлар беморларга сарфланган).

4. Топиб олинган мулклардан тушадиган маблағлар (у закотдан фойдаланувчиларга берилган)

Асарда Бухоро амирлигининг маъмурий бўлиниши ҳақида маълумотлар берилган, унга кўра давлат, вилоятлар, туманлар, хазора, ярим хазора, обхор, норма, мазраларга бўлинганлиги, бир қатор ариқ билан суғориладиган 100 минг таноб ер бир туманни ташкил қилиши уларнинг 12та номи кўрсатилган, бир катта ариқ билан суғориладиган 50 минг таноб ер хазора, 25 таноб ер эса ярим (ним) хазора, 10, 15 минг таноб суғориладиган ер эса дарёнинг обкори, 400 таноб ерли аҳоли яшайдиган қишлоқ қория, 300 таноб ва ундан кам ери бўлган аҳоли яшайдиган жой мазраъа деб аталган.

Шоҳмурод биринчи навбатда, ўз ислохотларида солиқларни тартибга келтиришга қаратган. У бутун Бухоро шаҳри аҳолисига Тархон ёрлиғи бериб, халқни ҳарбий солиқдан бошқа барча солиқлардан озод қилган. Авваллари жорий қилинган шариатга зид бўлган ёрғу, бож, тарх, тушмол, ясоқ ва бошқа солиқларни бекор қилган.

Шоҳмурод ўтказган суд ислохотларига кўра:

«Ҳар бир мусулмон, ҳатто кул ҳам қозига ўз шикояти билан келишга ва ўзининг хўжайинининг ғайриқонуний иш қилаётган бўлса, уни жавобгарликка тортишга ҳақли қилиб қўйган» эди. Бундан ташқари қирқ аълам (қонуншунослар)дан иборат. Олий суд. (қозихона) палатасини тузган. Унинг аъзолари шариат ҳукуқи асосида Шоҳмуроднинг ўзи тузиб берган тўпламни қўлларига ушлаб олиб, арз ва шикоятларни ҳал этишда мана шу рисолага қараб иш кўришган. Иш кўрилаётганда амирнинг ўзи бош бўлиб турган. Бундан ташқари иш кўрилаётганда даъвогарнинг шахсан ўзи иштирок этиши талаб қилинган. Туманлар ва каттароқ қишлоқларга (касабаларга) ҳам қозилар тайинланган. Амир Шоҳмурод даврида Бухоро амирлигида янги суд тизими: касабалар, туманлар, вилоятлар қозилари, Бош қози ҳамда “қирқ аълам” суди вужудга келиб, энг олий қози Амирнинг ўзи бўлган.

Амир Шоҳмурод бундан ташқари ободончилик айниқса Самарқандни қайта тиклашга, унга бошқа жойлардан кўплаб аҳолини кўчириб келиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Темурийлар давлати таркибига кирган Хоразм воҳаси 1505 йилда Шайбонийхон томонидан босиб олинган бўлса, кейинчалик 1510-1512 йилларда эса Эрон шоҳи давлати таркибига кирган. Хоразмнинг обрўли шайхларидан бўлган Шайх ота авлодлари Дашти қипчоқлик ўзбеклар йўлбошчиси Элбарсхонга Хоразм тахтини так-лиф қиладилар. Элбарсхон Хоразм пойтахти бўлган Урганч шаҳрини эгаллаб, мустақил хонликка асос солган.

1593 йилда Хивадаги ўзаро урушлардан фойдаланган Абдулла-хон II Хива хонлигини босиб олган. 1598 йил Хива хонлиги яна мустақиллика эришади. Бухоро хони, Эрон шоҳи томонидан босиб олинган Хива хонлигида 1763 йилдан ҳокимият ўзбек уруғларидан бўлган қўнғирот сулоласи қўлига ўтган.

Маълумотларга қараганда, Урганчда етти йил ичида тўрт маротаба хон алмашганлигини кўрамиз. Бу ерда ўзбек уруғ бошлиқларининг ижтимоий

сиёсий ҳокимиятда таъсири кучли бўлиб, ўларни асосан қиёт-қўнғирот, уйғур-найман, қанғли-қипчоқ каби қабила ва уруғларга бирлашган. 4 гуруҳга асосий қабилаларга иноқлар раҳбарлик қилиб улар ҳатто хонларга ҳам бўйсунинмаган.

XIX асрнинг бошларига келиб иноқлар фақат амалда эмас балки, расман ҳам Хива тахтини эгаллашган. Элтузархон Иноқ Хива тахтига ўтирган қўнғиротлар сулоласининг биринчи хони ҳисобланади. Унинг вориси Муҳаммад Раҳим I Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказган.

Хива хонлигида ҳам ўша даврга хос бўлган ер эгаликлари мавжуд бўлиб, улар давлат ерлари, вақф ер эгалиги ва хусусий ер мулкларидан иборат бўлган.

Ернинг катта қисми давлат ерларидан иборат бўлиб, амлок, “мамлакат” ёки “подшолик ерлари” деб аталган. Бундай ерлар деҳқонларга бўлак қилиб бўлиб берилган, деҳқонлар у ерда ишлаб давлатга солиқ тўлаб туришган.

Маълумотларга қўра, XVII-XVIII асрларда феодаллар ерларини тортиқ сифатида эмас, хусусий мулк сифатида сотиб олиш ҳақида битимлар тузилган. Бундай ерлар “мулки хурри холис” деб аталиб, барча солиқлардан озод ҳисобланган. Битим давлат номидан тузилганлиги учун қози ҳузурида шахсан хоннинг ўзи иштирок этган ва ерни сотиб олинганлиги ҳақида васиқалар берилган.

“Танҳо” ерлари хонга ёки давлатга кўрсатилган хизматлари эвазига берилган. Буни меросга қолдириш мумкин бўлмаган.

Вақф ерлари ҳам кенг тарқалган бўлиб, суғориладиган ва аҳоли яшайдиган ерларнинг 40%га яқинини ташкил этган. Вақф ерлари ишлаб фойдаланиш учун ижарага берилган. Вақфнинг номланишига, турларига келсак, солиқлардан озод этилган вақф-оқ вақф, солиқ олинадиган ер- қора вақфларга бўлинган.

Хива хонлигида шартли ер эгалигининг ўзига хос бир тури мавжуд бўлиб у “отлик” деб аталган, бу эса бошқа хонликларда учра-майди. Хива хонлигида фойдаланиш учун отликларга 30-50 таноп ер жорий этилган. Отлик ерини олган ер эгаси хон талаби билан бир отлик аскарни қуроллантириб хон ҳузурига юборган.

Ерларни ишловчи асосан деҳқонлар бўлиб, улар давлат деҳқон-лари, хусусий ерлардаги деҳқонлар, вақф ерларидаги деҳқонлар, ерсиз деҳқонларга бўлинган.

Хива хонлигида қулчилик мавжуд бўлган, улардан уй-рўзғор ишларидагина эмас, балки деҳқончиликда ҳам фойдаланганлар.

Хонлик иқтисодини асосан деҳқончилик ва чорвачилик, ҳунар-мандчилик ва савдо-сотиқ ташкил этиб, қўплаб каналлар ва ариқлар муҳим ўрин тутган. Улардан 11 таси давлат аҳамиятига эга эди.

Хонлиkning ижтимоий ҳаётида якка хонликка асосланган ўрта аср мусулмон давлатларида бўлганидек, хон ва унинг аъёнлари катта ижтимоий ҳуқуқларга эга эди.

Сарой амалдорлари, марказий ва маҳаллий бошқарувнинг юқори поғоналарини эгаллаб турган ижтимоий табақалар, ҳарбий маъмурий амалдорлар ва мансаб эгалари катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга ижтимоий табақа эди.

Дахлсиз ҳуқуқларга, аҳолининг барча ижтимоий табақаларига катта таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган оқсуяк табақа маҳаллий шайхлар авлодлари хонликдаги энг нуфузли ижтимоий табақа ҳисобланарди. Катта микдордаги хусусий ер мулкларга эгалик қилишдан ташқари улар одатда вақф ерларидан келадиган даромадларнинг назорат қилишда ҳам кўпгина имтиёзларга эга эдилар. Уларнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳар қандай вақт ва шароитда ҳам сақланиб қолинарди.

Марказий ва маҳаллий бошқарув.

Хива хонлиги хон томонидан сарой амалдорлари ёрдамида бошқариладиган, яқка ҳокимликка асосланган давлат бўлиб, хонликдаги энг юқори унвон хон бўлиб, у сиёсий, ҳарбий ва диний ҳокимиятга эга эди. Хон ва бошқа амалдорларнинг мансаби бу хонликда мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган.

Хон давлатни бошқаришда ҳарбий маъмурий, ҳарбий ва диний амалдорларга таянган, хонликдаги мансаб ва унвонлар 3 тоифага бўлинган.

Хондан кейинги энг катта нуфузга иноқ, оталиқ ва бийлар унвонларга эга бўлган. Улар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлиб, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, ҳарбий, ҳаётини назорат қилган.

Иноқ – вазирлик, хондан кейинги биринчи мансабдор бўлган. Давлат ҳокимиятининг марказлашуви ва кучайиши натижасида XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб иноқларнинг аҳамияти пасайиб, кушбегининг таъсири орта боради. Кушбеги асосан, хоннинг барча ёрлик ва фармонлари учун жавобгар, ўтроқ аҳолига бошчилик қилиш, солиқларни давлат хазинасига тушиб туриши устидан назорат олиб борган. Меҳтар эса хонликнинг молия ишлари ҳамда унинг Шимол-даги ўтроқ аҳолисини бошқаришга раҳбарлик қилган.

Хонликнинг сиёсий иқтисодий ҳаётида улардан ташқари нақиб, амир-ул-умаро, меҳтар, кушбеги, бекларбеги, девонбеги, парвоначи, дастурхончи, эшик оғаси, шотир, ясавулбоши, удайчи, мингбоши, мироббоши ва бошқа мансабдорлар ҳам муҳим ўрин тутган. Диний ҳокимият Шайхулислом бошлиқ дин пешволари қўлида бўлган. Маҳал-лий шайхлар Саид ота Шайх авлодлари, Дарвиш шайхлари давлатдаги нуфузли диний амалдорлар сирасига кирар, барча диний ман-саблар уларнинг вакилларига берилар эди.

Барча фармонлар, давлат ишлари, ҳужжатлар ўзбек тилида ёзиларди. Дастлаб хонлик маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлинган бўлса, кейинчалик (XVIII асрнинг бошлари XIX асрнинг бошларидан) давлатдаги асосий маъмурий бирлик бекликлар деб юритила бошлади.

Бу даврда хонлик 16 та беклик ва 2 та ноибликдан иборат бўлган. Улар Хозарасп, Гурлан, Хонқа, Кўхна Урганч, қўшқўприк, Гитрак, Ғазовот, Қиёт, Шоббоз, Шовот, Тошҳовуз, Амбарманақ, Урганч, Хўжайли, Шуманай ва қўнғирот бекликлари ҳамда Бешариқ, Қиёт- Қўнғирот –ноибликларидан иборат бўлган.

Бу беклик ва ноибликларни хон томонидан тайинланадиган беклар ва ноиблар бошқарган. Хива шаҳри эса хон ва бош вазир (иноқ) томонидан бошқарилган.

Иноқлар таъсири кучайган даврда улардан 5 киши аъзо бўлган. Хон Кенгаши ҳам бўлиб, у маслаҳат органи ҳисобланган.

Хонликнинг ўтроқ аҳоли қавмлар бир масжидга бирлашган бир гуруҳ аҳоли бўлиб, унинг бошида сайланиб қўйилувчи оқсоқол турган. қавмлар энг бошлинғич солиқ ва маъмурий бирлик бўлган. Хонликдаги шаҳарларни идора қилиш ҳокимлар ва уларнинг ёрдам-чилари юзбоши ва оқсоқолларга топширилган.

Хонлик таркибига кирган қозоқ ва қорақалпоқ аҳолисини бийлар, туркманларда эса вакил ва бек бошқарган. Бир неча авлодга бирлашга уруғларни бийлар бошқарган у оталиқга, улар эса беклар бегига бўйсунган.

Хонлик қўшинлари қўшни мамлакатларга хавфлар солиб турувчи, талончилик урушлари уюштирувчи давлат сифатида маълум эди.

Қўшин Хива хонлигида турли йилларда турли соҳада бўлган. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида хонликда доимий армия шакллана бошлаган, улар давлат таъминотида бўлган. Хива хонларининг давлат таъминотида турган оддий аскар бир йиллик маоши олтига қўйдан иборат бўлганлиги улар давлат рўйхати турганлиги ҳақида маълумотлар бор.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хива хонларининг армияси 13 мингдан ортиқ навкар, 8 мингга яқин тўпчи ва пиёда аскарлардан иборат бўлган, улар хизматлари эвазига солиқлардан зод этилиб, суғориладиган ерлардан берилган.

ҳарбий соҳада олий бош қўмондон хон ҳисобланган. Хондан кейинги иккинчи ўринда турган иноқ ўз вазифасига кўра ҳарбий-маъмурий амалдорларга етакчилик қилган. Ундан кейинги ҳарбий мансабдор амир-ул-умаро бўлиб, қўшинлар бошлиғи саркарда деб аталган.

Хоннинг шахсий гвардияси бошлиғи ясовулбоши унвони берилган бўлиб, у хонни қўриқлаш, тартиб-интизомни сақлашга масъул ҳисобланган.

ҳарбий-маъмурий амалдорлар ичида мингбоши, юзбоши, каби ҳарбий-бўлинмалар бошлиқлари, ишғовул (айғокчи), кутвол, туғбеги каби ҳарбий мансабдорлар ҳам катта аҳамиятга эга эдилар.

Қўшинлар отлиқ ва пиёда навкарлардан ташкил топган бўлиб, ҳарбий талончилик юришлари даврида асосан, тез ҳаракат қилувчи отлиқ қўшинлардан, шаҳар ва қалъалар ҳимоясида пиёда қўшинлардан фойдаланилган.

Асосий хужум қуроллари ўқ-ёй, қилич, найза дубулға бўлиб, бу эса қўшинни кучсизлигидан далолат беради.

Қўшинни асосини ёлланган туркман сарбозлари турли ўзбек қабиаларидан тузилган қўшинлар ташкил қиларди. Жанг олиб бориш усули эса Чингизхон ва Амир Темур давридаги қонун қоидаларга асосланган.

Давлат бошқарув аппарати ва қўшин солиқлар эвазига тутиб турилган. Асосий давлат солиғи хирож ёки солғут, ушр (10дан 1 қисм), чорвадорлардан олинадиган закот (мулк қийматининг 40%), ўтлоқ ва яйловларда мол боққанлик учун чўп пули, шунингдек йил бошида ёки бир неча йиллик солиқларни аввалдан ундириб олиш, барот каби турлари бўлган. Закот натура тартибида олинса 5 туядан 1 қўй, ҳар 40 қўйдан битта тартибида олинган.

Муҳаммад Раҳимхон I томонидан ўтказган солиқ ислохотларига асосан солиқлар пулда ундирилиб, давлат хазинасига топшириладиган бўлади.

Солиқ ундириш асосан ер майдони ҳажмига қараб ундирилган. 10 таноб (4га)дан ортиқ бўлса, 3 тилла солиқ, 5-10 танобгача 2 тилла 5 танобдан кам бўлса йилига 1 тилла тўлаш белгилаб қўйилган. Шунингдек, чоракор деҳқонлар ҳам агарда 15 таноб ерда чоракор бўлса 34 танга, 10 таноб ерга эса 34 танганинг $\frac{3}{2}$ қисми, 5 таноб ери бўлса $\frac{3}{1}$ қисми миқдорида солиқ тўлаганлар.

Хонликдаги солиқлар, уларнинг турлари, миқдори, ундириш тартиби турлича бўлган. Солиқлардан ташқари аҳоли турли мажбу-риятларни бажариши шарт эди. Каналларни тозалаш, янгиларини барпо этиш учун илк баҳорда ўз ерига эга бўлган, ҳар бир хонадондан бир киши жалб этилиб, 15 кун ишлаб бериши шарт бўлган.

Хонликда асосий судлов ишларини қозилик идоралари томонидан амалга оширилган. қонун чиқарувчи, ижро этувчи, олий шахс хон бўлиб, оғир жиноятларни ўзи кўриб ҳал қилган. Ундан кейинги ўринда Бош судья – қозикалон турган. Хонликдаги барча вилоят, туман касаба, шаҳарларда хон томонидан тайинланган қозилар бўлиб, улар ўз ёрдамчилари – муфтилар ёрдамида мулкчилик билан боғлиқ можораларни ҳал қилиш, майда жиноятларни очиш ва шу каби ишлар билан шуғулланган. Вилоятлардаги жиноятларни кўриб чиқишда маҳаллий ҳокимнинг иштирок этиш ҳукуқи бор эди. қишлоқлардаги майда можароларни қишлоқ оқсоқоллари томонидан ҳал қилинади.

Айбдорларга нисбатан ўлим жазоси, тана аъзоларини (бармоқ, қўлини) кесиш, калтаклаш, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима солиш ва бошқа жазо чоралари тайинланарди.

Хонлик ҳаётида Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) томонидан ўтказилган сиёсий, иқтисодий, маъмурий ислохотларининг аҳамияти катта. Ислохотларга кўра хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш таъсис этилган, солиқлар тартибга солинади. Уларнинг мунтазам равишда йиғилиши туфайли хазина даромадлари ошиб боради.

Божхона ташкил этилиб, ташқи савдодан келадиган даромадлар кўпайтирилган. Ички муомала учун олтин ва кумуш тангалар зарб этилган. Ороликлар- қорақалпоқлар Хива таркибига қўшилган.

Қўқон хонлиги. Бухоро тахтига ўтирган, Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида (1702-1712) хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашиб, марказий ҳокимият янада заифлашган. Бундан фойдаланган Чодак хўжалари 1709 йилда Фарғонада кўзғолон кўтариб, мустақил давлат тузилганлигини эълон қилади ва 1710 йилда ўзбекларнинг минг қабиласи бошлиғи Шохрухбий ҳокимият тепасига кела-ди. Дастлаб қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва улар атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олган давлат ҳудуди Шохрухбийнинг вориси Муҳаммад Абдурахимбий тахтга ўтиргандан сўнг анча кенгаяди. Андижон, Хўжанд, Бухорога тегишли Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳари хонлик таркибига киритилади. Қўқон қишлоғи яқинида янги шаҳар қурила бошланган. Бу шаҳар дастлаб «Калъаи Раҳимбий» деб аталган. Шаҳар

битгандан сўнг давлат пойтахти Тўрақўрғондан қўқонга кўчирилади ва давлат пойтахт номи билан Қўқон хонлиги деб атала бошланади.

Олимбек даврида (1801-1810) Қўқоннинг сиёсий мавқеи анча ошган. Дастлаб у ҳарбий ислохотлар ўтказиб, қўшинини анча кучайтирган. Ҳарбий юришлар натижасида Ангрен воҳасини, Тошкент, Чимкент ва Туркистонни ўзига бўйсундирган. Дастлаб давлат ҳукмдори ўзларини “бий” ва “бек” унвонлари билан давлатни бошқаришган.

1805 йилдан бу давлат расман Қўқон хонлиги деб эълон қилинди ва Олимхон “хон” унвони билан ҳокимиятни бошқарган.

Хонлик тарихида «амир-ул-мусулмин» унвони билан ҳукмронлик қилган Умархон, унинг ўғли Мадалихон “ғози” (яъни дин ҳомийси, дин йўлида курашувчи) каби кўплаб ҳукмронлари давлатни бошқаргани маълум.

Қўқон хонлиги ер эғалиги ишлаб чиқаришга асосланган давлат бўлиб, ижтимоий табақалар, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи қўшни Бухоро хонлигидан фарқ қилмаган. Давлатда хон ва унинг яқинлари марказий ва маҳаллий бошқарувни амалга оширган. Вазири ул-вузаро, амир ул-умаро деб номланган ижтимоий табаканинг, ҳарбий-маъмурий амалдорларнинг мавқеи жуда юқори бўлган. Бу амалдорлар ўз хизматлари эвазига муайян маош олишдан ташқари ер мулкларига ҳам эга бўлганлар.

Рухонийлар, маълум даражада ерлари бўлган деҳқонлар, савдо-гарлар, ҳунармандлар тўла ҳуқуқларга эга эди. Паст ҳуқуқий ҳолатга эга бўлган ерсиз деҳқонлар ва қисман қуллар ҳам мавжуд эди. қарам ҳолатига тушиб қолган деҳқонлар ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Айниқса Тошкентда ер эгаларининг ер, боғларни ишлаб берганлар “қора қозонлар” деб аталган, хонликда ёлланиб ишлаш ҳам тарқала бошлаган.

Қўқон хонлигида хонларнинг ер мулкларининг ўзига хос шакллари ҳам мавжуд бўлган.

Хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар қуйидаги шакл-ларда бўлган.

1. Хос мулки – ундан келадиган даромадлар хон саройи ва соқчиларга сарф қилинган.

2. Тақик ерлар ёки куруқ ерлар. Бундай ерлар илгари барчага, жамоага тегишли ҳайдалмайдиган далалар, ўтлоқлар, камишзор ва чакалакзорларни хонлар ўзлариники қилиб олишлари натижасида вужудга келган.

3. Чек ерлар. Хон ва унинг оила аъзолари тасаруфидаги ерлар.

Булардан ташқари амлок ерлар яъни давлат ерлари ҳамда “мулки ҳур холис” ерлар (бундай ер эғалиги давлатга тегишли ерлар-ни хусусий кишиларга сотиш) вужудга келган. Йирик ер эгалари, бойлар ерларни сотиб олиб, ундан давлат хазинасига солиқ тўламас-дан, шу ерда ишловчи деҳқонларни бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган Давлат бошлиғи бундай ерларни сотишда ер эгаси сифатида қатнашган, улар васиқалар орқали расмийлаштирилган.

Хонликда ер эғалигининг “танҳо” шакли ҳам кенг тарқалган бўлиб, бундай ерлар хонга хизмат қиладиган аскарларга шартли хизмат муддатига ер берилган. Бундай ерларни бошқаларга сотиш, бериш, мерос қолдириш мумкин бўлмаган.

Шунингдек бу хонликда ҳам хусусий ва жамоа эгалигидаги ерлар, вақф ерлари мавжуд бўлган.

Қўқон хонлигида давлат бошқаруви тизими Моворауннахрдаги ўрта асрлардаги давлатлар бошқарув тизимига жуда ўхшаш бўлган.

Хонликда мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган ва қадимги одатларга кўра, сайланиб қўйиладиган хон чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлиб, у ҳарбий-маъмурий, диний амалдорлар ёрдамида давлатни бошқарган. Дастлабки ҳукмдорлар «бий» унвони билан ҳокимиятни бошқарган, Олимхон давридан (1805) эса «хон» унвони билан юритила бошлаган.

Хон саройида муҳим ишларни кўриб чиқадиган Кенгаш тузилган бўлиб, унга “мингбоши” бошчилик қилган. Аъзолари дастурхончи, рисолачи ва яна баъзи муҳим амалдорлар бўлган. Давлатни бошқаришда бу Кенгашнинг ҳам ўрни катта эди. Сарой амалдорлари ичида минг боши (бош вазир) ва амири лашкар (ҳарбий вазир), қуш-беги – хон маслаҳатчи ёки вилоят ҳокими, парвоначи (хон маслаҳатчиси), шиғовул, худойчи хоннинг ёрдамчиси, тунқатор, хон ётоғи посбони, тундан топшириқларни бажарувчи, ноиб (сарбозлар бошлиғи) оталиқ, додхоҳ, меҳтар боши, дастурхончи, тўқсоба, девонбеги, мирзабоши, саркор ва бошқа муҳим амалдорлар ҳисобланганлар. Улар ўз хизматлари эвазига маош ва тегишли ер мулклари олишган.

Мансаблардан амирлашкар ва мингбошиликка бир киши тайинланган.

Булардан ташқари шариат, суд ишларига оид мансабдор муддарис, Шайх ул ислом (раис), Олий суд-қозиул кузот, қози-калон бош қози, катта қози, қози аскар, махсус қози, аълам (ҳуқуқий-маслаҳатчилар бошлиғи), муфти ва бошқа мансабдорлар бўлган. Бу мансабларни ишга тайинлаш ва фаолияти устидан назорат қилувчи мансабдор шахс “шиғовул” деб аталган.

қўқон хонлигидаги барча мансаблар уч тоифага олий, ўрта ва паст даражаларга ажратилган.

Қўқон хонлигининг асосий ҳудудини Фарғона водийси, Тошкент вилояти, Хўжанд, Ўратепа, Жанубий Қозоғистон ва ҳозирги Қирғизистон Республикалари ташкил қилган. Хонлик маъмурий жиҳатдан бекликларга бўлиниб бошқарилган. Уларнинг кўпчилиги турли даврларда хонлик таркибига кириб чиқиб турган. Асосий бекликлар сифатида Наманган, Марғилон, Андижон, Тўрақўрғон, Ўш, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Чимкент ва бошқалар бўлган.

Бекликлар хон томонидан тайинланадиган ҳоким – қушбеги томонидан бошқариладиган, кичик маъмурий бирликлар амин ва оқсоқоликларга бўлинган.

Хонлик қўшинлари ўша давр қонун-қоидалари асосида 10 минглик, минглик, юзликларга бўлинган. ҳарбий маъмурий амалдорлар ичида йирик шаҳарлар ва бекликлар ҳокимлари- қушбегилар Олий ҳарбий амалдорлар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўз қўшинига эга бўлган.

Қўшин асосан отлик аскарлар, пиёдлар ва сарбозлар, тўпчилардан иборат бўлган. Хизматга чақирилган сарбозлар қушбеги томонидан озиқ-овқат жиҳатидан тўла таъминланган, аммо қурол яроғини ўзи сотиб олган, хон эса қўқон (шаҳри) вилоятининг қўшинларини таъминоти билан ўзи шуғулланган.

Тинчлик пайтлари сарбозлар тарқатилган, фақатгина кушбегининг соқчилари қолган. Улар бир вақтнинг ўзида қўшин ҳамда хизматкор бўлиб ҳисобланган. Кейинги даврларга келиб домий армия шакллана бошлаган, маълумотларга кўра хонлиқнинг харажатлар жадвалида ботирлар сони 8 000 деб кўрсатилган, уларнинг ҳар бирига 50 танга маош тўланган.

Хонлиқдаги мавжуд солиқлар тизими шариат қонун-қоида ларида белгиланган тартибда ундирилган. Шу билан бирга аҳолидан кўплаб майда солиқлар, жарималар ундириб олинарди. Савдогарлар ва чорвадорлар закот солиғини, хунармандлар турли солиқлар (тамға, жой солиғи) тўларди. Солиқлар нақд пул ёки маҳсулот тарзида ундириб олинган. Солиқ йиғувчи амалдорлар “танобчи”, “закотчи” деб аталганлар. Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ва вақтида йиғилиши шарт бўлсада, амалдорларнинг ихтиёри билан ўзгариб ҳам турган. ҳарбий юришлар пайтида эса солиқларнинг тури ва миқдори оширилган.

Солиқлардан ташқари аҳоли мажбурий равишда турли ишларга каналлар қазилар, ариқларни тозалаш, ободончилик ишларига, турли қурилишларга жалб қилинган.

Хонлиқнинг асосий ҳуқуқ манбаи сифатида шариат ҳуқуқи амалда бўлган. Қозоқ ва қирғизлар яшайдиган жойларда эса одат ҳуқуқи амалда бўлган. Ер, сув, давлат хизмати билан боғлиқ масала-лар хоннинг фармонлари билан тартибга солинган.

Академик Х.Сулайманованинг фикрига кўра, кўкон хонлигида жиноят ҳуқуқи алоҳида хусусиятлари билан ажралиб турган. Жиноятлар давлатга қарши қаратилган жиноятлар, диний, мулкка, шахсга, оилага қаратилган жиноятларга бўлинган. Давлатга қарши қаратилган жиноятлар динга ҳам қарши қаратилган деб ҳисобланган.

Бундай жиноятларни хонни ўзи кўриб ҳал қилган. Кўпчилик ҳолларида уларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган. Ўлим жазоси сазойи қилиш билан бирга, осиб ўлдириши шаклида ижро этилган.

Сазойи қилиш жазоси ҳам оғир шаклда қўлланилган. Масалан: Оқ масжидда Русия солдатлари билан уруш олмай қочган кўкон қўшинларининг бошлиғи Шодмонкул сазойи қилинган. Манбаларда келтирилишича, унинг ижроси қуйидагича бўлган... Хўжанд ўртаси-да жамши азимнинг ўртасида Шодмонкулнинг бошига хотинлар рўмоли ўратилиб, олдида чарх дўк қўйиб, шармандаю-шармисор қилибдилар.

Шунингдек 1813-1814 йилларда Русия савдо карвонларининг таржимони сифатида Кўконда бўлган Ф.Назаров қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «хукумат савдогарларни кам ўлчаб, ошиқча тортмасликлари устидан қаттиқ назорат қилади. Менинг кўз ўнгимда кам ўлчаб, кам тортиб берган бир кимсани ялонғоч ҳолда кўчаларда қамчи билан уриб, олиб юришганларини кўрдим».

Жазонинг мақсади келтирилган зарарни қоплаш, ҳамда халқни кўрқитишдан иборат бўлган. Жазолар очиқ ҳолда кўпчилик тўпланган гавжум жойда ижро этилган. Озодликдан маҳрум қилиш зиндонда ўталган. Зиндонлар чаён, каналар билан тўлдирилган.

Махсус хоналар ҳам бўлган, ёки маҳбусларни устидан чаёнлар-ни йиғиб ташланган.

Дин билан боғлиқ жиноятларга дахрийлик бошқа динни қабул қилиш, диний кўрсатмаларни бузиш, диндан қайтиш, хон режимини таъқиқ қилиш, бошқа диндаги киши билан никоҳга кириш, шариат тақиқлаган овқатларни ейиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғондан қасам ичиш кабилар кириб уларга дарра билан уриш, мамлакатдан қувиб юбориш ва қатл этиш каби жазолар қўлланилган.

Шунингдек, хонликда асосий яшаш жойидан қувиб юбориш, жиноят содир этган кишини ёки унинг оила аъзоларини хон армия-сига аскарликка бериш, мулкни йўқотиш, мусодара қилиш каби жазо-лари берилган. Одам ўлдирилганлиги учун қотил ўлган одамнинг қариндошларига берилади. Улар уни сотиб юборишлари ёки қон учун хун олишлари мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Амир Шохмурод амалга оширган ислохотлари қайси тўпламга жамланган ва улар қандай ислохотлар бўлган?
2. Бухоро амирлигида амлоқ ерларидан қанча миқдорда солиқ ундириш белгиланган?
3. Амирликда ҳарбий-маъмурий амалдорлар қандай қандай номланган?
4. Мухаммад Рахимхон қандай ислохотларни амалга оширган?
5. Хива хонлигида шартли ер эгалиги қандай номлаган?
6. Хива хонлигидаги нуфузли ижтимоий табақа кимлар эди?
7. Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
8. Қўқон хонлигида қайси мансабларга битта шахс тайинланган сабабини тушунтириб беринг?
9. Ўрта осий хонликларида жиноят ва жазо масалаларини қиёсий таҳлил этинг. Улардаги умумийлик ва фарқли томонларни ажратинг.
10. “Хонликларда суд ва судлов” мавзусида мустақил иш тайёрланг.

Адабиётлар:

1. А.Саидов, Ж.Тошқулов, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. ИИВ Академияси, Т., 1995.
2. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Самарқанд. Зарафшон. 1998.
3. М.Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Т., Ғ.Ғулом. 1994 й.
4. Абулғози. Шажараи Турк. Т., Чўлпон. 1992 й.
5. Х.Сулаймонова. Собрание сочинений в трех томах. Фан. Т., 1967. Том 1.
6. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., Фан. 1973.
7. Б.А.Ахмедов. История Балха. Т., Фан. 1982 й.
8. Р. Исфаконий. Мехмонномаи Бухоро. М.Наука. 1976й.

9. П.И.Демизон. Бухоро хонлиги ҳақида рисола. Москва. Наука. 1983 й.
10. Межма ал-арқам. М., Наука 1981 й.
11. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Т. Фан., 1958 й.
12. М.И. Йўлдошев. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т.Фан. 1959 й.
13. А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.Шарк, 2000 й
14. М.Наршахий. Бухоро тарихи. Т.Фан., 1966 й.
15. М.Ҳамидова. "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Ўқув қўлланмаси.Т-2005.

ЯНГИ ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

Чор Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистон давлати ва ҳуқуқи

Режа:

- 1. Туркистонда Чор Россияси ҳукмронлигини ўрнатилиши.**
- 2. Генерал-губернаторликнинг марказий ва маҳаллий бошқаруви.**
- 3. Генерал-губернаторликнинг суд тизими.**
- 4. Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги ҳуқуқ манбалари.**
- 5. Россия протекторати даврида Бухоро амирлигининг давлати ва ҳуқуқи.**
- 6. Россия протекторати даврида Хива хонлигининг давлати ва ҳуқуқи.**

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида XIX асрнинг 60-йилларини «янги давр»нинг бошланиши деб аташ мумкин. Бу бевосита Туркистон ўлкасини, жумладан Ўзбекистон ҳудудини чор қўшинлари томонидан босиб олиниши билан характерланади. Маълумки, Чор қўшинлари бирин кетин Оқмачит (қизил Ўрда) Тўқмоқ, Пишкёк, Авлиё ота (Жамбул), Туркистон ва Чимкентни босиб олди. Босиб олинган ҳудудларда 1865 йилда Туркистон вилояти ташкил қилинди. Тошкент, Ниёзбек, Хўжанд, Ўра-тепа, Жиззах қалъарини босиб олиниб, 1867 йил 4 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги, кейин-чалик Туркистон ҳарбий округи ташкил этилди. Губернаторликнинг маркази қилиб Тошкент шаҳри белгиланди. Губернаторликда маркази Тошкент бўлган Сирдарё, маркази Верний (Алма-ота) бўлган Еттисув вилоятлари ташкил қилинди. 1868 йилнинг май ойига келиб Самарқанд, Каттақўрғон, Зирбулоқ чор қўшинлари томонидан эгалланади ва Зарафшон округи ташкил этилди.

Шу йилнинг ёз ойларида Бухоро амирлиги босиб олинди. Бухоро-ро амирлиги билан Россия империяси ўртасида Сулҳ шартномаси имзоланди. Мазкур шартномага кўра Бухоро амирлиги Россиянинг вассали эканлиги, унга 500 минг сўм уруш тавони тўлаши, чет эллар билан мустақил сиёсий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Самарқанд ва Каттақўрғон вилоятларини Россияга бериш ҳақида келишиб олинган.

1870 йилга келиб чор қўшинлари Шахрисабз, Китоб, Кизил Арватни, 1873 йилга келиб эса Хазарасп, Хива ва Чандир қалъаларни босиб олганлар. 1873 йил август ойида Россия империяси билан Хива хонлиги ўртасида тузилган Сулҳ шартномасига кўра, Хива хонлиги Россиянинг вассалига айланган.

У мустақил ташқи сиёсий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди ва Россияга 2 млн. 200 минг сўм тоvon тўлаш мажбуриятини олган. Хонлик пойтахтига яқин жойда Петр-Александровский қўрғони ташкил этилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди.

1875 йилга келиб Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган чор қўшинлари томонидан босиб олинган. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Фарғона вилояти ташкил қилинган.

Чор ҳукуматининг пухта ўйлаб, аниқ режа асосида изчиллик билан олиб борган мустамлакачилик сиёсати туфайли Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига" айлантирилган. Дастлабки даврдаёқ ўлкадаги олтин, нефть, кўмир ва бошқа ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ишларини қизитиб юборишган. Ўрта Осиё тилласи, пахтаси, қорақўли, пилласи, турли қуруқ ва хўл меваси Россия санъатининг асосий хом ашёсига айланган.

Туркистонда мустамлака ва бошқарув идоралари, ҳукуқ тизимининг шаклланиган босқичма-босқич амалга оширилган. Туркистон вилоятини бошқариш, ҳудудда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш жараёнида шаклланган муносабатларни тартибга солишнинг ҳукуқий замини сифатида 1865 йилнинг 6 августида Россия императори томонидан тасдиқланган «Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Муваққат Низом» хизмат қилди. «Муваққат Низомга» биноан, вилоятда ҳарбий халқ бошқарувининг амалга ошириш ваколати ҳарбий губернаторга берилган бўлиб, у ўз ваколатини ўз ёрдамчилари ва девонга таянган ҳолда амалга оширар эди. Бу даврда чор маъмурларига ўлкани муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳарбий қўшинни барча керак бўлган нарсалар билан таъминлаш; маҳаллий маъмурлар фаолиятини назорат қилиш юклатилган эди. Перовский, Туркистон, Чимкент, Авлиё ота ва Тўқмоқ уездлари бошлиқлари жойлардаги ҳокимиятни амалга оширар эди. Улар вилоят ҳарбий халқ бошқармасига бўйсунганлар. Маҳаллий маъмурларга ўзлари бошқараётган ҳудудлардан ўтадиган карвонлар хавфсизлигини таъминлаш; ўрмонларни муҳофаза қилиш чораларини кўриш; сугориш иншоотларини яроқли ҳолат ва сақлаш, қирғизлар билан ўзбекларнинг сувдан фойдаланишлари билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф қилиш; солиқлар йиғишни ташкил қилиш; юқори бошлиқлар кўрсатмаларининг ўз вақтида тўғри бажарилишини назорат этиш; солиқлар ва мажбуриятлар миқдори тақсимланиши билан боғлиқ аҳолининг норозиликлари ва шикоятларини юқори бошлиқларга етказиш; судда ишларнинг тўғри қурилишини кузатиш каби ваколатлар берилган эди.

Умуман олганда, дастлабки даврларда Туркистонда ташкил этилган мустамлака бошқаруви маҳкамаси унчалик катта бўлмаган. Кейинчалик эса, кенг кўламда олиб борилган босқинчилик ҳаракат-лари натижасида Туркистон вилоятининг ҳудудларининг кенгайти-рилиши, бир томондан, иккинчи томондан эса, маҳаллий халқларнинг истебдодига қарши норозилигининг кун сайин кучайиб бориши, мустамлака бошқаруви идоралари тизимини янада такомиллаштириш, Туркистонликларни итоатда тутиб туриш учун зарур тартиб-интизомни жорий қилишни тақозо қилган. Бу муаммони ҳал қилишда махсус комиссияни 1867 йилда ишлаб чиққан «Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқариш ҳақидаги Низом» лойиҳаси ҳукуқий асос сифатида хизмат қилди. Низом лойиҳаси расман давлат бошлиғи томонидан тасдиқланмаган бўлсада, то 1886 йилгача Туркистон ўлкасида амал қилган.

«Низом» лойиҳасига биноан, ҳарбий халқ бошқаруви бўйича Туркистон ўлкасини бошлиғи - генерал-губернатори империя ҳарбий вазирига бўйсунарди, унинг бошқарув соҳасидаги ҳукуқий мақоми эса, империянинг бошқа қисмлари

губерналари бошлиқларининг ҳуқуқий мақомига тенглаштирилган. Унга қўшни давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориш, ердан ва етиштирилган ҳосилдан олинадиган солиқлар, солиқ йигувчиларга бериладиган почта ва телеграф бошқармаси билан келишилган ҳолда алоқа хизматидан фойдаланганлик учун, ҳарбий ҳаракатлар вақтида юкларни ташигани учун тўланадиган ҳақ миқдорини, ўлкани бошқаришга ажратилган маблағлар доирасида ҳарбий халқ бошқарувининг турли йўналиш-лари бўйича харажатларни белгилаш, ўлкадаги ўқув юртларга ҳомийлик қилиш, судларнинг чиқарган ҳукмларини тасдиқлаш каби ваколатлар берилган.

Ҳисоб-китоб бўйича ва ёзишмаларни ташкил қилиш ишлари Туркистон генерал-губернатори Канцелярияси (Девонхона)да жамланган бўлиб, унда дастлаб 18 та ходим хизмат қилган бўлса, кейинчалик қурилиш қўмитаси, тоғ ишлари бўлими, кимё лабораторияси, Туркистон жамоатчилик кутубхонаси ва музейи, «Туркистон ведо-мостлари» рўзномаси таҳририяти ва ҳарбий халқ бошқаруви босма-хонасининг ташкил этилиши муносабати билан ходимлар сони 1882 йилда 49 кишига етган.

«Низом» лойиҳаси бўйича ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти вилоятларда ҳарбий губернатор қўлида тўпланган бўлиб, унинг фуқаролик бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари салтанат вилоят бошлиқларининг ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар билан, ҳарбий соҳадаги ҳуқуқлари эса Туркистон ҳарбий округи ҳақидаги «Низом» билан белгиланган эди. Ҳарбий губернатор ҳузурида вилоят бошқармаси бўлиб, уни ҳарбий губернатор ёрдамчиси бошқарар эди. Вилоят бошқармасида фармойиш берувчи, хўжалик ишлари ва суд бўлим-лари бўлиб, ҳарбий губернатор лозим топган барча масалалар бошқарманинг мажлисида муҳокама қилиб, у бўйича тегишли қарор қабул қилар эди. 1865 йилдаги судлов ишлари ҳақидаги «қоидалар»га биноан вилоят бошқармаси мировой судлар ваколатига кирмайдиган қиймати 2000 сўмдан ортиқ фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилар; тижорат суди вазифасини ўтар; хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ жиноий ишларни кўриб, ҳукм чиқарар; мировой судлар қурултойи сифатида жиноят ва гражданлик ишлари бўйича узил-кесил қарор қабул қиларди.

«Низом» лойиҳаси бўйича вилоятлар маъмурий-ҳудудий жиҳа-тидан уездларга бўлинган бўлиб, улар маъмурий ва полиция ҳоки-миятини амалга оширувчи уезд бошлиғи томонидан бошқариларди. Унга уездда осойишталик, тартиб-интизомни ва хавфсизликни таъминлаш чораларини қуриш, маҳаллий маъмурлар фаолиятини, волост (бўлис) ва пул йиғимларини ўтказилишини, халқ судьялари (бий ва қозилар) фаолиятини, давлат ва маҳаллий солиқларни тўғри ва ўз вақтида ундирилиши, йўллар, кўприклар яроқлигини, мактаблар очиш ва уларни ободонлаштириш, ишларини назорат қилиш ваколатлари берилган ва савдо саноат тармоқларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулайликлар яратиш вазифаси юклатилган эди. Ҳар бир уезд бошлиғи ҳузурида бошқарма ташкил қилинган бўлиб унда ўрта ҳисобда саккиз нафар зобит хизмат қиларди. Бўлисларни бошқариш ўтовлар вакиллари томонидан айланадиган старшиналарга (оқсоқолларга) юклатилган. Ўтроқ аҳоли яшайдиган жойларда аҳолиси нуфузли ва ҳуқуқий мақоми жиҳатидан бўлисга,

тенглаштирилган оқсо-қолликлар ташкил қилинди. Уларни бошқариш халқ йиғинларида сайланадиган оқсоқолларга юклатилди. Оқсоқоллар бўлислар ва овулларнинг бошлиқларига ўзлари бошқарадиган ҳудудларда маъму-рий ва полиция ҳокимиятини амалга ошириш ваколати берилди. Ўтроқ аҳолининг жамоа ҳўжалигини бошқариш ундириладиган солиқларни белгилаш ишларини амалга ошириш учун шаҳарлар ва қишлоқларда ҳўжалик ишлари бўйича жамоатчилик ишлари асосида ишлайдиган бошқармалар тузилди. Бу бошқарманинг аъзолари аҳоли томонидан сайланган. Кўчманчи халқдан ундириладиган солиқни ўтовлар ва овуллар ўртасида тақсимлаш ва уларни ундиришни амалга ошириш бўлис бошлиқлари ва рус маъмурлари назорати остида иш кўрувчи бўлис аҳолиси томонидан сайланадиган вакилларга юклатилган.

1867 йилдаги «Низом» лойиҳасида Тошкентдан бошқа шаҳар-ларда бошқарув идорасини ташкил этиш кўзда тутилмаган эди. Лойи-ҳага биноан шаҳарлар ва каттароқ аҳоли яшайдиган жойлар даҳаларга бўлиниб, уларни ҳар қайси оқсоқол томонидан бошқарилган.

1867 йилги «Низом» лойиҳасида Туркистон ўлкасида суд ҳокимиятини амалга ошириш масаласи ҳам ўз аксини топган эди. Унда кўчманчи ва ўтроқ, рус аҳолиси учун алоҳида суд органларини ташкил қилиш керак эди. Лойиҳада кўчманчи аҳоли учун ҳар бир бўлисида 4-8 нафар бийлар сайлаш кўзда тутилган бўлиб, бу лавозимга 25 ёшга тўлган муқаддам судланмаган, тергов қилинмаётган киши аҳоли томонидан уч йил муддатга сайланиши мумкин эди. «Низом» лойиҳасида бийлар уч турга бўлинади;

100 сўмгача (беш от ёки 50 қўй) қийматга эга бўлган ишларни кўрувчи, даъволашувчи томонлар томонидан танланадиган битта ёки бир нечта бийлар қиймати қанчалигидан қатъий назар, барча ишларни кўрадиган қиймати, 1000 сўмгача даъволарни кўриб, узил-кесил ҳал қиладиган вақти-вақти билан чақириладиган волост бийлари курултойи;

Рус судлари

1. Уезд судлари, қиймати 2000 сўмгача бўлган низоларни кўрган судьялари Уезд губернатор томонидан тайинланган, уларни фаолиятини назорат қилиш вилоят бошқармаларига юклатилган.

2. ҳарбий суд комиссиялари;

3. Вилоят суд бошқармалари. ҳарбий халқ бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жиноий ишларини кўрган (1864й. Суд тузуқрига асосан).

1. Уезд судлари - улар мансабдан юзасидан ҳуқуқ ва бурч-ларини амалга ошириш, мансабдорлардан жарима ундириш билан боғлиқ маҳаллий ишларни кўриб ҳал қилиш, мулк ҳуқуқидан маҳрум этиш, ёки уни чеклаш жазоси қўлланиши мумкин булган жиноий ишларни кўриб, ҳукм чиқарган; қиймати 2000 сўмгача бўлган даъво-лар ва низоларни судга кўриш учун қабул қилган, 100 сўмгача қий-матга эга фуқоролик ишларини кўриб, узил-кесил ҳал этиш; суд тер-говини амалга ошириш ваколатлари берилган.

2. ҳарбий - суд комиссиялари; - улар ҳарбий жиноят тузугида кўрсатилган ватанга хиёнат қилиш, кишиларда ҳукуматга қаршилиқ кўрсатиш

ҳиссини уйғотиш, давлат транспортига хужум қилиш, христианларни, христианликни қабул қилишни истовчи кишиларни ва мансабдор шахсларни ўлдириш каби жиноий ишларни кўриб ҳукм чиқарар эди.

3. Вилоят бошқармалари - улар уезд судлари ваколатига тааллуқли бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш,

1864 йилдаги «Суд тузуклари»га биноан уезд судьялари қарор-лари бўйича ариза ва хусусий шикоятларни кўриб, тегишли қарор чиқариш, умумий қарорлар ва 1865 йилги 11 октябрда император томонидан тасдиқланган «қоидалар» асосида ҳарбий халқ бошқаруви мансабдор шахсларнинг жиноий ишларини, талончилик, босқинчи-лик, бировларнинг ерига хужум қилиш, ўт кўйиш йўли билан мулкка зарар етказиш, очикдан-очик ҳокимиятга қаршилик кўрсатиш, сохта пул ясаш ва уни муомалага киритиш, давлат мулкни ўғирлаш, давлат бошқаруви қоидаларини бузиш, туб аҳолидан чиққан мансабдорлар жиноятларини кўриб ҳукм чиқаришган.

Туркистон ўлкасида Россия салтанати фуқаролари нуфузининг тобора ўсиб бориши уларнинг манфаатлари билан боғлиқ ишларни кўрадиган суд идораларида айрим ўзгаришлар киритишни тақазо этган. Жумладан, айрим туманларда судда иш кўриш ва тергов ишларини бир кишига юклатиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилиб, бу ишлар алоҳида-алоҳида шахсларга юклатилганди. Айрим уездларда (маса-лан, Вернийда ҳозирги Олма-отада) рус фуқаролари ишини кўрадиган судьялар сони кўпайтирилган.

Туркистон ўлкасида савдо-сотиқнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда тузилган шартномаларни нотариал гувоҳлантириш, эҳтиёжини ҳисобга олиб, генерал-губернатор Кауфманнинг 1880 йил 1 майдан эътиборан, «Нотариал қисм ҳақидаги» Низомни кучга кирди. «Низом»га биноан, Тошкент ва Верний шаҳарларида нотариал идоралар ташкил этилган. Бошқа шаҳарларда эса нотариуслик вазифаси туман судьяларига катта нотариуслик вазифаси эса, вилоят бошқармалари суд бўлими бошлиқлари зиммасига юклатилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Туркистон ўлкаси вилоятларини бошқаришда, уларда суд ва полиция ҳокимиятини, амалга оширишда ягона тартибнинг йўқлиги, сезилиб турарди. Бунинг сабаби ўлканинг турли минтақаларида ҳокимиятни амалга ошириш турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги эди. Сирдарё ва Ёттисув вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги 1867 йилдаги «Низом» лойиҳаси, Зарафшон округи генерал-губернатор Кауфман томонидан 1868 йилда тасдиқланган «Вақтинчалик низом» Фарғона вилояти 1873 йилда Кауфман томонидан тақлиф этилган «Низом» лойиҳаси, Амударё бўлими 1874 йилда Туркистон генерал-губернатори тасдиқлаган «Муваққат» қоидаларга биноан бошқариладди.

1882-1883 йилларда махфий маслаҳатчи Гирс бошчилигидаги Туркистон ўлкасида ўтказилган сенат тафтиши бу ердаги бошқарув соҳасидаги камчиликлар, қарама-қаршиликлар, суистеъмолликларни очиб ташлади. Тафтиш натижалари чор ҳукумати Туркистон ўлкаси-да ўзининг мустамлакачиликни тўла-тўқис амалга ошириши учун бу ўлканинг бошқариш тизимида ягона тартиб жорий этилиши лозим деган хулосага келинган. Шу муносабат билан 1884 йилда Гирс тақлифига биноан, махсус комиссия ташкил

этилди. Мазкур комиссия томонидан тайёрланган «Муваққат ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» лойиҳасини 1886 йил 12 июнда Россия императори тасдиқлади. Мазкур «Низом» унча кўп бўлмаган қўшимчалар билан 1917 йилнинг ўрталаригача амал қилди.

«Низом»га кўра маъмурий-худудий тузилишда чор ҳукумати-нинг Туркистондаги ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш, уни бош-қариш учун сарфланадиган давлат маблағларини қисқартириш, ўлка халқларини эксплуатация қилиш ва унинг табиий бойликларини талаш эвазига келадиган даромадларни янада кўпайтиришдан иборат эди.

«Низом»га кўра маъмурий-худудий тузилишда катта ўзгариш-лар қилиш кўзда тутилмаган эди. Айни пайтда ўлкадаги чор маъмурларининг ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторига Амударёнинг чап қирғоғида жой-лашган аҳоли яшайдиган худудлар бўйсундирилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан бевосита алоқалар ўрнатиш, уларнинг фуқароларини Россия фуқаролигига қабул қилиш, қийматидан қатъий назар, барча савдо шартномаларини, қиймати 30000 сўмгача бўлган қурилиш ишларининг лойиҳалари ва харажатларини тасдиқлаш, сиёсий нуқтаи назардан зарарли деб ҳисобланган туб аҳоли вакилларини ички ишлар вазирлиги билан келишилган худудларга 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга сургун қилиш, қўшни давлатларнинг фуқаро-ларини (агар уларнинг амалга ошираётган фаолиятини зарарли деб ҳисобласа) ўлкадан умуман чиқариб юбориш, рус фуқароларини Россиянинг Бухородаги Сиёсий мулозими ва Амударё бўлими бошлиғи тақдимига биноан, Бухоро ва Хивадан бадарға қилиш, ўлкадаги ижтимоий тартибга ва аҳолининг осойишталигига хавф туғдирувчи одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, ҳокимиятга қаршилиқ кўрсатиш каби жиноятларни содир этган шахсларнинг ишини ҳарбий ҳолат шароитида амал қиладиган қонунларга биноан ҳарбий судда кўриб, уларнинг жавобгар қилинишини императордан сўраш каби қўшимча ваколатлар берилди.

«Низом»да Туркистон генерал-губернатори ҳузурида унинг ёрдамчиси раислик қиладиган Кенгаш ташкил қилиш, унга Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернаторини, Тошкент шаҳар суд палатаси прокурорини, хазина, назорат палаталари, деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармаси, Туркистон ҳарбий округи штаби ва генерал-губернатор девонхонасининг бошлиқларини, молия вазирлигининг доимий вакилини доимий аъзо, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари-нинг ҳарбий губернаторларини, улар Тошкент шаҳрида бўлган пайт-ларида вақтинчалик аъзо қилиб киритиш кўрсатилган эди. Бундан ташқари, Кенгаш ишида маслаҳат овози билан оммавий халқ истеъмол маҳсулотларидан ундириладиган йигимлар бўйича бошқарувчи, генерал-губернатор фармойиши билан таклиф қилинган шахслар қатнашса бўларди. Кенгашга қонунчилик соҳасидаги барча масала-ларни, маҳаллий мажбуриятлар харажатларини кўриб чиқиш, улар-нинг миқдорини белгилаш, харажатларнинг тўғри бажарилишини назорат қилиш, ортиқча харажатларга рухсат бериш, ердан фойдала-ниш ва солиқ ундириш ишларига умумий раҳбарлик қилиш, солиқлар ҳақида таклифлар киритиш, генерал-губернатор номига солиқлар масаласи бўйича келган шикоятларни кўриб чиқиш ва генерал-губернатор

Кенгашда муҳокама этилиши лозим деб ҳисобланган бошқа масалаларни ҳам кўриб ҳал этиш ваколатлари берилган.

«Низом»га ва унга кейинчалик киритилган қўшимчаларга биноан, ҳарбий губернаторларнинг ҳуқуқий мақоми Россия империяси губерниялари бошлиқларининг ҳуқуқий мақомига тенглаштирилди, уларга ўз ташаббуси билан ёки туман бошлиғининг берган маълумоти бўйича жамоат тартиби ва осойишталигини бузган туб аҳоли вакиллари, унчалик хавфли бўлмаган ҳуқуқбузарликни содир қилган маҳаллий маъмурларни 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қамаб қўйиш, бўлис бошлиқлари сайлови натижаларини тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик, бўлим бошлиқларини алмаштириш ва бошқа ваколатлар берилди. Туман бошлиқлари, уларнинг ёрдамчилари ва ҳудуд приставларига жанжаллашгани, жамоат жойларида шовқин кўтаргани, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатганлиги учун туб аҳоли вакиллари жазолаш ҳуқуқи берилди: уезд бошлиқлари 7 кундан ортиқ бўлмаган муддатга қамаш ёки 15 сўмгача жарима ундириш, уларнинг ёрдамчилари ва участка приставлари 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга қамаш ёки 3 сўмгача жарима ундириш ҳуқуқига эга эдилар. 1898 йил 10 июлда «Низом»га киритилган қўшимчага биноан юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни содир қилган маҳаллий аҳоли вакиллари уезд бошлиқлари бир ойгача муддатга қамаш ҳуқуқи берилди.

Туркистон ўлкасида чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати амалга оширишга бевосита алоқадор бўлмаган маҳаллий аҳоли ўртасидаги мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш, уни тасарруф қилиш, олиш-сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш, оила ва никоҳ, васийлик ва ҳомийлик, мерос, мажбуриятлар ва ҳамкорлик билан боғлиқ муносабатларини шариат ва одат қоидаларига кўра тартибга киритишга ижозат берилди.

Чор Россияси ҳукмронлиги даврида ўлка ҳуқуқ тизимида ҳам бир қатор жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жорий қилинди. Улардан "Туркистон вилоятини бошқариш ҳақида"ги муваққат Низом (6 август 1865 й), "Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги Низом" лойиҳаси (1867 й), Зарафшон округини бошқариш ҳақидаги "Муваққат Низом" (1868 й), "Фарғона вилоятини бошқариш ҳақидаги" "Низом" лойиҳаси (1873 й) "Амударё бўлимини бошқариш ҳақидаги "Муваққат қоидалар" (1873 й) "Туркистон ўлкасини" бошқариш ҳақидаги Низом (12 июн 1868 й) "Туркистон ўлкасининг қишлоқ мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва ваколат доиралари ҳақидаги" йўриқнома (17 сентябр 1888 й), "Туркистон ўлкасидаги суғориш ишларини бошқарувчи мансабдорлар, уезд бошлиқлари, ариқ оқсоқоллари ва миробларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги йўриқнома (2 август 1888 й), "Жиноятларни аниқлаш ва уларни содир қилганларни қидириб топиш бўйича, Туркистон генерал-губернатор-лигининг полиция хизматларига йўриқнома" (1892 й.) "ҳалқ судья-ларига йўриқнома" (1 декабр 1892 й) "Натариал қисм ҳақидаги Низом" (1 май 1880 й); 1864 йилдаги "Суд тузуклари", 1865 йил октябрда тасдиқланган "қоидалар" асосий ҳуқуқ манбалари бўлиб хизмат қилди.

Бухоро амирлиги давлати ва ҳуқуқи. Чор Россия билан Бухоро амирлиги ўртасида 1868 йилдаги “Сулҳ” ва 1873 йил 28 сентябрдаги “Дўстлик” шартномаларига кўра амирликнинг давлат тузуми ўзгаришсиз қолди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ички сиёсат соҳасида мустақиллик бериш эмас, балки катта маблағ ёки меҳнат сарфламасдан унга тегишли таъсир кўрсатувчи воситалар орқали мамлакатни бошқариш эди.

Дастлаб генерал-губернатор 1886 йилда Бухоро Россия империясининг сиёсий маҳкамаси таъсис этилган. Сиёсий маҳкаманинг асосий вазифаси “Дўстлик” шартномаси шартларига амал қилишни кузатиш, қўшни давлатга транзит тартибида жўнатиладиган рус молларидан солиқ олишга йўл қўймаслик, маҳаллий маъмурият ходимлари шарт-номага ҳилоф ҳолда бож ундирилишига йўл қўйса эгаларига қайта-риш, рус товарларидан қонуний йиғимлар ундиришга йўл қўймаслик, қарзга олинган молларни пулини тўлаш, корхонага маҳаллиф маъ-мурларни аралаштирмаслик, рус фуқаролари ўртасида келиб чиқадиган жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб ҳал қиларди. Янги Бухоро (Когон) шаҳри бошлиғи, Чоржўй, Термиз, қарши шаҳарларда эса ҳарбий бошлиқлар орқали амалга оширарди.

Умуман олганда сиёсий маҳкама Бухоро амири ва унинг ҳукумати устидан бевосита назоратни амалга оширган.

Бухоро амири расман давлат бошлиғи бўлиб, у сиёсий маҳкама томонидан берилган кўрсатмаларни кўп сонли амалдорлари орқали амалга оширган. Сарой хизматчилари 2 та удайчи-ахборот берувчи, Петербургдаги Бухоро элчихонасига ва Туркистон генерал-губерна-торлигига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан амирнинг топши-риқларини бажарувчилар, шиғовул-амирларнинг шахсий адъютанти, мирза мунши- котиб, мирза муншиф-иккинчи даражали шахсий котиблар, **дегонбеги** – сарой кири-чим ва ҳўжалик ишлари бошли-ғи, мирзабоши-полиция бошлиғи, таржимонлар ва бошқалардан иборат бўлган. Сарой мансабдорлари амир томонидан вазифасига тайинланган ва ундан озод этилган.

Бухоро амирлиги маъмурий бошқарув маҳкамаси тўрт марказий бошқармага тақсимланган. Булар маъмурий ижро, молия-солиқ, дин ва суд ишлари, назорат қидирув бошқармалари эди.

1. Маъмурий ижро бошқармасига **қушбеги** бошчилик қилган. У молия ишларига, шу соҳа хизматчилари фаолияти устидан назорат, Бухоро шаҳрининг бошқариш, беклар ва амалдорларга раҳбарлик қилишдан иборат бўлган. Унинг ҳузурида махсус девон бўлиб, унда таржимон, иш юритувчи мирзолари, қушбегининг биринчи ва иккин-чи ёрдамлари, Бухоро шаҳри полиция бошлиғи, девонбеги-ҳўжалик ишлари бошлиғи, фаррошбоши-ошхонабошлиғи, тупчибоши-турма бошлиғи, бозорлардан бозор ҳаққини йиғувчилар, аминокачилар, сав-до-сотикни назорат қилувчилар, қушбегининг шахсий хизматчилари ва 500 та навқари бўлган. Улар қушчибеги томонидан ишга тайин-ланган ва ўз вазифасидан озод қилинган.

2. Молия солиқ бошқармасига **Девонбеги** раҳбарлик қилган. Девонбеги солиқ йиғиш ва ҳазинани бошқаришга раҳбарлик қилган. Бу бошқармада мирзолар, закотчилар яъни чорва моллари ва бошқа мулклардан олинадиган

даромадлар (1/40) дан солиқ ундирувчилар, девонбегининг шахсий хизматчилари ва 300 тагача навкари ва бошқалар хизмат қилган. Улар девонбеги тақдимига кўра ишга тайинланган ва ўз вазифасидан озод қилинган.

3. Дин ва суд ишлари бошқармасига амир томонидан тайинланган **қозикалон** раҳбарлик қилган. қозикалонга суд ва нотариал идоралар, руҳонийлар ва ўқув юртларини бошқариш юклатилган бўлиб, унга мирзолар иш юритувчилар, қозилар, мулла азимлар- тергов ишлари бўйича қозиларнинг вакиллари, мирохурбош – Сарой отбоқарлари бошлиғи, маҳрамлар-шахсий хизматчилар ва бошқалар бўйсунарди. Бу бошқарма хизматчилари қози каллон томонидан лавозимига тайинланган ва озод қилинган.

4. Назорат-қидирув бошқармасига бош раис раҳбарлик қилган. У бевосита қозикалонга бўйсунган. Бошқарма қонунлар бажарилиши, ахлоқий сафликни, динни муҳофаза қилиш, бозорларда торозиларни ва бошқа ўлчовларни назорат қилган. Бош раис ҳузурида мирзолар- иш юритувчилар, раислар, маҳрамлар-шахсий хизматчилардан иборат маҳкама бўлган. Барча мансабдорлар бош раис томонидан вазифасига тайинланган ва озод қилинган. Бу ҳақида қозикалонни ва амирлар хабардор қилинган.

Амирлик маъмурий ҳудудий жиҳатдан 28 та беклик, бекликлар эса амлоқдорларга бўлинган. Уларни кушбеги тақдимига кўра тайинланган беклар ва амлоқдорлар бошқарган. Улар ўз ҳудудида солиқларни ундириш, жиноятчиларни қидириш, тартиб интизом ва осойишталикни сақлаш ишларига раҳбарлик қилган.

Уларнинг ҳузурида амалдорлар ва хизматчилар ҳам бўлган.

Амлоқдорлар кишлоқларга бўлиниб, улар оқсоқоллар томонидан бошқарилган.

Бухоро амирлигида Олий суд ҳокимияти амир кўлида тўпланган бўлиб, амир ўлим жазоси билан боғлиқ ишларни, мансабдорларни ишларини, ўғирлик, босқинчилик билан шуғулланувчи гуруҳ бошлиқ-ларини, кушбеги, девонбеги, закотчи, беклар доимий кўшин бошлиқлари ишларини кўрган.

Судлов соҳасида амирдан кейин қозикалон турган қозикалон қозиларга тегишли бўлмаган жиноят ва фуқаролик ишларини, амир-лик аҳолиси билан Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасидаги меросни тақсимлаш, даъвони қондириш билан боғлиқ ишларни, Бухоро шаҳрида содир этилган жиноят ишларини кўриб ҳал қилган. қозикалон ҳузурида катта муфти ва 12 та муфтидан иборат девон бўлиб, у алоҳида масалалар бўйича шариат қонунларига асосланиб ривоятлар чиқариш билан шуғулланган.

Маҳаллий қозилар 3 турга; қозилар, бош ёки катта қози ва қози аскарга бўлинган. Қозилар 500 тиллодан юқори бўлмаган фуқаролик ишларини, ер мерос масалалари бўйича нотариуслик вазифасини бажарган. Маҳаллий амалдорлар томонидан ўтказилаётган тергов иш-ларида ўз вакиллари ёки ўзлари иштирок этишган. Мулкни қийматини аниқлаш, текшириш ўтказишни мулла азимлар томонидан ташкил қилган.

Бош ёки катта қози қозилар томонидан кўрилган ишлар устидан тушган шикоятни кўриб ҳал қилган.

Қози аскар эса ҳарбийлар томонидан содир қилинган жиноятлар ва фуқоролик ишлари бўйича даволарини кўриб ҳал қилган.

Руҳоний табақаларини ишларини эса Шайх ул-ислом кўриб ҳал қилган.

Бухоро шахрини бошқариш миршабларга юклатилган. Бухоро шахри 2 қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бирида 6 тадан миршаблик ҳудудлари бўлган, уларга ўнбоши раҳбарлик қилган, унинг ҳузурида эса 100 тага шабгарди бўлган. Миршаблар жамоат тартибини сақлаш, осойишталикни таъминлаш, қамоқларда тартиб интизом ўрнатиш ва маҳкумларни иттифода сақлашни амалга оширганлар.

Беклик ва амалдорликларда бу ваколатлар ясовулбошига юклатилган. Ясовулбоши ҳузурида 10-20 тагача навкар хизмат қилган.

Бухоро амирлигида Россия протекторати даврида ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида шариат қонунлари, кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларда одат ҳуқуқи нормалари сақланиб қолган.

Вужудга келган янги ижтимоий муносабатни тартибга солиш учун эса кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар 1868 йил 23 июлдаги "Сулҳ", 1873 йил сентябрдаги "Дўстлик" ҳақидаги шарт-нома, "Бухоро хонлигида вино ишлаб чиқариш ҳақидаги қоидалар" (1893 й), "Бухоро хонлигидаги олтин саноати ҳақидаги қарор" (1896й) "Бухоро хонлигида кучли қувватли ичимликларни сотиш қоидалари" (1889 й. июнь), "Бухоро хонлигида кучли қувватли ичимликларни сотиш жойларини, уларнинг турлари ва сони ҳамда янги савдо жойларини ташкил қилиш тартибини белгилаш ҳақидаги қоидалар" ва бошқалар эди.

Хива хонлиги билан Россия империяси ўртасида имзоланган "Сулҳ" (1873 й. август) шартномасига кўра хонлик Россиянинг вассалига айланди. Шартномага кўра, хонлик ва Россия ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш ва халқ ҳукумати фаолиятини назорат қилиш учун 7 кишидан иборат Кенгаш ташкил этилган. Кенгаш аъзоларининг 4 таси чор ҳукумати вакиллари 3 таси хиваликлардан (хон, меҳтар, девонбеги) дан иборат бўлиб, унинг раиси расман хон бўлсада, қабул қилинган қарорлар Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланиши белгиланган эди.

1874 йилда Амударё округини Амударё бўлимига айлантирилиши муносабати билан Кенгашга барҳам берилди. Амударё бўлимига ҳарбий бошлиқ бошчилик қиладиган бўлди. У Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ваколатига эга бўлган.

1887 йилдаги Низомга кўра, Амударё бўлими бошлиғи ҳарбий губернаторга бўйсунадиган бўлди. У Амударё бўлимидаги чор қўшинларига раҳбарлик қиларди.

Хонликда давлат бошлиғи расман хон бўлиб, у мамлактни амалдорларига таянган ҳолда бошқарган. Марказий бошқарув идора-ларига мансабдорларни лавозимга тайинлаш ва вазифасидан озод қилишни Генерал-губернаторнинг розилиги билан унинг ёрлиғига кўра амалга оширган. Хондан кейинги мансабдор Меҳтар бўлиб, у давлат хазинасига бошчилик қилган, давлат даромад ва харажатлари-нинг ҳисобга олишга раҳбарлик қилган. Шимолий

қисм аҳолисини бошқарган. У **бош вазир** ҳисобланиб, хон бўлмаганда мамлакатни бошқарган. Барча мансабдорлар унга бўйсунган.

Иккинчи вазир **қушбеги**, мансаб жиҳатидан Мехтарга тенг бўлсада, у хон бўлмаганда мамлакатни бошқариш ҳуқуқига эга эмас эди. У жанубий қисм ўтроқ аҳолисини бошқарган, ўлпон йиғишга раҳбарлик қилган, суғориш иншоотларини қазииш ишларига раҳбарлик қилган.

Учинчи мансабдор-**Девонбеги** у хон канцеляриясини бошқарган, божхона, гумруххона ва пул зарб қилиш ишларига раҳбарлик қилган.

Ҳар бирининг ўз маҳкамаси бўлиб, унда 3-4 киши хизмат қилган. Хонликда фуқаролик даъволарини кўрувчи, қозикалон, қози урду ёки қози аскар, аълам-шариат қонунларини тўғри бажарилишини назорат қилувчи, савдо сотиқ қоидаларига амал қилиниши, шаҳарни тозалиги ва хавсизлигини кузатувчи-раис; қамокхонларни назорат қилиш; хонни кўриқлаш; мамлакатдаги тартиб интизомни таъминлаш ишларига, кўчманчи аҳолидан тузилган ҳарбий қисимларга бошчилик қилувчи- ясовулбоши; сувдан фойдаланиш ишлари бошқармаси бошлиғи, диний ишлар бошлиғи Шайхулиислом каби мансабдор бўлган.

Хонлик маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 20 та вилоят ва 2 та ноибликка бўлинган. Улар хонлар ва ноиблар томонидан, кўчманчи аҳоли эса иноқлар-қабилла бошлиқлари, оталиклар-уруғ бошлиқлари томонидан бошқарилган.

Хонликда Олий суд ҳокимияти хон кўлида бўлган.

Хондан сўнг судлов соҳасида қози калонга кенг ваколатлар берилган. У ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноий иш-лардан бошқа барча ишларини кўриб ҳал қилган. Ҳарбий хизматчи-ларга тааллуқли барча ишлар қози аскар томонидан ҳал қилинар эди, жойларда суд ҳокимияти қозилар кўлида бўлиб, улар шариат қонун-ларига биноан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилганлар, битимлар ва қарз ҳақидаги тилхатларни тасдиқлаган, васиятларнинг бажарилиши ва меросларнинг тақсимланишини, вақифларни назорат қилиш, қарорларни бажарилишини таъминлаш чораларини кўрар эди. қозилар хон томонидан ўз вазифасига тайинланган ва ўз вазифасидан озод қилинган.

Шаҳарларда шариат қоидаларини бузилиши билан боғлиқ ишлар раис томонидан кўриб ҳал қилинарди.

Кўчманчи ҳалқлар яшайдиган ҳудудларда суд ҳокимияти оғалар ёки оғалар Кенгаши томонидан одат қоидалари асосида амалга оширилган.

1873 йил августдаги "Сулх" шариатномасига кўра, хонлик ҳудудида яшовчи Россия фуқаролари томонидан содир қилинган жиноятлар, улар ўртасидаги жиноятлар Хива фуқароларининг русларга нисбатан даъволари рус судлари томонидан империя қонунлари бўйича кўриб ҳал қилинган.

Шаҳарларда тартиб интизомни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, қамок жойлардаги маҳбусларни назорат қилиш миршабларга юклатилган. Уларга **ясовулбоши** раҳбарлик қилган.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида янги даврни бошланишига сабаб нима?
2. Туркистон генерал-губернаторлигида марказий ва маҳаллий бошқарув қандай амалга оширилган?
3. Бухоро амирлиги билан чор Россияси ўртасида тузилган шартномага кўра, амирликнинг ташқи фаолияти қандай амалга оширилган ?
4. Хива хонлиги билан Россиянинг империяси ўртасида тузилган шартноманинг мазмуни нимадан иборат?
5. Ушбу даврда жиноят ва жазо масалаларини таҳлилий ўрганинг.
6. Туркистон генерал-губернаторлигида суд тизими қандай фаолият юритган?
7. Россия империяси ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида қандай ҳуқуқ манбалари амалда бўлган?

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., Ўзбекистон. 1994.
2. И.А.Каримов. Миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., Ўзбекистон. 1996. I-жилд.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-жилд. Т., Шарқ. 2000.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. II-жилд. Т., Шарқ. 2000.
5. А.Саидов. Ж.Ташқулов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. ИИВ Академияси Т., 1995 й.
6. А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., Шарқ. 2000й.
7. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Самарқанд-1998.
8. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Қўлланма.Т.ТДЮИ – 2005.

Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимиятини ўрнатилиши

Режа:

- 1. Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.**
- 2. ТАСССРнинг ташкил топиши ва унинг 1918, 1920 йиллардаги Конституциялари.**
- 3. 1918-20 йиллардаги Туркистон қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари.**

1917 йил 27 февралда Петроградда буржуа-демократик инқилоби ғалабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари ва ҳар хил тоифалар вакилларида тузилган ижроия комитетлари ташкил этила бошланди. Тошкетнинг ҳамма даҳалари вакиллари тўпланиб «Шўрои Ислом» ташкилотини тузишган.

1917 йилнинг март ойида ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто оддий фуқаролар орасида ҳам кенг тарқалган.

31 март куни рус подшосининг ўлкадаги таянчи- Туркистон генерал губернатори ҳокимиятни тарк этди. 1917 йил 7 апрелда Му-ваққат ҳукумат қарори билан Шчепкин раислигида Туркистон комитети ташкил қилинган. 9 кишидан иборат бу комитет аъзоларининг 4 таси: Давлат Думасининг аъзоси А.Букейхонов, II-чақириқ Давлат Думаси аъзоси Махмуджон Тинишпаев, III-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси Садри Низамович Мақсудов ва генерал майор Абдулазиз Давлатшин бор эди.

Аслида, Муваққат ҳукумат Туркистон генерал-губернаторлиги билан алмаштирилиб, ўлкани мустамлакачилик усулида бошқаришнинг ташқи лавҳасигина ўзгартирилган, унинг моҳияти эса аввалигича қолаверган. Натижада, Туркистон қўмитаси билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида қарама-қаршилиқни вужудга келтирди.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелида «Шўрои Исломи»нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмоларининг I-қурултойи иш бошлади. Бу съезда ўлкадаги барча туб халқларнинг вакилларида иборат 150 та делегат қатнашган. Раёсат таркибига Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев, Шерали Лапин, Мустафо Чўкаев, Тошпўлатбек Норбута-беков, Аҳмад Заки Валидий, Содиқ Сатторов, И.Шоахмедов, Абдурахмон Ўразаев, Мулла Абдумухомуд Махмудов, Серекбой Акаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Собиржон Юсуповлар ҳукуматга муносабат; Россияда идора қилиш шакли тўғрисида; Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш ҳақида; Туркистондаги маҳаллий фуқаролар муассасалари; Туркистонда диний-шариат муассасалари; мактаблар, мадраса-лар ва вақфлар; молиявий ишлар; аввалги замондан қолган муассаса-ларни янгилаш; Туркистондаги барча мусулмонларга раҳбарлик қилувчи ислом диний бошқарувини тузиш тўғрисида» озиқ-овқат масаласи; урушга муносабат; фронт ортида (мамлакат

ичкарасида) хизмат қилувчилар ҳақидаги масала; «Шўрои Исломни» ўлка миқёсида бирлаштириш тўғрисида; «Шўрои Исломия»нинг ижроия қўмиталарига муносабат; Россия Умуммусулмонлар съездига делегатлар сайлаш ҳақида; ер-сув тўғрисидаги масалалар киритилган эди.

Съезднинг сўнгги мажлисида Марказий раҳбарлик органи – Туркистон ўлка мусулмонлар Шўрои (Ўлка мус шўроси)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўлка мусулмон шўроларини тузиш миллий ҳаракатга уюшган ва марказлашган тус бағишлаш учун барча тарқоқ, бир-бири билан ўзаро боғланган мусулмон жамиятлари, қўмиталари ва иттифоқларини бирлаштиришни кўзда тутарди.

Ўлкамусшўронинг 1917 йил ...Бўлиб ўтган мажлисида Низом қабул қилинди. Низомга мувофиқ барча шаҳар, уезд, волост, мусулмон советлари ва «Шўрои Ислом», «Равнақ-ул ислом», «Мирваж-ул-ислом», «Муаллимлар жамияти», «Талабалари жамияти» каби бошқа жамоат ташкилотлари миллий ва синфий тафовутларига қарамай, мусулмон депутатлари волост, уезд ва шаҳар Шўроларига бирлашиш-лари, уларнинг ҳаммаси биргаликда мусулмон депутатлари Туркистон Марказий Шўросига бўйсунилари лозим эди. Ўлкамусшўро бирон-бир синф, партия ёки қабилаларнинг органи бўлмай, балки қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг амалга оширувчи ваколатли умуммусулмон раҳбарлик органи сифатида тузилаётгани ҳақида аниқ изоҳ берилган эди.

Дастурда ёзилишича, мухтор жумҳуриятлар парламенти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ташкилотларига сайловлар, умумий асосда, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади, миллатнинг 20 ёшга етган барча аъзолари жинси, синф ёки динга мансублигидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлиб, ўзлари ҳам сайлана оладилар. Мусулмон аёлларининг сайловдаги иштироки эса «шариат қонун-қоидалари асосида ўтиши лозим»¹¹ дейилади.

Жумладан, улар ўз дастурларида мухториятга эришган ўлкалар ички бошқарув масалаларида, молия, шариат, маданият, адлия ва халқ маориф масалаларида мустақил бўлоқлари керак, деган фикрни олға сурадилар. Бунда ҳар бир республика, вилоят, уездларга бўлиниб, уларга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи, Россияда яшаб келаётган барча туркий миллатлар ва элатларга эса тегишли маса-лаларни ҳал этиш юзасидан умумий миллий-маданий уюшма ташкил этиш ҳуқуқи берилиши лозимлиги таъкидланди.

Диний масалаларни ҳал этиш учун махсус «Маҳкамаи шариа» ташкилотини тузишни, унинг вилоятлардаги бошқармаларига, киш-лоқларда эса бўлинмалари бўлган қозихоналарга топширилиши кўзда тутилган.

Россия мусулмонларига тааллуқли барча муаммоларни ҳал этиш учун Шайхулислом томонидан бошқариладиган умумий кенгаш сайлаш мўлжалланган.

Дастурда фуқароларнинг ҳуқуқларига бағишланган бўлим, айниқса, эътиборга лойиқ бўлиб, унда «Жумҳуриятнинг бутун аҳолиси, дини ва

¹¹ Фан ва турмуш. Т., 1990 й №7 сони.

миллатидаги фарқидан қатъи назар, қонун олдида бир хил жавобгардир» деб қайд этилган эди.

Виждон эркинлиги, айниқса шахс дахлсизлиги яъни шахс ҳибсга олингандан сўнг 24 соат ичида айб эълон қилиниши, паспорт тартибини бекор қилиш, солиқ ҳажми даромад ва фойдадан келиб чиқ-қан ҳолда белгиланиши зарурлиги, барча давлат мулклари мусодара қилиниб, аҳолига ижара учун бериш ёки фуқароларга сотиш таклиф этилди.

Дастурда ишчилар уюшмалари, жамиятлар тузиш, иш ташлаш усули билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлиги баён этилди. Унинг ҳимоя қилиш учун алоҳида қонунлар зарурлиги тўғрисида махсус модда киритилган.

Мухтор жумҳуриятнинг қонуний тизими суд ва юстиция ташкилотлари бирор кимсанинг аралашувидан ҳоли бўлиб, фақат шариат ва қонунга бўйсунмоғи зарурлиги, суд ишлари адвокат иштирокида олиб борилиши лозим.

Билим олиш ҳуқуқи, мактабнинг мустақиллиги, бошланғич мактаб бепул, умумтаълим мажбурийлиги, ўқитиш тиллари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Ўлкамусшуронинг ташкилий бўлими таркиби қуйидагилардан : яъни, Заки Валидий, Фарид Тохирий, Толибжон Мусобой, Ямин Янбоев, Муҳаммадамин Афандизода, Низомиддин Асалий, қори Зиёбой, Муродхўжа Салимхўжа, Шокиржон Рахимий, Тузел Жонбой, Абдулла Авлоний, Салоҳитдин Муфтизода, Пири Мурсилзода ва Муҳаммаджон Пошшахўжаевлардан иборат бўлган.

Ўлкамусшўро ҳузурида маориф бўлими ҳам ташкил қилинган. Унинг таркибига Мунаввар қори, Заки Валидий, Бурхон Хабиб, Пўлатхон Пошшабеков, Абдулқоси Аминзода, Абдусалим қори, Рустамбек Юсуфбек, Иброҳим Тохирий ва бошқалар сайланган. Туркистоннинг бирлиги ва яхши томон муҳим кадам қўйилди.

Бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текисда ривожланавермайди. Мунаввар қори бошчилигидаги, Шўрои Исломиядаги 1917 йил июн ойида асосан диний уламолардан ташкил топган «Шўрои Уламо» ажралиб чиққан.

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга уринишган. Сентябрь воқеалари натижасида Тошкет Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилган.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмон-ларининг II-қурултойи очилди. Ушбу қурултой ҳокимиятни солдат ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига беришга қарши чикди. Сентябрь воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршиликларни кес-кинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги йўллари билан бир-биридан ажратиб юборди.

Тошкетда 1917 йил 17-20 сентябрда Туркистонлик ва қозоқ мусулмонларининг қурултойида «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқаларни бириктириш йўли билан бутун Туркистон ва учун умумий бўлган «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинган.

«Уламочилар» қурултойидаги асосий масала Туркистон ўлкаси-нинг бўлғусини сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия

таркибида ҳудудий федерация «Туркистон федератив Республикаси» тузилиши ғояси олға сурилди. Феврал инқилобининг таъсири билан Туркистонда касаба уюшмалари оммавий равишда ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.

1917 йил сентябр ойида большевиклашган Тошкент Совети солдатларни ва асли Россиялик ишчиларни ўз томонига торта олган эди. Тошкентдаги октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Бош комиссар генерал Корофиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетини қамоққа олишган ва шу куни Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилганлиги эълон қилинди. қурулланган русийзабон ишчилар, асосан темирйўлчилар, Тошкент гарнизонининг солдатлари билан биргаликда бир гуруҳ маҳаллий бинокор ишчиларнинг хайри-хоҳлиги билан давлат тўнтаришини ўтказдилар.

Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз кураш олиб борди.

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳарда бўлиб ўтган ишчи солдат ва деҳқон депутатларининг III-ўлка сёездиди ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тузилди. (18 сўл эсар ва 7 большевик). ҳуку-матга маҳаллий аҳолидан бирорта ҳам вакил киритилмади. Шерали Лапин бошчилигидаги «Уламочи»лар, меншевик ва сўл эсерларнинг Ўлка Совети таркибига мусулмон вакиллари ҳам киритиш бораси-даги таклифлари инobatга олинмади.

Россия Халқ Комиссалари Совети 2 ноябрда «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси ва 20 ноябрда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожатнома эълон қилди. Декларация-да халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқ расмий равишда тан олинди; ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи берилди; ҳамма ва ҳар қандай миллий ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи берилди; ҳамма ва ҳар қандай миллий, диний ва бошқа чекланишлар бекор қилинди.

Кўп ўтмай, Туркистон ХКС «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» ташкилотларини тарқатиб юборилган.

2. Туркистон АССРнинг ташкил топиши ва унинг 1918, 1920 йиллардаги Конституциялари.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлкаси мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европали вакиллари ҳам кенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этишган. Туркистоннинг бошқариш тузуми тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турган.

Қурултойнинг барча вилоятларидан вакил бўлиб келган қарийиб 200 га яқин қатнашчилари билан мухторият ва мустақиллик эълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

кҚурултойда қабул қилинган қарорда «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Россия таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилдилар».

28 ноябрда таркиб топаётган давлатнинг номи аниқланиб «Туркистон мухторияти» деб аталадиган бўлган. Бутунроссия таъсис мажлиси чақирилгунга қадар, ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлида бўлиши керак эди. Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан тузилган Муваққат ҳуку-мати ҳайъати таркибига 8 киши Муҳаммаджон Танишбоев- бош вазир, ички ишлар вазири, Ислон Шоахмедов бош вазир ўринбосари, Мустафо Чукай- ташки ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев- ҳарбий вазир сайланди, улардан 4 ўрин русий забон аҳоли вакилларига ажратилган.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 54 кишидан иборат қилиб сайланди, шундай 2/3 қисми, яъни 36 нафари маҳаллий аҳолидан эди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Фитрат мухторият эълон қилинган кунни «миллий лайлатурқадримиз» деб атади.

Туркистон Мухториятини кўпгина номусулмон фирқа ва жамоат ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватладилар. Шаҳарларда тантанали намойишлар бўлади, миллий ва рус матбуотида уни мадҳ этувчи, барча миллатлар манфаатига мос эканлиги ҳақида ўнлаб мақола ва чақириқлар босилади. Шунга қарамай, у 72 кун ҳаёт кўрди. Шўро ҳукумат 1918 йил феврилида Мухториятни ва Қўқон шаҳри аҳолиси-ни қонга ботирди, уч кунлик қирғинда шаҳарда 10 000 киши ўлдирилди.

Туркистон Мухтор Совет Республикаси Туркистон ўлкаси Советларининг V-қурултойида ташкил этилди. Ўлка Советларининг қурултойи 1918 йил 20 апрелда ўз ишини бошлади. Унда 263 та мандатга эга бўлган вакиллар қатнашдилар. Шулардан 86 киши фирқасиз эди. қурултой иштирокчиларининг атига 20%гина маҳаллий халқ вакиллари ташкил этарди.

23-26 апрел кунлари қурултой саноат корхоналарини миллийлаштириш, темир йўл траспортидаги ишларнинг бориши, ер-сувга доир тадбирларни амалга ошириш, ҳарбий қурилиш, Туркистондаги озиқ-овқат масаласининг аҳволи каби масалаларни муҳокама қилди ва қарор қабул қилди. 27 апрелда қабул қилинган «Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги дек-ларациясида очикдан очик мустамлакачилик руҳидаги қарор қабул қилинди. Унда: «Туркистон Россия Федерациясининг таркибий қисми бўлиб қолади» дейилган эди.

30 апрелда шахсан В.И.Лениннинг кўрсатмасига асосан, қурултой РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Мухтор Совет Республикасини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва шу давлат тўғрисидаги Низом қабул қилинади. Туркистон Мухтор Совет Республикаси ҳақидаги Низомга кўра:

1) Туркистон ўлкаси Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинди ва унга Хива ва Бухородан ташқари бутун Туркистон жуғрофий ҳудуди киритилди.

Туркистон АССР 1918 йил Конституцияси Туркистон Респуб-ликасининг қуйидаги мустақил ҳуқуқларини белгилади:

1) Конституция миқёсида белгиланган қонунчиликлар;

2) Туркистон Республикасининг ерлари, сувлари ва заҳирала-рини тасарруф этиш ва бошқариш;

3) Меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрлари ва лавозимларни, бошқарув-нинг федерал ҳукумат соҳаларидан бошқа барча соҳаларига мансаб-дор шахсларни танлаш, федерал ҳукуматларга нисбатан ўз ихтиёрига кўра номзодини қайтиб олиш ва назорат қилиш ҳуқуқини таъсис этиш;

4) Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган маҳаллий шарт-шароит, ҳарбий муассасалар асосларига нисбатан қўлланадиган ўзгаришлар;

5) Маҳаллий хўжалик, қўшничилик ва милиция масалалари бўйича федерал вакиллар орқали ён мамлакатлар билан бевосита муносабатда бўлиш;

6) Россия федерацияси миқёсида қарз ва молиявий битимлар;

7) Федерал солиқ ва тўловлардан ташқари бошқа солиқларнинг ўрнатилиши;

8) Республиканинг маиший хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик ва жиноий суд тизими ва судлов асослари, шунингдек, фуқаролик ва жиноят қонунларининг ўзгаришлари;

9) Туркистон республикаси миқёсида умумий ва қисман амнистия;

10) Ваколатхона меъёрларига нисбатан сайлов қонунининг ўзгаришлари;

11) Туркистон республикаси таркибига кирувчи вилоят ва миллий уюшмалар чегара ва ваколатларини белгилаш ва ўзгартириш киритиш, ўзаро баҳсларнинг ечимини топиш;

12) Туркистон республикаси таркибига Россия федерацияси миқёсида янги аъзоларнинг қабул қилиниши ва унга илгари аъзо бўлганларнинг чиқишини тасдиқлаш;

13) Туркистон республикаси умумий маъмурий-ҳудудидий бўлиниши;

14) Туркистон республикаси ҳудудида федерал ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган хўжаликни ривожлантириш режаларига асосланган халқ хўжалиги режасининг мустақил ўрнатилиши;

15) Ўз бюджетига эга бўлиш;

Кўрсатилган ҳуқуқларни белгилашда Туркистон республикаси-нинг марказдан узоқлиги, улкан ҳудуди, этнографик, топографик ва маиший хусусиятлари эътиборга олинди. Мазкур хусусиятлар Тур-кистон Кенгашининг IX-съезди томонидан Туркистон АССРнинг мустақил ҳуқуқларини мустаҳкамлаган янги Конституциясини тас-диқлашда ҳам ҳисобга олинган. Туркистон АССРнинг 1920 йил Конституцияси ТАССРнинг 1918 йил Конституциясининг Туркрес-публикасининг ҳуқуқлари тўғрисидаги айрим бандларига аниқлик киритди, айримларини чиқариб ташлади. Шундай қилиб, ТАССРнинг 1920 йил Конституциясига мувофиқ, Туркистон республикаси қуйи-даги мустақил ҳуқуқларини амалга оширди:

1) Туркистон республикаси сарҳадларида жойлашган ер, ер ости бойликлари ва сув заҳираларини тасарруф қилиш;

2) Конституцияда белгиланганидек қонунчилик ва бошқарув;

3) Лавозимлар таъсис қилиш ва иш ҳақи меъёрларини белгилаш, федерал ҳукуматларига тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа барча соҳалари мансабдор шахсларини танлаш ва тайинлаш;

4) Федерал ҳукумат томонидан белгиланган солиқ ва тўловлардан қатъи назар солиқ ва тўловларни белгилаш;

5) Республиканинг меҳнат қилувчи аҳолисига татбиқ қилина-диган суд тизими ва судлов асослари ҳуқуқий меъёрларини белгилаш;

6) Туркистон АССР таркибига кирувчи вилоят ва миллий уюшмалар ҳудудлари чегаралари ва ваколатларини белгилаш ва ўзгартириш;

7) Туркистон АССР маъмурий-ҳудудий бўлинишини белгилаш;

8) Туркистон АССР миқёсида умумий ва қисман авф этиш ва амнистия;

9) Туркистон АССР бюджетини белгилаш ва тасдиқлаш учун Бутуниттифок марказий ижроия қўмитасига тақдим қилиш;

Туркистон АССР 1920 йилги конституцияси Туркистон республикасининг қуйидаги ҳуқуқларини чиқариб ташлади:

А) федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган маҳаллий шарт шaroитларга асосланган қарбий муассасаларни ўзгартириш ҳуқуқи;

Б) Маҳаллий хўжалик, қўшничилик ва милиция масалалари бўйича федерал вакиллар орқали ён мамлакатлар билан бевосита муносабатда бўлиш ҳуқуқи;

В) Россия федерацияси миқёсида қарз ва молиявий битимлар ҳуқуқи;

Д) Туркистон республикаси таркибига Россия федерацияси миқёсида янги аъзоларнинг қабул қилиниши ва унга илгари аъзо бўлганларнинг чиқишини тасдиқлаш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар.

Туркистон АССРнинг 1918 йилги конституциясида мудофаа, ташқи алоқалар, почта, телеграф, денгиз иши, темир йўллар, ташқи савдо, саноат ва молия федерал бошқарув ваколатларига мансублиги кўрсатилган бўлса-да. Шунга қарамай бу масалалар билан бевосита туркистон марказий ижроия қўмитасига бўйсунувчи махсус коммиса-риатлар шуғулланган.

ТАССРнинг 1918 йилги конституциясига кўра Туркистон республикасида Ташқи Ишлар бўйича Коммисариат, ҳарбий Ишлар бўйича Коммисариат, Почта ва Телеграфлар Коммисариат, Молия Ишлари бўйича Коммисариат, Алоқа йўллари бўйича Коммисариат ва бошқалар фаолият кўрсатган. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда федерал органлар ва Туркистон республикаси органлари ўртасида фаолият доираларининг чегараланиши ҳал бўлмаган.

Бошқа совет республикаларидаги бўлгани каби Туркистон АССРнинг характерли белгиси автономиянинг Совет ҳокимияти асосида, пролетариат диктатураси принциплари асосида қурилган-лиги эди.

Давлат ва жамият ташкилотларининг тизимида етакчи ўринни Туркистон Коммунистик Партияси – ишчилар коммунистик партиясининг таркибий ва бўлинмас қисми эгаллаган.

Назорат учун саволлар

1. XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасининг маъмурий тузилиши қандай эди?
2. Феврал демократик революцияси Туркистон ўлкасини сиёсий шароитига қандай таъсир қилган?
3. «Шурои Исломия»нинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
4. I-Бутун Туркистон мусулмонлар съездининг аҳамияти нималардан иборат?
5. Ушбу даврда қабул қилинган Конституцияларни таҳлилий ўрганинг.

Адабиётлар:

1. История Советского государства и права Узбекистан. Т. Издательство Академии Наук Узбекской ССР. 1960 г. 1-том.
2. Ўзбекистон Совет Мустамлакачилиги даврида. Т.Шарқ. 2000 й. Иккинчи китоб.
3. С.Аъзамхўжаев. Туркистон мухторияти. Т. Фан. 1996 й.
4. Р.М.Абдуллаев. Национальные политические организации в Туркистане в 1917-1918 гг. автореферат дис. Доктор. Истр. Наук. Ташкент, 1998.
5. Ўзбекистон тарихи. Т. «Университет», 1999.
6. Р.Қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. Адолат. 1998 й.
7. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Т-2005.

Ўзбекистоннинг 1920-1980 йиллардаги давлати ва ҳуқуқи

1. 1920 йилларда Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи.

2. ЎзССРнинг 1937 йил Конституцияси бўйича давлат тузулиши ва ҳуқуқи.

3. ЎзССРнинг 1978 йилдаги Конституцияси бўйича давлат тузулиши ва ҳуқуқи.

1920 йилларга келиб, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи улкан ўзгаришларга бой бўлди. Бу тарихий ўзгаришлар бевосита Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган давлатлар ва уларнинг ҳуқуқий тизимлари билан боғлиқ.

Хивада 1920 йил 1 февралда Хон ҳукумати ағдарилиб, “халқ инқилоби” туфайли ҳокимият беш кишидан иборат Вақтли ҳукумат қўлига ўтди. Вақтли ҳукумат манифест эълон қилиб, “Хива инқилоб-чилари мамлакатни Хон ва унинг ҳукумати томонидан бошқари-лишига барҳам беради ва унинг хонадонига, министрларига тегишли мулк ва маблағлар мусодора қилади” дейилган. Муваққат ҳукумат 1920 йилнинг 26 апрелида халқ вакилларининг Бутун Хоразм I-қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлигини ва 30 апрелда Республика Конституцияси қабул қилинганлигини эълон қилди. ХХСР билан РСФСР ўртасида иқтисодий шартнома тузилди.

Конституцияда давлат ҳокимиятининг Олий органи Бутун-хоразм Советларининг қурултойи эканлиги кўрсатилган. 1921 йилнинг майида бўлиб ўтган ХХСР Советларининг II-қурултойида Конституцияга киритилган қўшимчага биноан, Советлар қурултойлари даврда Советларнинг қурултойида сайланадиган Марказий Ижроия қўмита Олий қонун чиқарувчи, ижроия ва назорат вазифаларини амалга оширувчи идора этиб белгиланган. Конституцияга биноан Олий ижроия-фармойиш берувчи идора қилиб ХХСР Халқ Нозирлар Кенгаши белгиланган.

Конституция VI бўлим, XV боб ва 87-моддадан иборат эди. Биринчи бўлим кириш қисми ва III бобдан иборат эди. Иккинчи бўлим ХХСР Конституциясининг Умумий қоидалари деб аталиб, республиканинг ижтимоий-сиёсий тузуми фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларига бағишланган эди.

Учинчи қисм давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий ва марказий органлари, тўртинчи қисм сайлов ҳуқуқи, бешинчи бюджет ҳуқуқи, олтинчи герб ва байроқ ҳақидаги қоидалардан иборат бўлган.

Конституция – РСФСРнинг 1918 йилги Конституцияси асосида қабул қилинган.

Республикада хусусий мулк, сохибкорлик ва савдо обороти билан шуғулланишнинг тўла озодлиги сақлаб қолиниши эълон қилинди. “Шахсларга эркин ҳолда коммерция ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди”, коммерция ва савдо компанияларини ташкил қилишга қаршилиқ қилинмади (Конституциянинг 16-моддаси). Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик сақлаб қолинди. Хон ва унинг авлодларига, амалдорларига тегишли ерлар мусодора этилиб, ерсиз деҳқонларга бўлиб берилди. Вақф ерлари сақлаб

қолинди. ХХСР иқтисоди давлат сектори, кооператив сектор, якка хўжаликчи деҳқон ва ҳунармандлар сектори, феодал капиталистик (хусусий) секторлар иборат эди.

Олий қонунчилик ва ҳокимият органи – халқ вақллари Умум Хоразм курултойи ҳамда Умум Хоразм Марказий Ижроия қўмитаси ва унинг Президентидан иборат бўлиб, 4 минг аҳолидан 1 та депутат, 100 аскарлардан бир вакил тартибида ташкил топди.

Давлат бошқарувининг олий органи Халқ Нозирлар Совети эди. Дастлаб етти нозирлик – ҳарбий, молия, давлат назорати, иқтисодий, ташқи ишлар, маданият ва маориф, юстиция нозирликларидан иборат эди. Юстиция нозирлигида раис ва 3 та аъзо таркибида Олий Инқилобий суд тузилиб, жиноятчиларга нисбатан энг олий жазо – отиб ўлдиришга қадар жазолар тайинлаш ҳуқуқи берилди. Умум-жиноий ва гражданлик ишларини кўриб хал этиш учун эса, юстиция нозирлигида Халқ суди тузилди. Хива шаҳрини кўриқлаш мақсадида ушбу комиссарлик таркибида милиция бошқармаси ҳам тузилди. Янги маҳаллий органлар Кенгашлари тузилган.

Сайловлар кўп поғонали туман ижроия комитетлари икки поғонали, Олий ҳокимият органларига эса уч поғонали амалга оширилган.

1923 йилнинг октябрида Умум Хоразм Советларининг IV курултойи ХХССР деб эълон қилинди. Нозирлар Кенгаши вазифа-сини ХССР МИК ходимлари бажаради деб белгиланди. Бу ишни амалга ошириш учун махсус комиссия ташкил қилинган. Нозирлар Кенгашининг раиси лавозими тугатилди ва унинг вазифаси МИК раисига юклатилган.

Қозилар ўрнига янги судлар, қишлоқларда эса Шўролар Кенгаши тузилган. Қабул қилинаётган декретларнинг деярли ҳаммаси учун асос қилиниб шариат қонунлари қабул қилинган эди. Жумладан “Судхўрлик ишларини амалга ошириш тўғрисида”ги декретга мувофиқ судхўрлардан 20 фоиздан зиёд қарз олган барча қарздорларнинг қарзи бекор қилинди. Берилган кредитнинг 10 % дан ортиқ олган судхўрлар бир йилдан беш йилгача қамалиш белгиланади. Съезд қабул қилган қонунлардан бири “Вақф ерлари ҳақидаги қонун” бўлиб, у мачит ва мадрасалар, диний ташкилотларга тегишли брача мулклар давлат мулки деб эълон қилинди. ҳосилнинг 10/1 қисми давлат солиғи сифати тўланиши белгилан. Меҳнаткашларнинг мавжуд ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилди, хусусий мулк бекор бўлган, мулкдорларни, руҳонийларни, аксилинқилобий кучларнинг сайлов ҳуқуқлари бекор қилинган.

1920 йилнинг сентябрида Бухорода тўнтариш натижасида амир ҳокимияти афдариб ташланган. Шу йилнинг 6 октябрида Бухорода Умумбухоро Халқ Вакиллари биринчи курултойи иш бошлади ва Бухоро Халқ Совет Республикаси деб эълон қилди. 1921 йилнинг 4 мартда БХСР билан РСФСР ўртасида “Иттифоқ шартномаси”, “Иқтисодий битим” имзоланди. Бунга кўра РСФСР БХСРга ишлаб чиқариш қуроллари, техникавий ёрдам, материаллар етказиб бериш мажбуриятини олди.

1920 йилнинг 23 сентябрида Бухоро Советларининг курултойи унинг биринчи Конституциясини қабул қилган. Конституция РСФСРнинг 1918 йилдаги Конституциясига асосланди. Конституцияда Умумбухоро Халқ

депутатлари съезди Олий ҳокимият органи ҳисобланиб, 2 минг кишидан бир депутат миқдорида сайланган. Унинг сессиялари доимий орган бўлган. Бутун Бухоро Халқ Совет Республикасининг ҳукумати Халқ Нозирлари Совети устидан назорат органи ҳисобланиб, унинг муҳим қарорларини тасдиқлаган.

1920 йилнинг 14 сентябрида Биринчи Халқ Нозирлар Кенгаши 9 та аъзо (Халқ Комиссарлиги) таркибида тузилган бўлиб, у Умумбу-хоро Ижроия Комитети томонидан раис, унинг икки ўринбосари ҳамда Халқ нозирлари: Юстиция, ички ишлар, ҳарбий ишлар, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, савдо ва саноат, солиқ, қишлоқ хўжалиги ҳамда давлат назорати таркибида тузилган. (Конституциянинг 31,38,39-м.м.) Кейинчалик қишлоқ хўжалиги, молия ва иқтисод Халқ Нозирликларини бирлаштириб Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши (ВСНХ) ташкил қилинди. Раис, унинг ўринбосари, учта бўлим 1) Марказий Молия бошқармаси; 2) Марказий ер- сув бошқармаси; 3) савдо ва саноат бошқармалари таркибида тузилди. Ушбу ташкилот Халқ Нозирлар Кенгаши, Бухоро Иқтисодий Кенгаши номлари билан қайта номланган. БХСР вилоят, туман, кент Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари ташкил қилиниб, маҳаллий бошқарувни амалга оширган.

1923 йилнинг 23 сентябрида Бухоро МИК қошида Туркман бўлими ташкил қилинган. Уни туркманлардан бўлган шахс бошқар-ган. Тожиқлар кўпчилиқни ташкил қилган, Шарқий Бухоро алоҳида ҳуқуқий режим асосида комиссия орқали бошқарилган. Ўз Низомига кўра комиссия чекланмаган ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини амалга оширган, суд ҳокимиятидан фойдаланган. Бундан ташқари Нурота ва Ўрта чўлда қозоқ ва қирғиз миллий туманлари, Чоржўй, қаршининг бир қисмини ўз ичига олган Туркман районлари тузилган.

Бухорода қози судлари тикланиб, 1924 йилда 57 та қози судлари фаолият кўрсатган.

1924 йилда БХСРда суд тузилиши бўйича Низом қабул қилиниб халқ судлари – қози судлари; округ суди; Олий суд тузилган. қози судлари ишларни шарият ҳуқуқи асосида фаолият кўрсатган.

1922 йилдан бошлаб Бухоро ҳудудида РСФСР қонунлари жорий қилинган. Давлатга қарши жиноятлар фақат РСФСР ЖК ва ЖПК асосида кўрилган. 1923 йилда Республика Прокуратураси тузилиб, унинг бошида юстиция Халқ Комиссарларининг биринчи ўринбосари турган. Унинг ёрдамчиси Республика Олий суди ҳузуридаги Прокурор функциясини бажарган, вилоят прокурорлари унга бўйсунган.

1924 йилнинг 19 сентябрда Умумбухоро курултойи БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилинди.

Туркистон ўлкасида Советлар ҳокимиятини ўрнатилиши ва В.И.Ленининг кўрсатмасига биноан, ўлкани миллий республикаларга бўлиб юбориш амалга оширилган. 1924 йилга келиб, Туркистон ҳудудида ЎзССР ва унинг таркибига кирувчи Тожикистон АССР, Туркменистон ССР, РСФСР таркибига кирувчи қорақирғиз автоном вилояти, Қозоғистон АССР таркибига кирувчи Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилган.

1925 йил 19 февralида Бухорода Ўзбекистон Советларининг 1-курултойида “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини таш-кил қилиниши тўғрисида”ги Декларация қабул қилинган. Бунда Туркистон, Бухоро вилояти Хоразм ҳудудидаги республикалар асосида миллий давлат чегараланиши натижасида Ўзбекистон Республикаси ташкил бўлганлиги эълон қилинди. Бу республика Тошкент, Самарқанд, Фарғона, қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан ва Тожикистон Автоном Республикасидан ташкил топди.

1925 йилда Ўзбекистон Республикасини ССРни таркибига қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Советларининг 1927 йил 30 мартда бўлиб ўтган 2-курултойида Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Конституцияга, “Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ-лар ҳуқуқлари” Декларацияси, “Ўзбекистон ССРни ташкил қилиниши тўғрисида”ги Декларацияси, СССР Советлари 3-съездининг “Ўзбе-кистон ССРни Иттифок таркибига қўшиш” тўғрисидаги қарори, СССРнинг 1924 йилги Конституцияси асос қилиб олинди. Конституция 8-бўлим, 17-боб, 114-моддадан иборат.

Конституция Ўзбекистон ССРнинг ташкил қилинганлиги, Ўзбе-кистон ҳудудида пролетариат диктатураси ўрнатилганлигини миллий давлат тузилганлигини, хусусий мулк бекор қилинганлигини қонунлаштирган.

Шунингдек, Конституцияда Ўзбекистон ССР ишчи ва деҳқон-ларнинг социалистик давлати эканлиги, унда бутун ҳокимият ишчи деҳқон ва қизил аскар депутатлари Советига ўтганлиги, асосий ишлаб чиқариш қуролларига нисбатан давлат мулкчилиги белгиланганлигини эълон қилган.

Конституция бўйича, Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳокимиятининг Олий органи Ўзбекистон Советлар қурултойи, қурултойлар ўртасидаги даврда Советлар Марказий Ижроия қўмитаси, унинг сессиялари орасида МИК Президиуми, Олий бошқарув органи республика Халқ Комиссарлар Совети, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари округи ва туманларда Советлар қурултойи, қурултойлар ўртасида даврда Советларнинг Ижроия қўмиталари, шаҳар ва кўр-ғонларда Советлар сессиялари ўртасидаги даврда уларнинг ижроия қўмиталари қишлоқларда қишлоқ Советлари этиб белгиланган.

Доимий ишлаб турувчи Ўзбекистон МИК ҳукумат ва бошқа вазирликларнинг давлат органлари фаолиятини бошқариб туриш, уларни ишларини мувофиқлаштириш, Конституция ва бошқа қонун-ларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш билан шуғулланиши белгиланди.

Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам кўрсатилган эди ва унда “меҳнаткашлар” ва “фуқаро” тушунчалари изоҳлаб ўтилган. Шу билан бирга меҳнаткаш-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор берилган.

Конституция меҳнаткашларга ўз фикрини эркин билдира олиш, мажлис қилиш, бирлашмалар тузиш ҳуқуқини берди.

Ўзбекистон таркибида Тожикистон АССР Ўзбекистон таркибига кирганлигини инобатга олиб, Конституциянинг тегишли боблари, гербида, ўзбек, тожик ва рус тилларида ёзиб қўйилди.

1925 йилда вақф мулкчилиги институти ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. ЎзССР МИК ва ХКСнинг 1925 йил 19 декабр-даги “Вақф ҳақидаги қарори” га асосланиб, қабул қилинган ГКнинг 52-моддасидаги эслатмага асосан вақф мулклари давлат мулклари деб ҳисобланадиган бўлди.

Республика ХКС қошидаги Вақф Бош Бошқармаси, жойларда эса, унинг бўлимлари ташкил этилган.

1929 йилда Хўжанд вилояти Тожикистонга берилиб, Конституцияга ўзгартиришлар киритилади. Тожикистон Советларининг учинчи съездида Тожикистон АССР, Тожикистон Совет Социалистик республикасига айлантирилади ва Иттифоқ таркибига киритилган.

Тожикистоннинг Ўзбекистон ССР таркибидан чиқиши 1930 йил 20 июнда ЎзССР Советлари МИКнинг қарори билан мустаҳкамланиб, Конституцияга ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, 1930 йил 17 августда Ўзбекистон Совет МИКнинг қарорига кўра пойтахт Самарқанддан Тошкентга кўчирилди ва шу муносабат билан яна Конституцияга ўзгартириш киритилган.

Ўзбекистон Советлари съезди ва Ўзбекистон ССР МИК давлат ҳокимиятининг Олий органи бўлиб, ЎзССРга тегишли барча масалаларни кўриб чиқиб ҳал қилган. Унинг мажлислари орасида МИК Президиуми барча ишларга раҳбарлик қилган.

Президиумда комитетлар, комиссиялар, бўлимлар ташкил қилинган эди. Улардан энг муҳими ташкилий бўлим, камсонли миллатлар иши билан шуғулланувчи бўлими, меҳнаткашлар ва ишловчи аёлларнинг аҳволини яхшилаш кўмиталари эди. Юқори ижро этувчи ва фармойиш берувчи ташкилот бу ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети эди. Тармоқлар бўйича бошқарувни амалга оширувчи муассасалар Халқ Комиссарликлари бўлиб, улар бўйсунушига қараб иккига бўлинган: бирлашган ва бирлашмаган. Бирлашган комиссарликлар Иттифоқ ва иттифоқдош республикаларда, бирлашмаганлари фақат СССР да мавжуд бўлган Халқ Комиссарликларидан иборат эди.

1927 йилги ЎзССР Конституциясида суд тизими ва прокуратура тўғрисидаги махсус бўлим йўқ эди. Бу масалалар Иттифоқ ва республика қонунчилиги орқали ҳал этилар эди.

қуйидаги шахслар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар:

- а) бировни меҳнат қилишга ёллаб, ундан даромад олувчи;
- б) ноқонуний йўллар билан даромад олиб унинг эвазига яшайдиганлар;
- в) руҳонийлар, диндорлар, диний ташкилот ва оқимларга мансуб кишилар;
- г) полицияда, жандармерияда ишлаган кишилар;
- д) руҳий касал бўлган кишилар;

суд ёки юқори давлат идорасининг қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар.

қолган фуқаролар эса, диний эътиқоди, миллати, жинсидан қатъий назар 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқларига эга бўлган.

ЎзССРнинг 1927 йилги Конституцияси асосида ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича қатор норматив ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Булар

ЎзССРнинг Гражданлик Кодекси (1927 й.) Гражданлик процессуал кодекси (1927 й.) Никоҳ, оила, васийлик ва гражданлик ҳолатларини қайд қилиш ҳақидаги кодекси (1929 й). Ер сув кодекси (1929 й), жиноят процессуал кодекси (1929 й) ва бошқалар.

Оила ҳуқуқига оид айрим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ЮХК 1926 йил 25 февралда “Хотин- қизларни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида”ги йўриқномасини қабул қилди.

Бунга асосан никоҳ ишларини қози судларида кўриш ишлари тугатилди. Бу даврда никоҳни қайд этиш масалалари, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда, айрим кўшимча ва ўзгартиришлар билан тўлдирилган РСФСРнинг 1918 йилги оила ва никоҳ кодекси асосида ҳал этиларди.

Оила, никоҳ, васийлик ва гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш ҳақидаги 1927 йилда ишлаб чиқилган янги Кодекс Ўзбекис-тондаги биринчи оила-никоҳ кодекси эди. Унга кўра, никоҳга кириш-нинг асосий шартлари ўзаро розилик ва никоҳ ёшига етганлик (хо-тин-қизлар учун 18 ёш), яқин қариндошлар ўртасида никоҳга кириш, кўп хотинлик қораланди, шунингдек никоҳга кирувчиларнинг диний, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ чегараланишлар таъқиқланди. Никоҳ бекор қилинган меҳнатга қобилиятсиз томон уч йил давомида нафақа олиб туриши белгиланди.

Бу даврда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Советларининг I-съезди томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон ССРнинг ташкил топганлиги тўғрисида”ги Декларация, “Хўжалик қурилиши ҳақида”ги, “ҳокимиятни янги сайланган ЎзССР Советлари МИКга бериш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, ЎзССР Советлари МИК ва унинг Президиуми томонидан қабул қилинган “қўйи давлат идораларини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги, ЎзССРнинг 1925-1926 йилги давлат бюджети плани ва бошқа актларнинг қабул қилинишини Ўзбекис-тонда янги ҳуқуқий тизимнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

ТАССРнинг 1922 йил 23 ноябрдаги қози судлари ҳақида қабул қилинган Низомининг 14-моддасига биноан қози ва бий судларида, шариат қонунлари ва одат қоидаларига асосланиб иш кўриш жараёнлари янги ҳуқуқнинг асосий қоидаларига зид келмаслиги шарт қилиб кўйилди. Совет давлати қишлоқ жойларида 1925 йилда ер-сув ислоҳотини, шаҳарларда эса, уйларни миллийлаштириш ва уларнинг эгаларидан шаҳар Советларига олиб бериш амалга оширилган.

1922 йилдаги Меҳнат қонунлари Кодекси қўлланилиб меҳнат ҳуқуқининг меъёрлари меҳнат шартномаси ва жамоа шартномалари тузиш дам олиш иш ҳақи иш вақти меъёрларини тартибга солишга қаратилган. Бу даврда касаба уюшмалари жамоа шартномасининг фаол иштирокчиси бўлиб танилди. Жамоа шартнома, ишхона маъму-рияси билан касаба уюшма ташкилоти ўртасида бир йил муддатга тузилиб, у икки хил кўринишда бўлади: бош (генеральный) ва локал шартномалар. Бу шартномалар муҳим ҳуқуқий шакллардан бўлиб, фуқароларнинг меҳнат жамоаларида ишчи ва хизматчи сифатида фаолият кўрсатишларида катта роль ўйнаган.

ЎзССР ЖК 1926 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритилди. Унга РСФСРнинг 1924 йилдаги “Жиноят ҳуқуқининг бошланғич қоидалари” асос бўлиб хизмат қилган.

Ушбу кодекс умумий ва махсус қисмлардан иборат бўлиб, мавжуд 292-моддадан 56 таси умумий қисмга, 236 таси эса махсус ишига бағишланади. Умумий қисм 4 та бўлимдан иборат.

ЎзССР ЖК РСФСР Жиноят Кодексида фарқли равишда бошқариш тартибига қарши қарши қаратилган жиноятларни ҳам жуда хавфли жиноятлар деб ҳисобланган.

Жиноят Кодексида янги ижтимоий давлат тузилишини ва унинг ҳуқуқий тартибларини, шунингдек гражданларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўриқлаш мақсадида жазонинг оғир турлари кўрсатилган.

ЖПК 1926 йилда қабул қилиниб, у 1924 йилдаги Иттифок ва иттифокдош республикалар жиноят суд юритиш асосларига мувофиқ ҳолда, ишлаб чиқилган бўлиб, ўзгартириш ва қўшимчалар билан 1929 йилгача амалда бўлди. Кодекс 6 бўлим 455-моддадан иборат эди.

ЖПКда жиноят суд ишларини юритиш асослари, далиллар ҳақидаги нормалар, суднинг ушлаб туриш тартиблари ва муддатлари, жиноят ишини қўзғатиш тартиблари ва дастлабки тергов асослари каби қатор нормалар жой олган.

Шунингдек, кодексда жиноят ишларини халқ судида кўришнинг тартиби, область судлари ва ҳарбий трибуналларда ҳамда ЎзССР Олий судида суд ишларини юритиш асослари, тартиблари ҳам ўз ифодасини топган.

Кодекснинг сўнгги бўлимида ҳукмнинг ижро тартиби, муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш тартиби шунингдек шартли ҳукмларни ва муддатидан илгари шартли озод қилишларни бекор қилиш тартиблари кўрсатилган.

Бу даврда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Советларининг 1-съезди томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон ССРнинг ташкил топганлиги тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, ЎзССР Советлари МИКга бериш тўғрисида”ги қарор-лари, шунингдек ЎзССР Советлари МИК ва унинг Президиуми томонидан қабул қилинган “қуйи давлат идораларини мустақкамлаш тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги, ЎзССРнинг 1925-1926 йилги давлат бюджети ва плани ва бошқа актларнинг қабул қили-нишини Ўзбекистонда янги ҳуқуқий тизимнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келган.

Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси асосида ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича қатор норматив ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Булар ЎзССРнинг Гражданлик кодекси (1927 й.) Граждан-лик процессуал Кодекси (1927й.) Никоҳ, оила, васийлик ва граждан-лик ҳолатларини қайд қилиш ҳақидаги кодекси (1929 й). Ер сув кодекси (1929 й), жиноят процессуал кодекси (1929 й) ва бошқалар.

ЎзССР МИК Президиумининг 1927 йил 22 октябрь қарорига асосан ГПК республиканинг барча ҳудудларида 1928 йил январ ойи-дан бошлаб кучга киритилди. Кодекс беш қисмидан ташкил топган бўлиб, унда гражданлик

жараёнининг асосий мазмуни, суд даромад-лари ва харажатлари, жарималари, суд жараёни иштирокчиларини чақиришнинг тартиби ва процессуал муддатлар ёритилган.

ГПКнинг иккинчи қисмида даъво ишлари билан боғлиқ меъёр-лари, учинчи қисмда эса алоҳида муҳим ишларни ҳал қилиш тартиб-лари, тўртинчи қисмида суд қарори устидан шикоят қилиш тартиб-лари ва бешинчи қисмида суд қарорлари ва ажримларининг ижросини ифодаловчи нормаларни ўз ичига олган.

1930 йиллар “қатоғон” қилиш сиёсати билан тарихда қолди. Жиноят процессуал қонунчилигида “ихчамлаштириш” юз берди. Ўзбекистон Юстиция халқ комиссарлиги янги Жиноят процессуал Кодексини ишлаб чиқди ва у 1929 йил август ойидан кучга киритилди. 1926 йилдаги Кодексдан фарқли ўлароқ бу Кодекс 175 (455) мод-дадан иборат эди.

Бунда суриштирув ва дастлабки тергов институтлари бирлаштирилди. Суд органлари қошидаги тергов органлари прокуратура органларига олиб берилди. ҳатто терговчи прокурорнинг айрим назорат функциялари билан ҳам таъминланди. Кодексда жиноят ишини кузатиш ёки рад этиш асослари алоҳида кўрсатиб ўтилмаган эди. Бу эса қонунчиликнинг бузилишига олиб келди. СССР МИКнинг 1934 йил июлдаги “Умумиттифоқ Ички Ишлар Халқ Комиссариятини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори билан давлат бирлашган сиёсий бошқар-маси (ОГПУ) ҳузуридаги суд коллегияси тугатилиб, давлат жиноят-лари ва бошқарув тартибига қаратилган жиноятларни тергов қилиш СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги идора-ларига берилди. Шу билан бирга СССР ва иттифоқдош республика-лар Олий судлари қошида ушбу турдаги ишларни кўриб чиқиш учун махсус коллегиялар тузилди. Ватанга хиёнат қилиш, жосуслик, тер-роризм, қўпоровчилик каби жиноят ишлари Олий суднинг ҳарбий Коллегияси ва ҳарбий трибуналлар судловлигига тааллуқли бўлди. Бундан ташқари Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузурида жиноят ишларини кўриб чиқиш ҳукуқи бўлган Махсус Кенгаш тузилди.

СССР МИК 1934 йил декабрдаги “Иттифоқчи республикаларнинг ҳаракатдаги жиноят процессуал кодексларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарорларга асосан, ЎзССР МИК ҳам 1934 йил-нинг 14 декабрида “Жиноят процессуал Кодексининг 11, 93, 106, 151, 167-моддаларига ўзгартириш киритиш ва 99, 166-моддалар билан тўлдириш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Маълумки 1936 йил 7 декабрда Совет Иттифоқининг янги Конституцияси қабул қилинган. Жамиятда рўй берган иқтисодий, синфий, миллий соҳалардаги ўзгаришлар ушбу Конституциянинг қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу конституция ўша коммунистик таълимотга биноан, иттифоқда иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, давлатчиликни янада такомил-лаштириш вазифаларини бажариши керак эди.

Бутун Ўзбек Советларининг Фавқулоддаги VI курултойи 1937 йил 14 февралда ЎзССРнинг янги Конституциясини Совет Иттифо-қининг 1936 йилги Конституцияга тўлиқ мос равишда қабул қилди. Янги Конституция ўша даврнинг мақсадига мувофиқ равишда "Со-циализм қуриш" соҳасида қўлга

киритилган ютуқларини қонунлаш-тирди. Бу ўзгаришлар ижтимоий ва давлат тузулишига фуқаролар-нинг ҳуқуқ ва эркинлигига тааллуқли бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

1) ҳокимият кўрсатилишича, меҳнаткашларнинг қўлида бўлиб, уни меҳнаткашлар депутатлари Советлари орқали амалга ошириши керак эди;

2) Советлар фаолиятида "демократик" деб номланган принцип-лар ривожлантирилди, ишчи, деҳқон, солдат депутатлари Советлари ўрнига доимий ишлайдиган меҳнаткашлар депутатлари Советлари келди. Советларнинг иш фаолияти шакллари ўзгарди, яъни бутун Ўзбек Советлари съезди ўрнига доимий ишлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Совети (Олий Совет сессия чақириш тартибида ишлайдиган орган) ва унинг Президиуми, давлат бошқаруви органи сифатида Халқ Комиссарлар Совети жойларда меҳнаткашлар депу-татлари област, район, шаҳар Советлари уларнинг ижория органлари сифатида ижория қўмиталари ташкил этилди;

3) Советларга сайлов ўтказиш принциплари ўзгартирилди (Сайловда қатнашиш тенглик асосида, тўғридан-тўғри, ёпиқ овозлар бериш йўли билан ўтказиладиган эди);

4) Советлар депутатлари ваколатининг доимийлиги белгиланди (2,5 йил ва 5 йил);

Шунингдек, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида белгилашда Олий ҳокимият органларининг ваколатлари алоҳида белгиланди. Ишлаб чиқаришда социалистик мулк иқтисодий тузумнинг асоси қилиб белгиланди ва унинг икки шакли давлат ва жамоат мулки ва бошқалар ўз аксини топди.

Янги Конституция Ўзбекистон ССРнинг Олий давлат ҳокимият органи этиб, Ўзбекистон ССР Олий Советини белгилаган ва унга республикада қонун чиқариш ваколатини берган. Олий Совет сессиялари ўртасидаги даврда унинг қонун билан белгиланган ваколатларини амалга оширувчи Олий Совет Президиумини ташкил қилиниши, Конституцияда белгилаб қўйилган.

Янги Конституция Ўзбекистон ССРнинг Олий бошқарув идораси қилиб Халқ Комиссарлари Совети (1946 йилдан Министр Совети)ни белгилаган.

Конституцияда давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари қилиб, вилоят, туман, шаҳар, кўрғон ва қишлоқ меҳнаткашлари депутатлари Советлари маҳаллий давлат бошқарув идоралари қилиб Советларнинг ижория қўмиталари белгиланган.

Конституцияда суд ва Прокуратура идоралари тизими, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва бошқа муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ўз аксини топган.

Ушбу ўзгартиришларга кўра, Совет ҳокимиятининг вакилларига қарши қаратилган, шунингдек, террористик актлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд прокуратура органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилди: а) терговни 10 кундан ошиқ бўлмаган муддатда тамомлаш; б) айблов фикрини ишни судда кўриб чиқишдан бир сутка олдингина топшириш; в) жиноят ишини айбловчи ва ҳимоячининг иштирокисиз кўриб чиқиш. Айбланувчининг судга келишини мажбурий эмас деб ҳисоблаш. г) ҳукми кассация тартибида шикоят қилиш,

авф этишни сўраб ариза беришга йўл қўйилмаслиги. д) олий жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукм чиқарилгандан сўнг дарҳол уни ижро этиш.

Бошқача қилиб айтганда, айбланувчи ўз айбини билиш ҳукуқи, далиллар тақдим қилиш, тергов ва суд органларининг ҳаракатлари устидан шикоятлар бериш, ҳимоячига эга бўлиш каби процессуал ҳуқуқлардан маҳрум эди. Булардан ташқари Партия Марказий Коми-тетларининг кўрсатмалари асосида юзлаб йўриқ хатлар (инструк-циялар) тўлдирилиб, қонунчилик ва уни амалда қўллаш ўзгартирилиб турилди.

Бу даврда жамиятнинг илғор фикрли ўз дунёқарашига эга бўл-ган фарзандларига «Халқ душманлари» тамғаси босилиб, «жаҳонда энг инсонпарвар» деб таърифланган совет одил судлови қоидалари кўпол бузилибгина қолмай, балки ўрта аср инквизиция суди усуллари билан тергов ва суд жараёнлари ўтказилди. Ўлим машинасининг «тинимсиз ишлашини таъминлаш мақсадида» советларнинг жазо органлари қайта ташкил қилинди, уларнинг ҳузурида ғайри консти-туциявий органлар ташкил қилинди. 1931 йилда биринчи марта СССР Ишчи Декҳон Милицияси ҳақида Низом ишлаб чиқилиб тасдиқланди. 1932 йилда эса Давлат Бирлашган сиёсий бошқармаси ҳузурида (ОГПУ) Ишчи деҳқон милицияси бош бошқармаси тузилди. 1932 йилнинг 25 июлида «Революцион қонунчилик ҳақида» СССР Марка-зий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг қарори чиқиб, Совет жазо органларига қонунчилик бузилган ҳолларда қатъий чоралар кўриш топширилди. 1933 йили СССР Прокуратураси ташкил қилинди. 1934 йилда Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги тузилиб, Милиция Бош бошқармаси унга бўйсундирилди. 1934 йилда ОГПУ ҳузуридаги Суд коллегияси тузилди. Унинг судловидаги ишлари вилоят ва Олий судларга ўтди. ОГПУ эса, энди ИИХКга Бош Бошқарма сифатида бўйсундирилиб, қайта ташкил қилинди. ИИХК (НКВД) ҳузурида қайтадан Махсус Кенгаш тузилди. Унга эса, энди давлатга қарши жиноятларни суддан ташқари кўриб чиқиш ҳуқуқуни (судсиз репрессия) берилди. 1943 йилда эса, йигирма йилга озодлик-дан маҳрум қилиш, қаторга ишларига юбориш, осиб ўлдириш, 1945 йилда барчага ўн йил озодликдан маҳрум қилиш, қўшимча жазо сифатида беш йилга ҳуқуқлардан маҳрум қилиш жазоси қўллаш белгиланган.

Шундай қилиб, Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ)нинг махсус кенгашидаги учлик комиссияси сиртдан суд қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, дастлаб ўн йил, кейин 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, кейинчалик осиб ўлдириш каби жазоларни беришга ҳам ҳуқуқли бўлган. Бу комиссиялар иккилик, учликлар тарзида тузилган. Махсус кенгашда Партия МИКдан бир вакил, ИИХКдан бир киши, прокура-турадан бир киши доимий вакил бўлиб қатнашган. Унинг мажлис-лари ёпиқ ўтказилган. Улар: а) унвон ва мукофотлардан маҳрум этиш; б) барча мол-мулкни мусодара қилиш; в) ёпиқ турма қамоғи; г) ёзишмалардан маҳрум этиш каби жазоларни қўшимча жазолар тарзида беришлари мумкин бўлган. қамалганлар ўз тақдирини билмасдан қаторга ишларида йиллаб юрганлар.

1937 йилларда азоблаб сўроқ қилиш учун (пытка) махсус ижозат олинган бўлса, 1938 йил баҳоридан бошлаб терговда азоблаш усулини қўллашга рухсат

этилган. 1939 йилда яна терговда азоблаш усули алоҳида расмийлаштирилган. Урушдан кейин эса рухсат олиш йўли билан, кўпгина жиноятлар учун азоблашни қўллаш мумкин бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон Республикаси олдида саноатни фронт талабларига мослаб қайта қуриш, мамлакат-нинг ҳарбий ҳудудларидан кўчирилган муассасаларни дархол жой-лаштириш ва ишга тушириш каби бирламчи вазифалар қўйилди.

Совет давлатининг фавкулудда давлат органи бўлган - Давлат Мудофаа Комитети (ДМК) Ўзбекистонда бу каби тадбирларни бажа-рилишига катта эътибор берди. Жумладан, 1941 йилнинг августида ДМК 1942 йилда мамлакат мудофаасини таъминловчи ҳарбий хўжа-лик режасини ишлаб чиқди, Унда фронт чизигидаги завод-фабри-каларни, мамлакатнинг шарқий районларига кўчириш, янги заводлар қуриш, шахта, конлар қуриб ишга тушириш, ишчи кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган эди. Унинг асосида Ўзбекистон ҳукумати ўзининг 1942 йилга мўлжалланган ҳарбий режасини ишлаб чиқди. Кўчириб келинаётган завод-фабрикаларни жойлаштириш учун 1941 йилнинг 25 августида комиссия тузилди. Ўзбекистонда тўқимачилик машинасозлиги, иккита қишлоқ хўжалик, машинасозлиги заводи, насос-компрессор қурилмалар заводи, бурғулаш ускуналари заводи, электрокабель, вагонларни таъмирлаш, кўтарма механизмлар заводи, химия комбинатлари қурилмалари заводи, тўртта қанд заводи, консерва заводлари, пахта, қоғоз фабрикалари ва бошқалар кўчириб келинди, қурилиб, ўз вақтида ишга туширилди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йилнинг 1 февralида «Уруш даврида шаҳарнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини қурилиш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш тўғрисидаги фармон»ига биноан, 16-55 ёшдаги эркеклар, 16-45 ёшдаги аёлларни ишга жалб этилган, деб ҳисобланди. 1943 йилнинг 23 сентябрида ЎзССР ФА ташкил қилиб фронт учун катта ишларни бажарди.

Давлат қурилиши борасида СССР Олий Кенгаши ва Халқ Комиссарлар Советининг 1941 йилнинг 30 июндаги қарори билан ДМК ва иттифоқдош республикаларда унинг вакиллиги ташкил қилинди.

Уруш йилларида икки марта ЎзССР Олий Советининг сессия-лари 1943 йил мартада ва 1944 йилнинг сентябрида ўтказилди. У Сессияда «ҳарбий хизмагчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш борасидаги тадбирларни яхшилаш» масаласи тингланди. Шу мақсад-ларда урушнинг 18 оyi ичида 33 млн. сўм сарфланган.

1943 йилнинг 27 сентябрида очилган VI сессиясидг иттифоқ республика Халқ Комиссарликлари, ЎзССР Мудофаа Комиссарлиги ва Ташқи Ишлар Халқ Комиссарликлари ташкил қилинган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 31 июлидаги фармонида биноан Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ва Давлат Хавфсизлиги Халқ Комиссарлиги бирлаштирилди. Аммо бу турмушда ўзини оқламади. 1943 йилининг 19 майида қайтадан иккита Халқ Комиссарлиги тузилган.

Уруш йилларида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети барча Халқ Комиссарликлари ишини уюштириб, республика олди-даги вазифаларни аниқлаб, уларнинг бажарилишига раҳбарлик қилиб турди. 1942 йилда

Ўзбекистон ССР ХКС Раисини курул-яроқ, ўқ-дори, энергетика ва ёнилғи бўйича ўринбосари лавозими таъсис қилинган.

Архитектура ишлари Давлат комитети, кинематография ишлари Давлат комитети, ҳарбийларнинг оилаларини ишга жойлаштириш ва уларга давлат таъминотини йўлга қўйиш бошқармаси, полиграфия ва нашриёт бошқармаси, диний ишлар бошқармаси каби янги давлат органлар тузилган.

Янги Конституция асосида Ўзбекистон ССРнинг Жиноят Кодекси (1959 й) Жиноят процессуал кодекси (1959 й), Гражданлик кодекси (1963 й) Гражданлик процессуал кодекси (1963 й.), Никоҳ ва оила Кодекси (1969 й.), Ер кодекси (1970 й.), Меҳнат қонунлари кодекси (1971 й), Сув кодекси (1972 й) ва бошқа қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

60-70 йилларда Ўзбекистон ҳуқуқининг иккинчи кодификацияси ўтказилиб, ҳуқуқнинг барча тармоқлари бўйича жами 16 кодекс қабул қилинган.

Гражданлик ҳуқуқи. 1962 йилнинг май ойида Собиқ Иттифоқ-да Гражданлик қонунлари Асослари ишлаб чиқилиб, кучга киритилди. Ушбу асосларга биноан, ЎзССРнинг Гражданлик кодекси (ГК) 1963 йилнинг 23 мартида ишлаб чиқилиб, 1964 йилнинг 1 мартидан кучга киритилди. Ушбу Кодекс ЎзССРда гражданлик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилди. ЎзССР ГК 46 боб, 631-моддadan иборат бўлиб, унинг биринчи боби умумий қоидалар, иккинчи боби шахслар ҳақида эди. Муомалага лаёқатли шахслар ҳақида, 15 ва 18 ёшгача бўлган шахсларнинг муомала лаёқатлари кўрсатилган. ЎзССР ГКнинг 1-моддасига биноан ЎзССР гражданлик қонунлари уч хил муносабатларни тартибга солади. 1. Мулкӣ муно-сабатлар. 2. Мулкӣ бўлмаган, шахсий муносабатлар. 3. Мулкӣ бўл-маган, лекин мулк билан боғланган шахсий муносабатлар. ГКнинг 106-моддасига кўра ЎзССРда а) давлат мулки; б) колхоз ва бошқа кооператив ташкилотлар мулки; в) касаба уюшма ташкилотлари ва шахсий мулклар мавжуд эди.

Яъни, бу кодекс янги мулк шакли - касаба союз ташкилотлари-нинг мулкчилик шакллари ҳам ўрнатди. Ушбу кодексда фақат гражданларнинг шахсий мулклари тўғрисидагина сўз юритилади. Чунки, хусусий мулк бу вақтда тамомила тугатилди. Шахсий мулк ана шу мулклардан ҳосила ҳисобланган.

Асосларда, тартибга солиниши Иттифоқчи Республикалар ваколати доирасига киритилган масалалар: мулк (ашё) ҳуқуқи субъект-лари, муддатларни ҳисоблаш, талабларга ён босиш, қарзни ўтказиш (ўзаро ҳисоб) мажбуриятларининг тугаши, мажбуриятларнинг турла-ри, алмашув, ҳадя, умрбод сақлаб туриш, қарз, мулкдан текин фойдаланиш ҳолатлари, экспедиция шартномаси, топшириқ, комиссия сақлаб туриш, ўртоқлик каби турлари йўқ эди. Кодексда эса бу масалапар махсус бобларда берилди. Кодекснинг мажбуриятларнинг келиб чиқиши бўлимида янги асослар: планлаштириш актлари, маъ-мурий актлар кабиларни ҳам белгилади. Шундай қилиб, ЎзССРнинг янги Кодексида бир қанча янги боблар ва қоидалар мавжуд эди. Кейин ҳам бир қанча тўлдириш ва қўшимчалар киритилган.

Оила ва никоҳ ҳуқуқи. 1968 йилнинг 27 июнида Никоҳ ва оила кодекси қонунчилиги Асослари қабул қилинган. Шундан кейин, ЎзССР Олий Кенгаши 1969 йилнинг 6 июлида янги Оила ва Никоҳ кодексини ишлаб чиқиб, 1 октябрдан кучга киритган. Булардан ташқари, ЎзССР Министрлар Совети томонидан 1970 йилнинг 4 мартда тасдиқланган “Гражданлик ҳолати актларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисида ҳамда васийлик ва ҳомийлик ҳақида”ги Низом-ларни тасдиқлаб, кучга киритди. ЎзССРнинг бу кодекси бошқа республикаларникидан фарқ қилиб, 6 бобдан иборат, яъни васийлик ва ҳомийлик алоҳида бобда кўрсатилган. Унинг биринчи бобида ЎзССР Никоҳ ва Оила кодексининг вазифалари ҳақида гап боради. Яъни оилани мустаҳкамлаш, озод, эркин хоҳиш-иродага асосланган никоҳ иттифоқи асосида оила муносабатларини қуриш, болалар тарбияси ва бошқалар. Унга кўра никоҳ оиланинг асосини ташкил қилади. қонун амалдаги (рўйхатдан ўтмаган ҳолда бирга яшаш) никоҳни тан олмайди. Фақат гражданлик ҳолати актлари идораларида рўйхатдан ўтган никоҳгина қонуний ҳисобланади. Никоҳ ёши 18 ёш қилиб белгиланган. Уни пасайтириш ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Никоҳдан олдин ва ундан кейин ҳам совға сифатида олинган мулклар эр ва хотиннинг ўз мулклари ҳисобланади. Фақат никоҳ давомида биргаликда топилган мулк уларнинг умумий мулкидир.

Никоҳ бекор қилинганда, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган тараф бир йилгача нафақа олишга ҳуқуқли.

Меҳнат ҳуқуқи. 1970 йилнинг 15 июлидаги Меҳнат қонунлари асосларига кўра, Ўзбекистонда 1971 йил 17 декабрда янги Меҳнат қонунлари кодекси қабул қилиниб, 1972 йилнинг 1 майдан кучга киритилди. Кодекс 18 боб, 300-моддадан иборат муҳим масалалар, алоҳида бобларга ажратилган. ЎзССРнинг бу кодексида, ақлий меҳнат талаб қилувчи, ҳамда малака талаб қилувчи ишларга 3 ой, баъзан 6 ойгача синов муддати белгиланди. Маъмурият ташаббуси билан ходимни ишдан бўшатаётган вақтда ФЗМК 7 кун ичида маъмурият фикри билан танишиб, ўз фикрини билдириши лозим. Шундан кейин фақат бир ой ичидагина маъмурият ходимни ишдан бўшатиши мумкин. Ушбу кодексда аёллар ва ўсмирлар меҳнатининг гарантиялари кенгайтирилди Меҳнат низоларини кўриб чиқиш меҳнат низолари комиссиясида беш кунгача бўлган муддатда, Касаба уюшмаларининг фабрика, завод маҳаллий комитетлари (ФЗМК)да 7 кунгача, халқ судларида 10 кунгача қилиб белгиланган.

Ер ҳуқуқи. 1968 йилнинг 13 декабрида Ер қонунлари Асослари қабул қилинди. Ана шу асосида 1970 йилнинг 25 сентябрида ЎзССРнинг Ер Кодекси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Янги Кодекс кириш қисми, XI боб, 202-моддадан иборат эди. Унинг биринчи боби умумий қоидаларга бағишланган. Иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий масалалар ёритилган. Учинчи боби аҳоли пунктларининг ерлари, тўртинчиси -саноат, транспорт ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш тартиблари, бешинчи боб - давлат, ўрмон фондининг ҳуқуқий ҳолатига бағишланган.

Сув ҳуқуқи. Ўзбекистонда сувдан фойдаланишга катта аҳамият бериб келинди. 1941 йилнинг 24 мартда «ЎзССР қишлоқ хўжали-гида сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги олти бобдан иборат қонун қабул қилинди, 1972 йилнинг 9 июнидан Ўзбекистон ССРнинг Сув кодекси қабул қилиниб, 1972 йилнинг 1 октябрида кучга киритилди. У кириш қисм, беш бўлим, 29 боб, 136-моддадан иборат эди. Сув қонунчилигининг вазифаси – Ўзбекистонда сувдан фойдаланишни тартибга солиш, сув муҳофазаси, ирригация иншоотларини яхши ҳолатда тутишдир. Кодексга кўра, Сув - давлат мулки, фақат фойдаланишга берилиши мумкин. Ягона давлат сув фондининг турлари (классификацияси) белгиланди (5-модда). Республиканинг барча сувлари: ер ости ва ер усти сувларига, бундан ташқари ички ва ҳудудий сувларга бўлинади. Буларнинг ҳуқуқий ҳолати бир-биридан фарқланади. IV бўлимда сувни режалаштириш, ҳисобга олиш ва қўриқлаш масалалари ёритилган.

Жиноят ҳуқуқи - 1958 йилнинг 25 декабрида жиноят қонунлари Асослари қабул қилинган. Албатта, унинг ишлаб чиқилиши жиноят ҳуқуқининг ривожланишида янги бир даврини ташкил қилади. 1959-62 йилларда ишлаб чиқилиб, қабул қилинган Иттифоқчи республика-ларнинг кодекслари ана шу асосларга тўла мувофиқ келади. Ўзбекистон ССР биринчи бўлиб ўзининг Жиноят кодексини 1959 йилнинг 21 майида ишлаб чиқди ва 1960 йилнинг 1 январдан кучга киритди.

Асосларда кўзда тутилган жуда кўп нормалар Жиноят кодексига аниқлаштирилган. Масалан: ЎзССР Жиноят кодексининг 10-моддасида 14-16 ёшгача қайси жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш аниқ кўрсатиб берилган. Унга кўра, жиноят содир этган вақтда 16 ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Фақат одам ўлдириш, қасддан тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, ўғрилиқ, талончилик учун 14-16 ёшдан жиноий жавобгарлик белгиланди, 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан қандай жиноий жазоларнинг қўлланилиши мумкинлиги жазоларнинг оз ва кўп муддатлари аниқлаштирилган.

Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг тизимида асос қилиб, жиноятнинг объекти олинган ва ана шу жиноий тажовуз объектига қараб тегишли бобларга ажратилган. Жиноят кодекси умумий қисм ва махсус қисмлардан иборатдир.

Жумладан, унинг махсус қисми қуйидаги боблардан иборат:

Биринчи боб - давлатга қарши қаратилган жиноятлар бўлиб, бу давлатга қарши қаратилган алоҳида хавфли жиноятлар иккинчиси давлатга қарши қаратилган бошқа жиноятлар.

Иккинчи боб - шахснинг ҳаёти, соғлиги, озодлиги ва қадр-қимматида қарши қаратилган жиноятлар.

Учинчи боб - мулкка қарши жиноятлар.

Тўртинчи боб - граждандарнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар.

Бешинчи боб - граждандарнинг сиёсий ва меҳнат ҳуқуқларига қарши жиноятлар.

Олтинчи боб - Мансабдорлик жиноятлари

Еттинчи боб - одил судловга қарши қаратилган жиноятлар.

Саккизинчи боб - хўжалик жиноятлари.

Тўққизинчи боб - идора қилиш тартибга қарши қаратилган жиноятлар.

Ўнинчи боб - жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар.

Ўн биринчи боб - ҳарбий жиноятлар.

Идора қилиш тартибига қарши ва бошқа соҳадаги бир қанча жиноят турлари ўз аҳамиятини йўқотганлиги сабабли Жиноят Кодексида 36 та янги модда ва у кучга киргандан сўнг қўшимча 22-модда киритилди.

Шуни айтиш лозимки, ЎзССР Жиноят кодекси озодликдан маҳрум қилиш жазосини минимал 3 ойдан максимал 10 йилгача, алоҳида оғир жиноятлар учун 15 йилгача белгилади. Бунда 18 ёшга тўлмаган шахсларга 10 йилдан ошиқ белгилаш мумкин эмас эди. Жиноят кодексининг ишлаб чиқарилиши билан жиноят ҳуқуқи нормаларини такомиллаштириш ишлари охирига етмади, балки ривожлантирилди.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи ривожланиши тарихида 1978 йилда қабул қилинган Конституция алоҳида аҳамият касб этади. Конституция Олий Совет сессиясида 1978 йил, 18 апрелда қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат органлари-нинг тузулиши принциплари уларнинг тизими ва ваколатлари давр талабига мослаштириб мустаҳкамланган.

ЎзССРнинг Конституцияси кириш (муқаддима), XI бўлим, 21 боб 188-моддадан иборат эди. Бу Конституция 1937 йилги Консти-туциядан ўзининг муқаддимаси билан ажралиб туради унда республика босиб ўтилган йўл, Конституцияга асос бўлган манбалар кўрсатилган.

Ўзбекистоннинг бу Конституцияси қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, ЎзССРнинг сиёсий, тизими, унинг жамиятнинг бошқаришдаги вазифалари, сиёсий тизим ривожланишининг асосий йўллари, ЎзССРнинг социал ривожланиши йўллари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати асослари, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўрнига халқ депутатлари Советлари бўлганлиги;

Иккинчидан, Ошкоралик қонунийлик демократик централизм принципларининг давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти унинг асосий принциплар қилиб белгиланганлиги;

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилган (меҳнат ва уй жой билан таъминлаш ҳуқуқи);

Тўртинчидан, ҳар бир давлат органи ва мансабдор шахснинг топширилган вазифа юзасидан жавобгарлигининг оширилганлиги фуқароларни давлат ва жамоат ишига жалб қилишни кенгайтирилганлиги, уларнинг бир-бирлари олдидаги халқ ва давлат олдидаги маъсулиятининг оширилганлиги ва Конституция мазмунидан келиб чиқиб, "Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақида" (1978 й), "Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳақида (1978 й) Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари маҳуллий Советларга Сайловлар ҳақида (1959 й), Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари область Совети ҳақида (1980 й), ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш ҳақида қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар қабул қилинган.

Ҳукукий ислохотни амалга ошириш Совет жамиятининг сиёсий тизимини тубдан қайта қуришнинг бир йўналиши, унинг ажралмас қисми эди. Жумладан, бу борадаги қонунлардан бири **“Давлат корхонаси (Бирлашмаси) тўғрисида”**ги қонундир. Мазкур қонун XI чақириқ Олий Советнинг VII сессиясида 1987 йилнинг 30 июнида қабул қилиниб, 1988 йил 1 январдан кучга киритилиб, кўп масала-ларни янги тартибда ҳал қилди. Масалан, меҳнат жамоаларининг барча масалаларда ваколатлари кенгайтирилди. Корхонада хўжалик ҳисобини мустаҳкамлади. У 3 бўлим, 25-моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлими халқ хўжалигининг асосий бўғини сифатида корхона (бирлашма)нинг ҳуқуқ ва бурчлари, иккинчи бўлими корхона (бирлашма)ни бошқариш ва меҳнат коллективлари тўғриси-даги қоидалардан иборат эди. **“Кооперация тўғрисида”**ги қонун СССР Олий Советининг 1986 йилнинг 26 май қарори билан тасдиқланиб, 1 июлдан бошлаб кучга киритилган.

Қонун беш бўлим, 58-моддани ўз ичига олиб, ундан кооперация ва унинг мамлакат иқтисодида тутган ўрни, кооперативни мамлакат кооперация тизимида хўжалик механизмининг иқтисодий асослари, давлат ва кооперациянинг ўзаро муносабатлари, уларнинг айрим турлари ва хусусиятлари каби масалаларни ўз ичига олади. қонунга кўра, кооперация фойдали фаолиятнинг мутассил ривожланиб борадиган илғор шакли эканлиги кўрсатилган. У фуқароларга ўз кучлари ва билимларини, истеъдодлари ва истакларини ҳамда ҳар бирининг қобилиятига мувофиқ унумли меҳнатга сарфлаш ва уларнинг меҳнатига қараб ҳақ олишида имкониятлар очиб бериши тўғрисида гапирилган.

Янги қонунчилик Совет давлати ва ҳуқуқи тарихида биринчи марта конституциявий назорат қўмитасини тузишни мустаҳкамлади, яъни конституциявий назоратни вужудга келтирди. Бу органнинг ташкил қилиниши ва фаолияти махсус акт - Конституциявий назорат тўғрисидаги 1989 йил 23 декабро қонуни билан тартибга солинди. Ана шундай қонунлардан яна бири, ЎзССРнинг ижара тўғрисидаги Низомидир. Мазкур Низом Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиумининг 1989 йилнинг 29 декабридаги Фармони билан тасдиқланган ва 1990 йил 1 январда кучга киритилди. Низом икки бўлимга бўлинган 33 моддадан иборат бўлиб, унда ижара билан боғлиқ умумий масалалар, ички ижара, пудрат масалалари ва бошқалар ҳуқуқий тартибга солинган. Жумладан, қонунга кўра ижара-шартнома асосида ер, бошқа табиий ресурслар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа мулкларни шунингдек, хўжалик фаолияти ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш мақсадида топширишдир.

Суд ислохотига кўра, бир неча қонунлар қабул қилинди. Буларга «СССР Иттифоқи ва Иттифокдош республикаларнинг суд тузилиши асослари» тўғрисидаги 1989 йил 13 ноябр қонуни, “Судьяларнинг мақоми тўғрисида»ги 1989 йилнинг 4 августдаги қонуни, “Судга хур-матсизлик ҳақида»ги 1989 йилнинг 2 ноябрдаги қонунларини кўрса-тиш мумкин. Асосларга биноан, суд тузилишига қуйидаги янгиликлар киритилган:

1 Район (шаҳар) халқ судлари (халқ судьялари), ана шу судлар ҳузуридаги маъмурий суддарни тузиш ва улар зиммасига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг юклатилиши.

2. қонунда ўлим жазоси берилиши ёки 10 йилдан ошiq муддатга озодликдан маҳрум қилиши назарда тутилган ишларни кечгайтирилган маслаҳатчилар коллегияси суди томонидан ҳал этилиши.

3. Гумон қилинган айбланувчи ва судланувчи шахс ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги, уларнинг бу ҳуқуқи ушланган ёки қамоққа олинган ёки айбнома топширилган пайтдан бошлаб вужудга келиши.

4. Судьяларни 10 йил муддатга юқори, халқ депутатлари советлари томонидан сайланишлари.

5. Айбсизлик презумпцияларининг мустаҳкамлаб қўйилиши.

80-йиллар ўрталарида Ўзбекистоннинг хўжалик ташкилотларида очилиб, тергов ва суд қилинган марказий матбуот эса, «ўзбеклар иши», «аср жинояти» деб чўқинтирган «Пахта ишлари» ва унинг аарофидаги тухмат ҳамда ифвогарликлар собиқ СССР билан бирга тарих мулкига айланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига эришиши арафасидаёқ» собиқ шўролар суд, тергов органлари фаолиятидаги бу борадаги барча нуқсонлар фош этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Плену-ми, ҳукуматимиз раҳбарларининг ташаббуси билан ушбу ишларни ўрганиб чиқиб, 1990 йилнинг 20 июлида «Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-тарож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида» номли №4 сонли қарор қабул қилиб, унга биноан бу каби жиноятларнинг охирги зарурат сифатида содир этилганлигини, шунинг учун бу ҳаракатларда жиноят таркибининг йўқлигини исботлаб берди. 1991 йилнинг март ойигача процессуал қонунлар қўпол тарзда бузилиб, жавобгарликка тортилган 1207 раҳбар озод қилинди. Ноҳақ судланганлар оқланди, қонунсиз ишдан бўшатирилганлар ишга тикланди, сабр-тоқатли, содда, меҳнат-каш, ишонувчан ўзбек халқининг номи ҳам Т.Гдлян ва Ивановларнинг тергов гуруҳи мудҳиш айбномаларидан озод бўлди.

Шу йилларда СССРда яшаётган яширин иқтисодиёт (пора олиш, бериш, хўжалик жиноятлари ва бошқалар) кўрсатилганидек. 140 миллион сўм эмас, 100 миллиард сўмдан ошiq эканлиги, СССР Бош Прокурори нутқида тан олинган эди.

Бу нарса Марказий ҳукуматга мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимидаги камчиликларни бўяб кўрсатиш, бунга иттифоқчи республикалар айбдор, «Мана биз жиноятчиликка қарши курашаяпмиз, тартибга олаяпмиз», деган фикрни туғдириб, жамоатчилик фикрини чалғитиш, Гдлян кабилар учун эса, ўзининг касбий маҳорати атрофида шов-шув кўтариш ва хизмат поғонасининг юқори босқичига қадам ташлаш учун керак эди.

Шунинг учун ҳам, В.Илюхиннинг китобида кўрсатилганидек, Гдлян ва Иванов каби шахсларни тергов процессида йўл қўйган қонунбузарликлари оддий хатолар эмас, процессуал бандитизм», босқинчиликдан иборатдир. Аммо

ўтказилган ислохотлар, кўрилган тадбирлар, қабул қилинган катта-кичик қонунлар ҳам, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган собиқ советлар давлатини сақлаб қола олмади. Ушбу ўзгаришлар бошқа иттифокчи республикалар қатори, Ўзбекистонга ҳам жорий этилган бўлса-да, улар самара бермади. Чунки, нураб бораётган давлатни бу чоралар билан олиб қолиш мумкин бўлмай қолди. Воқеаларнинг ҳал қилиш нуқтаси бўлиб 1991 йилнинг 17-24 августдаги воқеалари бўлди.

Назорат учун саволлар

1. Хоразм республикасининг жамият сиёсий-тузилиши қандай эди?
2. ХХСР Конституциясининг қабул қилиниши ва Конституцияда сиёсий-ижтимоий тузум ҳақида нималарни биласиз?
3. Бухоро республикасидаги мураккаб сиёсий вазият нималарда намоён бўлган?
4. БХСР Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг мазмун моҳиятини тушунтиринг.
5. ХХСР ва БХСР Конституцияларидаги фарқлар.
6. ХХСР ва БХСРнинг олий ва ижро этувчи ҳокимият идораларини қиёсий таҳлил этинг.
7. 1927 йилдаги ЎзССРнинг Конституциясининг асосий тамойиллари (принциплари) нималардан иборат?
8. 1937 йилги Конституция қабул қилингандан кейинги Ўзбекистон қонунчилигида қандай ўзгаришлар рўй берди?

Адабиётлар:

1. Конституция (основной закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. Самарқанд издание юридического издательства СНК ЎзССР. 1927
2. История государства и права Узбекистана в 3-х томах. Том. 1. Т.Фан. 1960 й.
3. История государства и права Узбекистана в 3-х томах. Том. 2-3. Т.Фан. 1963 г., 1968 г.
4. Аъзамхўжаев А.А. ЎзССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши. Т.Ўзбекистон. 1960 й.
5. Конституционное развитие Узбекской ССР Т., 1986 й
6. Саидов А.Х, Ж.Тошқулов Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, Т., ИИВ Академик 1995 й.
7. Р.Қаюмов. Ўзбекистон Конституциявий ҳуқуқи Т., Адолат., 1999 й.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи Т., Шарх. 2000 й. 2-том.
9. З.Муқимов Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Самарқанд СамДУ нашриёти. 2004 й.
10. М.Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи".Ўқув қўлланма.Т-2005.

МУНДАРИЖА

Муққадима.....	3
Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини тарихий-ҳуқуқий фан сифатида	5
қадимги Турон давлати ва ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши	12
Кушон давлати	17
«Авесто» -буюк тарихий ҳуқуқий манба	25
Ўрта асрларда Мовароуннаҳр давлати ва ҳуқуқи (XIII асргача).....	34
Сомонийлар давлати ва ҳуқуқи (874-999)	41
Ҳазнавийлар давлати ва ҳуқуқ.....	51
Салжуқийлар давлати ва ҳуқуқи. (1040-1160).....	53
қорахонийлар давлати ва ҳуқуқи	57
Хоразмшоҳлар давлати ва ҳуқуқи. (XI-XIII асрлар)	61
Муғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр давлати ва ҳуқуқи.....	70
Мусулмон ҳуқуқ.....	76
Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-ҳидоя” асарида суд далиллари ва судлов ҳақида	79
Оила-никоҳ муносабатлари	72
Темур ва темурийлар салтанати давлати ва ҳуқуқи.....	97
Темурийлар давлатининг бошқарув тизими.....	100
“Темур Тузуклари” – тарихий ҳуқуқий манба	108
Мовароуннаҳр ва Ҳуросон ҳудудида шайбонийлар династияси ҳукмронлиги даврида давлат ва ҳуқуқ.....	117
Хонликларнинг ташкил топиши	125
Янги даврда Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ	145
Чор Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистон давлати ва ҳуқуқи	145
Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимиятини ўрнатилиши.....	160
Ўзбекистоннинг 1920-1980 йиллардаги давлати ва ҳуқуқи.....	170

Махбуба ХАМИДОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ
ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: М.Боллиева.

Техник муҳаррир: А.Боймаматов.

Компьютерда саҳифаловчи: Б. Юлдашев.

Босишга рухсат этилди: 01.03.04. ҳажми: 12,3 б.т

Адади: 500. Буюртма: №

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.